# “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги Халқаро конференция

# ТЎПЛАМИ

# ЖАҲОН ТУРКОЛОГИЯСИНИНГ БУЮК ОБИДАСИ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ТЎПЛАМИ**

**ТОШКЕНТ –2020**

**Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари.** Халқаро конференция тўплами.– Тошкент, 2020. – 284 б.

Ушбу илмий тўпламга 2020 йил 27−28 ноябрь кунлари Тошкент давлат шарқшунослик университетида “Қутадғу билиг”нинг 950 йиллигига атаб ўтказилган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги Халқаро конференция материаллари жамланди.

*Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4 йиғини қарори билан нашрга тавсия этилган.*

**Масъул муҳаррир:**
филология фанлари доктори, профессор **Қ.Омонов**

**Тақризчилар:**
филология фанлари доктори, профессор **Қ.Содиқов**
филология фанлари доктори, профессор **Б.Тўхлиев**

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2020 йил.

# СЎЗБОШИ

Шарқ адабиётининг тенгсизёзма обидаси "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асарининг яратилганига 950 йил тўлди. Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб асарни ҳижрий 462 (мелодий1069/1070) йили ёзиб тугаллаган. Китоб ўн уч минг мисрадан ортиқроқ бўлиб, маснавийда ёзилган.

"Қутадғу билиг" – ота-боболаримизнинг тугал эр (комил инсон) ҳақидаги қарашлари, давлат ва жамият бошқаруви, билим ўрганишнинг аҳамияти, ахлоқ ва одоб масалалари, фалсафий қарашлари, ўғил-қиз тарбияси, кишининг ички маънавий олами, унинг фазилатлари тўғрисидаги кузатувларини ўзида жамлаган ноёб асар. У қадимги туркий ёзма адабиётининг бебаҳо ёдгорлигидир. Ўрта асрларда унинг таъсирида туркий адабиётдагина эмас, бутун мусулмон шарқ адабиётида кўплаб асарлар яратилган.

"Қутадғу билиг" дунё олимларининг доимий эътиборида бўлиб, ўзбек, турк, рус, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, туркман, уйғур, инглиз, немис тилларида илмий таржималари ва тадқиқотлари нашр этилган. 2019 йилни ЮНЕСКО томонидан "Халқаро "Қутадғу билиг йили" деб эълон қилинди.

Асар бўйича Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда мазкур конференцияни биргаликда ташкиллаштирган ҳамкор университетлар – Истанбул, Анқара, Мармара, Хажеттепе, Будапешт, Боку, Жанубий Қозоғистон, Бишкек, Санкт-Петербург, Қозон ҳамда ТУРКСОЙ ташкилоти туркологлари ҳам жиддий ишларни амалга ошириб, туркология соҳасида йирик илмий марказларга айланган.

Шу муносабат билан 2020 йилнинг 27–28 ноябрь кунлари Тошкент давлат шарқшунослик университетида ушбу буюк ёзма ёдгорликнинг 950 йиллиги муносабати билан"Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси "Қутадғу билиг" ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Бу тадбир дунё олимларининг "Қутадғу билиг" асарини жаҳоншумул аҳамияти, унинг манбашунослик ва матншунослик тадқиқи, асар поэтикаси, тил ва услуб хусусиятлари, Юсуф Хос Ҳожиб мероси ва шарқ цивилизацияси, асар ғояси ҳамда шарқ фалсафий фикрлар тараққиёти, мумтоз меросни ўрганувчи мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаш масалалари ҳамда адиб асарларини ўрганишда дунё шарқшунослиги олдида турган долзарб вазифаларни амалга оширади ва тадқиқотларни чуқурлаштиради.

Буларнинг бари Турк Кенгаши мамлакатлари, Россия Федерацияси университетларидаги туркология илмининг интеграциясига хизмат қилиши шубҳасиз.

***Уюштирувчи қўмита***

## УЮШТИРУВЧИ ҚЎМИТАНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚУТЛОВИ

***Конференциямизнинг ҳурматли қатнашчилари, муҳтарам илм кишилари!***

“Қутадғу билиг” – буюк мафкуравий, фалсафий асар. Боболаримизнинг юзйилликлар оша бизга қолдирган олам ва жамият ҳақидаги қарашлари бадиий маржонга тизилган китоб. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг илғор инсонпарварлик қарашлари, давлат ва жамият бошқаруви, юртнинг ривожи, давлатдаги турли мансаб эгаларининг бурчи, уларга қўйиладиган талаблар, билим ва заковатнинг қадри, ҳалоллик, кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, оқибат, одоб, таълим-тарбия тўғрисидаги ўй-фикрларини асар қаҳрамонларининг тилидан мунозара-тортишувлари асосида ёритиб беради.

“Қутадғу билиг” асари ўрта асрларда турк дунёсидагина эмас, бутун Шарқ адабиётида шоҳ китоб сифатида довруғ қозонди. Шу боис ҳам асар бир неча авлод туркологлар томонидан мунтазам равишда ўрганилиб, тадқиқ этиб келинмоқда. Чунончи, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилаётган Халқаро конференция ҳам асарни ўрганиш бўйича муҳим илмий минбар сифатида ўз ўрнига эга бўлади.

Халқаро конференция ишига ҳамда мазкур конференцияни биргаликда ташкиллаштирган ҳамкор университетлар жамоасига улкан муваффақиятлар тилайман. Конференцияда муҳокама этиладиган масалалар дунё туркологияси олдида турган муҳим муаммоларни ечишга ва соҳа бўйича янги мутахассислар авлодини тарбиялашда муҳим босқич бўлиб хизмат қилишга ишонаман.

***Гулчеҳра Рихсиева,***
*Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори*

***Ҳурматли қатнашчилар!***

Сизни жаҳон туркологиясинингулуғ ва бебаҳо ёзма обидаларидан бири бўлмиш “Қутадғу билиг” асарини тадқиқ этишнинг замонавий муаммолари соҳасидаги мазкур илмий анжуманда Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) ва шахсан ўзимнинг номимдан чин дилдан қутлайман ва шу анжуман ишида иштирок этаётганимдан бағоят чуқур қониқиш ҳиссини сезмоқдаман.

Туркий дунёдаги умумий нодир бойлик ҳисобланган ва 950 йил давомида ўз долзарблигини сақлаб қолган “Қутадғу билиг” асарига бағишланган мазкур тадбир давомида муваффақиятли ва самарали иш, янги кашфиётлар амалга ошишини тилайман.

Маълумки, ТУРКСОЙ Юсуф Хос Ҳожиб таваллудининг минг йиллиги муносабати билан 2016 йилни – Юсуф Хос Ҳожиб йили, деб эълон қилди ва туркий дунёнинг бу йирик мутаффакирини оммалаштиришга қаратилган бир қатор кўламли тадбирларни ўтказди. ТУРКСОЙ доирасида биз ишларни турк тамаддунида ёрқин из қолдирган буюк шахсларнинг ижодий ва илмий меросини оммалаштириш қанчалик муҳимлигини англаган ҳолда амалга оширамиз. “Қутадғу билиг” каби беназир асар деярли минг йил аввал туркий мутаффакир томонидан яратилгани ана шу қадим даврда туркий миллат эришган тамаддун даражасининг намойиши нуқтаи-назаридан ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Ҳурматли қатнашчилар!

“Инсоннинг ҳусни – чеҳраси, чеҳранинг безаги – кўзлар, ақлнинг безаги – тил, тилнинг безаги – сўз!”, “Жаҳонни эгаллаган киши – буни билим ила бажаради, халқни бошқарувчи эса буни онг билан амалга оширади”, “Эй олийҳиммат инсон!

Инсонийликдан юз ўгирма! Доимо инсониятга инсопарварлик ила муносабатда бўл", "Ишни виждонан бажар, бунда барча куч ва харакатингни сарф эт! Ҳеч қачон зулм қилма! Аллоҳнинг хизматида бўл ва унинг остонасига бош ур!" маъносидаги қимматли сўзларни инсониятга мерос қилиб қолдирган ва инсонларга бахтли бўлишни ўргатган Юсуф Хос Ҳожиб ҳаёт фаолиятимизнинг барча жабҳаларида бизга йўлчи юлдуз бўлсин!

Мазкур Халқаро анжуманни ташкил этган барча инсонларга миннатдорчилик изҳор қилиб, Тошкент давлат шарқшунослик университети билан самарали ҳамкорликни давом этишига умид билдираман.

***Дюсен Касеинов,***
*ТУРКСОЙ Бош котиби*

***Ҳурматли касбдошлар!***

Сизни "Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси "Қутадғу билиг" ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги халқаро илмий конференцияда қутлашдан хурсандман.

Биринчи навбатда, конференция ташкилотчиларига миннатдорлик билдиришни истар эдим, улар ҳозирги шарт-шароитлар ва қийинчиликларга қарамай, бизни бирлаштиришга ҳамда маданият ва маънавият масалалари *кеча, бугун ва эртага* ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолаверишини яна бир бор исботлашга муваффақ бўлди.

Конференция 950 йил муқаддам буюк аллома Юсуф Балосоғуний томонидан яратилган, айни пайтда ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган, авлодлардан авлодларга билим ва фан, аҳлоқ ва тарбия ҳақидаги чуқур мулоҳазаларни етказиб келаётган туркий маданиятнинг улкан ёдгорлиги "Қутадғу билиг" асарига бағишланган.

2019 йил ЮНЕСКО томонидан "Қутадғу билиг" – "Саодатга элтувчи билим" йили деб эълон қилинганлигидан ниҳоятда фахрланамиз. Бизнинг вазифамиз – жаҳон меросини асраб-авайлашдан ташқари, аждодларимиз томонидан яратилган ушбу ёдгорликлар асосида юксак аҳлоқ соҳиби бўлган ҳамда янги билимларга эришишга интилаётган рақобатбардош мутахассисларнинг авлодларини тарбиялашдан иборат.

Ишончим комилки, бугун конструктив мулоқотга йўл очилади, унинг ёрдамида биз жаҳон туркологияси бебаҳо ёдгорлигининг янги қирраларини кашф этамиз, ушбу асарнинг ғоялари ва мазмунини янада чуқурроқ англаймиз ҳамда бу билимларни мамлакат ва дунё келажаги бўлган ўсиб келаётган авлодга тўла ва тўғри етказа оламиз!

***Дария Кожамжарова,***
*М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон*
*университети ректори*

***Азиз дўстлар, хурматли касбдошлар!***

Истанбул университети жамоаси номидан сизни чин дилдан қутлайман ва ўзимнинг энг эзгу тилакларимни тилайман.

Туркий мусулмон олими, фан, маданият ва тиллар хилма хиллиги соҳасида кенг билимга эга бўлган балосоғунлик Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилган «Қутадғу билиг» асари туркий ислом адабиётининг дастлабки асрларидан бири ҳисобланади. Бу нодир асар ўз вақтидан ўзиб кетган ва ҳозирги пайтгача ҳам жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётини ёритади ва унга ўз ҳиссасини қўшади. Унда бугунги кунда ҳам академик тадқиқотга муҳтож бўлган кўп жиҳатлар бор.

Туркия билан Туркий тилли мамлакатлар ўртасида самарали алоқаларни ўрнатиш мақсадида минтақа университетлари билан академик ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши бизнинг устуворликларимиздан биридир. Биз туркий маданий меросни бирлаштирувчи

ва уни замонавий нуқтаи назардан тадқиқ қилувчи қўшма тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни ўз вазифамиз деб биламиз.

Ишончимиз комилки, Тошкент давлат шарқшунослик университети томонидан ташкил қилинаётган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро илмий конференция ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлайди ва келгуси умумий ишлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

***Махмут Ак,***

*Истанбулуниверситети ректори*

***Ҳурматли касбдошлар!***

“Қутадғу билиг” – туркий халқлар исломни қабул қилганларидан сўнг яратилган илк адабий асар ҳисобланади. Туркий ёзма адабиётининг бебаҳо асарларидан бири бўлган Қутадғу билиг асари буюк мутаффакир Юсуф Хос Ҳожиб томонидан 462 йилда ёзиб тугалланган (григориан календари бўйича: 1069/1070). “Қутадғу билиг” туркий қорахонийлар тилида “Саодатга элтувчи билим” деган маънони англатади. Қутадғу билиг – нафақат адабий асар, балки у сиёсий қомус ҳамдир. У давлатни қандай бошқариш кераклиги масаласига қаратилган. Қутадғу билиг туркий халқлар давлат бошқарувини жуда чуқур англаш ва давлатни оқилона ва яхши бошқариш саодат манбаси эканлигига ишонч ҳосил қилганликларини кўрсатади. Шубҳасиз, олимларнинг шундай буюк асар тўғрисида бирор янгилик айтишлари учун ҳар доим сабаб топилади. Бу масалада ЮНЕСКО томонидан Халқаро “Қутадғу билиг” йили сифатида белгиланган 2019 йил жуда аҳамиятлидир.

Тошкент давлат шарқшунослик университети томонидан 27–28 ноябрь кунлари ташкилий қўмита аъзоси сифатида Мармара университети иштирокида ташкил этиладиган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро илмий симпозиум янги ғоялар яратилишига кўмак беради. Шунинг учун мен туркий дунёда ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамловчи бу муҳим симпозиумга ўзимнинг энг яхши тилакларимни билдираман ва катта муваффақиятлар тилайман. Мармара университети ва шахсан ўзимнинг номимдан анжуманни ташкил этиш, ўтказиш ишларига ҳисса қўшган инсонларга ва унинг иштирокчиларига миннатдорчилик билдираман.

***ЭрўлЎзвар,***

*Мармара университети ректори*

***Ҳурматли касбдошлар!***

«Қутадғу билиг» туркий тил ва унинг адабиёти, шунингдек маданиятининг илк нодир асари бўлиб, Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ёзилган. Асар Баласағунда, Қашқарда якунланган бўлиб, Қорахонийлар ҳоқони Сулаймон Арслон хоқоннинг ўғли Тавғач улуғ Буғра хонга совға қилинган. «Қутадғу билиг» асарининг мақсади инсонга ҳар икки дунё саодатига эришиш йўлини кўрсатишдан иборат. Ушбу фалсафий тадқиқотда одоб-аҳлоққа ўргатиш бўйича маслаҳатлар берилиши билан бир қаторда инсон ҳаётининг мазмуни таҳлил қилинади, унинг жамият ва давлатдаги ўрни ва аҳамияти белгиланади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Анқара университети томонидан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинаётган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро илмий конференция 2020 йилнинг 27-28 ноябрида бўлиб ўтади. Ушбу анжуман олимларга фикр-мулоҳазалар, ғоялар билан алмашиш имконини беради, жаҳон туркологиясининг маданий мероси бўлган умри боқий асарни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга хизмат қилади.

Конференциянинг муваффақиятли ўтишини тилайман, фикримча, ушбу анжуман университетларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Ўз номимдан ва Анқара университети номидан бундай нуфузли конференцияни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

***Хижаби Кирланғич,***
*Анқара университети илмий ва*
*маъмурий ишлар бўйича проректори*

***Азиз дўстлар ва ҳурматли касбдошлар!***

Боку давлат университети жамоаси номидан сизни чин дилдан қутлайман ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Энг аввало, шунга эътиборни қаратишни истар эдимки, мазкур анжуман Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарига бағишланган, у нафақат туркий дунё, балки бутун инсоният учун муҳим аҳамиятга эга. 950 йил муқаддам яратилган омад ва бахт олиб келувчи донишмандлик тўғрисидаги ушбу китобда шундай дейилади: "Мамлакатлар қилич билан забт этилади, аммо қалам билан ушлаб турилади". Давлатни мустаҳкамлаш ва қудратини оширишда фан ва таълимнинг аҳамияти катта эканлиги таъкидланиб, ушбу фикр бутун достоннинг мазмунини ифодалайди.

Мазкур ёзма ёдгорликни илмий жиҳатдан, турли нуқтаи назардан - тарих, лингвистика, этика, фалсафа ва бошқа соҳалар нуқтаи назаридан ўрганиш фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Асар яратилган даврдан бизни асрлар ажратиб турган бўлса-да, у ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган, тарихий қиймати эса ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, туркий тилдаги илк ёзма ёдгорлик - "Қутадғу билиг" асарининг юбилейи муносабати билан бўлиб ўтаётган учрашувимиз бизларни ўзаро яқинлаштириш, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш учун ажойиб имкониятдир. Ишончим комилки, ушбу конференция университетларимиз ўртасида, шунингдек мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш йўлидаги дастлабки муҳим қадамлардан бири бўлади.

Анжуман ташкилотчиларига, Тошкент давлат шарқшунослик университети раҳбариятига ва барча иштирокчиларга биргаликда самарали иш олиб бориш, мақсадли ҳамкорлик қилиш ва муваффақиятлар тилайман!

***Шахин Панахов,***
*Боку давлат университети халқаро*
*алоқалар бўйича проректори*

***Ҳурматли касбдошлар!***

Тошкент давлат шарқшунослик университетида умри боқий асар "Қутадғу билиг"ни ҳар томонлама ўрганишга бағишланган халқаро илмий конференция очилиши муносабати билан сизларни қутлайман.

Юсуф Баласағуний – ўрта асрларда яшаб, ижод қилган буюк мутафаккир, шоир ва олим. Туркий тилдаги илк илмий асар "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асарини яратгани учун унга ҳаётлиги даврида "Хос Ҳожиб" мақоми берилган. Мутафаккирнинг асари адолатли равишда ёзма адабиёт дурдонасига ҳамда педагогика ва инсонпарварлик ибтидоларини бирлаштирган ёдгорликка айланди.

Бишкек давлат университети билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган халқаро конференция "Қутадғу билиг" асарининг аҳамиятини ўрганиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади ҳамда Туркий Кенгаш ва Россия академик ҳамжамиятини интеграциялашга йўналтирилган.

Умид қиламизки, ушбу конференция олимларимиз ва педагогларимиз ўртасидаги илмий ҳамкорликни чуқурлаштиришга кўмаклашади. Конференция ишига муваффақият ва қўйилган мақсадларга эришишни тилайман!

***Гульнара Мурзахмедова,***
*К.Карасаев номидаги Бишкек давлат университети*
*илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори*

***Ҳурматли касбдошлар!***

Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг “Қутадғу билиг” асари шак-шубҳасиз туркийзабон дунёдаги маданиятлараро ва динлараро ҳамкорликда катта аҳамиятга эга бўлган Шарқ адабиётининг беназир намунаси ҳисобланади. Мумтоз туркий тилдаги шеъриятнинг деярли беш минг йиллик тарихи Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асаридан бошланади. Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи шундай ёзган эди: “Донишмандлар қўлида кўплаб араб ва форс китоблари бўлган, аммо бу туркийлар илк бора ўз тилини эшитган китобдир”.

Тошкент давлат шарқшунослик университетида Шарқ адабиётининг беназир ва тенги йўқ намунаси яратилганининг 950 йиллигига бағишланган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши туркий дунё учун ҳам, дунёдаги тадқиқотчилар учун ҳам улкан ва беқиёс аҳамиятга эга бўлади. Шарқ адабиёти донишмандлиги ўнлаб йиллар давомида олимларнинг ҳайрати ва қизиқишига сабаб бўлиб келмоқда. Кўплаб монографиялар ва илмий ишлар Юсуф Хос Ҳожибнинг туркий тилдаги дурдонасини ўрганишга бағишланган ва ҳозирги кунга қадар бу тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти сақланиб келмоқда.

Ушбу анжуманда Қозон федерал университетининг ҳамташкилотчи сифатидаги иштироки биз учун беқиёс аҳамиятга эга. Қозон университети икки асрдан буён Россия шарқшунослиги ва туркология фанининг бешиги бўлиб келмоқда. Шу йиллар давомида Қозон университетида олимлар Шарқ адабиёти, тамаддуни, миллий тарихи ва маънавияти, буюк Шарқ арбоблари ва донишмандларини ўрганиш устида иш олиб бормоқда.

Биз тақдим этилган имконият учун Тошкент давлат шарқшунослик университетига миннатдорчилик билдирамиз ва анжуманнинг биргаликдаги самарали фаолиятига тилакдошмиз.

***ТимирханАлишев,***
*Қозон федерал университети халқаро*
*ҳамкорлик ишлари бўйича проректори*

***Ҳурматли касбдошлар!***

Эрамизнинг 1000- йилларида туркий тилли халқлар кўпчиликни ташкил этган ҳудудларда бошқарув тамойиллари ва фалсафаси трансформацияга учраб, ёзма матнларда ифодалана бошланган эди. “Қутадғу билиг” – бунинг яққол далилидир.

“Қутадғу билиг” туркий оламнинг маданий меросларидан бири бўлиб, Қорахонийлар даврида яратилган. У балосоғунлик Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ёзилган сиёсий асар. Мутафаккир ўз асарини 1069-1070 йилларда якунлаб, уни ўша давр хони Тавгач Улуғ Бугра Хонга тортиқ қилган. Юсуф Хос Хожибнинг ушбу қимматли асари Қорахонийлар тили ва адабиётига асосланиш билан бирга, унинг тарихи, санъат тарихи, социология, сиёсатшунослик ва халқаро алоқалар истиқболларини ёритувчи ажойиб маълумотларга эга. 6645 банддан иборат ушбу улкан

асари учун юксак баҳога сазовор бўлган ва хон томонидан унга Хос Ҳожиб мавқеи берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг мутафаккири ва ёзувчиси бўлиб, ушбу асарни зарур фалсафий тушунчаларни ҳамда икки олам саодатига эришиш амалиётини тушунтириш учун яратган. У сиёсатшунослик бўйича қўлланма ёзган, ва унда фалсафа ва амалий билим синтез қилинган, у шахс ва фуқаро ўз фикри, тўғри ёндашуви ва хатти-ҳаракатлари билан адолатли бошқарув йўлини кўрсатадиган таълимотни яратган.

"Қутадғу билиг" асарида ўзликни ифодалашнинг самарали усули таърифланади ва ҳукмдор эга бўлишига лозим бўлган сифатлар кўрсатилади, давлат бошқарувида ақл-идрок ва илмий ёндашувнинг, суверенитет, адолатни талаб қилиш муҳимлиги кўрсатилади. Юсуф Хос Ҳожиб қарама-қаршиликка асосланган, яъни "қандай бўлиш керак" ва "қандай бўлмаслиги керак" кўрсатилган асарни яратган. Ҳожиб ўзининг фалсафий фикр ва қадриятларни мужассамлаштирган мажозий иборалари билан сиёсий билимлар китобини яратди. Ушбу асар минг йиллар ўтганидан кейин ҳам туркий дунёнинг илмий тадқиқотларига манба бўлиб хизмат қилмоқда.

"Қутадғу билиг" яратилганлигининг 950-йиллиги муносабати билан 2020 йилнинг 27–28 ноябрида бўлиб ўтадиган халқаро симпозиумнинг ташкил қилиниши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбир Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва ижодининг турли жиҳатларини муҳокама қилиш имконини беради.

***Юнус Кўч,***

*Хажеттепе университети туркология институти директори*

***Ҳурматли касбдошлар, ҳурматли конференция қатнашчилари!***

Жаҳон адабиётининг буюк намунаси, XI аср туркий шеъриятининг энг қадимий ва ягона ёдгорлиги бўлмиш "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") достони яратилганининг 950-йиллигига бағишланган мазкур анжуман 2020 йилнинг энг муҳим воқеаларидан бири ҳисобланади.

"Қутадғу билиг" достони нафақат дунё адабиёти дурдоналари қаторидан жой олган, балки шу кунларда ҳам бутун дунёдаги инсонларни бирлаштираётган асарлардандир. Достон саҳифаларида баён этилган инсонпарварлик ғоялари бизнинг даврда ҳам ўзининг ўта долзарблигини йўқотмаган, асар матнига жорий қилинган ғояларнинг аҳлоқий ва тарбиявий аҳамияти эса бу адабий ёдгорликка замонавий руҳ бағишлайди.

Бу бебаҳо мероснинг рус тилидаги ягона ва энг яхши шеърий таржимаси Санкт-Петербург (Ленинград) давлат университетида, университетнинг туркий филология кафедрасига 1972 йилдан 1988 йилгача раҳбарлик қилган олим, профессор Сергей Николаевич Иванов томонидан амалга оширилгани бизга фахр туйғусини бағишлайди.

Россия ва Ўзбекистон – азал-азалдан қўшни, дўст ва ҳамкордир. Мамлакатларимизни кўп асрлик тарих бирлаштириб туради. Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путиннинг таърифига кўра, Ўзбекистон Россиянинг азалий ва муҳим ҳамкори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатларимизнинг маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиги стратегик характерга эга. Бу маънода Санкт-Петербург давлат университети Тошкент давлат шарқшунослик университетининг ҳамкори сифатида иштирок этаётган ушбу халқаро конференция ўзига хос аҳамиятга эга ва шубҳасиз, дўстлигимиз ва самарали ҳамкорлигимиз уфқини кенгайтиради.

Анжуманнинг барча ташкилотчилари ва иштирокчиларига муваффақият, ижодий руҳ ва муҳим илмий кашфиётлар тилайман!

***Аполлинария Аврутина,***
*Санкт-Петербург давлат университети замонавий Туркия ва Россия-Туркия муносабатлари тадқиқотлари маркази директори*

***Ҳурматликасбдошлар!***

Дьёрдя Хазаи Шарқий фонди томонидан 2020 йилнинг сентябрь ойида ўтказилган, Этвош Лоранд номидаги Будапешт университетида дунёдаги биринчи туркология кафедраси ташкил қилинганлигининг 150йиллигига бағишланган онлайн конференцияда иштирокчилар туркологиянинг келажагини муҳокама қилди. Музокараларда иштирок этган олимлар шундай хулосага келдики, фақат илмий ҳамкорлик туфайли порлоқ келажакка эришиш мумкин.

Тошкент давлат шарқшунослик университети томонидан Этвош Лоранд университети билан ҳамкорликда “Қутадғу билиг” асарини ўрганишга бағишланган конференция илмий муҳокамаларга ва келажакда ҳамкорликка йўл очадиган воқеа ҳисобланади. Конференция мавзуси фавқулодда муҳим аҳамиятга эга, зеро Юсуф Хос Ҳожиб томонидан 1069 йилда яратилган “Қутадғу билиг” асари туркий халқларнинг умумий мероси ва кўплаб туркий адабий анъаналарнинг бир қисми ҳисобланади. Шу тарзда, ушбу асар бутун туркий оламда тадқиқотлар учун ҳамон долзарб аҳамиятга эга.

“Қутадғу билиг” – нафақат туркий тилда ёзилган биринчи исломий адабий матн, балки Қорахонийлар даври маданиятига оид маълумотлар хазинасидир. Мазмунининг бундай бойлиги ушбу асарнинг илмий ҳамкорлик учун асос бўла олишини таъминлайди. Туркологиянинг турли соҳаларида: лингвистика, адабиёт, маданиятшунослик тарихи соҳаларида меҳнат қилаётган олимлар мавзуни турли жиҳатларини тадқиқ қилади ва уларнинг кузатишлари конференцияда келтирилади.

Конференция бошқа олимларни ҳам келгуси ишларга, тадқиқотларга илҳомлантириши мумкин. Умид қиламизки, конференциядан кейин тадбир материаллари томи чоп этилади ва унда иштирокчиларнинг таҳрир қилинган мақолалари жамланади. Бу эса мавзуга қизиқувчи китобхонларнинг кенг даврасини қамраб олишга имкон беради.

***Бенедек Пери,***
*Этвош Лорандномидаги Будапештуниверситети шарқшунослик институти директори*

**Ташкилий қўмита раислари**

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Туркий кенгаши таркибига кирди. Бу мамлакатимизнинг Туркий кенгашидаги аъзо давлатлар билан барча соҳаларда, шу жумладан, илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш имконини берди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев туркий халқларни маънавий қадриятлар, ҳамкорлик ришталари ва тилларнинг ўхшашлиги боғлаб туришини таъкидлаган.

Туркий кенгаш давлатлари ва Россиянинг университетлари билан янада яқинлашиш ва ҳамкорлик қилиш мақсадида биз “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш ташаббусини илгари сурдик. Ҳамкасбларимиз ва ҳамкорларимиз ташаббусимизга жавоб бериб, ҳамкорликдаги анжуманни ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлади.

Туркий тиллар тарихини ўрганишда биринчи навбатда ўрта асрларнинг буюк мутаффакири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарига мурожаат қиламиз. Бу тилнинг тарихий қонуниятлари ва илдизларини англаш имконини беради. Ишонамизки, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказиладиган Халқаро конференция машҳур туркологлар ўртасида фикр алмашинуви, баҳс-мунозаралар минбари бўлади.

Биз анжуман ташкилий қўмитаси аъзолари, спикер ва модераторларга анжуманни қўллаб-қувватланганлари ва иштироклари учун ташаккур билдирамиз!

***Қудратулла Омонов,***
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*
*Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори*
***Элёр Маҳмудов,***
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*
*Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори*

# ПРЕДИСЛОВИЕ

Исполнилось 950 лет со дня создания бесценного и несравненного памятника восточной литературы, дастана «Кутадгу билиг» («Благодатное знание»). Великий мыслитель Юсуф Хас Хаджиб Баласагуни закончил это произведение в 462 году хижры (1069/1070 год). Произведение состоит из более чем 13 тысяч строф, написано в жанре маснави.

«Кутадгу билиг» – произведение, отражающее представления наших предков о совершенном человеке, вопросы о государственном и общественном управлении, о важности изучения наук, о нравственности и культуре, о воспитании детей, поведении и совершенствовании человека, а также философские взгляды того времени. Это произведение – бесценный памятник средневековой тюркской письменной литературы. Под его влиянием было создано много произведений не только в тюркской литературе, но и во всей мусульманской восточной литературе.

Произведение «Кутадгу билиг» всегда находится в центре внимания ученых всего мира. Оно было широко изучено востоковедами: изданы научные переводы произведения на немецкий, русский, английский, узбекский, турецкий, уйгурский, казахский, туркменский, азербаджанский, киргизский языки. Проведено много научных исследований данного произведения, на основе которых написано и издано большое количество монографий и статей. 2019 год был объявлен ЮНЕСКО международным годом «Кутадгу билиг» - годом «Благодатного знания».

По произведению тюркологи Ташкентского государственного университета востоковедения и партнёрских университетов, совместно организовавших данную конференцию – Стамбульский, Анкарский, Мармара, Хаджеттепе, Будапештский, Бакинский, Южно-Казахстанский, Бишкекский, Санкт-Петербургский, Казанский и Международная организация тюркской культуры TURKSOY провели серьезные научные исследования по труду «Кутадгу билиг», стали крупными научными центрами в области тюркологии.

27-28 ноября 2020 года в Ташкентском государственном университете востоковедения будет проведена Международная научно-практическая конференция «Кутадгу билиг – великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения», посвященная 950-летию этого великого памятника письменности. Проведение данной конференции позволит выявить актуальные задачи, стоящие перед учеными востоковедами, углубить исследования в изучении произведения «Кутадгу Билиг», с источниковедческой и текстологической точек зрения; глубже исследовать особенности поэтики, языка и стиля труда; вопросы соотношения наследия Юсуф Хас Хаджиба и восточной цивилизации, идеи произведения и развитие восточных философских идей; рассмотреть вопросы воспитания нового поколения специалистов по изучению классического наследия и решать актуальные задачи, стоящие перед востоковедами.

Несомненно, все это послужит интеграции тюркологической науки университетов Тюркского совета, Российской Федерации.

***Оргкомитет***

***Уважаемые коллеги, уважаемые участники конференции!***

“Кутадгу билиг” – выдающееся идеологическое и философское произведение. Книга, в которой словно жемчуг на нить, нанизаны оставленные в наследие потомкам взгляды наших предков на мир и общество. Юсуф Хас Хаджиб выражает в ней свои передовые гуманистические взгляды, мысли об управлении государством и обществом, развитии страны, обязанностях различных должностных лиц в государстве, требованиях к ним, идеи о ценности знаний и интеллекта, честности, взаимоуважении между людьми, поведении, образовании и воспитании языком героев в их дискуссиях.

В средние века произведение “Кутадгу билиг” прославилось не только в тюркском мире, но и во всей литературе Востока как шедевр литературы. Поэтому данное произведение систематически изучается несколькими поколениями тюркологов. Международная конференция, проводимая в Ташкентском государственном университете востоковедения, будет иметь важное значение в изучении данного произведения в качестве научной трибуны.

Желаю больших успехов международной конференции и университетам-партнёрам её соорганизаторам. Уверена, что обсуждаемые на конференции вопросы позволят решать актуальные проблемы, стоящие перед мировой тюркологией, и послужат важной ступенью в воспитании нового поколения специалистов.

***Гулчехра Рихсиева,***
*ректор Ташкентского государственного*
*университета востоковедения*

***Уважаемые участники!***

Сердечно приветствую вас от имени Международной организации тюркскойкультуры (ТЮРКСОЙ)иот себя лично на даннойнаучной конференции на тему: ««Кутадгу билиг» – великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения»,являющегося одним из величайших письменных памятников мировой тюркологии, от возможности участия в работе которой яиспытываю чувство глубокого удовлетворения.

Желаю, успешной и плодотворной работы, новых открытий в ходе настоящего мероприятия, посвященного произведению «Кутадгу Билиг», представляющей из себя общую ценность тюркского мира и сохраняющей свою актуальность в течение 950 лет.

Как известно, ТЮРКСОЙ объявил 2016 год– Годом Юсуфа Хас ХаджибаБаласагунипо случаю 1000-летия со дня его рождения и провелсерию масштабных мероприятий, направленныхна популяризацию этоговеликого тюркского мыслителя.В рамкахТЮРКСОЙ, мы выполняем свою работу с осознанием того, насколько важно популяризировать творческое и научное наследие выдающихсяличностей, оставившихсвойяркийслед в тюркскойцивилизации. Тот факт, что такой шедевр, как «Кутадгу Билиг», был создан тюркским мыслителем около тысячи лет назад, имеет большое значение с точки зрения демонстрации уровня цивилизации, достигнутого тюркским народом ужев тодалекоевремя.

Уважаемые участники!

Пусть Юсуф Хас Хаджиб Баласагуни, который завещал человечеству такие помыслы, как«Украшение человека - лицо, украшение лица - глаза, украшение ума - язык, украшение языка - слово».«Владеющий миром – осуществляет это со знанием, управляющий народом – делает это с осознанием», «Эй! Благородный человек!Не отказывайсяот человечности!Всегда относись к человечеству гуманно»,«Выполняйте работу честно,прилагай в этом усилия и старания!Никогда неугнетай!Служиаллаху ипадай ниц перед порогом его дверей!», и учил людей быть счастливыми, будет нашим путеводителем во всех сферах нашей жизнедеятельности.

Выражаю благодарность всем тем, благодаря кому состоялась данная Международная конференция, а также надежду на продолжение плодотворного взаимодействия с Ташкентским государственным университетом востоковедения.

***Дюсен Касеинов,***
*Генеральный секретарь ТЮРКСОЙ*

***Уважаемые коллеги!***

Рада приветствовать Вас на Международной научно-практической конференции «Кутадгу билиг» – великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения».

В-первую очередь, хочется поблагодарить организаторов конференции, которые, несмотря на сложившиеся условия и трудности современности, смогли нас всех объединить и еще раз доказать, что вопросы культуры и духовности являются чрезвычайно важными *вчера, сегодня* и *завтра.*

Конференция посвящена великому памятнику тюркской культуры «Кутадгу билиг», созданному 950 лет назад великим мыслителем Юсуфом Баласагуни, но при этом не потерявшем свою актуальность и передающем из поколения в поколения глубокие смыслы о знании и науке, морали и воспитании.

Мы очень горды, что 2019 год объявлен ЮНЕСКО международным годом «Кутадгу билиг» – годом «Благодатного знания». Наша задача – не только сохранить мировое наследие, но и на данных памятниках, созданных нашими предками, воспитать не одно поколение новых, конкурентоспособных специалистов, ценностями которых всегда будут оставаться высокая нравственность и стремление к постижению нового знания.

Уверена, что сегодня сложится конструктивный диалог, благодаря которому мы узнаем новые грани бесценного памятника мировой тюркологии, сможем более глубоко осмыслить идеи и содержание данного произведения и правильно передать их новому подрастающему поколению, в руках которого будущее страны и мира!

***Дария Кожамжарова,***
*ректор Южно-Казахстанского университета им. М.Ауэзова*

***Дорогие друзья, уважаемые коллеги!***

От имени коллектива Стамбульского университета сердечно приветствую вас и выражаю свои наилучшие пожелания.

«Кутадгу билиг», написанный Юсуф Хас Хаджибом из Баласагуна, тюркским интеллектуалом-мусульманином, обладавшим всесторонними знаниями в области науки, культуры и языкового разнообразия, является одним из первых произведений тюркской исламской литературы. Эта редкая работа, написанная с опережением своего времени и по сей день вносящяя вклад и проливая свет на социокультурную жизнь общества. В ней и сегодня имеется множество проблем, ждущих своего академического решения.

Укрепление академического сотрудничества с университетами региона, с целью установления плодотворных отношений между Турцией и Тюркоязычными странами является одним из наших приоритетов. Мы считаем нашей задачей поддерживать совместные исследования, объединяющие тюркское культурное наследие с современностью, и исследующее его с современной точки зрения.

Мы уверены, что Международная научно-практическая конференция «Кутадгу билиг - великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения»,

проводимая Ташкентским государственным университетом востоковедения, укрепит наши отношения и станет примером для будущих совместных работ.

***Махмут Ак,***
*ректор Стамбульского университета*

***Уважаемые коллеги!***

«Кутадгу Билиг» - первое литературное произведение, созданное после того, как турки стали мусульманами. Это одно из бесценных произведений тюркской письменной литературы, было завершено великим мыслителем Юсуфом Хас Хаджибом в 462 году (по григорианскому календарю: 1069/1070). Кутадгу билиг означает «Мудрость, приносящая удачу» на караханидском тюркском языке. Кутадгу Билиг - это не только литературное произведение, но и политический трактат. Работа сосредоточена на вопросе, как должно управляться государство. Кутадгу Билиг показывает, что тюрки имеют прекрасное видение государственного управления и обнаруживают, что справедливое и хорошее управление государством является источником счастья. Несомненно, у ученых всегда будет возможность сказать что-то новое по поводу столь важной работы. В этом отношении очень знаменательным является 2019 год, объявленный ЮНЕСКО Международным годом «Кутадгу билиг».

Международный симпозиум на тему: «Кутадгу билиг – великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения», который будет организован Ташкентским государственным университетом востоковедения 27-28 ноября 2020 года с участием университета Мармара, как члена оргкомитета, поможет в создании новых идей. Поэтому я хотел бы выразить свои наилучшие пожелания, большого успеха этому важному симпозиуму, который укрепит союз и сотрудничество в тюркском мире. От имени университета Мармара и от себя лично, я хотел бы выразить благодарность тем, кто внёс свой вклад в организацию, проведение конференции и её участникам.

***Эрол Озвар,***
*ректор университета Мармара*

***Уважаемые коллеги!***

«Кутадгу билиг» одно из первых великолепных произведений в истории тюркского языка и литературы, а также культуры написано Юсуф Хас Хаджибом. Труд был завершён в Баласагуне, Кашгаре и подарен Тавгач Улуг Бугра Хану, сыну Караханидского кагана Сулеймана Арслана Хакана. Целью книги «Кутадгу билиг» является указать человеку путь достижения счастья в обоих мирах. В произведении, не просто даются советы по обучению морали, а это философский трактат, в котором анализируется смысл жизни человека, определяются его место и роль в обществе и государстве.

Международная научно-практическая конференция «“Кутадгу билиг” – великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения», организаторами которой являются Ташкентский государственный университет востоковедения и университет Анкары, пройдёт 27–28 ноября 2020 года, она позволит учёным обменяться мнениями, идеями, будет способствовать углублённому, всестороннему изучению бессмертного произведения, культурного наследия мировой тюркологии.

Желаю успешного проведения данной конференции, которая как я считаю, ещё больше укрепит сотрудничество между нашими университетами. От себя лично и от университета Анкары благодарю всех, кто внёс свой вклад в организацию и проведение столь значимой конференции.

***Хиджаби Кырлангыч,***
*проректор университета Анкары по научной и административной работе*

***Дорогие друзья и уважаемые коллеги!***

От имени коллектива Бакинского государственного университета сердечно приветствую вас и выражаю свои наилучшие пожелания.

Прежде всего, хотелось бы обратить внимание на то, что работа Юсуфа Хас Хаджиба Баласагуни «Кутадгу билиг», которой посвящена конференция, имеет большую ценность не только для тюркского мира, но и для всего человечества. Написанная 950 лет назад, эта книга о мудрости, приносящая успех и счастье, гласит: «Страны захватываются мечом, а держаться пером». Подчеркивая значимость науки и образования для укрепления и усиления государства, эта цитата открыто выражает весь дух поэмы. Исключительное значение имеет научное изучение подобного письменного памятника с разных точек зрения - с точки зрения истории, лингвистики, этики, философии и других областей. Хотя от написания книги нас отделяют века, она сохранила свою научную значимость, повышая историческую ценность.

Следует отметить, что наша встреча в честь юбилея «Кутадгу билиг», первого письменного произведения на тюркском языке, является прекрасной возможностью сблизить нас и укрепить наше сотрудничество. Уверен, что эта конференция станет одним из важных шагов в установлении взаимовыгодных отношений между нашими университетами, а также между нашими странами.

Желаю организаторам конференции, руководству Ташкентского государственного университета востоковедения и всем участникам плодотворной совместной работы, целенаправленного сотрудничества и успехов!

***Шахин Панахов,***
*проректор по международным отношениям*
*Бакинского государственного университета*

***Уважаемые коллеги!***

Приветствую вас по случаю открытия в Ташкентском государственном университете востоковедения Международной научно-практической конференции, посвященной всестороннему изучению бессмертного произведения «Кутадгу Билиг».

Юсуф Баласагуни – выдающийся мыслитель, поэт и ученый средневековья. За создание первого трактата на тюркском языке «Кудатгу Билиг» («Благодатное знание») при жизни он был удостоен звания «Хас Хаджиб». Произведение мыслителя заслуженно стало шедевром письменной литературы и памятником, соединившем в себе истоки педагогики и человеколюбия.

Международная конференция, организуемая в партнёрстве с Бишкекским государственным университетом, является и важной платформой для изучения значения произведения «Кутадгу Билиг», и направлена на интеграцию академического сообщества стран Тюркского Совета и России.

Надеемся, данная конференция будет способствовать углублению научного сотрудничества между нашими учеными и педагогами. Желаю удачи работе конференции и достижения поставленных целей!

***Гульнара Мурзахметова,***
*проректор по науке и международным связям*
*Бишкекского государственного университета им. К.Карасаева*

***Уважаемые коллеги!***

Юсуф Баласагунский и его произведение "Кутадгу Билиг" несомненно является бесценным памятником восточной литературы, имеющим большое значение в межкультурном и межрелигиозном сотрудничестве в тюркоязычном мире. Почти

тысячелетняя история классической тюркоязычной поэзии начинает с поэмы Ю.Баласагунского "Кутадгу билиг" ("Знания, приносящие счастье"). Сам Ю.Баласагунский писал: "В руках у мудрецов перебывало арабских и персидских книг немало, но эта книга, первая из книг, в которой тюрки слышат свой язык".

Организация и проведение международной научно-практической конференции "Кутадгу билиг - великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения" в стенах Ташкентского государственного университета востоковедения, посвященной 950-летию со дня создания бесценного и несравненного памятника восточной литературы имеет колоссальную и неизмеримую значимость как для тюркского мира, так и для исследователей мирового масштаба. Мудрость восточной поэзии десятилетиями вызывала и продолжает вызывать восхищение и интерес учёных. Изучению тюркоязычной жемчужины Ю.Баласагунского посвящены множество монографий и трудов. И до сегодняшнего дня эти исследования сохраняют свою актуальность и необходимость.

Участие Казанского федерального университета в настоящей конференции в качестве соорганизатора для нас - его представителей - имеет неизмеримую значимость. Казанский университет уже на протяжении более чем двух столетий является колыбелью российского Востоковедения и тюркологической науки. Все эти годы в стенах Казанского университета учёные работают над изучением восточной литературы, цивилизации, национальной истории и духовности, наследия великих восточных деятелей и мыслителей.

Мы благодарим Ташкентский государственный университет Востоковедения за предоставленную возможность и желаем совместной плодотворной работы конференции.

***Тимирхан Алишев,***
*проректор по международному сотрудничеству*
*Казанского федерального университета*

***Уважаемые коллеги!***

В регионах, где доминировали тюркоязычные народы в 1000-х годах нашей эры, наступил последний этап, на котором принципы и философия управления были трансформированы и выражены в письменных текстах. Кутадгу билиг - самое конкретное тому доказательство.

Кутадгу билиг, одно из культурных наследий тюркского мира, относящееся к периоду Караханидов, представляет собой политический трактат, написанный Юсуфом Хас Хаджибом из Баласагуна, завершенный в 1069-1070 годах и представленный хану того времени Тавгач Улуг Бугра Хану. Этот ценный труд Юсуфа Хас Хаджиба основан не только на языке и литературе государства Караханидов, он также содержит замечательные данные, освещающие его историю, историю искусства, социологию, политологию и перспективы международных отношений. Поэт был высоко оценен за это гигантское произведение из 6645 куплетов и награжден титулом Хас-Хаджиба самим ханом.

Юсуф Хас Хаджиб, мыслитель и писатель своего времени, написал этот труд в целях объяснения необходимых философских понятий и практики достижения счастья в двух мирах. Он создал пособие по политологии, в котором синтезированы философия и практические знания, создал учение, в котором личность и гражданин своим мнением, правильным подходом и поведением, показывает путь к справедливому управлению.

В «Кутадгу Билиг» был описан эффективный способ самовыражения и представлены качества, которыми должен обладать правитель, указано на важность

разума и научного подхода в государственном управлении, требования суверенитета, справедливости. Юсуф Хас Хаджиб создал повествование, основанное на контрасте, показывая, «как быть» и «как не быть». Хаджиб со своими аллегорическими выражениями, воплощающими философскую мысль и ценности, создал книгу политических знаний, которая будет служить источником для научных исследований тюркского мира даже через тысячу лет.

В связи с 950-летием написания Кутадгу Билиг, крайне важно была организация международного симпозиума, который состоится 27-28 ноября 2020 года. Это позволит обсудить жизнь Юсуф Хас-Хаджиба и его творчество в различных аспектах.

***Юнус Коч,***
*директор института тюркологии,*
*университет Хаджеттепе*

***Уважаемые коллеги, уважаемые участники конференции!***

Нынешняя конференция, посвященная 950-летию со дня создания великого памятника мировой литературы, дастана «Кутадгу билиг» («Благодатное знание»), первого, старейшего и единственного в своём роде тюркского поэтического сочинения XI в., является одним из важнейших культурных событий 2020 года.

Дастан «Кутадгу билиг» не только вошел в плеяду памятников мировой литературы, но и в наши дни продолжает объединять людей по всему миру. Гуманистические идеи, изложенные на страницах дастана, сохраняют свою актуальность, а этическое и воспитательное значение заложенных в текст идей делает этот памятник современным.

Отрадно сознавать, что единственный и лучший поэтический перевод этого памятника на русский язык выполнен в Санкт-Петербургском (Ленинградском) государственном университете, профессором Сергеем Николаевичем Ивановым, возглавлявшим кафедру тюркской филологии ЛГУ/СПбГУ с 1972 по 1988 год.

Россия и Узбекистан – давние соседи, друзья, партнеры. Наши страны объединяет многовековая история. По словам Президента Российской Федерации Владимира Владимировича Путина, Узбекистан является давним и важным союзником России, и поэтому сотрудничество наших стран в области культуры и образования носит стратегический характер. В таком контексте нынешняя международная конференция, в которой Санкт-Петербургский государственный университет выступает партнером Ташкентского государственного университета востоковедения имеет исключительное значение и безусловно расширит горизонты нашей дружбы и плодотворного сотрудничества.

Желаю организаторам и всем участникам конференции успешной работы, творческого вдохновения и важных научных открытий!

***Аполлинария Аврутина,***
*директор Центра исследований современной Турции*
*и российско-турецких отношений, Санкт-Петербургский*
*государственный университет*

***Уважаемые коллеги!***

На онлайн конференции, организованной Восточным фондом Дьёрдя Хазаи в сентябре 2020 года, посвящённой 150-летию создания первой в мире кафедры тюркологии в Будапештском университете Этвёша Лоранда, участники обсудили будущее тюркологии. Учёные, принимавшие участие в дискуссиях, согласились с тем, что только благодаря научному сотрудничеству можно создать светлое будущее.

Конференция, посвящённая изучению труда «Кутадгу Билиг», организованная Ташкентским государственным университетом востоковедения совместно с университетом Этвёша Лоранда, является событием, которое позволит научное обсуждение и сотрудничество в будущем. Тема конференции выбрана чрезвычайно удачно, так как «Кутадгу Билиг», написанный Юсуфом Хас Хаджибом в 1069 году, является общим наследием тюркских народов и частью многих тюркских литературных традиций. Таким образом, данный труд актуален для исследований во всем тюркском мире.

«Кутадгу Билиг» - это не только первый мусульманский литературный текст, написанный на тюркском языке, но и кладезь информации о культуре периода Караханидов. Такое богатство содержания делает этот труд подходящим в качестве основы для научного сотрудничества. Учёные, работающие в различных областях тюркологии: лингвистике, истории литературы, культурологии, подходят к исследованию темы в различных аспектах, и их наблюдения будут представлены на конференции. Конференция может вдохновить и других учёных на работу в будущем, на дальнейшие исследования. Есть надежда, что после конференции будет опубликован том материалов мероприятия, содержащий отредактированные статьи участников, что позволит охватить более широкий круг интересующихся читателей.

***Бенедек Пери,***
*директор института востоковедения,*
*Будапештский университет им. Этвоша Лоранда*

**Председатели оргкомитета**

В 2019 г. Республика Узбекистан вступила в состав Тюркского совета. Это позволило нашей стране расширить сотрудничество с членами Тюркского совета во всех сферах, в том числе, науке, образовании и культуре. Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев отметил, в частности, что тюркские народы связывают духовные ценности, узы сотрудничества и схожесть языков.

В целях дальнейшего сближения и расширения сотрудничества с университетами стран Тюркского совета и России, мы выступили с инициативой провести Международную научно-практическую конференцию на актуальную тему: «Кутадгу билиг – великий памятник мировой тюркологии: актуальные проблемы его изучения». Наши коллеги, партнёры отозвались на наше предложение и поддержали идею совместного проведения конференции.

При изучении истории тюркских языков одним из первых мы обращаемся к труду «Кутадгу билиг», написанному выдающимся мыслителем средневековья Юсуф Хас Хаджибом. Это позволяет познать исторические закономерности и корни языка. Надеемся, что проводимая в Ташкентском государственном университете востоковедения Международная конференция станет трибуной обмена мнениями, дискуссий между известными тюркологами.

Мы благодарим членов Оргкомитета, спикеров и модераторов за поддержку и участие в конференции!

***Кудратулла Омонов,***
*проректор по работе с молодёжью Ташкентского государственного университета востоковедения*
***Эльёр Махмудов,***
*проректор по международному сотрудничеству Ташкентскогогосударственногоуниверситетавостоковедения*

## FOREWORD

950 years have passed since the creation of the priceless and incomparable monument of oriental literature, the dastan "Kutadgu bilig" ("The Wisdom of Royal Glory"). The great thinker Yusuf Khass Hajib completed this work in 462 khijra (1069/1070). The work consists of more than 13 thousand stanzas, written in the masnavi genre.

Шу ўринда туркиялик ёш тадқиқотчи Муҳаммад Дўрукнинг интернет саҳифаларида чоп эттирган бир мақоласи (“Kutadgu Bilig ve Dil)да ёзганларига эътибор қаратиш керак бўлади. Тадқиқотчи шундай ёзади: “Қутадғу билиг”да баён этилган мавзулардан бири тилдир. Муаллиф тилнинг фазилатлари, қусурлари, фойдаси ва зарарлари ҳақида ёзиб, тилга чуқур фалсафий томондан ёндашади, шахсий кузатувлари ва тажрибаларини тилга олади. Тилнинг турли вазифаларини таъкидлаган ҳолда ўз даврининг ахлоқий ва маданий қадриятларини “сўроққа тутади”. Юсуф Хос Ҳожиб баён этган фикрларнинг негизида Ислом тушунчаси ҳам сезилади. Чунки у “Қутадғу билиг” асарини буддизмга қарши ислом динини ҳимоя қилиш учун ёзган (Yavuz 2007: 145-146). Асар мақол ва иборалар билан бойитилган. Бундан ташқари, асарда ўта тушунарли, содда ифода услубининг қўлланилганлиги Юсуф Хос Ҳожибнинг халқ оммасига мурожаат қилишга интилганини яққол кўрсатиб турибди. Масалан, асар қаҳрамони томонидан айтилган ва бугун ҳам замонавий тилда ўқувчига ғоят тушунарли бўлган қуйидаги мақолга мурожаат қиламиз:

*ukuş körki til ol bu til körki söz*
*kişi körki yüz ol bu yüz körki köz* (274).
(“Ақлнинг кўрки, безаги тилдир, тилнинг кўрки сўздир.
Кишининг безаги юздир, юзнинг безаги эса кўздир”[25].

Юсуф Хос Ҳожиб, аввало бир китобхондир. Унинг халқ орасидан етишиб чиққанлиги ёзганларидан аён. Адиб илгари сурган ғоялар ва фалсафий-ижтимоий изоҳлар унинг ўша даврнинг илғор зиёлиларидан бири бўлганлигини кўрсатиб туради” [19].

Яна ўрни келганда “Қутадғу билиг”даги мақол ва ибораларнинг ҳозирги ўзбек ва турк тилларидаги муқобилларини топиб ўрганиш, икки қардош тилда улар қандай жаранглаши, маъно, грамматик ва услуб хусусиятларини тадқиқ қилиш мақсад қилиб қўйилганини таъкидламоқчимиз.

Хулоса сифатида айтиш керакки, ўзбек ва рус олимлари ҳам, турк олимлари ҳам “Қутадғу билиг”ни ўрганиш, хусусан, унинг шакли (байтлар ва вазнлар) ва мазмуни, бугунги кунда илм аҳлига яхши маълум бўлган ва бир-биридан фарқ қилувчи уч нусхасини илмий тадқиқ қилишнинг ўта долзарб ва ҳар жиҳатдан мунозарали масала эканлигини таъкидлайдилар.

“Қутадғу билиг”ни ўрганишда ҳозирги замон шарқшунослари олдида турган улуғвор вазифалар сирасига қўлёзма нусхаларини манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, Юсуф Хос Ҳожиб мероси ҳамда Шарқ цивилизацияси ва фалсафий фикрлар тараққиётини янада чуқур ўрганиш, адиб анъаналарини давом эттириш, асар поэтикаси, тил ва услуб хусусиятлари, асарни глобал тармоққа жойлаштириш ҳамда мумтоз меросни ўрганувчи мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаш, ва албатта, соҳанинг йирик мутахассислари бўлган устозларимиз билан бамаслаҳат, улар кўрсатган йўл-йўриқлар асосида асарда қўлланилган ва бугунги кунда ўзбек ва турк халқининг ёзма ва оғзаки нутқига сингиб, ўзлашиб кетган мақол ва ибораларнинг замонавий луғатини тузиш каби улуғ вазифалар киради.

## Фойдаланилган адабиётлар:

[1] – Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи: Қаюм Каримов. –Тошкент, “Фан” нашриёти. -1971; Каримов Қ., Илк бадиий достон, –Тошкент, “Фан” нашриёти. -1976;

[25] Ҳозирги турк тилида *Aklın süsü dil, dilin süsü sözdür.Kişinin süsü yüz, yüzün süsü gözdür,* шаклида талқин қилинган.

[2] – Qutatg‘u bilig. J.I / Yusuf Xos Hojib; mas’ul muharrir A.Rustamov; nashrga tayyorlovchi G‘. Abdurahmonov. ToshDShI. –T. Alisher Navoiy Qutatg‘u bilignomidagi O‘zbekiston Qutatg‘u bilig Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. -240 b.

[3] – Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхаси. –Тошкент, 2010.

[4] – Маҳмудов Қ., Содиқов Қ. XI – XV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. Тошкент, 1994, 162 б.

[5] – Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Саодатга йўлловчи билим. Нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати, Қ. Каримов. Тошкент, 1971.

[6] – Омонов Қ. Асар отида келган «қут» сўзи тўғрисида. // «Қутадғу билиг» – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. Тошкент, 2010. 76–82 б.

[7] – Омонов Қ. Ўзбек ҳужжатчилигининг асослари: Юзага келиши ва тарихий такомили. Тошкент 2016.

[8] – Arat, Reşit Rahmeti (1991), Kutadgu Bilig, I Metin, Türk Dil Kurumu Yayınları, İstanbul; Qutadgu Bilig. I.Metin, Ankara, 1979.

[9] - Dilaçar A. Kutadgu Bilig, Ankara, 1972.

[10] – Sertkaya 1977 – Sertkaya O. İslâmî Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Bochum, 1977.

[11] – Suer Eker. Yusuf Hâs Hâcib. Kutadğu Bilig (1069). Türk edebiyatı tarihi 1.

[12] – Yusuf Hâs Hâcib. Kutadğu Bilig. Metin. Hazırlayan Mustafa S Kaçalin. T.C. Kültür ve Turizm Bakanlığı Kütüphaneler ve yayımlar Genel Müdürlüğü. www.kulturturizm.gov.tr.

[13] – Fitrat A. “Qutadg‘u bilig”, “Maorif va o‘qitg‘uvchi” jurn, 2-son, Samarqand, 1925.

[14] – Ercilasun, Ahmet Bican (2004), Başlangıcından Yirminci Yüzyıla Türk Dili Tarihi, Akçağ Yayınları, Ankara.

[15] – Kafesoğlu, İbrahim (1980), Kutadgu Bilig ve Kültür Tarihimizdeki Yeri, Kültür Bakanlığı Yayınevi. İstanbul.

[16] – Külekçi, Numan (2011), Yusuf Has Hacip ve Kutadgu Bilig, Toker Yay., İstanbul.

[17] – Üşenmez, Emek (2011), “Kutadgu Bilig (Nemengan /Fergana/ Özbekistan)

Nüshası”, Doğumunun 990. Yılında Yusuf Has Hacip ve Eseri Kutadgu Bilig Uluslararası Bilgi Şöleni, İstanbul Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Türk Dili ve Edebiyatı Bölümü Başkanlığı, 26-27 Ekim 2009, İstanbul, TDK Yayınları, Ankara, s. 565-580.

[18] – Yavuz, Kemal (2007), Yusuf Has Hacip ve Kutadgu Bilig, Tür Dili ve Edebiyatı Dergisi, Cilt 37, Sayı 37.

[19] – https://www.academia.edu/12460527/Kutadgu_Bilig_ve_Dil.

# YENİ UYGUR TÜRKÇESİ İLE YAZILMIŞ “KUTADGU BİLİG” ESERİ ÜZERİNE

***Sabırbek Börübay Turdubay***
*Kırgızistan Cumhuriyeti Ankara Büyükelçiliği/sekreter (özel kalem)*

***Özet.*** *Bugüne kadar Kutadgu Bilig eseri ile ilgili muhtelif araştırma ve makaleler yazılmıştır, ancak Kutadgu Bilig'in Yeni Uygur Türkçesi ile yazılmış metni üzerinde çok az sayıda araştırma yapılmıştır.*

*Çalışmamız bugüne kadar makale olarak detaylı çalışılmamış (sadece 2019 yılına ait eksikleriyle beraber bir tane kitap yayımlanmıştır); özellikle üzerinde durduğumuz Yeni Uygur Türkçesi ile yazılmış Kutadgu Bilig eseri üzerinde olacaktır. Amacımız ilk basılmış orijinal eseri tanıtmaktır.*

*Eser 1980'de Şincang Sosyal Bilimler Akademisi'nin Edebiyat Araştırmaları Enstitüsüne verilmiştir. Bu yayın için başlıca olarak R.R.Arat'ın hazırladığı metin ve düzyazı çeviri esas tutulduğunu belirtmek istiyoruz. Bunun yanı sıra, Keyyum Kerimof'un Fergana nüshasına göre yaptığı Özbekçe tavsifinden de istifade edilmiştir.*

*Eser, hem Latin harfli metni hem de Arap harfli manzum çevirisi yan yana verilmek üzere hazırlanır ve 1984'de Pekin'de Milletler Yayınevi tarafından yayınlanmıştır. İlk defa 25,000 adet basıldığını belirtmek isteriz.*

*Metni Abduşükür Turdi, Abdulla Muhammedi, Mahmud Zeîdi tarafından, manzum çeviri ise Ahmet Ziyaî, A.Ötkür ve Mehmet Emin Yusuf tarafından hazırlanan Kutadgu Bilig'in bu yayını birçok noktada dikkati çekmektedir.*

***Anahtar kelimeler:*** *Kutadgu Bilig, Yeni Uygur Türkçesi İle Yazılmış Kutadgu Bilig ve Metinden Örnekler*

***Аннотация.*** *До сегодняшнего дня о работе Кутаду Билига были написаны различные исследования и статьи, но очень мало исследований было проведено по тексту Кутадгу Билига, написанному на новоуйгурском турецком языке.*

*Детально наше исследование как статья на сегодняшний день не изучено (вышла всего одна книга с недостатками 2019 года); Кутадгу Билиг, написанный на новоуйгурском турецком языке, на котором мы сосредоточены. Наша цель - представить первые печатные оригинальные работы.*

*Работа была передана Литературному исследовательскому институту Синьцзянской академии общественных наук в 1980 году. Для данной публикации мы хотим отметить, что текст и перевод прозы, подготовленные Решит Рахмети Арат. Кроме того, была использована узбекская рекомендация Кейюма Керимова по Ферганской копии.*

*Работа подготовлена для публикации вместе с текстом, написанным латинскими буквами, и переводом на арабские буквы, и была опубликована издательством Nations Publishing House в 1984 году в Пекине. Отметим, что 25 000 экземпляров были напечатаны впервые.*

*Эта публикация Кутадгу Билиг, текст которой был подготовлен Абдушукюр Турди, Абдулла Мухаммеди, Махмуд Зейди, и стихотворный перевод Ахмета Зияи, А. Откюра и Мехмета Эмина Юсуфа, привлекает внимание во многих моментах.*

***Опорные слова и выражения:*** *Кутадгу билиг, Кутадгу билиг написан на новом уйгурском турецком языкеи текстовые примеры.*

***Abstract.*** *Until today, various researches and articles have been written on Kutadgu Bilig‘s work, but very little research has been done on Kutadgu Bilig‘s text written in New Uyghur Turkish.*

*Our study has not been studied in detail as an article to date (only one book was published with the deficiencies of 2019); Kutadgu Bilig, written in New Uyghur Turkish, which we are focusing on. Our aim is to introduce the first printed original work.*

*Eser 1980'de Şincang Sosyal Bilimler Akademisi'nin Edebiyat Araştırmaları Enstitüsüne verilmiştir. Bu yayın için başlıca olarak R.R.Arat'ın hazırladığı metin ve düzyazı çeviri esas tutulduğunu belirtmek istiyoruz. Bunun yanı sıra, Keyyum Kerimof'un Fergana nüshasına göre yaptığı Özbekçe tavsifinden de istifade edilmiştir.*

*The work is prepared to be given side by side with both the Latin-letter text and the Arabic-letter translation, and was published by the Nations Publishing House in 1984 in Beijing. We would like to state that 25,000 copies were printed for the first time.*

*This publication of Kutadgu Bilig, whose text was prepared by Abduşükür Turdi, Abdulla Muhammedi, Mahmud Zeîdi and the verse translation by Ahmet Ziyaî, A. Ötkür and Mehmet Emin Yusuf, draws attention at many points.*

***Keywords and expressions:*** *Kutadgu Bilig, Written in New Uyghur Turkish Kutadgu Bilig and Examples from the Text*

**Giriş.** Sekizinci yüzyıldan itibaren Müslümanlığı benimsemeye başlayan Türk milleti her geçen gün daha da artan bir nüfusla İslâm dinini kabul ederek İslâm bayrağını daha geniş kitlelere yaymayı kendisine görev edinmiştir. İçerisine girilen bu yeni süreçte askeri başarılarla beraber yeni kültürlerle de tanışan Türk milleti, Arap ve Fars dillerini ve bu dillerin önemli isim ve eserlerini de öğrenme fırsatı bulmuşlardır. Köklü ve yerleşik olan eski Türk kültürüne mensup Müslüman Türkler bu yeni süreçte kendi benliklerini milli duruşlarından en az tavizle muhafaza edebilmek adına yazılı ve sözlü olarak edebi bir duruş sergilemişlerdir (Banarlı,1971:230). Bu doğrultuda yazılı olan eserlerin ilk olarak 11. yüzyılda karşımıza çıktığı görülmektedir (Kafesoğlu, 1980: 4). Yazıldığı dönemin imzasını taşıyan iki büyük eserden birisi olan Kutadgu Bilig, çağının maddi ve manevi hassasiyet ve detaylarını bilmek adına çalışmanın konusuna teşkil etmektedir (Küçüker, 2019:1).

Türk milletinin temel değer yargılarını ve kültür unsurlarını bünyesinde barındıran Kutadgu Bilig Türk İslâm kültürünün gelecek nesillere aktarılması açısından bir köprü niteliğindedir. 11. yüzyılda Yusuf Has Hâcib tarafından ele alınmış olan eserde, büyük bir medeniyetin sahip olduğu maddi ve mânevi kültürel zenginliklerin, ustaca hazırlanan bir senaryo içerisinde gözler önüne serildiği görülür.

"Kutadgu Bilig ne vakaları nakleden bir tarih, ne mıntıka ve şehirleri tasvir eden bir coğrafya, ne din adamlarının içtihatlarını toplayan bir telif, ne hâkimlerin fikirlerine dayanan bir felsefe, ne de şeyhlerin vecizelerine dayanan bir nasihat kitabıdır. Yusuf birçoklarının iddia ettikleri gibi mansıp sahiplerinin iyi olmaları için tatsız mecazlarla ahlak dersi veren kuru bir nasihatçı olmaktan ziyade insan hayatının manasını tahlil eden onun cemiyet ve dolayısı ile devlet içindeki vazifesini tayin eden bir hayat felsefesi kurmuş olan en geniş manada bir âlim ve mütefekkirdir." (Arat,1991:17).

Kutadgu Bilig'le ilgili çok çeşitli kitap, makale ve hatta tez çalışması mevcuttur. Hemen hemen bütün kaynaklar eserle ve yazarı ile ilgili aynı görüşlere sahiptir. Kaynaklarda aynı ya da benzer bilgileri bulmak mümkündür (İncetahtacı, 2011:4). Bilhassa eserin nüshaları üzerinde günümüze kadar çalışmalar devam etmektedir. Bu doğrultuda Kutadgu Bilig'in günümüz Yeni Uygur Türkçesiyle yazılması ve araştırılması pek yerinde olduğunu belirtmekte fayda var. Günümüz Uygur Türkleri tarih boyunca her ne zulüm altında kalsa da milli miraslarını ve kültür eserlerini hiç bırakmamışlardır.

**1. Doğu Türkistan Uygur Bölgesinde Kutadgu Bilig Araştırması**

Kutadgu Bilig, Uygurlar arasında çoktan bilinen ve iyi muhafaza edilen bir eserdi. Nitekim 1069-1070 tarihinde Kaşgar'da yazılan ve Moğol döneminde de maruf olan bu eserin Kaşgar sınırları içinde tek bir nüshasının da muhafaza edilmemesi mümkün değildir. Kaşgar'da yetişmiş olan aydınların da uzun za- mandan beri Yusuf Has Hacib ve Kaşgarlı Mahmud'un adları ve eserlerinden bahsetmekten gurur duymaları, elbette bu iki eserle tanıştıklarından ileri geliyor.

1950'lı yıllarda Uygur bölgesinde Uygur edebiyat tarihi üzerine araştırma- lara başlanır ve bu araştırmalara iştirak etmek amacıyla Ahmet Ziyaî gibi tanınmış birçok bilim adamı teklifle Ürümçi'de toplanırlar. Üniversitelerde bu saha ile ilgili ders kitapları tesis edilir, konferanslar düzenlenir. Böyle bir muhit-te Yusuf Has Hacib ve Kutadgu Bilig önemli bir konu olarak ele alınır. Dergiler- de buna ait yazılar yayınlanır. Döneminin genç öğretmeni Abduşükür Mu- hammed Emin 1956'de Şincang Enstitüsü Bilimsel Dergisi'nin Uygurca ve Çince sayılarında yayınladığı ''11. Yüzyılda Yaşayan İki Büyük Uygur Bilgininin Anı- ları'' adlı yazısıyla 20.yüzyılın son yarısında Uygur bölgesinde Kutadgu Bilig hakkında ilk eser veren bir araştırmacı olarak ortaya çıkar. Sonra bu şahıs Ku- tadgu Bilig'e ait en önemli eserleri yazan bir bilim adamı olarak karşımıza çıkıyor. 1978'den sonra Kutadgu Bilig'in tam metni ve manzum çevirisinin yayınlandığı 1984'kadar olan altı sene içinde Ablet Ömer, Haci Nurhaci, Ablimit Rozi, Ahmet Ziyaî, Abdürrahim Ötkür, Abduşükür Mu- hammed Emin, Mehmet Emin Yusuf, Mahmud Zeîdi, Şarafeddin Ömer, Abdu- şükür Türdi, Kadir Ekber gibi birçok bilginler öncü olarak ortaya çıkar ve dil, şiir, felsefe, hukuk, ahlak, bilim ve diğer yönden Kutadgu Bilig üzerinde durur. Bunların yaptığı araştırmaların sonuçları olarak birçok yazı yayınlanır (Yasin, 2014:91-92).

1980'de kabul edilen karar üzerine Kutadgu Bilig'in yayın projesi Şincang Sosyal Bilimler Akademisi'nin Edebiyat Araştırmaları Enstitüsüne verilir. Bu yayın için başlıca olarak R.R.Arat'ın hazırladığı metin ve düzyazı çeviri esas tutulur. Bunun yanı sıra, Keyyum Kerimof'un Fergana nüshasına göre yaptığı Özbekçe tavsifinden de istifade edilir. Eser, hem Latin harfli metni hem de Arap harfli manzum çevirisi yan yana verilmek üzere hazırlanır ve 1984'de Pekin'de Milletler Yayınevi tarafından yayınlanır, ilk defa 25,000 adet basılır. Ön sözde eserşöyle tavsif edilir. ''Kutadğu Bilik ileriye doğru paytak adımlarla yürümeye baş- layan bir kültürün değil, aksine köklü ve yüksek bir milli kültürün doğrudan doğruya ortaya koyduğu bir mahsuldür. O, bir edebi eser olduğu kadar, hem bir tarih hem bir felsefe hem bir siyasetname veya devlet yönetim bilimi, hem de bir toplumsal eğitimdir ve uzak bir geçmişile Karahanlılar döneminin gerçek hayatını kendi bünyesinde topla- yan sistemli bir bilimsel yapıttır.'' () Metni Abduşükür Turdi, Abdulla Muhamme- di, Mahmud Zeîdi tarafından, manzum çeviri ise Ahmet Ziyaî, A.Ötkür ve Mehmet Emin Yusuf tarafından hazırlanan Kutadgu Bilig'in bu yayını birçok noktada dikkati çeker. Önce metinden bahsedeceğiz. Metinde bazı sözcüklerin telaffuzu R.R.Arat'ın tespit ettiği biçimden farklıdır. Bu noktalar ise metin için tatbik edilen çeviri yazı yöntemiyle ilgilidir. Manzum çevirinin sunuşsözünde bildirildiği gibi, Divanu Lugati't Türk'ün ÇağdaşUygurcaya yapılmış çeviri için uygulanan çeviri yazı yöntemi Kutadgu Bilig'in metni için de tatbik edildiğinden bazı sözcüklerin telaffuzu R.R.Arat'ın tespit ettiğişekil ile aynı değildir. Örne- ğin, bilig, bitig, çerig, bütün, bişiğ gibi pek çok terimler bilik, bitik, çerik, pişiğ diye değiştirilmiştir. Bu yüzden, kitabın adı da Kutadğu Bilik şeklinde verilir (Zeidi, 2011:15).

**2. Eserin Muhtevası.**

Yusuf Has Hacib'in kullandığı Hakaniye Türkçesine ait sözcüklerden yüzde ellisinin Çağdaş Uygurcada aynı biçimde saklanması da manzum çevirinin çok güzel bir şekilde yapılmasına yarar sağlamıştır. Ezcümle, şiir, dil, yapı, içerik, şekil, ahenk açısından çok ince ve zarif bir özellik arz eder ve edebi sanat yönünden herkesi kendine çeker. Gerçekten, bu çeviri Yusuf Has Hacib'in dil ve edebi maharetini temsil ediyor. Bu özellikleriyle manzum çeviri, yalnız Kutadgu Bilig çalışmalarında değil, aynı zamanda Türkoloji sahasında da özel

bir araştırma konusunu teşkil eder. Eserin yayını, Uygurların Türk düşüncesinin ana hatlarını, hakimiyet ve hukuk sahasındaki tecrübelerini, Karahanlılar dönemindeki Türk kültürü ve edebiyatını öğrenmesi, bilhassa tarihten geleceğe uzanan bir milli ideolojinin sahibi olması için zemin hazırlıyor. Bu yüzden, eserin yayını, Uygur ilim sahasında elde edilen büyük bir netice sayılır.

**Sonuç olarak,** eser Türkiye'de 2019 tarihinde tıpkıbasımı üzerinde bazı değişmelere gidilerek yayımlanmıştır. Biz çalışmamızda Kutadgu Bilig eserin Yeni Uygur Türkçesi ile yazılmış en eski halini tanıtmak istedik. Eserin tıpkı basımı elimizdedir. Türkoloji sahasında yeni bir çalışma kaynağı meydana geldiğini belirtmek istiyoruz. Şunu belirtmekte fayda var amacımız eserin dil özellikleri, karşılaştırmalı metin incelemesi ve folklore bakımından incelemedik. Bu merhaleler daha sonra dikkatlice ele alınacağı hatırlatılır. Fakat bildirimiz kabul olması durumunda günümüz Uygur Türkçesi söz varlığını dikkate alarak Kutadgu Bilig'de eğitim ve öğretim mefhumun örnekler eşliğinde izah etmek istiyoruz.

**Kaynakça:**


1. ARAT, R.R. Yusuf Has Hacib. (1991). KB I Metin.(Der.), Ankara, Atatürk Kültür Dil ve Tarih Yüksek Kurumu, s. XXVI.
2. BANARLI, N. S. (1971). Resimli Türk Edebiyatı Tarihi. Milli Eğitim Bakanlığı. Ankara.
3. İNCETAHTACI, N. (2011). Kutadgu Bilig'deki Alıntı Sözlerin İncelenmesi (Yayımlanmamış yüksek lisans tezi).Gaziantep Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Sosyal Türk Dili ve Edebiyatı Ana Bilim Dalı, Gaziantep.
4. KAFESOĞLU, İ. (1980). Kutadgu Bilig ve Kültür Tarihimizdeki Yeri (Vol. 368). Kültür Bakanlığı. Ankara.
5. KÜÇÜKER, E. (2019). Kutadgu Bilig'de Kültür Unsurları (Yayımlanmamış Yüksek lisans tezi). Sakarya Üniverstesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Sakarya.
6. MAHMUD, Z. (2011)''Kutadğu Bilik Nüshiliridiki Perkler Hem Hazirki Zaman Uyğurçe Nezmiy Yeşmisi'', Til ve Tercime Ⅰ, s. 15.
7. YASİN, Y. (2014). Uygur Özerk Bölgesi'nde Kutadgu Bilig Araştırmaları-I. Selçuk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları DergisiSayı 35, Sayfalar 81 – 109.


## "ҚУТАДҒУ БИЛИГ"ДАГИ ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИКЛАР


***Арипов Махамаджон Пўлатбоевич***

*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

*Туркий тиллар кафедраси ўқитувчиси*



***Аннотация**. Ривожланган бугунги кунимизда қадимги ёзма ёдгорликлар ҳамда Мумтоз манбаларнинг ўрганиш, асарлардаги фалсафий қарашлар, ижтимоий ва маънавий воқеликлар қийматини ўрганиш, долзарблигини ва муҳимлигини сақлаб келмоқда. Жаҳон тилшунослигида тил тарихи, унинг тараққиёт босқичлари, қадимги ёзма манбаларни чуқур таҳлил қилиш муҳим илмий йўналишлардан саналади. Тарихий ёзма манбалар тилини, хусусан, «Қутадғу билиг» асарини лексикасини ўрганиш, лексик-семантик таҳлил қилиш, асар матнининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқи қилиш, муаллифнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини, асар сўз бойлигини, ёритиш долзарб аҳамият касб этади. Асар билан боғлиқ олиб борилган тадқиқотларда, муаллифнинг маҳорати, мавзу талабига кўра турли ижтимоий соҳага доир маъно ва*

*тушунчаларнинг ифодаловчи тизимни воқелантирган. Асардаги лингвомаданий бирликларга хусусн олқиш, тилак ва дуолар ҳақида тўхталиб ўтилган.*
***Таянч сўз ва иборалар**: “Қутадғу билиг”, дуо, алқамоқ, тилак.*

***Аннотация.** Сегодня изучение древних письменных памятников и изучение классических источников, изучение значения философских взглядов, социальных и духовных реалий в произведениях, сохраняет свою актуальность и значимость. В мировой лингвистике история языка, его этапы развития, глубокий анализ древних письменных источников являются важными научными направлениями. Важным является изучение языка исторических письменных источников, в частности, лексики произведения «Кутадгу билиг», лексико-семантического анализа, изучения конкретных аспектов текста произведения, языковых навыков автора, лексики, освещения. В исследованиях, связанных с работой, умение автора воплотило в себе систему, которая представляет значения и понятия, относящиеся к различным социальным сферам, в соответствии со спросом субъекта. Работа сосредоточена на языковых и культурных единицах, особенно аплодисментах, пожеланиях и молитвах.*
***Опорные слова и выражения:** «Кутадгу билиг», молитва, аплодисменты, желание.*

***Abstract.** Today, the study of ancient written monuments and the study of classical sources, the study of the meanings of philosophical views, social and spiritual realities in works, retain their relevance and significance. A thorough analysis of ancient written sources are important scientific areas. It is important to study the language of historical written sources, in particular, the vocabulary of the works of “Kutadgu Bilig”, lexico-semantic analysis, the study of specific aspects of the text of the works, the language skills of the author, vocabulary and lighting. In studies related to work, the author’s skill embodied a system that represents meanings and concepts related to various social spheres, in accordance with the demand of the subject. The work focuses on linguistic and cultural units, especially applause, wishes and prayers.*
***Keywords and expressions:** Kutadgu Bilig, prayer, applause, desire.*

Буюк мутафаккирларимиз томонидан кўплаб асарлар ва ёзма ёдгорликлар яратилган. Уларнинг бизларга маълум ва номаълумлари мавжуд. Бизларга маълум бўлганларини тадқиқи қилиш ва келажак авлодларга етказишда соҳа эгаларини зиммасидаги маъсулият десак, янглишмаган бўламиз. Яратилган бебаҳо асарлар қаторида бугунги замонавий дунёда ҳам ўзининг муҳимлиги ва қийматини сақлаб келаётган асар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” – “Сиёсатнома”, “Пандномаˮси бу борада етакчилардан ҳисобланади. Асар туркийлар Ислом динини қабул қилган даврида яратилган. Қорахонли даврида туркий тилда битилган илк бадиий достондир. Аҳлоқ ва ҳалолликни, Яратганнинг буйруқларини сўзсиз бажариш, қайтарган ишларидан қайтиш, давлат, жамия, ва инсонлар орасидаги муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилувчи панднома асардир. Ёмонликлардан узоқлашиш, Яратганга яқин бўлиш асарнинг бош ғоясидир. Тарихий ёзма манбалар тилини, хусусан, “Қутадғу билиг” лексикасини ўрганиш, шу асосда давр тили хусусиятларини умумлаштириш, тараққиёт босқичларини аниқлаш, лексик-семантик таҳлил қилиш, асар матнининг ўзига хос жиҳатларини ажратиш, муаллифнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини, асар сўз бойлигини ёритиш долзарб аҳамият касб этади. Бу асар билан боғлиқ олиб борилган тадқиқотларда Пандноманинг лексикаси, муаллифнинг маҳорати, мавзу талабига кўра турли ижтимоий соҳага доир маъно ва тушунчаларнинг ифодаловчи тизимни воқелантирган.

1825 йилда А.Жаурбет томонида *Journal Asiatique'te*да "Қутадғу билиг" ҳақидаги мақоласи эълон қилиниб, асар илим аҳлига танитилади[26]. Дастлаб лингвистик сўнгар адабий соҳаларда тадқиқотлар олиб борилди. Шундан сўнг асар дунёнинг турли тилларига хусусан инглиз, италия, немис, рус, турк, ўзбек, хитой уйғур, озарбайжон, туркман, қирғиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ғарбда "шағзодалар кўзгкси" (mirror for princes) номи билан танилган.

Туркология соҳасида энг кўп ўрганилган асар "Қутадғу билиг" ҳисобланади.

Асар лексикасининг асосини ижтимоий-сиёсий, савдо-сотиқ, ҳарбий, тиббий терминлар, антропонимлар, озиқ-овқат ва ичимлик номлари ташкил этади. Давлатлар ўртасидаги дастлабки дипломатик муносабатларни ифодаловчи тушунчалар айнан "Қутадғу билиг"да берилган. Асар тилида акс этган ҳарбий лексика ҳарбий тизимга алоқадор шахс отлари, қурол-яроғ, аслаҳа ва тактик амалиёт номларини ўз ичига олади. Асар матнидаги тиббий терминлар туркий халқлар табобати тизимига хос тушунчаларни ифода этган. Тиббий терминлар шахс отлари, дори-дармон номлари, инсон табиати, органик мавжудот сифатидаги моҳиятини акс эттирган. Бадиий тасвир яратишда образли ифодалар, эмоционал-экспрессив сўзлар, тасвирий воситалардан фойдаланиш "Қутадғу билиг" тилини янада жозибадор қилган. Бу жозибадорликда линвомаданий бириликлар асарда ўрин олган мақоллар, оталар сўзи, иборалар ҳамда тилак, олқиш ва дуоларни ўрганиш замонавий турк тили ва сўзлашув маданияти билан боғлаш, ҳозирги кунда мавжур бўлган тилаклар, лексик-семантик таҳлил қилишга арзигудек иш бўлишидан умид қиламиз.

"Қутадғу билиг"да *alkış-сўзи,* "мақташ, олқишлаш, дуо қилиш" маъноларида келган. *alka-* ва*alkıt-* феъллари ҳам "олқишламоқ" маъносида келган. Шунинг билан бирга *ög*-"мадҳ, мадҳ қилмоқ, олқишламоқ" феъли билан биргаликда жами 7 маротаба қўлланилган. "Қутадғу билиг"да *dua*; "Аллоҳга илтижо қилиш, ниёз", *dua birle-, dua artur-, dua ıd-, dua kıl-, dua teg-, duaçı bol-, duaçı tur-, edgü dua* каби бир неча кўринишда, турли шакилларда хусусан Ислом динидаги аталиши шиклида қўлланилган. Бу жиҳатдан асарда олқиш ва тилаклар мазмун жиҳатдан кўп қўлланилган бўлшига қарамай, айнан олқиш сўзи билан боғлиқ жумлаларда туркча сўз сифатида 7 маротаба, арабча айтилиш яъни диний сўз доирасида (*dua)* дуо шаклида Аллоҳга сиғиниш/ёлвориш/ибодат қилиш/ниёз этиш, маъноларида асар мисраларида 62 маротаба истеъмол қилинган. (Arat, 1979. 18, 135; Kıymaz, 2014: 1631).

Асар кириш қисмида Тангрига хамду сано ва уни мадҳ қилиш, унинг сифатлари ва номлари билан васила қилиш билан бошланади. Дуонинг мақбул бўлиш даражасини ошириш учун Аллоҳ таоло ҳузурида қадрли экани билинган нарсани айтиб дуо қилишдир.

Васила луғатда "у билан ўзгага яқин бўлинадиган нарса" маъносини англатади. Истилоҳда эса "дуо ижобат бўлиши учун, Аллоҳ таолога Унинг ҳузурида қадрли экани билинган нарсани айтиб, дуо қилиш, васила, деб аталади". Васила дуонинг мақбул бўлиш даражасини кўтариш мақсадида қилинади. Васила қилиш бандадаги муҳаббатнинг, Аллоҳ таолога далолат қиладиган нарсаларни улуғлашининг аломати ҳисобланади.

*Bu kitaba ad koymuş olan o büyük ve iyi kulları Tanrı yargılasın.* (I.5. 32. R.R.A.) (Бу китобга ном берган буюк ва яхши инсонларни Тангри ярлақасин.)[27] Бизларга маълумки асар ёзиб тугатлилгандан сўнг, адиб уни тортиқ қилади. Асарга ном берган инсонларга бўлган муносабатни дуо билан уларга ифодаламоқда.

---

[26]Э.Суер "Ereken Dömem Yusuf Has Hacip, "Kutadgu Bilig" Турк адабиёти тарихи журнали, №1-сон 195-бет.

[27]* мисолларда берилган туркча матнлар маъно жиҳатдан тушунарли бўлиши учун таржимаси мақола муаллифи томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

*Ben de bu bir kaç harfciği sana vasiyet olarak bıraktım; bana da duâ etmeği unutma.* (I.6.53.R.R.A.) (мен ҳам бу бир неча сўзларни сенга васият қилиб қолдирдим; мени ҳам дуо қилишни унутма) Муаллиф асарни ўқиган киши уни ўқиб керакли насиҳатни олгандан сўнг адиб ҳаққига дуо қилиб қўйишни сўамоқда. Маълумки ислом динида инсон бу оламдан ўтгандан сўнг унинг ортидан қилинадиган дуоларга умидвор бўлиб қолар экан. Шунинг учун ҳам ўтганларни дуода эслаш ҳақида кўп бора айтилади.

*Bu türkçe beytleri senin için tanzim ettim; ey okuyucu, okurken unutma bana duâ et.* (I.75.7. R.R.A.) (Бу туркча байтларни сен учун тортиқ қилдим; эй ўқувчи ўқиганингда мени дуо қилишни унутма)

Асарда Аллоҳга ёлвориш, дуо қилиб ундан сўраш, уни мадҳ қилиш энг бош ғоя ҳисобланади. Бу каби дуо ва олқишлар жуда кўпдир.

*Tanrım, rabbim ancak sensin, hepimizi yargıla; bütün mü'minlere didârını nasip et.* (I.77.7. R.R.A.) (Тангрим, роббим фақат сенсан, барчамизни ярлақагин; барча мўминларга висолингни кўришни насиб қилгин.)

*Ey Tanrım beni gözümü gözet kıyâmette beni sevgili Peygamber ile birlikte haşret*. (II.47.15. R.R.A.) (Эй Тангрим мени кўзимни кўзи қил қиёматда суюкли пайғамбаримиз билан махшарда бирга қил.)

*Kıyâmette dolu ay gibi yüzünü göster; ey Tanrı, kendisini bana şefâatçi kıl.* (II.48.15. R.R.A.) (Қиёматда тўлин ой каби юзингни кўрсат; эй Тангри, уни менга (Муҳаммад с.а.в.) шафоатчи қил.) Ушбу мисрада Аллоҳни жамолини кўриш барча мўминлар учун энг катта орзу ҳисобланади. Бу дунёда қилинадиган барча ишлар Аллоҳни розилигини топишдир. Бу йўлда юриш, комилликдир. Тилакда айтилган тўлин ой каби деган маънода келган эмас яъни Аллоҳни жамолини қандай эканлиги ер юзидаги барча мавжудот ва маҳлуқотлар учун шакл шамойили номаълумдир. Тўлин ой чиққанда яаммага кўринади. Гўёки у қўл билан тегса бўладиган даражада яқин кўринади. Мисрада қиёмат куни жамолингни тўлиқ кўриш насб қилгин, деб ёлвориб сўралмоқда.

Шу билан бирга ҳукумдорнинг мақташ, уни сифатларини айтиш, уни олқишлаб, тилак билдириш хусусиятига эга бўлган мисралар ҳам мавжуд.

*Büyük Tavgaç Buğra Han dünyaya hâkim oldu; adı kutlu olsun, Tanrı onu her iki cihanda aziz etsin.* (IV.88.18. R.R.A.) (Буюк Табғач Буғро Хон дунёга ҳоким бўлди; номинг қутлуғ бўлсин, Тангри уни ҳар икки жаҳонда азиз қилсин.)

*Tanrı bütün dileklerini verdi; bundan sonra da Tanrı dâimâ sana arka ve destek olsun.*(IV.90.18.R.R.A.) (Тангри ҳамма тилакларингни берди, бундан кейин ҳам Тангри доим сенга мададкор ва қўлласин.)

*Devran sana memleket ve taht verdi; Tanrı bu taht ile bahtını dâim etsin.*(IV.92.18.R.R.A.) (даврон сенга мамлакат ва тахт берди; Тангри бу тахт билан бахтингни биргаликда бор қилсин.)

Қутадғу билигда олқиш сўзи билан дуо сўзлари ҳам алоҳида қўлланилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки асар олқиш, дуова тилакларга жуда бой. Мирсаларда ёлвориш ва мадҳ қилиш кўп маротаба келади.

*Ey Rabbim, sen onun devletini arttır, bütün dileklerini yerine getir; her işte arka, destek ol*; ( 116. 19. А.Р.Р.) (Эй Роббим, сен уни ҳамма давлатини кўпайтир, хамма истакларини рўёбга чиқар; ҳар ишда мададкор бўл, қўлла.)

*Ey iyi tabiatli ve asil nesepli hakan; dünya sizden mahrum kalmasın*; (108. 19. Р.Р.А.) (эй яхши табиатли ва асл насабли Хоқон; дунё сиздан маҳрум қолмасин.)

*Sevinç, huzur ve güvenç içinde memlekete hâkim olsun, Lokman kadar uzun ömürlü olsun*; (123.20. Р.Р.А.) (Севинч, ҳаловат ва ишонч билан мамлакатга ҳоким бўлсин, Луқмони Хаким каби узун умр кўргин)

*Benim bu canım tenden çıkarken, son nefesimi kelime-i şehâdet ile al.(XI.394.38.R.R.A.)*

13. *Yağmur yağmakta devam etsin, çiçekler açılsın, kurumuş ağaçlardan perçem sarksın.(118.20.R.R.A)*(Ёмғир ёғишда давом этимн, гуллар ачилсин, қуриган дарахтлар куртак отсин.)

Асарда мавжуд ва уларнинг орасидан саралаб олинган айрим олқиш ва тилаклар қуйида келтирилади.

*Ben sana şimdi yalvarıyorum ve şunu diliyorum;beni bir parça daha yaşat, ömürümü uzat. (XI.379.37.R.R.A.)* (Мен сенга хозир ёлвораман ва сендан шуни тилайманки; менига бироз умр бергин.)

*Bu hizmeti başarmak için, Tanrı bana kuvvet versin; hizmetinde hatâ etmekten Allah beni korusun. (XV.600.54.R.R.A.)* (Бу хизматни бажаришда Тангри менга қувват берсин, хизматида хато қилишда Аллоҳ мени асрасин.)

*Daha başka ne gibi dileği var ise, Tanrı ona dâima arka ve destek olsun.(122.20.R.R.A.)* (Яна қандай тилаги бор бўлса, Тангри унга доим мададкор ва қўллаб қувватласин.)

Қутадғу билигда тила, олқиш сўзлари билан бирга бир байтда қарғиш жумлалари иштирок этган мисраларни учратиш мумкин.

*Felek hep dönmekte devam etsin; düşmaın başı hep aşağı eğik olsun.(119.20.R.R.A.)* (Фалакнинг гардиши айланаверсин, душманларнинг боши доим эгик бўлсин.) Ушбу мисрада давлатдаги ишлар шундай давом этаверсин. Бу эзгу ишларни кўролмай юрганларнинг, душманларнинг бу давлат олдида боши эгик бўлсин. Бош кўтараолмасин, демоқда. Ҳукумдорнинг ҳукумронлиги давом этсин, деб тилак билдириш билан бирга, душманларнинг боши эгик бўлсин, деб уларни қарғамоқда. Бу ердаги мисолимизда бир жумлада ҳам тилак ҳам қарғиш иштирок этган.

*Devletli hükümdar bin saâdet içinde yaşasın; çekmeyenlerin gözleri âteşte yansın (121.20.R.R.A.)*(Давлатли ҳукумдор минг саодат ичида яшасин; кўролмаганларнинг кўзлари оловда ёнсин.)Ҳукумдорнинг ҳукумронлиги давом этсин. Ўзи ҳам хузур ҳаловат ичида яшайверсин, деб унига ҳам сифат ҳаётини гўзаллигини айтиш билан бирга унга тилак билдириб бундай гўзал ҳаёти давом этсин демоқдалар. Тилак давомида Унинг бу саодат ичида яшашини кўролмаганларнинг кўзлари оловда ёнсин, деб унинг душманларини қарғиш айтилган. Бир мисрада ҳам тилак ҳамда қарғиш иштирок этган.

Қутадғу билигда тилак, олқиш ва дуо сўзлари билан бирга қарғиш сўзлари ҳам жой олган. Улар бизнинг мақоламизнинг асосий жиҳатига тегишли бўлмаганлигни инобага олиб, асарда мавжуд қарғиш ва баддуо сўзлардан кам сонда мисол келтирдик. Қуйида улардан айримларни ҳавола қиламиз.

Буларни айримларини шу шакилда тушунтириш мумкин. Асарда жамият ва давлат одамларига берилган насихат вақтида учрайди. Инсон ҳаёти ва ишлари қандай инсон бўлиши кераклиги, давлат бошқарув-чиларининг, амалдорларнинг қандай ҳусусият ва фазилат соҳиби бўлиши лозимлиги ҳақидаги мисралар баён қилинаётганда улар қандай иш қилсалар номлари улуғланади, қандай иш тутсалар ва қандай иш қилсалар улар инсонлар томонида дуо, олқиш, яхши тилак билдирилиши, акси қилинадиган бўлса инсонлар томонида қарғиш, баддуо ёки Яратганнинг лаънатига дучор бўлишлари ҳақидаги мисраларда ёнма ён келган. Асар ғоясида ниҳоятда нозиклиб билан қарғиш ёмон, қарғиш олишдан қочиш, ундан узоқ бўлиш таъкидланмоқда. Яна бошқа томондан олиб қаралса давлат амалдори, ҳукумдор халқ олдидаги ўз бурчини бажармса, қилиниши керак бўлган яхши ишларни қилмаса халқ томонидан баддуо қилинишига ишора қилинган. Яхшилик қилган доим яхши хотиралар билан эсга олиниши, олқишланиши, дуода бўлиши, аксинча ёмонлик, зулмда бўлганлар эса вафот этгандан сўнг ҳам ёмон сўз ва қарғиш билан эсланади, демоқдадир.

Баёт, Тангри, Аллоҳ сўзлари билан бошладим. Исломий сўзлар билан бошланадиган асар кириш қисмида Аллоҳга, Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га, тўрт ҳалифага ва асарни тортиқ қилган кишига хамд, мақтов, салом, саловат ва тилаклар билан бошланадиган Қутадғу билиг Ислом даври туркий адабиётнинг илк ва муҳим асари сифатида эътироф этилади. Шу жиҳати билан ҳам асарда дуо олқиш ва тилакларнинг хусусиятига муносабат билдирилганда у ерда арабларнинг ҳукумронлик даврнинг муҳитнинг таъсири кучли сезилиб туради. Умумий кўринишда дуо ёлвориш, сўраш маъноларида учрайди. Асарда туркача олқиш ва тилак маъноларида ифодаланадиган олқиш, дуо сўзи ибодат доирасида сиғиниш, ёлвориб дуо қилиб сўраш маъноларда қўлланилган. Диний мазмундаги бир сиёсатнома ҳисобланган асарда олқиш ва қарғиш, яхши ва ёмон, тўғрилик ва эгрилик, хақ ва нохақни бир бирдан ажратишни ўргатган бу асарда дуо диний унсур сифатида жой олиши табиийдир. Қутадғу билигда дуо сўзининг қўлланилиши билан Туркларнинг ёзма адабий манбаларида мавжуд олқиш, тилак сўзлар қаторига дуо сўзини кириб келишида асарнинг ўзига хос аҳамияти ва таъсири бор, деб атиш мумкин. Асарда фақат Аллоҳдангина сўраш ва унга ёлвориш, дуо қилиш билан ундан сўраш ўша давр туркийларга Ислом даврининг дуо ҳусусидаги тушунча ва идрокини билдириш учун ҳам хизмат қилган.

Асардаги яхшилик ва тўғриликни олқишланиши, ёмонликдан қочиш ва ёмонликлар қилганларни қоралаш, лаънатлаш асосий ғоясида олқиш, дуо ва қарғишларни ифодаланиши орқали тасвирланган.

Қутадғу билигда олиқиш ва қарғишларнин ҳар жиҳатдан туркийларнинг энг қадимги ёзма манбаларидан, Ислом даврида яратилган адабий манбаларининг ҳам аҳамияти хозирга кунларда ҳам мавжудлиги ва уларни истеъмоли давом этаётгани ҳар иккала даврда яратилган асарлар олқиш ва қарғишларнинг аҳамичяти учун уларни ўрганишда муҳимлигини кўрсатмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Р.Р.Арат. Юсуф Хос Хожиб "Қутадғу билиг" таржимаси. II нашр, Турк тарих қуруми, Турк тарих қуруми нашрёти. Анқара. 1959 йил.

2. Холмуродова М.Ф. "Қутадғу билиг" лексикасиФилология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати.Тошкент. 2019

3. Э.Суер "Ereken Dömem Yusuf Has Hacip, "Kutadgu Bilig" Турк адабиёти тарихи журнали, №1-сон 195- бет.

4. Akalın L.Sami, Türk Dilek sözlerinde Alkışlar Kargışlar, Ankara, Kültür Bakanlığı Yay., 1990.

5. Aksoy, Ö. Asım (1984a). *Atasözleri ve deyimler sözlüğü I* (4. Baskı). Ankara: TDK Yayınları.

6.Aksoy, Ö. Asım (1984b). *Atasözleri ve deyimler sözlüğü II* (4. Baskı). Ankara: TDK Yayınları.

7. Ali Güler, "Hülasat-ül-Kalem Günahlara Tövbe", Türkiye. 1981 y.

8. Boratov P.N. 100 Sorunda Türk Folkloru, Gerçek Yayınevi. İstanbul.1984y.

9. http://www.tdk.gov.tr/#

10. abs.kafkas.edu.tr/upload/225/Antigone1.doc

11. http://www.greek-gods.info/greek-gods/poseidon/stories/agaeus-curse

12. http://cocukpsikologum.com/mitolojide-narsisizm-ve-narkisos

# "QUTADG'U BILIG" VA "DEVONU LUG'OTIT TURK" ASARLARINING VAZN JIHATIDAN QIYOSI

***Murodova Gavharoy Sayfiddin qizi***
*Farg'ona davlat universiteti tadqiqotchisi*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada "Qutadg'u bilig" hamda "Devoni lug'otit turk" asarlarining vazn xususiyatlari yoritib berilgan. Jumladan, aruz va barmoq vaznidagi to'rtliklar namunasini ko'rishimiz mumkin.*
***Tayanch so'z va tushunchalar:*** *vazn, turoq, aruz, erkin she`r tizimi, bahr.*

***Abstract.****In this article the poetic features of "Qutadg'u bilig" and "Devoni lug'otit turk" are illustrated. For instance, we can see examples of aruz and finger vazn.*
***Keywords and expressions:****vazn, turoq, aruz, a system of free poetry, bahr.*

***Аннотация.*** *В этом статье освещены особенности вазн в том числе можно ознакомиться с четверостишьями в аруз и бармак в произведении "Кутадгу билиг" и "Девону луготт турк".*
***Опорные слова и выражения:*** *Вазн, турок, аруз, система вальной стихотворение, бахр.*

Hozirgi adabiyotimiz bilan bir qatorda mumtoz adabiyotimizda ham vaznga solish an`ana hisoblanadi. Chunki vaznsiz she`r she`r emas. Vazn she`riy tizim (sistema)lardagi ohangdorlik va musiqiylikni ta`minlab turgan unsurdir. She`riyatimizda 3 xil she`r vazn tizimi mavjud bo'lib, ular quyidagilar: barmoq, aruz va erkin she`r tizimlaridir. Quyida "Qutadg'u bilig" hamda "Devoni lug'otit turk" asarlarining vaznlariga to'xtalamiz:

"Qutadg'u bilig"ning vazni haqidagi masalada turkshunos olimlar o'rtasida ikki turli fikr bo'lib, bulardan ayrimlari bu asarni barmoq-hijo vaznida yozilgan desalar, ayrimlari uning aruz vaznida yozilganligini ta`kidlaydilar. Jumladan, "Milliy tatabbular" nomli jurnalda bir ma`ruza bor. Shu ma`ruzaning "Qutadg'u bilig" ning vazniga oid qismida quyidagicha fikr mavjud: "Nasran yozilmish o'lan muqaddima ila fihrastdan- moado qolgan qism jufta qofiyali va 22 hijo soyisi uzrina dizilmish misralardan murakkabdur" [1. 99-bet]. Demak, ma`ruza egasi "Qutadg'u bilig" barmoqning 11 hijoli o'lchovi bilan yozilgan, degan fikrni ilgari suradi.

Najib Osim esa asar haqida bunday deydi: "Bu so'ngragilarning eng mashhuri "Qutadg'u bilig" durki, mavzu e`tibori ila "Siyosatnoma"ning aynidur. Turk avzonining mashhuri o`lan o`n birli vaznda va tarsi masnaviyda yozilmish o'lan bu asari nafis beshinchi asri hijriydagi turk jamoatining haqqoniy bir tasvirini, afkori ma`naviy va siyosiyasini ko'stariyur" [2. 259-bet].

Abdurahmon Sa`diy esa "Chig'atoy va o`zbek adabiyoti va shoirlari" nomli maqolasida: "Qutadg`u bilig" turklarning milliy vaznida, ya`ni barmoq-hijo ilayozilgan bo`lib, masnaviy tarzida va 11 hijolidir" [3. 181-bet].

Mazkur fikr tarafdorlarining fikrlarini inobatga olgan holda ushbu asarni barmoq-hijo vaznida yozilgan degan fikrga kelish tabiiy, albatta. Bunga yuqoridagi fikrlardan tashqari, boshqa sabab ham bor. Ma`lumki, Mahmud Koshg'ariyning "Devoni lug'otit turk" asarida bizgacha yetib kelgan qo'shiqlar namunasining barmoq-hijo vaznida bo'lishidir. Chunki "Qutadg'u bilig"ning "Devoni lug'otit turk" asari bila bir davrda yozilgani hamda undagi misralar bo'g'inlari "Devoni lug'otit turk"da keltirilgan 11 bo'g'inli she`rlarga o'xshash aynan 11 bo'g'inli bo'lishi shunday fikrga kelishga sabab bo`lgan. Biroq izlanishlar shuni ko'rsatadiki, "Devon"da keltirilgan namunalar barmoq-hijo vazni talablariga to'la javob

beradi. “Qutadg‘u bilig” esa aruz vazniga rioya etilgan holda yozilgan. Bunga quyidagilarni misol qilib keltirishimiz mumkin:

Budrach yema / qudurdi, 4+3=7
Alpag‘utin / odurdi. 4+3=7
Susin yana /qadirdi, 4+3=7
Kelgalimat / irkasur. 4+3=7

“Devon”dan keltirilgan ushbu parchada barmoq-hijo vaznining turoq sistemasiga rioya qilingan bo‘lib, ularning turog‘i 4-3 dir.

Me-n- ish- qil/g`u-v- chi-men/ se-n-ish- ko‘r/g‘u-chi
I-shing- ko‘r/gu-v-chi-din/ bi-lur- qil/g‘u-chi
Ba-yat- ber/di- em-di/ se-ne- og/ ko‘-nul
U-qush- ham/ bi-lig- bir/la- bol du/n-amul.

Mazkur to‘rt misra she`r “Qutadg‘u bilig”dan olingan bo`lib, bu misralar aruz qonuniyatiga asosan mutaqoribi musammani mahzuf (faulun-faulun-faulun-faul) bahrida yozilgan va barmoq-hijo vaznining hech bir usuldagi turoq sistemasiga tushmaydi.

Agarda “Qutadg‘u bilig” ning ayrim yerlaridagi aruzga mos kelmaydigan o`rinlari haqida gapiriladigan bo`lsa, buning sababchisi, albatta, uni ko‘chirib yozuvchilar deb qarash kerak. Chunki asar XI asrda yozilgan bo`lsa, bugungi kundagi nusxa esa XV asrga taalluqlidir[28].

Yana bir boshqa manbada Fitrat “Qutadg`u bilig” ning vazni haqida qat`iy bir fikrga kelganligi haqida quyidagilarni yozadi: “Yozilishi” “nazm”ning “ikkilik”- masnaviy shaklida bo‘lib, vazni mashhur eron shoiri Firdavsiyning “Shohnoma”si vaznidur. Bu eski turk shoiri turklar uchun juda qiyin bo`lgan bu vaznda juda muvaffaqa bo`lib yozgan. Ko`p olimlarning aytishiga ishonib, men ham bu kitobning vaznida ancha kamchiliklar, to`lmagan yerlar bor, deb ishongan edim, bugun esa bu fikrda emasman, vazni juda tuzuk chiqqan, ba’zi joylaridan “Shohnoma” ohangining isi kelib turadur. Biroq vaznni to‘ldirmoq uchun so‘z orasida, hech kerak bo‘lmagan joylarda “ko‘r”, “ul” kabi so‘zlarni tez-tez aytib turadikim, shoirni bunga, albatta, ma’ruz qilishimiz kerakdur” [4. 69-bet]. Ushbu fikrlardan ham ko‘rinib turibdiki, an`anaga ko‘ra shohlar haqidagi asarlar mutaqorib vaznida yozilganligi hamda “Shohnoma” ham shohlarni tarranum etgani holda aynan shu vaznda yozilganligi fikrimizga isbot bo‘la oladi.

Yoki bo‘lmasa ikki asardan olingan quyidagi to‘rtliklarda ham vazn jihatidan mutlaqo boshqa bo‘lgan o‘rinlarni ko‘rishimiz mumkin:

Yigitlarig/ ishlatu, 4+3=7
Yig‘ach yemish / irg‘atu
Qulan, keyik/ avlatu, 4+3=7
Badram qilib/ avnalim. 4+3=7

Avvalo, tushunarsiz so‘zlarga izoh bersak: ishlatu-ishlatmoq fe`lining I shaxs ko‘plikdagi shakli. Irg‘atu esa silkitmoq fe`lining III shaxsdagi o‘tgan zamon shakli. Badram-bayram. Avnalim-o‘ynaylik so‘zining XI asrdagi varianti. “Devon”dan olingan ushbu parchada shoir o‘yin-kulgini ta`riflayadi: Yigitlarni ishlatib, daraxtlardagi mevalarni qoqtiraylik. Qulon va kiyiklarni ovlatib, bir necha kun bayram qilib yayraylik. Shu jumladan, ushbu to‘rtlik ham hozirgi tilimizga juda yaqin variantda yozilganligi hamda barmoq-hijo vaznining 4+3 turog‘ida yozilganligi fikrimizni yana bir bor dalillaydi.

Ne-ku- ter-/ e-shit- bu/ si-na-mish/ ki-shi,
Ba-shin-da/ ke-chur-mish/ ye-tur-mish / ya-shi
Ba-sut-chi/ ke-rek- er/ ke- ya-ri/ chi-lar

[28]Bugungi kundagi bizning qo`limizda mavjud bo`lgan asar Vena nusxasi hisoblanadi. Vena nusxasi esa XV asrda ko`chirilganligi ma`lum. Lekin Qohira va Namangan nusxalarining ko`chirilishi qaysi davrga oid ekanligi hali aniqlanganicha yo`q. Ba`zi olimlar fikricha, u nusxalar ham XV asrga taalluqli.

U-qush-lug‘,/ bi-lig-lig/ bo-gu- el/ chi-ler

Bu dunyo sinovli. Hech kimga vafo qilmagan, qilmaydi ham. Chunki inson bu ochunga sinalish uchun keladi. Buni esa ko‘p insonlar yoshi o‘tib yoki boshidan biror bir sinov o‘tgandagina biladi. Yusuf Xos Hojib ham aynan yuqoridagi misrada ushbu hodisaga ishora qiladi: Bu dunyo sinovlaridan o‘tgan odam, ya’ni sinalgan insongani eshitgin: Er (haqiqiy mard kishiga, bu yerda shoir yurt ravnaqi uchun zarur kimasalar, ya’ni el boshlovchi, shohlarni, nazarda tutadi) kishiga ko‘makchi va yordamchi zarur, shu jumladan, zakovatli, bilimli, dono yurt boshlovchilari zarur ekanligini ushbu jumla orqali aytib o‘tgan.

Vazniga to‘xtaladigan bo‘lsak, aruzning mutaqorib vaznida yozilganligiga asoslanib, ushbu to‘rtlikni mutaqoribi musammani maqsur vaznida yozilgan deb aytishimiz mumkin.

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki, yuqoridagi ilmiy asoslarga tayangan holda ikki asarning mutlaqo bir-biriga yaqin bo‘lmagan turli xil vaznda yozilganligi va bundan tashqari, “Qutadg‘u bilig” asari ba`zi olimlarning fikriga ko‘ra, mutaqorib vaznida yozilganligi uchun “Shohnoma” ta`sirida yaratilgan degan xulosalariga hech qanday solishtirish bermaganlari uchun bu fikr ham o‘z isbotini topmagan degan xulosaga keldik va ushbu asarlar vazn jihatidan turlicha yozilsa-da, xalqni ma`rifatga chorlovchi ko‘zgu hamda turkiy tilimizni o‘rganish bo‘yicha muhim manba ekanligi bilan hozirgacha o‘z qimmatini yo‘qotganicha yo‘q.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. “Milliy tatabbular” jurnali.
2. N.Osim. Turk tarixi, 1898-yil.
3. “Inqilob” jurnali, 1923-yil, 9-10-sonlar.
4. “Maorif va o‘qituvchi” jurnali.

# ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ МЕРОСИ ҲАМДА ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАСИ

## TWO CENTRAL ASIAN TURKIC TEXTS AND THEIR RELATIONSHIP TO THE PERSIAN LITERARY TRADITION. YŪSUF ḪĀṢ ḤĀJIB'S *QUTADĠU BILIG* AND ḤAYDAR ḪVĀRIZMĪ'S *GULŠAN AL-ASRĀR*

***Benedek PÉRI***
*Department of Turkic Studies, Eötvös Loránd University, Budapest*

The present paper is dedicated to the memory of a well-known Hungarian scholar, Ármin Vámbéry (1832–1913) who was the first European researcher to publish the full text of the *Qutadġu bilig* exactly 150 years ago, in 1870,[29] the same year when he established the predecessor of today's Department of Turkic Studies at Eötvös Loránd University.

The two poetic texts referred to in the title, the *Qutadġu bilig* and the *Gulšan al-asrār* were written almost three and a half centuries apart, still they have many similar features. First of all, both of them were composed in Turkic in a period when the dominant language of literature in the Eastern lands of the Islamic world was Persian. Both of them were unprecedented. Both of them are *masnavī*s, narrative poems consisting of couplets made up of two rhyming hemistichs. Both of them are composed in quantitative metres foreign to the traditional culture of Turkic peoples. Both of them were dedicated to local rulers, though from a different perspective, both of them focus on ethical-moralistic issues. Both of them has at least one manuscript written in Uyghur script in the Timurid period and both of them seem to have been influenced by the Persian literary tradition. Yūsuf Ḫāṣṣ Ḥājib composed his poem in 1069 during the reign of the Turkic Qarakhanid dynasty and dedicated it to Tavgač Buġra Ḫān the ruler of Kashghar in the Eastern part of the Qarakhanid state. His choice of language seems to have been very consciously made.

The Qarakhanid state had a dual structure with a Western and an Eastern branch of the dynasty ruling over Transoxania and Semirechye, Farghana, Eastern Turkestan respectively. The rulers of the western branch had their capital in Samarqand and inherited the cultural legacy of a previous dynasty, the Samanids (204-395/819-1005) whose cultural patronage created a favourable environment for artistic creativity. The flourishing literary life in Transoxania was hallmarked by activity of poets like Rūdakī (fl. first half of the 10th c.) and Daqīqī (d. ca. 976) both of whom played an important role in the development and establishing of a New Persian literary paradigm. According to contemporary and near contemporary sources, members of the western Qarakhanid élite also acted as patrons of poetry and the court of the western Qarakhanid ruler became an important centre of literary activities in the region. Niẓāmī ʿArūżī (d. 1161) in his excursus on poets contained in his *Čahār maqāla* gives a long list of poets supported by Qarakhanid rulers, among them such acknowledged poets as ʿAmʿaq Bukhārāyī (d. 1148) and Rashīdī Samarqandī.[30] He also includes a story on how lavishly Ḫiżr b. Ibrāhīm (r. 180–1081) rewarded the latter poet for improvising a few lines as a reply to ʿAmʿaq's criticism, which suggests that the ruler was

---

[29] Hermann Vámbéry, *Uigurische Sprachmonumente und das Kutadku Bilik. Uigurischer Text mit Transscription und Übersetzung nebst einem uigurisch–deutschen Wörterbuche und lithografirten Facsimile aus dem Originaltexte des Kutadku Bilik* (Leipzig: F. A. Brockhaus, 1870).
[30] Aḥmad ibn 'Umar ibn 'Alí an-Niẓámí al-'Arúḍí as-Samarqandí, *Chahár Maqála* ("The Four Discourses"), ed. Mírzá Muḥammad (Leiden: Brill–London: Luzac & Co., 1910), 28, 46.

familiar with the rules of classical poetry and was thus qualified enough to judge the quality of a poet's work.[31]

It also seems to be certain that some of the Qarakhanid princes and rulers took actively part in the bustling literary scene by composing poetry. Samples of their Persian poems were preserved in various later works.[32] It is important to stress here that though the dynasty was of Turkic origin, the western part of the state, similarly to the lands of the Ghaznavids and the Seljuqs who were also of Turkic origin, was under the influence of Persian culture and the dominant literary language in Transoxania in the 11th century was Persian.

***Abstract.*** *The poem "Kutadgu bilig" expounds the authentic and moral-ethical problems of the Middle Ages. Humanity, knowledge, reason, intellectuality, the ability to be satisfied in everyday life, set out in each chapter of the poem, have not lost their relevance in folk pedagogy today.*

***Özet.*** *"Kutadgu bilig" şiiri, Orta Çağ'ın otantik ve ahlaki-etik sorunlarını açıklar. Şiirin her bölümünde ortaya konan insanlık, bilgi, akıl, entelektüellik, günlük yaşamda tatmin olabilme yeteneği, bugün halk pedagojisiyle ilgisini kaybetmemiştir.*

"Қутадғу билиг" – миф-афсона тарзида баён этиладиган донолик сўз, насихат ва ибратдир. Достон воқеаси ўша даврдаги Иссиққўл, Еттисув, Қошқар ўлкасида бўлган ҳақиқатга боғлиқ ҳолда кўрсатилган.

Ю.Баласоғунийнинг достони сиёсий ва таълим-тарбиявий, панд-насихат тарзидаги трактат асар. Унда инсоннинг ўзини ҳукуматда, уйда қандай тутиши кераклигидан бошлаб, хонлар ва бекларнинг ўз қарамоғидаги ҳар бир жамоавий тузумларга қандай таъсир этгани ҳақидаги масалалар юритилади. Идеяси томонидан достон иъмонлилик, эзгулик рухида ёзилган асардир.

Поэманинг долзарб сарлавҳаси, олға қўйган мақсадва вазифаси халққа қутлуғ умр тилаш, бахтли, адолатли жамият тузиш. Шундай гуманистик муродларни юракка етказиш мақсадида Юсуф Баласоғуний асарининг асоси этиб Адолат, Давлат (Бахт), Ақл, Қаноат каби тўрт эзгу хосиятларни олган. Достон шу тўрт хосиятларнинг суҳбатидан ташкил топган. Тўртталаси – Қутадғу билиг деганидир. Бири – тўғри, одил ва қаттиққўл тартиб, қонун. Энг катта бошлиқ ҳам шу, Адолат –Кунтуғдини Элик (хон ўрнига қўйган). Ўзига-ўзи берган характеристикада:

Ярқираган кунни кўр ва кўр мени,
Кун сўнса агар, тирикчилик ўлгани
Шу сингари менинг ҳар бир қилиғим,

Одил қонунни чала олмас қуруғинг, – дейди. Айнимайдиган адолатини одил тарзда фахр этади.

Иккинчиси – бойликнинг ўзи, яъни омад ва давлат. Бу Кунтуғди Элик амирнинг вазири, исми Ойтўлди. Қонуннинг бош вазири мана шу қут-Давлат. Ўзини-ўзи

Мен ҳам ой каби янгиланиб тураман,
Бирда борман, бирда жумбоқ маконим деб айтади.

Учинчиси – Ақл, бу вазирнинг боласи - Ўғдулмуш. У - ақл-ўй, билимнинг тушунчаси.

Тўртинчиси – Қаноат, рахм. У вазирнинг қариндош акаси- Қаноат. Сифолик, қанаатлилик, ўлимни унутмаслик ҳақида.

Мана, шуларнинг орасида ақл билан суҳбатда ҳар хил ҳаётий масалалар сўз бўлиб, аниқ- аниқ акс эттирилади. Ҳар бир сўзда, байтларда одамзод учун тарбиявий аҳамияти катта қоидалар айтилади.

Файласуф шоир нима қилсак, бахтли замон келади?, нима қилсак қутлуғ мамлакат қурамиз?, одам қандай, замон қандай бўлиши керак? деган саволларга тинмай жавоб излайди.Чин бахтнинг кўзини одамгарчиликдан, ғамхўрликдан, билим билан адолатдан излайди.

Адолат, Давлат, Ақл, Қаноат – тўрт қаҳрамон, тўрт философик категория. Ҳаётнинг барча воқеалари ҳам шу тўрт тушунчадан пайдо бўлади. Тўртталасининг ҳар қайсисига таъриф беради. Ҳар бирининг эзгуликлари ва вазифаларини таърифлайди. Қадимий психик кескин. Уламолик билан шоирликнинг бирдан бир илҳоми мана шу ерлар. Ҳаммасидан муҳим хусусият, дуниёдаги тирикчиликнинг кунидай-Адолат, адолатли қонун. Достонда ҳам зотига хос хон, амир ҳолатида тасвирланади.

"Сўз боши – Кунтуғди Эликнинг ўзи" номли дастлабки бўлимнинг бирида шоир улуғ эл бошчисининг, адолатнинг тасвирини турли йўллар билан (автор ремаркаси, қаҳрамон сўзи, уламо фикри орқали) тасвирлайди.

"Эли яқин - соқ, қироқи одамнинг,
Гўри яқин –қайғусиз нодоннинг!"

Бекликдан эр топар эди бахт қанча,
Элнингишини кишилик билан бажарса!

дегани каби байтлар ила эзгу бекнинг, эзгу бошчининг қандай бўлишини айтади. Албатта, X-XI асрнинг ўзида эл бошқарув, мамлакат бошчиси ҳақида бундай аниқ, ҳаёт воқеаларидан пайдо бўладиган таъриф бериш осон эмас. Унинг ўзи шоир тили билан, фикри билан, ўй ва туйғу туғилиб, муҳим ўзгачаликлари билан хулоса қилинган. Шоир ҳаёт кечирган замоннинг ижтимоий ривожланиш даражасини шундан пайқаймиз.

Адолат, одил бошчи образи достоннинг бошидан охиригача узилмай давом этади.

Қонун олдида бари бирдай мен учун.
Кўсем одил.Бўлмайди ҳечбир шартнома.
"Адолат" - қут Қут қуроғи кичиклик.
Адолатнинг моддаси–ҳақиқий кишилик!" - дейди уламо.

Шу билан бирга:

Беклари эссиз бўлмагунча қадимда,
Эссизлардан кўзи очилмас элида.
Бош кўтарса ёмон: яхши хўрланар,
Бош кўтарса яхши: ёмон йўрғалар.
Бўлса беклар эзгу, қутлуғ хўрдали,
Бари ҳам эзгу, қорача тўқ бўлгани.

Бу Баласоғунийнинг энг ноёб асари. Яъни, яхши бек, эзгу бошчи ёмонни ҳам яхшини ҳам эзгуликка, баракага бошлайди. Эзгу бекнинг юрти ҳам тўғри, йўли ҳам, хулқи ҳам тўғри. Беклари эзгу, беклари эсли элда эссизлик йўқолади, халқи бойиб, қут-баракага ўранади. Тоифани улуғлик билан бошқарган бекнинг беклиги ҳам улуғ, эли ҳам бойдир.

Адолат умумий одиллик, ҳақиқат идеяларига боғланса, Давлат, Қаноат, Ақл, сабрлилик каби хусусиятлар билан ёндоша тасвирланган.

Бахт-давлат. Қут-барака одам боласининг бахти билан тағдири. Талай-талай афсоналардан, эртаклардан думалоқ бошли бандага шунчалик таниш тушунча. Қутлуғ умрнинг чин маъноси тўғрисида бироз ўйлар Ойтўлди оғзидан айтилади:

Тўғри сўз бўл, ёмонликдан безгайсан,
Тўғриликнинг асосида- бахту-қут.
Яхшилик қил, ёмонликдан безгайсан,
Шунда эзгулик келар, излаб кезмайсан! – деб ўғли Ўғдулмушга насиҳат қилади. Шу насиҳаттаги

"Зинокорлик, шаробзаҳрин теккизар,
Йўқчиликнинг йиртиқ тўнини кийгизар,"
"Ичимликдан мол-давлатинг сочилар,
Зинкорнинг ор-уятиочилар,
Шароб ичма, ҳаромдан бўй тозала,

Ёвуз бўлма, зинокорлик ясама" деган йўлларда авлод олдидаги ҳаёт ҳақиқатидан қолдирган насихат.

Достондаги ўй-фикрлари турли боб, бутун асар мазмунини кўрсатадиган қаҳрамон – Ақл. Адолатга бутун ҳаёт мазмуни элни қандай бошқариш кераклигини, вазир, беклар, ошпаз, аскарбоши, хизматчи қандай бўлиши кераклигини, чўпон, ёлчи, шоирлар билан, олим, отарчилар билан қандай мулоқотда бўлишни, қандай аёлга уйланиш кераклигини Ақл (Ўғдулмуш) ўргатади. Элик айтди: -Қулоғинг сол, эй, ўғлим!

Айтчи менга буриб тоза ниятинг.
Не фойдали? Не фойдасиз элингга?
Эзгуликнинг калити не? Сен ўйла?
Элик бегим!- деб Ўғдулмуш сўради,

Кишиларнинг кўсеми сен, билимли!
Екі Икки оламда кишиларга- керагинг,
Эзгу қилиқ, тўғри қилиқ - дер эдим.
Иккинчи - уят, учинчиси - одиллик,
Шу уччови бахт - давлатинг баринининг.

Ақлга ёндош умрнинг ўткинчи қизиғи билан тортишидан воз кечган Ўғдулмуш (Қаноат) ҳам ўз моралидан, ўзининг тутган принципидан кетмайди.

Қорнинг тўйса икки кунга етади,
Кийсанг бир тўн икки йилга етади.
Иккови учун ўз-ўзимни қул қилиб,
Хизмат қилсам ярашарму, бу қилиқ?
Кимнинг тоза бўлса оғзи, томоғи,

Гуноҳдан пок бўлар, тоза жони, – деб Қаноат одам бандасини, улуғни ҳам, кичикни ҳам одиллик, қаноатчилик идеялари ҳозирги қайси халқда ҳам, миллий онгида ривожланган барчамизга аён кишилик хусусиятлари билан ўзакдош. Юсуф Баласоғуний аталган мангулик хосиятларнинг ҳеч қайсисини ҳам ортиқ баҳолаб, шунга қараб чалғимайди. Бир-биридан узоқроқ, умуман қарши бормайди. Шундай ажойиб пропорция билан, шундай боғлиқлик билан ҳар бирининг хусусиятига тенг тушунинглар дегани бўлса керак.

Юсуф Баласоғуний ўз асарининг ўзаги сифатида Адолат, Бахт, Ақл, Мўлчилик каби хосиятларни олган. Адолатни у «Кунтўлди» деб атайди да, унга мамлакат бошчиси бўлишини ундайди. Бахтга «Ойтўлди» деган мансаб бериб, вазирлик хизматини беради. Ақлга "Ойтўлди деган исм" бериб, вазирнинг боласи (Ўғдулмуш) бўлишни айтди. Мўлчиликка "Етакловчи" деган ном берибвазирнингукаси (Ўғдулмуш) бўлишга маслаҳат беради. Мана, аталган адолат, мўлчиликка ўзаро суҳбат, ўзарофикр алмашишга киришади. Ўзаро ҳангома айтади.

Шундай улуғ мақсатни мурод этган шоир шу поэмаси улкан-кичикни "Тилнинг фойда, зиён келтиришдаги хизмати", "Фойдали ақл-маслаҳат ҳақида сўз", "Ойтўлдининг амир Кунтўлдига хизматга келиши", "Бахтга, яхшиликка бошлар ҳаракати билан ёмон қилиқлар", "Ойтўлдининг амиргақўйган саволлари", "Амирнинг Ойтўлдига жавоби", "Ойтўлдининг ўғли Ўғдулмушга берган маслаҳати", "Ўғдулмушнинг Амирга қандай хизматга келганлиги ҳақида", "Ўғдулмушнинг амирга илм, билимнинг ўзгачаликлари ҳақида айтиши", "Сарой одамларининг ўзини қандай тутиши кераклиги", "Элчиликка борар инсоннинг қандай бўлиши ҳақида", Амир хизматкорларининг ҳуқуқи ва вазифалари", "Юқори лавозимли одамлар билан мулоқот қила олиш кераклиги ҳақида", "Уйланиш ва бола тарбияси", "Тўйга чақириш ва Бориш ва бормаслик масаласи ҳақида", "Ўғдулмушнинг туш кўриши", "Ўғдулмушнинг кўрган тушини таъбири ҳақида" деб аталадиган турлимавзуларни ёритадиган 70-дан ортиқ бобдан иборат.

Юсуф Баласоғунийнинг "Қутадғу билиг" достонида аталган асарнинг айрим бобларидан машҳур Ўтрор уламоси абу Наср ал Фаробийнинг "Меҳрибон шаҳар аҳолисининг кўзқарашлари" номли трактати билан ёндош келадиган, бетакрор одамзот жамияти бўлишини соғинганига гумон йўқ.

Бундай масаланинг барчаси тақаб келганда, этика-сиёсий масалаларга бағишланган. Мамлакат қурилиши тўғрисида ўйлаш, эл бошқарув турларини тасвирлаш, этик ва сиёсий вариантларни белгилаш, бошчининг ва югунувчининг қандай тайинланганлигини аниқлаш, озғин жамиятни синаш-мусулмон шарқида даставвал ал Фаробий кўтарган масалаларнинг тўплами эканлиги аниқдир. Бу масалаларни ечишга келганда эса, ал Фаробий ўзининг қанчалик ижтимоий- сиёсий уламо эканлигини кўрсатади.

Ал Фаробий билан Юсуф Баласоғунийнинг адолатли одам, адолатли бошчи ёки ғамхўр мамлакат ҳақидаги идеяси – хаёл. ал Фаробий ва Юсуф Баласоғунийҳам бундай идеянинг юзага ошишига ишонишмаган, сабаби у ҳусусиятларни ҳаммасини ўз бўйига сингдира олган фалсафий бошчини топиш қийин эканлигини тушунишган.

Х.Сүйинишалиев айтганидай, "Қутадғу билиг" Ўрта аср ёдгорликларининг энг кўламдори ва кўркамлиги тарафидан тадқиқотчиларини ҳайратда қолдирган адабий гўзал асар. Ўрта Осиё билан Қозоғистон тупроғини макон этган туркийларнинг ва уларнинг маданиятининг ёруғ юлдузи дейишга арзийдиган ноёб мерос. Бу ўлканинг бир вақтлар макон этган маданиятини танитадиган тарихий гувоҳ, ажойиб ёдгорлик. Ўрта асрдаги кўплаган уруғ, қабила тилларини бир изга солиб, ривожланишига, адабий тилнинг пойдеворини қалашга достоннинг қўшган ҳиссаси кўп. Туркий адабий тилининг обрўсини ошириб кейинги адабиётга ҳамтаъсири бўлди.

Демак, поэманинг долзарб сарлавҳаси, олға қўйган мақсадва вазифаси халққа қутлуғ умр тилаш, бахтли, адолатли жамият тузиш. Шундай гуманистик муродларни юракка мазмунли суҳбат, маъноли фикрлар билан етказиб беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Юсуф Баласоғуний "Қутадғу билиг", Алмати 1997й.
2. Егеубаев А. "Кишилик китоби", Алмати 1998 й.
3. Кононов А.Н. "Поэма Юсуфа Баласагунского "Благодатное знание", в книге Ю.Баласагунский "Благодатное знание". М., 1983г.
4. М.М.Мирзахметов, Кошербаева А.Н., "Қутадғу билиг" достонининг маъноси"// Қозоғистон мактаби. - 2004. №7, Б.23-28.
5. Сүйинишалиев Х.Ж. Қозоқ адабиётининг тарихи, Алмати, 1998й.


## ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ДАВЛАТЧИЛИК ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ НЕГИЗЛАРИ


***Абдуқодир Зоҳидий***
*фалсафа фанлари номзоди*



***Аннотация.*** *Илмий ахборотда Юсуф Хос Ҳожибнинг давлатчилик фалсафий таълимоти негизлари таърифлаб, хулосалаб берилади. Давлат, сиёсатнинг ижтимоий адолат, қонунчилик, оқилона давлат тузиш ва уни бошқаришнинг Тангри томонидан берилиши, унинг қоон қўли, дасти иродасида эканлиги, умуман Ю.Х.Х.нинг фалсафаси асослари: Борлиқ, дунё ва унинг қонунларини билиш, бахт-саодатлик, эзгу-осуда ҳаётга, охиратда эзгу ажримларга эга бўлишнинг қадимги турклардаги ўзига хос тушунча, атама, истилоҳ, категориялари асослаб берилади.*



***Таянч сўз ва иборалар:*** *Хос Ҳожиб, тойонғу, элиг, тугал эр, будун, қоон, билиг, Қутодғу билиг, фаровонлик, бахт-саодат, давлат, сиёсат, идора ва бошқарув.*



***Аннотация.*** *В научном сообщении исследуется основы философского учения Юсуф Хос Ходжиба о государственности, сделаны выводы о государстве, политике, социальной справедливости, благоденствия, законах, рационально-организованное государство и управление ими даются от Тенгри (от Верховного божества), что все перечисленные находится в руках Каана, в его правах и полномочиях. В целом основа государственной мудрости Ю.Х.Х.: знание битья и его законов, что такое счастья,*

*благоденствующая жизнь, достижения благих удел в Загробном мире, и особенности их понимания у древних тюрков, имеется термины, понятия, категория выражающие их, даются их обоснования.*

***Опорные слова и выражения:*** *Хос Ходжиб, тойонгу (великий визир), элиг (глава народа), тугал эр (совершенный человек), будун (народ, черн), қоон (царь), билиг (мудрость), Қутодғу билиг (Знание, от божественной благодати), фаровонлик (благоденствие), бахт-саодат (счастье), давлат (государства), сиёсат (политика), идора (организация) ва бошқарув (управление).*

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги фалсафий-сиёсий таълимоти негизлари ёки давлатчилик, сиёсат илм ҳикмати, давлат сиёсати, унинг қонунлари, идора ва бошқарув усул ва методлари Буюк Тўғон алоҳида таъкидлаган "тамомила янгичалиги" [1] янги концептуал ёндашиши нималарда кўзга ташланади?!

1. Ю.Ҳ.Ҳ. ҚБ.ни нафақат, қадимги туркий давлатчилик, сиёсат анъаналарини, тўра-тузук, йасо-юсун қонунчилигининг устунлиги, афзаллигини қатъий ва изчил таъкидлаганлиги, қадимги туркий-буддавий, туркий-манихейлик, туркий-насоролик эътиқодлари билан боғлиқ маданий меърос, анъаналарнинг халқимизга 1000 йиллар давомида сингиб кетган, қадриятга айланиб улгурган ижобий ғоя, анъаналарини, қадимги туркий давлатчилик, сиёсат анъана, қадриятларига уйғун сингдирган ҳолда, шу билан бирга, уларни очиқ матнларда, шаҳсиятлари, таълимотлари номлари, энг муҳим тарихий, илмий, диний жараёнлар, ҳаракатлар билан боғлиқ ҳаракатлар рамзлари, жиҳатларини очиқ тилга олмай, асосан улардаги ислом, шариъат асослари-аркон, фарз-вожибларига зид келадиган салбий бидъат ақидалари, маросимчилик амалиёти талабларини ўта усталик, қайишқоқлик, юксак илтифотлилик сиёсати имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ташлаб юборган, уларни четлаб ўта олиш сиёсий маҳоратини ҳам намоён қила олган.

2. Айни пайтда, мутлақо янги, самарали ва қудратли салтанат (империя) давлатчилик, сиёсат таълимоти, қонунларини асл қадимги туркий анъана, қадриятлар руҳидаги давлатчилик, сиёсат принципларининг устун, афзал ва самаралилигини кўрсатувчи қарашларини ишлаб чиқиб, туркий давлатчилик, сиёсат, маданият, анъаналар ҳаётида, тафаккурида туб инқилобий-янгиловчи аҳамиятга молик ўзгартиришлар ясаганлигидан ташқари [2], Ю.Ҳ.Ҳ.нинг соф туркий давлатчилик, элиг хонлар сиёсат илмлари, қонунлари, идора ва бошқарув усул ва методларига оид асл (оригинал) назарий-концептуал янгиликлар – тугал эр (комил инсон), тугал элигхон давлати, жамияти (асл Элхон)да адл-инсоф, қонун устуворлиги, анчагина катта миқёс ва даражада фаровонлик (Эзгу элиг ҳаёт даражаси) каби, ўрта аср мустабид, анъанавий "Подшоҳ амри вожиб" деган ҳокими мутлақлик, зўрлик, ҳақсизлик ва зулм ҳукмрон бўлиб келган шароитларда тасаввурга сиғиши жуда қийин бўлган, ақлпарварлик (рационализм), инсонпарварлик (гуманизм) принциплари, ғоя, қадриятларини киритилганлиги, кашф этилганлиги ҳам маълум бўлмоқда.

3. Бу ўринда, ҚБ.да ифодаланган давлатчилик, сиёсат илмлари ғоя, принциплари, усул ва методлари асосида ётган қуйидаги туб, фундаментал фалсафий-назарий, методологик, концептуал ўзига ҳослик, янгиликка диққатни қаратиш лозим. Гап шундаки, Ю.Ҳ.Ҳ. ҚБ.да, "хоқониййа" давлати, умуман қадимги турклар давлатчилиги борлиғи, ҳаёти, анъаналари, давлатчилик, сиёсат илмлари, қонунлари ва муаммоларига – бу илмлар объекти, предмети ва субъекти, шахсиятларига жиддий тарзда, тамомила катта онтологик маъно, мазмун берган (Онтологизированность), борлиқ функциясини юкланган. Бу туркларнинг давлат эгоизми – эгаменлигидан ташқари, уларнинг ўз ҳаёти, дунёси, сиёсий муносабатларини азалий, бирдан бир мавжуд борлиқ деб идрок этишлари, ҳис этишлари, қарашлари оқибати бўлган бўлса керак.

4. Ўз миллий мавжудликлари – давлатчилик, сиёсий-ҳарбий борлиқлари, ҳаёти, ҳаёт ареалларини бирдан-бир борлиқ деб қабул қилиш, идрок этиш, яъни уларга онтологик маъно, мазмун беришдан ташқари, ҚБ. матнида, кўп ўринларда баҳс-мунозарага киришиш, ўз даври учун муаййан, тугалланган ҳулосага кела олиш илмий принцип, методларини қўллаганлигини таъкидлаш зарур. Баҳс мавзуси бўйича, кўпинча 1-3 марта савол-жавоблар келтириш ёки ҳатто муаййан катта масалалар, баҳс-мунозаралар туркумини, заруратга қараб, уларга 2-3 маротаба қайтилганлик ҳолларини кўриш мумкин. Бундан эса муаммо-масалани жуда юксак даражада, тадқиқ, таҳқиқ этиш, тарафларнинг фикр, концепцияларининг барча муҳим жиҳатларигача ҳисобга олиш ва шу асосда якуний ҳулоса, баҳо берилганлиги англашилади.

5. Ю.Ҳ.Ҳ. ҚБ.да ҳатто ҳозирги замон зукколарини ҳам “ҳайрат бармоғини тишлашга” мажбур қила оладиган фундаментал илмий тадқиқот принцип, усул ва методларини: илмий ҳолислик, асослилик, тарихийлик, тараққиёт, фақат илмий ҳақиқатга берилганлик, субъектив ҳис-туйғу, эҳтиросларга берилмасликнинг бетакрор, беназир намуналарини ҳам қолдирган. Бу ерда биз бу қадар мукаммаллик, пухталик, асослилик Ю.Ҳ.Ҳ. ақл-заковотининг чуқурлиги, теранлиги оқибатими ёки бўлмас бирор ташқи омил натижаси эдими, деган риторик саволни ўртага қўямиз, ва ҳатто, бизнинг минтақамизда онда-сонда бўлса-да, учраб турадиган анъанавий хитой таълим тизими, унга хос ҳарбий топографик пухталик, аниқлик таъсири, таълим-таҳсил усули, методлари излари эмасмикин, деган фаразни илгари суришга мажбурмиз. Зеро Ю.Ҳ.Ҳ. Балсағундан жуда кеч, умрининг асосий сермаҳсул қисми – 50 йили ўтиб бўлиб, сўнгра Кошғарга, Илик хон саройига, қўлида тайёр, тугалланган катта асари билан кириб келган, юксак тақдирланган. Ю.Ҳ.Ҳ. билан боғлиқ бу фавқулодда ҳодиса прецеденти, бир вақтлар Тунюқуқ бошдан кечирган, атайлаб хитой таълими-таҳсилини мукаммал эгаллаш учун Хитойга юборилганлиги, ана шу асосда Хитой давлатчилиги, сиёсати, маданияти анъаналарига муросасиз стратегик йўлни ишлаб чиққанлиги, уни амалга оширганлиги прецедентини хотирга солади.

Бу, умуман олганда, Ю.Ҳ.Ҳ. ҚБ.да қайта асослаб берилган, келиб чиқишига кўра эса, қадимги туркий битиглардаги хоқон, унинг аъёнлари, сиёсий арбоблари ҳаётинигина бирдан бир борлиқ сифатида тушуниш, борлиқ муаммосини ана шундай ўзига хос, яъни фақат қадимги туркларга хос ақида, қарашлардан ибтидо олар эди, албатта. Бу борлиқ муаммоларини кутилмаган тарзда, ўзига хос – тор маънода тушуниш, қараш нималарда яққол кўзга ташланади ва буни қандай манбаавий ва тадқиқий исботлаш мумкин?!

Анъанага кўра, борлиқ деганда қадимги юнонлар бутун олам, одамлар, жамият дунёсини, осмоннинг баъзи қисмлари, юлдузлар, сайёралар, фалакларни қўшиб тушунганлар, ҳатто уни дунёдаги энг содда, умумий асосдан, кўринадиган – тупроқ, сув, ҳаво, олов, апейрон ва шу кабилардан иборат деб билганлар, қараганлар. Қадимги Шарқда эса, борлиққа бу дунёдан ташқари, олий борлиқ, яъни ғайри-табиий, илоҳият оламини ҳам қўшганлар.

Қадимги туркларда, қадимги туркий битигларда эса, борлиқ Кўк Тангри(юқорида) ва қўнғир ер-сув (остда) - бу икки ибтидо уфқда учрашиб, борлиқ, дунё турк хоқонлари учун яратилган, одам болалари ана шундан келиб чиққанлар ва тарқалиб кетганлар (анъанавий сомий-оромий концепциясидан тубдан фарқ қиладиган, мустақил ва ўзига хос бани башарият генезиси концепцияси), борлиқ, дунё турк хоқонлари учун яратилган, деган тушунча, қарашлар асосида тасаввур этилган.

Умуман олганда, қадимги туркий битигларда акс этган туркий халқлар турмуш тарзи, руҳияти, урф-одат, анъана, маросим, байрамларига оид қарашлари, тасаввурлари билан боғлиқ ҳикматлар:

А) дунёнинг мифологик манзарасини шакллантирган, чизиб берган (Ўғуз хоқон афсонаси (5 вариант); Бўз Қурт-Кўкёл Бўри ёки Эрганакан (Ашина уруғи тимсоллари) афсоналари;

Б) дунё, унинг қонуниятларини билиш орқали дунёнинг илмий манзарасини шакллантиришга ҳизмат қилган [3].

1. Қадимги турклар, дунё, борлиқ деганда хоқон дасти иродаси, идора ва бошқарувидаги оламни тасаввур қилганлар, уни бирдан-бир борлиқ деб қабул қилганлар, яъни тугал эр – элиг дунёсини бирдан-бир борлиқ деб билганлар. Ана шу ўзига хос борлиқ – хоқон дунёси, элиг оламига, энг кенг, фалсафий онтологик маъно, мазмун берганлар, онтологик функцияларни юклаганлар.

2. Инсониятнинг, тепада Кўк Тангри ва остда эса, Қўнғир ер-сув ибтидоларининг уфқда ўзаро туташишлари (учрашишларидан) турк эр зоти келиб чиққанлиги, ана шу ягона аждоддан қолган барча инсоният келиб чиққанлиги, тарқалганлиги – генезисига оид концепция. Бу концепция турк халқи – “турк будун” онтогенези, этногенези ва филогенезини ўз ичига олади.

3. Давлатнинг Кўк Тангри томонидан турк хоқонларига берилганлиги, улар ўз саъий-ғайратлари, сиёсий иродалари билан қадимги турк хоқонликлари давлатларини самарали ташкил этганликлари, идора қилганлари ва бошқарганликларига оид концепция илгари сурилган.

4. Давлатни адл-инсоф асосида идора қилиш, зулмга йўл қўймаслик асосида бошқара олиш учун эса, Кўк Тангри турк хоқонларига дунёни шак-шубҳасиз, соғлом ақл, сезгилар ёрдамида билиш, адолатли қонунлар, ҳиммат-мурувват - “шилон” тарқатиш, тўра-тузук, йаса-йўсун анъанасини ҳам берган.

5. Давлат, сиёсат (ҳокимият), қонунчилик, ҳиммат-мурувватнинг ўзаро яқинлиги, чамбарчас боғлиқлиги, имманент бирлигини, муқаррар уйғунлигини ҳам Кўк Тангри берган ва бу турк хоқони давлати ва турк будуннинг ҳаёти, фаровонлиги, бахт-саодати кафолатидир.

Қадимги туркий битиглардаги давлатчилик, сиёсат ва қонунчилик ҳикматларига оид юқоридаги бандлар, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк”ида онтогенез, этногенез, филогенез йўналишларида, қадимги турклар ҳаёт ареалларидаги тарихий, этник-жуғрофий “дала материаллари” наъмуналарида кўрсатилган бўлса, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида, қадимги турклар давлатчилиги, сиёсати, қонунчилик, идора ва бошқарув билимларига оид юқорида санаб ўтилган концепциялар, ўзига хос “тарих фалсафаси” сифатида илгари сурилган [4], муфассал қайта тикланган, очиб берилган, янги шароитларга уйғун қўллаш талқинлари илгари сурилган эди.

Мана, қадимги хоқонларимиз, ш.ж.дан, Кул тигиннинг юқорида келтириб ўтилган давлатчилик, сиёсат ҳикматларидан иборат ўз сўзлари: “Юқорида кўк осмон (тангри), пастда қўнғир ер (-сув) яратилганда, иккисининг ўртасида инсон болалари пайдо бўлган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бумин хоқон, Истами хоқонлар хоқон бўлиб ўтирганлар. Улар тахтга ўрнашиб, турк халқининг давлатини, қонун-қоидаларини тутиб турганлар, риоя қилиб турганлар”; “... юқорида турк осмони (тангри), туркнинг муқаддас ер (-сув)и шундай дебди: “...турк халқи йўқ бўлмасин”, деб, “халқ бўлсин”, деб отам Элтариш хоқонни, онам Эл Билга хотунни, тангри ўз мартабасида тутиб, юқори кўтарган экан”; “... Шу ҳилда қозонилган, барпо этилган давлатимиз, қоида-қонунларимиз бор эди: Турк ўғуз беклари, эй халқ, эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда – ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?!”; “...Юқорида тангри, муқаддас (қўнғир) ер-сув, отам хоқон руҳи ... Тангри ёрлақагани учун, мен муваффақиятга эришганим учун, турк халқи ғалаба қозонди. Мен томондан давлат бундай бошқарилмаса, турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди”; “... Қулларим, чўриларим, халқимни осмон ва ер (-сув) қўллади” [5].

Демак, хоқон дунёси, ҳаётигина реал борлиқдир. Бу дунёнинг қонунлари ҳам бор, лекин улар мана шу хоқон дунёси, олами қонунларидир. Бу дунёда қора чавкар тулпор (тақдир), унинг кажрафторликлари ҳам мавжуд, лекин унинг чорасини қилиш инсон - тугал эр – элиг қўлидадир. Бу борлиқнинг ўз материяси, макон ва замони, ҳаракат, тараққиёт, ўзгаришлари ҳам бор. Бироқ, улар мазкур хоқон дунёси, олами, ҳаётигагина тааллуқлидир.

Худди шунингдек, Тангри бор, у мавжуд борлиқ билан иш олиб боради. Зеро, қадимги туркларда, шу ж., қадимги туркий битигларда ҳам, Ю.Ҳ.Ҳ. ҚБ.ида ҳам, бу олам, дунё, яъни борлиқ – ер юзи, худо лаънатлаган, ҳақирлик, хор-зорлик дунёси эмас, балки ҳақиқий, бирдан-бир борлиқ деб қабул қилинади. Бу дунё, ундаги ҳаёт жуда қудратли, жонли, гўзал, эзгу кучлар ва айни пайтда даҳшатли, ёвузлик кучлари амал қиладиган макондир. Лекин, улар инон-ихтиёри хоқон – элиг қўлидадир.

ҚБ.да, пайғамбар, Расулиллоҳ-с.м!-, азиз-авлиёларнинг, Тангри билан бу дунё, жамият, давлат, одамлар билан воситачилиги, шафоатлари, илоҳий китоблар, ш.ж.дан, Қуръони каримнинг йўл кўрсатувчилик ўрни расмий исломий, шаръий наътлар ёрдамида зикр этилиб ўтилади. Анархия – хаос, шахснинг ўзи бўларчилигига эса, умуман ҳеч қандай йўл йўқ.

ҚБ.да тақдир, охират ажримлари – жаннат неъматларию, дўзах ваҳшатлари – эсхаталогик даҳшатлар четга сурилган, ёки жуда нари борса, буддавий муаллақ борлиқ, манихейлик ва насоролар космологияси, космографиясидаги каби эфемер кўринишидагина ўрин олган.

Узлатчилик, дунёдан қочиш, зоҳидона, умидсизлик кайфиятлари билан боғлиқ анча муфассал ўринлар учраса-да, уларга умуман йўл йўқ, аксинча, Элиг ва Ўзғурмиш баҳс-мунозараси, элигнинг эзгуликка қаратилган ишлари, сиёсати, фаоллиги афзаллиги ғоялари устунлиги қатъий таъкидланади.

Борлиқнинг бирдан-бир масъули, қудратли субъекти, субстрати – одам, жамият, давлат бўлиб, уларнинг олий мужассами хоқон – элигдир. Элиг дунёни, одамлар, жамият, давлатни тузувчи, қурувчи, қонун берувчи, эзгу, юксак мақсадлар, нишонларга, бахт-саодат, фаровонликка йўналтирувчи куч-қудрат соҳибидир.

Тангри, сомий-оромий анъанадаги одил-у, аммо ўта қаҳрли, жаббор, муросасиз, раҳимсиз, ўзи истаганини қила олувчи, айниқса, уч қиёфали, пассивликка ундовчи худо эмас, балки Аллоҳ таоло каби раҳмон – раҳимлидир, мағфиратлидир.

Элиг – тугал эр пайғамбар ҳам, азиз-авлиё ҳам эмас, Аршу аълодан ҳам тушган эмас, у бутун вужуди, табиати, сифатларига кўра шу дунё одами, энг доно, ақл-заковот соҳиби, иродали ва эзгу ниятли, бахт-саодатга, фаровонликка эришишдан бошқа мақсади бўлмайдиган зотдир. ҚБ.нинг қарийб 80 фаслидан, 65-70 га яқин фаслида, Элигнинг энг олий жаноб сифат, ҳислатлари, бурч-масъулиятлари, вазифалари ҳамда, у йўл қўйиши мумкин бўлмаган ўнлаб салбий ёки ғайри ақлий, номуносиб сифат-қилиқлари келтирилган. Ҳатто элиг билан бошқа арбоблар ўртасида борган қаттиқ баҳс-мунозара, савол-жавобларнинг мавзуси бўлган, худди ана шу элиг сифатлари, бурч-масъулиятлари, вазифалари, давлат, сиёсат идора ва бошқарувида эзгулик, адл-инсоф, қонуннинг устуворлиги каби принцип, хулосалар Имом ал-Мовардий, Имом Қудурий ва Фаҳриддин Қози хонлар яратган “Сиёсий фиқҳ” бўйича ҳидоятномалардаги буюк давлат бошлиғига оид таъриф, хулосаларидан қолишмайдиган, балки янада мукаммалроқ, қуйма фикрлардир.

Ана шу жиҳатларни кўзда тутилганда, ҚБ.ни ёзиш жараёнида Ю.Ҳ.Ҳ. олдида ўта мураккаб, масъулиятли вазифа турганлигини тасаввур қилиш зарур бўлади. Бир томондан, қадимги туркрлардаги буддавийлик, маниҳейлик, насоро ва қисман яҳудийлик билан боғлиқ маънавий меъросни, қадриятларни очиқдан-очиқ кўрсатиб ўтирмай, ошкор этмай, лекин ворисий сақлаб қолиш, кейинги авлодларга етказиш, уларга нисбатан илк исломдаги “Дор-ул-ҳарб” сиёсати тақазо этган йўқ қилиш, маҳв

этиш, тарихимиз хотирасидан ўчириб юборишга олиб борадиган қирғин-барот, душманчилик, тақиқ, "Ширк"да айблашлар ўқига дучор бўлиш ҳавфини билдириб қўйиш, огоҳлантириш вазифаси турар эди. Бошқа томондан эса, уларда мужассам бўлган энг муҳим ижобий, умуминсоний, эзгу қадриятлар, ўгитлар (мас., Мусо-а.м.!-нинг 10 ўгити)ни асл қадимги туркий маданият, анъана, меърос, қадриятлар сифатида кўрсата олишга эришиш вазифаси ҳам турар эди. ҚБ.нинг ҳозир қўлимизда турган матни, унинг асл миллий ўзлигимиз, қадриятларига уйғун мазмуни юқорида санаб ўтилган мураккаб вазифани Ю.Ҳ.Ҳ. жуда асосли, гўзал шаклда, аъло савияда, шараф билан бажара олганлигини кўрсатади.

Муаммони ўрганишнинг бугунги кундаги Ўзбекистондаги даража, савияси бизга фундаментал чуқур қиёсий тадқиқ, таҳқиқ этиш, таърифлаш ва хулосалаб бериш имконини бермаса-да, Ю.Ҳ.Ҳ. дунёқараши, унинг давлатчилик, сиёсат, идора ва бошқарув илмига оид таълимотини, ҚБ да ўз аксини топган асосий нуқталарини аниқлаш йўналишидаги ҳамда нима учун мутафаккирнинг бу шоҳ асарининг жанри, моҳияти, мазмунини, ғоя ва қадриятларини аниқлаш, уларни идрок қилишимиз, ҳис этишимиз, тушуниб етишимиз қийин кечаётганлигини изоҳлаш, тушунтириб бериш, унинг мураккаб фалсафий, катта сиёсат илми асосларини қадимий туркий тилимизда яратиш билан боғлиқ хос жиҳатларига оид дастлабки фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Зеро, собиқ шўро минтақаси филологлари Ю.Ҳ.Ҳ.шунослари асарни ҳамон "достон" деб, атаётган, ёзаётган бўлсалар, ижтимоиётчи тарихчи, файласуфлар унинг мазмунини дидактика, пандномa асар деб атаётган, бироқ ҳали-ҳамон бир тўхтамга келолмаганлар дейиш мумкин [6] кўпчилик ўзбек адабиётчилари эса ҳатто Ю.Ҳ.Ҳ.нинг катта сиёсатчи, мутафаккир, олим эканлигини тасаввурларига келтира олмай, уни "шоир" деб аташлари айниқса бирмунча эриш туюлади. Ҳолбуки муаммонинг Ўзбекистондаги ва минтақадаги катта, зукко билимдонлари – С.Муталлибов, А.А. Валитова [7]лар деярли бир вақтда – XX аср 60-й.да, унинг катта олим, сиёсатчи, мутафаккир эканлигини қатъий ёзиб, дунёга бонг урганлари маълум.

Бундай иккиланишлар, бирмунча янглиш, чалғитувчи тасаввурлар нафақат бизда, балки ғарбий овруполик, туркиялик, россиялик анча кўзга кўринган, машҳур Ю.Ҳ.Ҳ.шуносларда ҳам учрайди, ҳамон бартараф этилган эмас.Чунончи, ҚБ.ни биринчи бўлиб илмий тадқиқ этиш, нашр қилишга киришган проф. Р.Р.Арат, асарни, унда қўлланган ярим ҳикоя, ярим масал, матал, мақол, шеър-чистон, мажозий тимсоллар, табиатнинг гўзал манзараларини бадиий тасвирлаш услубларини қўлланганлиги учун-ми, асарни "ҳийлагина мукаммал, аммо мураккаб услуб ва архитектоника ташрихидаги асар" деб таърифлашга уринган ва бу ўзига хос мураккаб асарни бошқача таърифлашнинг ўзи қийин ишдир [8]. ҚБ.да алоҳида олинган бош қаҳрамонларни муайян фаолият, билим соҳалари билан чуқур фалсафий боғлиқ тимсолларини тушунмай, идрок этмай, уларда ифодаланган муайян сифат, ҳислатларни фақат "Маъжозий" ифодаланганлиги учунгина (муаллифнинг огоҳлантиришларига қарамай), асар мазмунини бирмунча мажҳуллаштирувчи маънода талқин этиб, "асар мажозий – аллегорик, ҳатто бирмунча театрулаштирилган" деб таърифлаган, хулоса чиқарган. "Ана шу юқоридаги барча хусусиятлари билан бир бутун ҳолда олиб қаралганда, - деб давом этган эди проф.Р.Р.Арат, - ҚБ ярим ҳикоя, ярим театру(намуна) тарзида ёзилган аллегорик, манзум(шеърий) бир маснавийдир"[9].

ҚБ. маълумотларига таянган ҳолда, қорахонлилар анъанасидаги давлат тушунчаси, давлат идора ва бошқаруви, ташкилоти (сиёсий тизими) муаммоларини махсус тадқиқ этган Рашод Ганж эса, Ю.Ҳ.Ҳ. ҚБ.да қорахонлиларнинг, қадимги хун (ту кю)лардан бери давом этиб келаётган давлат ва сиёсат тушунчаси, таълимоти

анъаналарини жуда катта миқёсда – империя даражасида ва жаҳон кўламида давом эттирганликлари муаммосини ўртага қўйган эди [10].

Қолаверса, ана шу чарчавада Ю.Ҳ.Ҳ.нинг ўзи ҳам даври, жуғрофий-тарихий маконига кўра Форобий ва Ибн Сино таълимотларидан жуда салмоқли таъсирлангандек кўринишини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан ҚБ.ни сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва аҳлоқий жиҳатлардан тадқиқ этишга уринган туркиялик ва ғарбий овруполик олимлар, унда гўёки намоён бўлган, Форобий ва Ибн Синолар таъсирини ва ана шу файласуфлар воситасида Афлотун ва Арасту таълимотларидаги изларини аниқлаш, қидириб топишга уринганлар. Ҳолбуки Буюк Тўғон 1925-1926-йиллардаёқ бу хулосанинг тўғри эмаслиги ҳақида эътирозга ўрин қолдирмайдиган шаклда, ўзининг қатъий бир хулосасини илгари сурган эди [11].

Туркиялик олим Ҳалил Инолчуқ, Ю.Ҳ.Ҳ. қарашларида қадимги туркий, ҳинд-эрон давлатчилик анъаналари таъсири ҳам борлигини эътироф этиш нуқтаи назарини илгари сурган. Унга кўра ҳинд таъсири, бир томондан, Эрон сосонийлари, кейинчалик эса исломий давлатчилик анъана, йўли билан, бошқа томондан эса, буддавий бурхончи уйғурлар воситаси билан, мазкур “машшаиййун” давлатчилик ғоялари, Ю.Ҳ.Ҳ.нинг ҚБ.даги давлатчилик, сиёсатга оид қарашлари, таълимотига ўзининг муайййан таъсирини ўтказган, деган фикрни билдирган эди [12]. Бу фикр ҳам, умуман тўғри бўлгани ҳолда, яъни қадимги туркий маданиятимиз, анъана, қадриятларимизга мазкур диний эътиқодларнинг муайййан таъсири бўлгани, сингдирилгани ҳолда, Ю.Ҳ.Ҳ. ҚБ мазмунида, мазкур “машшаиййун” вакиллари очиқ матнлари, шахслар номи, асарларига ҳавола тамомила учрамайди.

Аслида ҳам, туркий-буддавий, туркий-манихейлик, туркий-насоро, баъзи яҳудийлик таъсирлари умуминсоний яқинлик, алоқа, муносабатларнинг намоён бўлиши бўлибгина қолмай, XI аср одами, ўзининг асл туркий дунёқараши, сўзлари, амалиётида ўта масъулиятли шахсияти бўлган Ю.Ҳ.Ҳ. учун мазкур анъана, қадриятлар “яқин минг йиллардаги ўз халқи (турклар) учун муқаддас, азиз саналган”. Ва демак, унинг учун, гарчи ислом, шаръий ҳукмлари, қонунлари нуқтаи назаридан унутилишга маҳкум этилган бўлсалар-да, мазкур меърос уйғурлар, барча туркий халқлар вакиллари учун мазкур давр, минтақада яқин-яқинларда ҳам муқаддас, азиз саналганлиги, ҳатто бугунги кунларда ҳам баъзи яқин қўшни, қон-қариндош халқлар борлиғи, муқаддас эътиқодлари, қадриятлари бўлиб қолаётганлиги учун, ҳамда, устига-устак, мумтоз араб-мусулмон жамияти, маданияти, цивилизациясининг каттагина даври (XI-XIV асрларда) ҳам, бирмунча яширин, пардаланган ҳолда, ворисий сақланиб қолаётганлиги, асраб-авайлаб келинганлиги, “миллат маънавий мулки”нинг анчагина катта, қадимги қатлами сифатида яшашда давом этганлиги, ўз ҳаётий кучи, таъсирини аҳён-аҳён бўлса-да кўрсатиб турганлиги жуда яхши маълум эди [13].

Бу ўзига хос қадимги анъана, қадриятлар Ю.Ҳ.Ҳ. учун, айниқса унинг замонида ҳам улар мутафаккирга, туркларга унчалик ҳам бегона бўлмаган, албатта. Буни XIX-XX асрларда Хўтан, Турфон, Урумчи, Кучадан топилган, мустабид тузум мафкурачиларнинг мислсиз қаҳру ғазабига учраб, “арава-арава” қилиб, ташилиб, ариқ, сойлар сувларида оқизилган, тупроққа (қабристонларга) кўмилган, ёқиб юборилган қадимги туркий-буддавий, туркий-манихей, туркий-насоро матнлари, китобларнинг Шарқий Туркистоннинг ўша минтақаларида кашф этилганлиги, ҳозирги замон Ғарбий Оврупо дунё музейларида, шахсий коллекцияларда сақланаётганлиги, намойиш этилаётганлиги, ҳатто баъзи бир раритетлар нашр этилаётганлиги, таржима, тадқиқотлар мавзуси бўлаётганлиги, жаҳон афкор оммасида катта қизиқиш уйғотаётганлиги ҳам тасдиқлайди, албатта [14].

Ю.Ҳ.Ҳ. олдида, айниқса ўша даврда, бундай мураккаб, ҳатто бирмунча мажҳул кўринувчи (аллегорик) шаклда бўлса-да қадимги туркий давлатчилик давлат идора ва

бошқаруви, давлат ташкилоти, қонунчилик ва ҳуқуқ, сиёсий-аҳлоқий илмлар, анъана ва қадриятларни ўз ичига олувчи фавқулодда асарни ёзиш, уни буюк қоон наздида маъқулланишига, рағбатлантирилишига, ўзини, халқини қутлуғ тақдирли қилинишига эришиш, бундай шоҳ асарни энг ижтимоий-сиёсий фаол тоифа, қатламлар киши (хос)ларигина тушуна олувчи тил, ибора, усуллар билан ёза олиш, ўз халқи меҳрини қозона олишдек ўта оғир, масъулиятли ва шарафли вазифа, ҳатто буюк бир миссия турган эди дейиш мумкин.

Бу фикр-мулоҳазамизнинг тўғрилигини ҚБ.нинг ёзилиш формати – баҳшилар тилида – шеър, қисса, ҳикоя, маснавий, ғазаллар, масал, маталлар, мақоллар, ибрат-наъмуналар, панд-насиҳат, ўгитлар, Тангрига таваллолар – илтижолар шаклида, айниқса жонли адабий тилида ёзишга эришилганлиги, яъни XI асрнинг саводли, маданиятли ва талабчан турк зиёлийлари, фаол сиёсий шахслар учун ёзилганлиги тўла тасдиқлайда. Шунинг учун ҳам ҚБ туркий халқлар Хос табақалари, айниқса ҳукмрон сулолалар вакиллари томонидан муқаддас, азиз тутилиб, қўлдан-қўлга ўтиб, қўлёзмалари нафақат кенг тарқалган, балки энг қимматли нодир раритет сифатида қадрлаб келинаётганлиги бугун энди сир эмас. Бизнингча, Ю.Х.Ҳ. ҚБ - Б.Спиноза “Илоҳиёт ва сиёсат рисоласи” савиясидаги жиддий илмий-фалсафий асардир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Қаранг: Орд.Проф., Д-р А.З.В.Тўғон. Умум Турк тарихинэ гириш... Истанбул.: 1981. 84-85; 134-135 сайфалэр; O.Pritsak Karahanlilar Tarihi (840-1212).//Islam Ansiklopedisi. Anqara: 1950. Cilt IY. Ss. 259-261.

2. Юсуф Хос Ҳожиб – Қутадғу билиг // С.Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности.Тексты и исследования. М.-Л: Изд-во АН СССР. 1951. сс.224 – 237; A. Bican Ercilasun. Baslangicindan XIII Yuzyila Kadar. Baslangicinda Gunimiza Kadar BUYUK TURK KLASSICLERI. Tarih – Antoloji – Ansiklopedisi. Birinci Cilt. Istanbul: Otuken – Sogut. 1985. s. 132.

3. Қадимги туркий битиглар; Сюан-цзаннинг уйғурча таржимаи ҳоли; Ю.Ҳ.Ҳожиб. Қутадғу билиг; А.А.Югнакий. “Ҳибатул ҳақойиқ” ва бошқа манбаалар. Илк фалсафий умумлаштирувчи концециялар борасида қаранг: Қ.Содиқов. Қадимги турк фалсафаси. Т.: ТДШИ. 2008. 136-б.; А.Зоҳидов. “Фалсафий манбаалар” фани дастури. Т.: ТДШИ. 2009; А.Зоҳидов. Қадимги туркий халқлар фалсафаси (Марказий Осиё халқлари фалсафаси) дастури. Т.: ТДШИ. 2012.

4. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М.: 1967. Сс. 306; 317; 335.

5. Кул тигин битиги; Тўнюқуқ битиги // Қадимий ҳикматлар... 24; 25; 27; 32; 36-бб.

6. Джумабоев Ю.Дж. Из истории этической мысли в Средней Азии. Т.: 1975; ўша муаллиф: Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т.: 1980. 139; 140-141; 151.

7. Муталлибов С. XI аср филологи Маҳмуд Кошғарий ва унинг ДЛТ асари. Т.: 1958; Юсуф Ҳос Ҳожиб. ДЛТ. I- III. Т.: ФАН. 1960-1963; Валитова А. К вопросу о классовой природе караханидского государства//Труды Киргизского филиала АН СССР. Вып. 1. т.1. М.: 1943. сс. 127; 129: Шу муаллиф: К вопросу о мировоззрении Юсуфа Баласагунского//Краткие сообщения ИНА. т.71. М.: 1964. сс. 69-124; Шу муаллиф: О некоторых терминах в Кутадгу билиг//Краткое сообщение ИНА. Вып. 63. 1963. сс.112-116.

8. Қаранг: Prof. R.R.Arat. Giris ... XXVI ss.// QB. I.Metin; Istanbul:1947; QB. II. Anqara: 1959; QB. Index. Istahnbul:1979.

9. А.З.В.Тўғон ... юқоридаги манбаа ...

10. Reşat GENÇ. “Kaşgarlı Mahmud’a Göre XI. Yüzyılda Türk İllerinin Siyasi ve Etnik Durumu”, *TKA*, XI-XIV, 1793-1975, Ankara, 1975, s.176-213./Reşat GENÇ. Karahanlı Devlet Teşkilatı, İstanbul, 1981.

11. Проф., Д-р А.З.В. Тўғон ... юқоридаги манбаа ... ўша нашр ... 84-85; 134-135-бб.

12. Halil Inalcik. Kutadgu biligde Turk ve Iran Siyaset Nazariye ve Gelenekleri //Resit Rahmeti Arat icin. Ankara: 1966. Ss. 259-271.

13. Қаранг: Б.Тўхлиев. Ю.Х.Ҳ. фалсафаси// Мулоқот. 1994. №1-2. 46-51-бб.; А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отаҳўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т.: Ёзувчи. 2000. 230 б.; Н.Раҳмонов. Руҳиятдаги Нур муроди. Т.: А.Қодирий. 2002.128 б.; Қ.Омонов. Элнинг кути – Қутадғу билиг//Ўзб.АС. 2010. 10. XII. 3-б.

14. Қаранг: Камалов А.К. Эпиграфические памятники Уйгурской эпохи// Иран-наме. № 4(8). 2008. сс. 215-220.

# ДИДАКТИКО-ФИЛОСОФСКИЕ МЫСЛИ ЮСУФА БАЛАСАГУНИ ЧЕРЕЗ ПРИЗМУ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ КЫРГЫЗСТАНА

***Малабаев Саламат Касымбекович***

*Кыргызский Национальный Университет имени Ж.Баласагына, факультет истории и регионоведения, доцент кафедры Всеобщая история*

***Аннотация.****Статья посвящена бессмертному произведению величайшего караханидского философа и государственного деятеля Юсуфа Баласагуни, в которой показан некоторый анализ его идей в соответствии с новейшей историей Кыргызстана.*

***Опорные слова и выражения****: Юсуф Баласагуни, анализ, сравнение, новейшая история Кыргызстана.*

***Abstract.*** *The article is devoted to the immortal work of the greatest Karakhanid philosopher Yusuf Balasaguni, which shows some analysis of his ideas in accordance with the recent history of Kyrgyzstan.*

***Keywords and expressions:*** *Yusuf Balasaguni, analysis, comparison, recent history of Kyrgyzstan.*

***Özet.*** *Makale, en bűyűk Karahanli filozof Yusuf Balasaguni'nin Kirgizistan'in yakin tarihine göre fikirlerinin bazi analizlerini gosteren ölümsüz serine ayrilmiştir.*

***Anahtar kelimeler:*** *Yusuf Balasaguni, analiz, karşilaştirma, Kirgizistan'in yakin tarihi.*

В 2020 году исполняется 950 лет со дня создания нравственного-дидактического кодекса эпохи средневековья, эпического произведения «Кутадгу билиг», автором которого был величайший мыслитель Караханидского каганата Юсуф Баласагуни, имя которого носит Кыргызский Национальный Университет имени Юсуфа Баласагуни. «Кутадгу билиг» - это шедевр не только тюркоязычной поэзии, но и философско-мировоззренческое произведение, основная идея, которого направлена на воспитание и обучение идеального правителя.

В статье будут показаны мудрые предначертания средневекового философа Юсуфа Баласагуни в соответствии с реалиями новейшей истории Кыргызстана. Хотя «Кутадгу билиг» был создан более 9 столетий назад, его идеи актуальны и в настоящее время. Юсуф Баласагуни мудро отмечал, что в государстве самым главным должен быть закон: «И, чтобы крепить свою власть год за годом, Закон, а не силу поставь над

народом. Где беком надёжный закон утверждён, Страна там в поре благодатных времён»[1, С. 19.]. Проблемы с нарушением законов начались в Кыргызстане ещё с времён президента Акаева А.А. Так в 1999 году почти 200 избранных депутатов местных кенешей имели непогашенные судимости [2]. Криминализация общества достигла своего пика при президенте Бакиеве К.С., когда криминалитет открыто баллотировался в высший законодательный орган страны.

Мудрый философ и государственный деятель Юсуф придавал большое значение образованию: «Величье дается благим разуменьем, а знанья – основа великим свершениям. Ученьем вершатся труды и дела: наука властителей к цели вела» [1, С. 78.]. Юсуф полагал, что правитель, который правит в законах разумных, к себе привлекает учёных, разумных и таким образом рисует просвещённого государя, который ученьем и знаньем достигнет высот. Гений каганата справедливо полагал, что просвещённый правитель должен избегать невежд, даже если они родственники «от неуча книгу подальше храни, будь он тебе ближе ближайшей родни» [1, С. 62]. Юсуф Баласагуни мудро считал, что правитель должен быть образованным: «Ему ум и знанья иметь подобает, ему благородство, заметь подобает. Бек, правящий людом, умён и учён, правленье вершит с разумением он». Юсуф по-новому трактует термин «знатный», вкладывая в него и образовательную функцию: «И беков не зря ведь зовут словом «знать»: положено бекам всё ведать и знать» [1, С. 204]. Однако нужно отметить, что в период президентства Бакиева К.С. руководители государства нередко предлагали сомнительные, незнатные инициативы. 4 ноября 2008 года председатель Государственного комитета национальной безопасности Суталинов М.А. заявил: «Общее образование в Кыргызстане должно 6-7 классов, всё остальное – для особо одаренных или за деньги». Аналогичным образом, по его мнению, государство должно подойти и к сфере здравоохранения. Своё мнение глава ГКНБ объяснил тем, что «Кыргызстан давно уже живёт в рыночных условиях, но всё никак не может вырасти из социалистических штанишек» [3, С. 2]. В отличие от средневекового великого философа, который считал образование одной из стержневых вещей в государстве и что им нужно овладевать, то современные руководители новейшей истории Кыргызстана наоборот хотят ограничить население страны от образования.

В истории есть много случаев, когда нарушались мирные договора, когда правители нарушали обязательства и получил развитие макиавеллизм, однако Юсуф считал, что одной из вещей, что губит человека это – дать слово и рушить обет [1, С. 90]. Философ Караханидского каганата в отличие от Макиавелли придерживался мысли, что правитель должен править по добрым законам на все времена[1, С. 104-105]. Великий философ показывает что правителю не любо: обман, и склонность к насилию – изъян, тот по сути хорош, в чьих действиях пользу народу найдёшь, кто добро для народа творит и сделанным благом людей не корит[1, С. 127].

Если мудрый Юсуф Баласагуни проповедовал верховенство закона, искоренение негативных влияний в политической жизни страны ещё в XI веке, то уже в XXI веке в Кыргызстане начались социально-экономические сложности из-за нерадивого правления и коррупции и в 2003 году международные доноры МВФ признали Кыргызстан самой коррумпированной страной среди 7 стран СНГ. Среди них единственной страной, где был зафиксирован рост уровня взяточничества, стал Кыргызстан, в котором этот показатель составлял 2,4 % в 1999 году, а в 2002 году он возрос до 3,8 %. В 2006 году Германское общество технического сотрудничества проводило исследование влияния коррупции на развитие малого и среднего бизнеса и пришло к выводу, что 40 % предпринимателей считают, что в стране нельзя заниматься бизнесом, не нарушая законы, потому что доля выплат коррумпированным чиновникам в качестве взяток составляет от 2 до 15 % оборотных средств [4, С. 6].

Караханидский каганат являлся апогеем развития древнетюркской государственности и культуры во многом благодаря его образованнейшим людям, таким как Юсуф Баласагуни и Махмуд Кашгари. Великий хасс-хаджиб мудро отмечал, что «ещё род людей есть – кто знаньем богат, их знанья звездой путеводной горят», Юсуф справедливо указывал, что без деятелей культуры «не зреть бы плодам благодатей земли» и просил государя «одаривай их, почитай безо лжи, всегда угощая их, им честно служи» [1, С.370-371]. Если средневековый мудрец воспевал людей образованных, то многие современные руководители Кыргызстана неоднозначно относились к людям культуры. У скульптора Кыргызстана Арстанбека Шаршекеева в период президентства Акаева А.А. была незаконно взято произведение искусства «Гостеприимство» и ему по его словам «как уличному попрошайке, через забор выдали 700 долларов», а в период президента Бакиева К.С. была украдена скульптура «Охотник», которая оказалась в резиденции Бакиева К.С. и скульптору не только не заплатили за работу, но и отказались принять по данному факту и лишь после огласки работники Управления делами президента вернули скульптуру в грубой форме[5, С. 3].

Великий философ много раз отмечал о должном, благопристойном отношении государя к своему народу, отрицательно относясь к негативным моментам, таким как корысть, зависть, незаконное обогащение, однако многие правители современного Кыргызстана погрязли в таких негативных действиях, как кумовство, незаконное обогащение, а особенно коррупция. Согласно проведенному в 2007 году национальному опросу 64 % граждан отметили об увеличении коррупции после событий 24 марта 2005 года, а ведь коррупция была названа одной из главных причин «революции» 2005 года. Несмотря на коррупционный рост, по данным генеральной прокуратуры Кыргызстана, начиная с 1991 года по 2008 год по статье «Коррупция» не был осуждён ни один госчиновник» [6, С. 11].

Юсуф Баласагуни справедливо говорил, о том, что правдивость должна быть в устах государственного деятеля: «А если у бека правдивости нет, в нечестных делах его – подданным вред. А ежели беки душою низки, их подданных дни безнадёжно горьки. Где сердце и слово у беков лукавы, там счастье людское бежит из державы» [1, С. 207-208].

Юсуф Баласагуни мудро предрекал, что власть пользующаяся насилием, долго не продержится: «Насилием долго не держится власть: не стерпит народ, и – насилию пасть» [1, С. 210]. Это пророчество великого Юсуфа сбылось при правлении Бакиева К.С., который держался у власти благодаря во многом силовым методам, он пришёл к власти используя силу и был вынужден бежать из страны.

Одной из главных причин мартовских и апрельских событий в Кыргызстане 2005 и 2010 годов было семейно-клановое правление, попрание законов. При Акаеве А.А. его сын и дочь были избраны депутатами парламента в 2005 году, а при Бакиеве К.С. семейно-клановое явление получило большее развитие: родной брат Бакиев Ж. был назначен сперва заместителем СНБ, затем главой Государственной службы охраны, другой брат был назначен послом в ФРГ, сын – Марат был назначен помощником главы СНБ, другой сын Максим – главой ЦАРИИ. Близкие нынешнего президента Кыргызстана Жээнбекова С.Ш. также присутствуют во властных структурах: Жусупбек Шарипов – родной брат назначен послом в Кувейте, Марокко, Иордании и Бахрейне; другой брат – Асылбек Жээнбеков является депутатом парламента, сват президента Абжалиев А. – депутат парламента. В прессе муссируются слухи и о родстве Жээнбековых с влиятельным кланом Матраимовых [7, С. 3-4], которые также представлены в парламенте и во многих властных структурах на руководящих должностях. В Кыргызстане по законодательству все равны, однако это далеко не так, ибо из примеров новейшей истории Кыргызстана мы видим, что закон применяется

выборочно. 13 марта 2013 года арестовали за получение взятки в сумме 100 тыс. сомов заместителя Академии МВД Амираева Р., также под подозрение попал начальник академии полковник Базарбаев, назначенный на эту должность после апреля 2010 года. Оба, кстати имели степени докторов наук. Осенью 2012 года комиссия, проверявшая милицейский вуз выяснила, что там восстанавливали курсантов, отчисленных по отрицательным мотивам, принимали людей, привлекавшихся к уголовной ответственности за грабежи и разбои. На учебу в академию попал даже бывший сотрудник милиции, осужденный к 5 годам за взятку[8, С. 3]. Отрадно заметить, что великий философ Караханидского каганата ещё в XI веке ратовал за равенство всех перед законом, невзирая на лица: «И – сын ли, чужой ли, родня ли, приятель, пришелец приспевший ли – кстати, некстати ль – они для меня по закону равны: я им ни смягчу, не прибавлю вины» [1, С. 124].

Юсуф Баласагуни воспевает в государственном управлении такое качество как добро, вкладывая в него как правителя, так и чиновников. Он указывал: «Когда беки держатся добрых людей, за добрым последует даже злодей. Где власть добродетельным бекам дана, народ богатеет, цветёт вся страна. Свершая лишь добро, сей обычай не рушь» [1, С. 129-131]. Устами правителя Юсуф говорит: «О ведавший злобу, но верный добру, тебя я, о славный, в друзья изберу! Дурному раскаянье – кара и месть, добром и на зло отвечай – вот наказ!» [7, С. 132]. Юсуф мудро наставляет: «Вреда не желай и не делай вреда, смиряй свои страсти, будь добрым всегда» [1, С. 160].

В отличие от мудрого и человеколюбивого Юсуфа, который проповедовал доброту и добрые дела в государственном строительстве, итальянский философ Никколо Макиавелли проповедовал такие качества государя, как хитрость, коварство и жестокость и утверждал, что «государь, если он желает удержать в повиновении подданных, не должен считаться с обвинениями в жестокости» [9, С. 49].

Инсондаги гўзал хислатлардан бири сабр, бардош, матонатдир. Кишининг кучи жисмоний бақувватликда эмас. Ўзини бошқара олган одам, ўз нафсини, жаҳлини тия олган одамгина кучлидир.

Ю.Х.Ҳожиб:

Қаҳринг келса, ўзинг бошқар, бўл собир,
Собирни эртаси шод этар Қодир.

Ж.Румий:

Ҳақ яратди кимиёлар нақшини,
Кўрмади одам сабрдин яхшини...
Сен қаноат айла, бу ҳикмат сенга,
Зоти иймондир буюк неъмат сенга...
Сабру бардош –партави Раҳмон эрур,
Бесабрлик – хаззайи шайтон эрур.

Бу мисралар сабрнинг буюклигини, сабр иймондан эканини таъкиди.

“Қутадғу билиг” ва “Маснавий маънавий”даги дунё моли ва унга бўлган муносабат ҳақидаги сатрларга диққат қилайлик.

Ю.Х.Ҳожиб:

Бу дунё моли, боқ, шўр сув мисоли,
Қанча ичма, нафсинг қонмоқдан холи.
Дин молу дунёни севмаган каби,
Диндан чиқармоқ бу дунё матлаби.

Мавлоно Румий ҳам инсон нафсини дўзах, бу дўзах аждоҳоси ҳеч тўймаслигини айтади:

Етти дарёни симирса, ичса ҳам,
Чанқови қонмас, дегайким, менга кам

Дунё молига ҳирс қўймаслик учун кўнгил тўқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам инсон камолоти учун аввало кўнгилни поклаш керак. Дунё қалб кўзи билан қарашни ўрганиш даркор.

Ю.Х.Ҳожиб:

Мен баён қилай, сен энди қулоқ сол,
Тинглаб қалб кўзингни ёрит, билиб ол.
Эшит, энди нима дер кўнгли уйғоқ,
Ичинг беза, сиртга керакмас бўёқ.

Ж. Румий:

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурми ҳақни кўрмас бўлса ул...

Бу мисралар тафаккур қилишга, атрофимиздаги ҳар бир нарсага кўнгил кўзи билан қараб, моҳиятни ҳис қилишга чорлайди. Кўнгил кўзи очиқ одам ўз қадрини, ўрнини билади, инсонлик матлабини англаб етади.

Ю.Х. Ҳожиб:

Ўлтирар бўлсанг гар ўрнингни билгил,
Камситма ҳеч кимни, камтарлик қилгил.
Одамнинг асили бўлур шу каби,
Инсонлик – инсонга инсон матлаби.

Ю.Х.Ҳожиб шоиларни таърифлаб ёзади:

Қиличдан ўткирроқ уларнинг тили,
Қилдан ҳам нозикроқ сўз, хотир йўли.

Мавлоно ҳам сўфийлар, ахийлар, шоирлар ҳақидаги қарашларида Ю.Х.Ҳожиб мисраларидаги фикрлар ривоятлар мағзида берилганини кўрамиз. Замон тутуми, дўстлик фазилатлари, тўғрилик, адолат, фарзанд тарбияси, мунажжимлар, олимлар, аёллар, суҳбат одоби ва яна тарбиявий аҳамиятга молик кўпгина масалаларда ҳам маънавиятимизнинг бу икки қуёши қарашларидаги ҳамфикрликни кузатиш мумкин. Ю.Х.Ҳожиб ва Жалолиддин Румий ҳазратларидаги илмий, руҳоний олами кенглиги, дунёқараши теранлиги, илму қол ва илму ҳолдан билимлари теранлиги асарларидан аён. Ўзигача ва замонидаги фан ютуқларидан яхши хабардорлиги ёзганларидан кўриниб турибди. Инсонларни ирқига, динига қараб эмас, инсонийлик сифатларига, дил дунёсига қараб баҳо беришни ўргатади мутафаккирлар. Бу эса замондан, тузумдан қатъи назар ҳамиша инсониятнинг долзарб муаммоларидан бўлган. Масалан, диний бағрикенглик, эътиқодий айирмачилик қилмаслик бугун дунёнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Тадқиқотчи ва таржимон Фазлиддин Равшановнинг қуйидаги сўзлари Юсуф Хос Ҳожиб ва Жололиддин Румий ёзганларига бирдек тегишли деб қарасак янглишмаймиз:“ У (“Қутадғу билиг” ва “Маснавий маънавий” таъкид бизники. А.А.) турли билимларга доир керакли маълумотлар ва қарашлар, тажрибалар ва тавсияларни умумлаштириши билан энциклопедик аҳамиятга эга асарлар сирасига киради. Файласуфлар унда катта фалсафий моҳиятни кўрсалар, адабиётшунослар бетакрор адабий – бадиий санъатни, раҳбаршунослар раҳбар ва иш – фаолият характери, аксиологлар юксак қадриятлар тизими, психологлар инсон руҳонияти, сиёсатшунослар бошқарув назарияси, кратологлар ҳокимиятшунослик, педагоглар тарбия асослари, тарихчилар улкан мерос, тилшунослар тил бойликлари, маданиятшунослар давр ва миллат, давлат ва жамият маданияти, диншунослар инсоннинг диний ва дунёвий муносабатларини кўриши мумкин”.

“Қутадғу билиг” ва “Маснавий маънавий”ни диққат билан ўқиган ҳар ким ўзига керакли нарсаси топа олади. Бу икки асар шунинг учун ҳам асрлар оша маънавият қўлланмасидек ўқилаётир ва шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Бугунги кунда - дунё

қалқиб турган бир замонда мана бундай китобларнинг қадри ортаверади. Ю.Х.Ҳожиб ва Ж.Румий асарларининг дунё тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр қилинаётгани маънавий эҳтиёж, инсоният мана шундай китобларга муҳтожлигидандир. Нажот илмда, маънавиятда деб бекорга айтилмаган. Инсоният маънавиятининг дарғалари бўлган бу икки буюк алломамизнинг бир байтига бир китоб ҳажмича шарҳ ёзиш мумкин бўлганидек Юсуф Хос Ҳожиб ва Мавлоно Жалолидин Румийнинг битиклари онгимизни, шууримизни ўсдирувчи маънавий озуқа, инсоният камолоти калитидир.

## IDEAL PEOPLE AND THEIR CHARACTERISTICS IN KUTADGU BILIG

***Ayşe Yücel Çetin***
*Prof. Dr. G.Ü.Gazi Eğitim Fakültesi Öğretim Üyesi*

Humans, who are accepted as a bio-psycho-social beings, have a structure that tries to challenge themselves since they were born, try to get to know themselves, the environment they were born in or live, and the universe they live in, thus they are constantly active and constantly developing themselves with the knowledge they acquire.

Throughout historical periods, it is seen that there are constant searches for human types idealized by human and human characteristics. Every civilization, every religion and every period have its own human description both philosophically and within the framework of religion.

Aristoteles glorifies human as a being that learns, knows, acts, builds the society and makes production (Aristoteles 1975: 9). According to him, these characteristics of human beings are wisdom, and wisdom connects human with the superior world. Plato considers human within the framework of an eternal spirit that enters a body by descending from the universe of ideas to the material life and returns to where it comes from by following cycles and he also handles human within the structure of the society and State he lives in (Yakıt 1987). According to Cicero, the fact that the soul one of the body-spirit duo which constitutes human, is given by God makes man valuable. According to him, all actions of people are related to belief and man is sacred for him (Cicero 2013: 8). Fârâbî ideates human as a being that lives, thinks, has a purpose and that is created in order to reach the highest perfection by stating that what glorifies people is to have wisdom. According to Ghazali, human being is a candidate for having knowledge on reality and human is glorified as a sole being to achieve this function.

The basic reference sources of thinkers who ideate humans throughout various periods of history are undoubtedly the belief structure and field of knowledge of the period. Human beings are glorified in the beliefs that feed universe description of the human and society, and exemplary characters among the glorified people are idealized.

Even though it was systematized by Ibn Arabi, description of superiorly created human bases of which also exist in Turkish thought system, flourished after the Islamic period and reshaped as a perfect human being/mature-perfect human.

In the Orkhon Inscriptions; the statements of " When the blue sky above and the brown earth below were created, between them a human being was created. " (Ergin 2009: 8) conveys the information in the Turkish thought system about the creation of human.

In Turkish-Islamic Philosophy, the concept of an "ideal person" is expressed in the phrase of "perfect human being". It means a mature or perfect human. This expression is used

to explain the nature and greatness of human. With this concept, the human nature of human beings is idealized” (Yakıt 1987).

In Kutadgu Bilig, the idealized human being is the one who communes with the One. When describing his idealized human, Yusuf Has Hacib characterizes him as a honorable creature that has been honored by the love of God.

*Mini ol tiledi en aşnu sevip / He loved me first,*

*Anı men tiler boldım imdi ivip/ I am in a hurry I also want him* (KB: 4786).

The human idealized by Yusuf Has Hacib is a virtuous/moral person. The wisdom given to human beings, knowledge acquired by wisdom and use of knowledge make them moral human beings. Virtue is not only obtained through the knowledge that human can acquire through wisdom. Virtue is about goodness and, more importantly, with happiness given by God. If God blesses the human race, only then those virtuous people will be superior to others. Superiority is granted when a person is blessed and equipped with knowledge by God. Yusuf Has Hacib expresses the concept of goodness with the word virtue, which is closely related to human acts. If a person collects the good virtues in himself, gets rid of negativities and wants all the good things he wants for himself for others as well, then he has virtue. A virtuous manager is a fair manager, and it constitutes the center of heroism/heroic behavior in management approach.

*idi artuk erdem kerek ög bilig / To dominate and manage the world.*
*ajun tutğuka ötrü sunsa elig/ a great deal of virtue, wisdom and knowledge is required.*

*idi yakşı aymış azığlığ kür er/ The brave and young man hit the right note;*
*azığlığ eren berk tügünler yazar/ brave man unties knots well..*

*miñ erdem kerek bu cihân tutğuka/ It takes a thousand kinds of virtue to rule this world;*
*kür arslan kerek bu kulan basğuka/ To defeat the wild donkey, you gotta be a lion.*

*ajunçıka erdem kerek miñ tümen / Thousands kinds of virtues are needed to rule the world;*
*anın tutsa él kün kiterse tuman/ he manages everyone with it and lifts the veil of mystery (KB 281-284)*

According to Yusuf Has Hacib, the ideal person is four elite friends matched with their behaviors and described with their integrated characteristics. The characteristics of the four caliphs constitute the idealized type of human. The author, expresses his thoughts about role model typology by counting characteristics of Abu Bakr, Umar , Uthman and Ali:

*anıñ tört éşi ol awıñu körüp / These were his four loved friends;*
*kéñeşçi bular erdi birle turup/ These were his consultants by him.*

*iki kadın erdi küdegü iki / two were his father-in-law, two were his son-in-law,*
*bular erdi üdrüm bodunda yégi/ they were the best and most distinguished of all people.*

*‘atîk erdi aşnu kamuğda oza/ Having believed in God ,*
*bayatka bütügli köñül til tüze Abu Bakr is the best with his honesty in heart and tongue.*

*yuluğ kıldı mâlı teni cânını / He sacrificed his property, skin and life;*
*yalawaç sewinçi tiledi köni / His wish was only the consent of the Prophet.*

*basa fârûk erdi kişi üdrümi /Having been elite and distinguished among people*
*tili köñli bir teg bodun ködrümi /There was Omer who was straight-out*

*bu erdi basutçı köni dînka kök/ He was the supporter and the basis of the true religion;*
*şerî'at yüzindin kiterdi eşük/ He lifted the curtain from the face of the sharia*
*basa 'usmân erdi uwutluğ silig- Then having been modest, gentle and elite*
*kişide üdürmiş akı kéñ elig /Uthman was the one that was generous and free-handed.*
*fidâ kıldı barın neñin hem özin / He sacrificed all his wealth and himself;*
*yalawaç añar bérdi iki kızın/ The Prophet gave him his two daughters.*

*'alî erdi munda basakı talu /There was Ali who was brave, hero and wise.*
*kür ersig yüreklig meñesi tolu/ Elite and couaegeous as well;*

*akı erdi elgi yüreki tedük/ He was free-handed and pure-hearted;*
*biliglig sakınuk kör atı bedük/ He was a wise person with taqwa and a great person.. (KB 49-59)*

Yusuf Has Hacib emphasizes the concept of "bey (mr)" while explaining the idealized type that will set an example for society. He emphasizes that seigniory should be a person with unique characteristics, just like the characteristics of the four caliphs. Being aware of the socio-cultural structure, general acceptances and values of the society he lives in, the author expresses the exemplary types with the concept of "bey" and shows the Turkish gentlemen as an example, emphasizing that the characteristics of different exemplary people are gathered in Alp Er Tunga (Çetin 2019).

*körü barsa emdi bu türk begleri /If you pay attention, you will see that,*
*ajun beglerinde bular yégleri / Turkish gentlemen are the best among gentlemen in the World.*

*bu türk beglerinde atı belgülüg /The famous one among these gentlemen and*
*toña alp er erdi kutı belgülüg /with clear prosperity was Tonga Alp-Er.*

*bedük bilgi birle üküş erdemi / He had high knowledge and a great deal of virtue;*
*biliglig ukuşluğ bodun ködrümi/ he was wise, sensible and elite.*

*ne üdrüm ne ködrüm ne ersig eren/ He was very elite, superior and brave;*
*ajunda tétig er yédi bu cihân/after all,wise people rule this World.*

*tejikler ayur anı efrasiyâb/ Iranians call him Efrâsiyâb;*
*bu efrasiyâb tuttı éller talap/ This Efrâsiyab invaded and conquered countries.*

*idi artuk erdem kerek ög bilig/ In order to rule and manage the World*
*ajun tutğuka ötrü sunsa elig/ A great deal of virtue, wisdom and knowledge is needed.*

*tejikler bitigde bitimiş munı/ Iranians put it in the book;*
*bitigde yok erse kim ukğay anı/ If he wasn't in the book, who would know him.*
*idi yakşı aymış azığlığ kür er/ The brave and young man hit the right note;*
*azığlığ eren berk tügünler yazar/ brave man unties knots well.*

*miñ erdem kerek bu cihân tutğuka / It takes a thousand kinds of virtue to rule this world;*
*kür arslan kerek bu kulan basğuka / To defeat the wild donkey, you gotta be a lion.*

*ajunçıka erdem kerek miñ tümen/ Thousands kinds of virtues are needed to rule the world;*
*anın tutsa él kün kiterse tuman/ he manages everyone with it and lifts the veil of mystery.*

*kılıç ursa bıçsa yağı boynını/ He steals a sword with these and cuts the enemy's neck;*
*törü birle tüzse éli bodnını/ keep his country and people under order by law. (KB 276-286)*

For human which is idealized in Kutadgu Bilig and got shaped in the Turkish cultural field and Islamic belief, four caliphs and Islamic sources, in particular Muhammad were shown as a reference. Turkish gentlemen from Turkish culture and Alp Er Tunga among these gentlemen, draws attention as a sign of reference to Turkish culture.

It is seen that Yusuf Has Hacib also used the Sufistic area as a source. Especially, social harmony depends on the knowledge of people. The ability of people to live in harmony in social life is valuable only in proportion to its benefit to that society. For this, people should be wise. In Kutadgu Bilig, knowledge and value of knowledge is explained with the following couplets:

*biliglig idi az biligsiz üküş / There are few wise people; there are lots of unilluminated people*
*ukuşsuz üküş bil ukuşluğ küsüş/ Note that there are many people with no understanding; those who are understanding are rare.*

*kişide kişi adrukı bar telim / There is a lot of difference from person to person;*
*bu adruk biligdin ayur bu tilim / this difference comes from knowledge, so that's what I say. (KB 199-201)*

*kişike tusulur kişi edgüsi/ good people are beneficial to others;*
*bu edgü kişi ol bodun todğusı/ Such an individual is necessary for people. (*KB 3248)

*kişi tép ayurlar kayu ol kişi / they call human, who is human;*
*kişike asığ kılsa itse işi / it is aperson who is beneficial to others and help them. (KB 3269)*
*kişike tusulmaz kişi ol ölüg/ Those who are not beneficial to others is like dead;*
*tusulğıl ölüg bolma ersig külüg/ Brave man, be beneficial not dead. (*KB 3408)

Tolerant and patient and respectful people with each other make it possible to live in peace. Yusuf Has Hacib frequently emphasizes the concept of "patience" in his books and emphasizes the patience of patient people:
*amulluk siliglik ukuş kılkı ol/ Calmness and grace are characteristics of mind;*
*ukuşsuz kişiler kamuğ yılkı ol/ unreasonable people are like a herd.*

*muñar meñzetü aydı şâ'ir bu beyt/ The poet said the following couplet similar to this;*
*işiñ tüşse iwme sabır birle ayt /If you need somebody's help, take your time, say it patiently.*

*iwe kirme işke sabır kıl serin/ don't set to work in a hurry, act patiently and deliberately;*
*iwe kılmış işler öküñçi yarın/ The rushed works bring regret tomorrow.*

*kamuğ işte iwme serin öz tutun/ Do not rush in any work, be patient, keep calm;*
*serinse bulur kul bu beglik kurın/ If man is patient, he finds seigniory at a high level. (KB 585-588)*

Justice is one of the indispensable values of society. Kün Toğdı emphasizes the necessity of being fair, especially the necessity of ruling people to act fairly and administering justice at the right time. It is among the characteristics of Turkish gentlemen to treat everyone equally and to manage them with justice. Yusuf Has Hacib says, "If you pay attention, you will see that, Turkish gentlemen are the best among gentlemen in the World "So that, he briefly describes the features of both state structure, governing people and governed people:

*kalı üç adakta emitse biri/ If one of the three legs tilts,*
*ikisi kamıtar uçar ol eri / the other two slip and the one sitting on it rolls over.*
*kamuğ üç adaklığ köni tüz-turur/ Everything with three legs stays sound and straight;*
*kalı bolsa tört kör bir egri bolur/ if it has four legs, one may be crooked.*

*kayu neñ tüz erse kamuğı uz ol/ Everything flat is good;*
*kamuğ uz körü barsa kılkı tüz ol/ if you pay attention you will see that every good person has good attitude and behaviour.*
*kayu neñ emitse kör egri bolur/ Whatever tilts over, it gets crooked;*
*kamuğ egriler isiz urğı bulur/ every crookedness has seed of evil.*

*kayu tüz emitse turumaz tüşer / If the flat tilts over, it can't stand, it falls;*
*kayu neñ köni bolsa tüşmez serer/ whatever is true, it won't fall off, it stays in place.*

*meniñ kılkım ol kör emitmez köni/ Look, my nature doesn't also tilts over,*
*köni egri bolsa könilik küni/ is straight; if straight one leans, all hell broke loose.*

*könilik özele keser-men işig/ I handle things fairly;*
*adırmaz-men begsig ya kulsığ kişig/ I don't discriminate people as lord or human and servants*

*bu bögde biçek kim eligde-turur You skilled person, this knife in my hand*
*bıçığlı kesigli-turur ay unur/ tool that cuts and crops.*

*biçek teg bıçar-men keser-men işig /I settle once and for all;*
*uzatmaz-men da'vî kılığlı kişig / I do not extend the work of those who claim their right (KB 803-811*

Yusuf Has Hacib wrote his book Kutadgu Bilig, with the idea of creating an ideal society by taking into account the general acceptances of the period, world view and Turkish lifestyle in his book. Each member of the society that aims to create an ideal society in his book must also be equipped with the precious provisions of the society that is desired to be created. Therefore, Yusuf Has Hacib drew a role model profile according to the understanding of the period. When writing his work based on the Islamic understanding and the Turkish civilization having lived in his period, he took advantage of other cultures and civilizations and he critically examined the social structure of his period, highlighted exemplary behaviors in the society, and studied on how society and people should be. The book conveyed the characteristics of the type of human idealized by Turkish society in an idealized lifestyle and ideal life style rather than being a moral book of politics or ethics.

**Bibliography:**

1. Alıcı, Mehmet (2015), *Maniheizm*, (Ed.: B.Adam ), Dinler Tarihi El Kitabı, Ankara , Grafiker Yayınları, 267-288
2. Aristoteles (1975), Politika, (Çev.: Mete Tuncay), İstanbul, Remzi Kitabevi.
3. Cicero (2013), Yükümlülükler Üzerine, (Çev.: C.Cengiz Çevik), İstanbul, Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları.
4. Çetin, İsmet (2019), Kutadgu Biligde İdeal İnsan Tipolojısı: Kahraman, XIV. Uluslararası Büyüktürk Dili Kurultayı Bildirileri Kitabı, Ankara, 304-311.
5. Çetin, İsmet (2019), Edebiyat, Tenkit, Toplumsal Dönüşüm ve Siyasetnâmeler: Kutadgu Bilig Örneği, Yazılışının 950. Yılı Anısına Uluslararası Kutadgu Bilig ve Türk Dünyası Sempozyumu Sempozyum Bildiri Kitabı, Ankara, (Ankara Hacı Bayram Veli Üniversitesi, Web Tabanlı Elektronik Yayın), 961-970. Ergin, Muharrem (2009), Orhun Abideleri, İstanbul, Boğaziçi Yayınları.
6. Yakıt, İsmail (1987), Türk-İslam Düşünürü Mevlânâ'ya Göre İdeal İnsan Tasavvuru, İstanbul Üniversitesi Felsefe Arkivi Dergisi, 26, 167-183.
7. Yitik, Ali İhsan (2015), *Budizm*, (Ed.: B.Adam ), Dinler Tarihi El Kitabı, Ankara , Grafiker Yayınları, 351-379.
8. Yusuf Has Hacib (2007), Kutadgu Bilig-I-Tercüme (Terc.: R.R.Arat), Ankara, TTK Yayınları.
9. Yusuf Has Hacib (2007), Kutadgu Bilig-Metin, (Haz. M. Kaçalin), Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayını (e kitap).

# ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ АФОРИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

***Сидиқов Қосимжон Абилович***

*Наманган давлат университети доценти,*
*филология фанлари номзоди*

***Аннотация.*** *Мақолада мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб афоризмларини хорижий, хусусан инглиз ва рус тиллаигаа таржима қилиш масалалари таҳлил этилган. Унда таржимонларнинг мазмун ва шаклни сақлашдаги маҳоратлари мисоллар ёрдамида очиб берилган. Таржималардаги айрим ғализликлар кўрсатиб ўтилган. Афоризмлар таржимасида турли тил имкониятлари очиб берилган. Шунингдек, мақол ва афоризмларнинг ўзаро семантик муносабатига ҳам муносабат билдирилган..*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *афоризм, тўртлик, таржимон, мақол, семантика, бадиий таржима, шакл ва мазмун, аслият, ритм, услуб, луғат, қадимги туркий тил*

***Аннотация.*** *В статье раскрываются проблемы воссоздания афоризмов великого мыслителя Юсуфа Хас Хаджиба на английском и русском языках. Были раскрыты опыт переводчиков в сохранении формы и смысла в переводе. Были показаны некоторые недостатки в переводах. Указывались различные языковые возможности в переводе афоризма. Обсуждались также мнения о семантической связи пословиц с афоризмами.*

***Опорные слова и выражения:*** *афоризм, четверостиший, переводчик, пословицы, семантика, литературный перевод, форма и мысль, оригинал, ритм, словарь, древне тюркский язык.*

**Abstract.** *The article reveals the problems of recreating aphorisms of outstanding thinkers Yusuf Has Khadjib in English and Russian languages. The experiences of translators in saving the form and meaning in translation were exposed. Some defects in translations were shown. Different language opportunities in translation of aphorism were pointed out. Opinions on semantic relation of proverbs with aphorisms were also discussed.*

**Keywords and expressions:** *aphorism, quatrain, translator, proverbs, semantics, literarily translation, form and meaning, original, rhythm, dictionary, old Turkic language.*

**Özet.** *Makale, seçkin düşünürler Yusuf Has Khadjib'in aforizmalarını İngilizce ve Rusça olarak yeniden yaratmanın sorunlarını ortaya koyuyor. Çevirmenlerin çeviride biçim ve anlamı korumadaki deneyimleri açığa çıkarıldı. Çevirilerde bazı kusurlar gösterildi. Aforizmanın çevirisinde farklı dil olanaklarına dikkat çekildi. Atasözlerinin aforizmalarla anlamsal ilişkisi üzerine görüşler de tartışıldı.*

**Anahtar kelimeler:** *aforizma, dörtlük, çevirmen, atasözleri, anlambilim, edebi çeviri, biçim ve anlam, orijinal, ritim, sözlük, eski Türk dili.*

Ҳикматли сўз, яъни афоризм алоҳида кишилар, машҳур алломалар, буюк шахс ёки давлат ҳамда жамоат арбоблари томонидан воқеликка билдирилган ибратли фикрлардир.

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бу жанрларни қўллаш билан боғлиқ санъат турларидан Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Бобур каби алломалар ўринли фойдаланганлари сингари, инглиз адабиётида бу борада Ж.Чоусер, В.Шекспир, Ж.Байрон ва бошқаларнинг хизматлари катта.

“Қутадғу билиг” ҳам мақол, матал ва афоризмларга бой нодир асарлардан ҳисобланади. Асосли таъкидланганидек, “Қутадғу билиг” асарига ўша даврда яратилган бошқа асарлар каби халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири сезилади. Буни асар вазнидан бошлаб, унинг қофия тизимида, жанрлар структурасида, асар композициясида, тили ва услубида, умуман, асарнинг барча композицион ҳамда ғоявий-бадиий структурасида кузатиш мумкин” [6.421].

Асарда халқ мақоллари билан бирга мутафаккир адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига тегишли афоризмлар ҳам кўп.

“Қутадғу билиг”да Ойтўлди Кунтуғдига тилнинг фойдаси ва зарари тўғрисида сўзлар экан, ушбу байтларни келтиради:

Қара баш йағысы қызыл тил турур,
Нэчә баш йэди бу тақы ма йэйур.
Башыңны тиләсә, тилиңни көдәз,
Тилин тэкмә күндә башыңны йэйур.
(Қора бошнинг ёви қизил тилдир,
У қанчадан-қанча бошларни еди, яна ҳам ейди.
Бошим омон бўлсин десанг, тилингни эҳтиёт қил,
Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди).

Тўртликда инсоннинг боши, демакки, ҳаёти учун хавфли унсур сифатида тилга урғу берилади ва унинг фойдали жиҳатлари билан бирга зарарли томонлари ажойиб афористик услубда намоён этилади. Гарчи тил ва бош бир танада бири-биридан ажралмас қилиб яратилган бўлса-да, баъзан бири иккинчисига таҳдид солиши мумкин. Бу шаклдаги афоризм Юсуф Хос Ҳожибнинг кашфиётидир. Уни Р.Денкофф шундай таржима қилган:

The red tongue is black head’s foe:
Many a head has it devoured.

Hold your tongue if you would keep your head;
Before the tongue the head’s coward.

Мазмуни:

Қизил тил қора бошнинг душманидир,
У кўп бошларни еди.
Агар бошингни сақламоқчи бўлсанг, тилингни тий,
Тил олдида бош қўрқоқдир.

Аслиятдаги “Қара баш йағысы қызыл тил турур” афоризмининг ўзбекча табдили ва инглизчага сўзма-сўз таржимаси унинг афористик мазмунини тўла очиб берган. Аммо байтнинг иккинчи мисрасидаги “Тилин тэкмә кундә башыңны йэйур” ҳақида бундай деб бўлмайди. Аввало, мисранинг кириллча транскрипцияси (Қ.Каримов) ва туркча (Р.Р.Арат) танқидий матнларида тафовут мавжуд.

Қ.Каримовда: Тилин тэкмә кундә башыңны *йэйур*.

Р.Р.Аратда: Tiling tegme künde başıngnı *yanur*.

Бизнингча, Наманган нусхасидаги матнда мазкур сўз “йэйур” тарзида мавжудлиги учун, Қ.Каримов уни шу тарзда транскрипция ва табдил қилган. Қолаверса, бу ўринда олим асар қўлёзмасига садоқат кўрсатган. Аммо, айни тўртликнинг ўзида жиддий зарурацсиз бир қофиянинг такрорий равишда қўлланиши кўп ҳолларда ўзини оқламайди. Шунга кўра, иккинчи байт охиридаги қофиянинг “йэйур” эмас, балки “йанур” бўлиши мантиқий жиҳатдан кўпроқ ўзини оқлайди. Ана шу ҳаётий мантиққа эътибор бериладиган бўлса, “Тил бошга доим таҳдид солади” мазмунидаги яна бир афоризмнинг мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Р.Денкофф “Tiling tegme künde başıngnı yanur”ни “Тил олдида бош қўрқоқдир” тарзида ўгирган. Таржимада аслиятдаги афоризм мазмуни ўз ифодасини топмагандек. Инглиз тилли китобхон учун уни тушуниш қийин. Таржимада бош бирдан қўрқоқ аъзога айланиб қолган.

Матн мазмунини аниқроқ тасаввур этиш учун “XIII аср туркий тил этимологик луғати”га мурожаат қиламиз. Муаллиф Г.Клаусон луғат тузишда фойдаланилган манбалар ва улардаги сўзларнинг таҳлили юзасидан шундай дейди: “Иккинчи асосий матн туркий халқларнинг энг қадимги обидаси, XI асрнинг учинчи чорагида ёзилган Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунийнинг “Қутадғу билиг” асаридир. Мен келтирган парчалар Р.Р.Аратнинг 1947 йил нашр этилган танқидий матнидан олинган. Айрим иккиланган ҳолларда асарнинг учта қўлёзмаси факсимилеларига мурожаат қилдим”[1. XVIII]. Мазкур луғатда юқоридаги мисра айнан келтирилган ва шу ўринда факсимилега мурожаат қилинганига ҳам ишора бор: Yan – KB (keep a guard on your tongue – Тилингга қўриқчи қўй) *tiling tegme künde başıngnı yanur* – your tongue threatens your head (i.e. life) every day 967 – Тилинг ҳар куни бошингга (яъни ҳаётингга) таҳдид солади (967). *Qutb* facsimile 52 r. 9 (“Қутадғу билиг” факсимил) [1.942].

Қадимги туркий луғатда ҳам шу маъно қайд этилган: Jan – III угрожать (таҳдид солмоқ), пугать (қўрқитмоқ) [3.231].

Байтнинг Р.Р.Арат қаламига мансуб усмонли туркча таржимаси:

Başını kurtarmak ıstersen, dılını gözet: dılın her gün senın başını tehdıt eder – Бошингни асрашни хоҳласанг тилингни сақла, тилинг ҳар куни бошингга таҳдид қилади).

Афоризм маъносини таржимада акс эттиришда Р.Р.Арат ҳам муваффақиятга эришган дейиш мумкин. Фикримизча, байтнинг охирги мисрасидаги йэйур транскрипцияда йанур тарзида берилиб, мисра ўзбекча табдилда “Бу тил ҳар куни бошингга таҳдид қилади” шаклида берилса, Юсуф Хос Ҳожиб афоризмларининг бадиий қиммати ва теран мазмуни замонавий ўзбек ўқувчисига янада жозибалироқ етиб

борарди. Таржима жараёнида Р.Денкофф “XIII аср туркий тил этимологик луғати” дан кенг фойдаланган бўлса-да, айни байт таржимасида унга мурожаат қилмаган кўринади.

Айрим таржималарда аслиятнинг мазмуни берилган, сўз ва иборалар ҳам сақланган, бироқ асарнинг бадиий таъсирчанлик қуввати аслидагидай бўлиб чиқмаган. В.Мей тўртликни қуйидагича ўгиради:

His hair may be dark, but his tongue is blood-red,
How often it swallows a thoughtless hot head!
If you need your head, hold your tongue, do not shout,
If not — they will cut your offending tongue out!

Мазмуни:

Унинг сочи қора бўлиши мумкин, аммо тили қондек қизил,
Ўйламайдиган бошларни қанчалаб ютади.
Агар бошинг керак бўлса, тилингни тий, бақирма,
Агар тиймасанг, жоҳил тилингни кесиб ташлашади.

“Шаклий имконият мазмунни ўқувчига етказишда катта воситадир. Шеър ҳақида гапирганда, мазмун билан шаклни бир-биридан ажратиб кўрсатишнинг ўзи жоиз эмас. Шакл ва мазмун яхлитликда, диалектик бирликда мавжуд ҳодисалардир” [5.57]. Модомики, шеърий таржимага шундай талаблар қўйилар экан, мутаржим шакл ва мазмун бирлигига доимо эътибор қаратиши лозим. Зеро, таржима асари шаклдор байтлар тўплами эмас, балки ўзга тил вакилларига ўз тилларида эстетик завқ берувчи асар бўлиши лозим.

Тўртликнинг В.Мей таржимасидаги ғализликлар бир қарашдаёқ яққол кўринади. Биринчи мисрада гап нима ҳақида кетмоқда ўзи? Ким (нима)нинг сочи қора. Ким (нима)нинг тили қондек қизил? Бу саволларга жавоб йўқ. Тилни тийиш бу фақатгина бақирмаслик эмас-ку! Гапларнинг шахссиз ҳолда берилиши мазмунни мавҳумлаштирган.

Бизнингча бу ғализликларнинг келиб чиқишига сабаб мутаржим таржимани воситачи тил орқали амалга оширганлигида. Қиёсий-типологик таҳлил натижалари бу фаразларимизнинг тўғри эканлигини кўрсатди. Воситачи тил орқали таржима масаласида профессор Ғ.Саломов шундай дейди: “Афсуски, ўзбек тилидан бошқа тилларга воситачи тил орқали қилинаётган кўп таржималар ҳозирги талабга жавоб бермайди. Бадиий асарларнинг катта лексик, фразеологик ва услуб бойлиги, ёзувчиларнннг бадиий маҳорати, сўз санъати, индивидуал услуб жилоси ва улар қўллаган турли-туман бадиий воситаларнинг ранг-баранглиги бу таржималарда етарли даражада ўз аксини топмаган. Китобхонни ҳаяжонга соладиган ва унга катта эстетик завқ берадиган энг нозик нуқталар уларда сўниб қолган” [4.148]. Бунинг яққол мисолини юқоридаги байтнинг русча таржимасида кўриш мумкин:

Темна голова, а язык – то багров,
И сколько он съел неразумных голов!
Нужна голова – придержи свой язык,
Не сдержишь – отрубит он голову вмиг!

Бизнингча, таржима қай йўсинда, аслиятданми ёки воситачи тил асосида амалга оширилмасин, асосий масала – таржима сифати унинг аслиятга қай даражада яқин келганлиги билан баҳоланади. С.Н.Иванов талқинидаги бу ғализликлар В.Мей таржималарида ҳам ўз аксини топгани тайин.

Таҳлиллардан аён бўладики, асар тўртликлари композициясини таржимада сақлашга интилиш аслиятдаги поэтик мантиқ моҳиятига яқинлашишнинг муҳим омилидир. Бу муҳим жиҳат учала мутаржим таржималарида ўзига хос тарзда ҳал этилган.

Шеърий таржимада композицион-семантик хусусиятлар ечимининг таъминланиши фақатгина аслият мазмун-мантиғини китобхонга тўғри етиб бориши учунгина эмас, балки аслият бадииятини, шунингдек, муаллиф услубининг сақланишини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан бири ҳамдир.

Шарқ шеърий тизимини генетик жиҳатдан узоқ бўлган тилларга таржима қилиш талай қийинчиликларни келтириб чиқаради. В.Мей ва С.Н.Иванов таржималарининг кўпчилигида аслият композицияси ўзига хос тарзда қайта яратилган. В.Мей киритган айрим ижодий ёндашувлар таржимада тўртликларнинг янада бадиий мукаммал бўлишини таъминлаган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-thirteen Century Turkish. – London: Oxford University Press, 1972. – 760 p.
2. Абдуллаев Ҳ. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2005. – 160 б.
3. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
4. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 384 б.
5. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 222 б
6. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг” поэтикаси масалалари // Исҳоқов М. Рахмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Т.: Фан, 1989. – 442 б

Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – 971 б.


## «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ


***Ыбырайым А.О.*** *кандидат филологических наук,*
***Мадалиев Я.Х.*** *доцент,* ***Халикова Н.С.*** *старший преподаватель,*
***Турсунбаева Г.К.*** *кандидат филологических наук*
*Южно-Казахстанский университет им. М.Ауэзова*



***Аннотация.*** *В статье рассматривается произведения «Кутадгу билик» и устное творчество народа. «Кутадгу билик» – один из первых крупных памятников письменной литературы, сформированный под влиянием народных устных традиций. Об этом свидетельствует как содержание эпоса, так и его языковые и художественные особенности. Некоторые образы «Кутадгу билик» продолжают и развиваются в фольклоре тюркских народов Средней Азии и Восточного Туркестана, которые появились в последующие века, как видно во многих народных пословицах и поговорках. Пословицы и мудрые изречения обогащают идейное содержание эпоса, повышают его художественную ценность.*

*«Кутадгу Билиг» – значительное явление в мировой культуре. Она является одним из выдающихся литературных памятников в культурном наследии тюркских народов. Это энциклопедическое произведение мыслителя – не только дидактическая поэма, но и работа, изучающая широкий спектр проблем естественных и гуманитарных наук.*



***Опорные слова и выражения:*** *культура, мыслитель, фольклор, традиция, литературныйпамятник.*

**Abstract.** *The article examines the work "Kutadgubilik" and the folklore of the Turkic peoples. "Kutadgubilik" is one of the first major written monuments formed under the influence of poetic traditions of Turks. This is evidenced by both the content of the epic and its linguistic and poetic features. Some imageries of "Kutadgubilik" continued to be used in the folklore of the Turkic peoples of Central Asia and East Turkestan in subsequent centuries and it can be confirmed by many folk proverbs and sayings. Proverbs and wisdom sayings enrich the ideological content of the epic and enhance its literary value.*

*"KutadguBilig" is a remarkable phenomenon in world culture. It is one of the outstanding literary monuments in the cultural heritage of the Turkic peoples. This encyclopedic work of the thinker is not only a didactic poem, but also a work that studies a wide range of problems in the natural and human sciences.*

***Keywords and expressions:****culture, thinker, folklore, tradition, literary monument.*

***Özet.*** *Makale "Kutadgu bilik" eserini ve Türk halklarının folklorunu incelemektedir. "Kutadgu bilik", Türk şiir geleneklerinin etkisiyle oluşan ilk büyük yazılı eserlerden biridir. Bu, destanın hem içeriği hem de dilbilimsel ve sanatsal özellikleriyle kanıtlanmaktadır. Daha sonraki yüzyıllarda Orta Asya ve Doğu Türkistan Türk halklarının folklorunda "Kutadgu bilik'in" bazı imgeleri kullanılmaya devam edildi ve birçok halk atasözü ile teyit edilebilir. Atasözleri ve hikmetli sözler destanın ideolojik içeriğini zenginleştirir ve sanatsal değerini artırır.*

*"Kutadgu Bilig" dünya kültüründe dikkate değer bir fenomendir. Türk halklarının kültür mirasında öne çıkan edebi eserlerden biridir. Düşünürün bu ansiklopedik eseri sadece didaktik bir şiir değil, aynı zamanda doğa ve beşeri bilimlerdeki çok çeşitli sorunları inceleyen bir çalışmadır.*

***Anahtar kelimeler:*** *kültür, düşünür, folklor, gelenek, edebi anıt.*

Қорахонийлар салтанатида вазирлик лавозимини эгаллаган Юсуф Хос Ҳожиб туркий тилда шеърий достон битиб, туркигўй халқларни улуғлашни ният қилган. Уларнинг тадқиқ маркази бир ёки бир неча уруғ, элат, аймоқ эмас, ўнлаб туркийзабон уруғларни ўз ичига олувчи ягона туркий халқи бўлган.

Қорахонийлар салтанатида вазирлик лавозимини эгаллаган Юсуф Хос Ҳожиб туркий тилда шеърий достон битиб, туркигўй халқларни улуғлашни ният қилган. Уларнинг тадқиқ маркази бир ёки бир неча уруғ, элат, аймоқ эмас, ўнлаб туркийзабон уруғларни ўз ичига олувчи ягона туркий халқи бўлган.

«Қутадғу билик» (Саодатга элтувчи билим) инсонни комилликка ундовчи насиҳатномадир. Асарда рамзлар, тимсоллар орқали инсон ва имон-эътиқод, инсон ва жамият, инсон ва бурч каби масалалар ғоят содда ва гўзал шеърий услубда баён этилган. Шу пайтгача кўзимизга суртиб келинган «Калила ва Димна», «Махабхарата», «Айвенго ҳакида кўшиқ", «Қобуснома» каби нодир асарларнинг қадр-қимматини асло камситмаган ҳолда «Қутадғу билик" бадиий тафаккури, тадқиқ кўлами ва шеърий қиммати жиҳатидан жуда ҳам мўътабар эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Инсонни яратмоқдан мурод ер юзида эзгулик уруғини сочиш эди. Юсуф ХосҲожибмана шу фикрни асарнинг жон томирига сингдириб юборган:

*Абадийҳаётнитиласангўзинг,*
*Эй доно, яхшиқилхулқинг ва сўзинг,*

дейди шоир. Бу азалу азалдан бани башарга дастур бўладиган пурҳикмат сўзлардир.

Тарихдагибарчаулуғкишилар каби Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўн асрдан бери инсониятни ҳайратга солиб келаётган шоҳ асар яратиб қўйган бўлса-да, ўзини бениҳоя камтар, ҳокисор тутиши биз ибрат олсак арзийдиган фазилатлардан биридир. Гарчи

достоннинг бошланишида шоирнинг ўзи асари Мағриб ва Машриқ элларида маълум ва машҳурлигини таъкидлагани ҳолда достон якунидаўзигаўзинасиҳатқилибшундайдейди:

*Эй Юсуф, кераксўзнисўйларўй-рост,*
*Ёмонсўзнияшир, қилмиши қора.*

*Сўзникўпсўзладинг, таъмикетмасин,*
*Кўпсўзданинсонларзерикибборар.*

*Дунё бевафодир, қилмиши жафо,*
*Эй оқил, ундаи ўзинг тутгин айро.*

*Дунёга сен беҳад меҳр қўйгансан,*
*Ундан тезроқ кўнгил узиб, бўл айро.*

*Ёшликзоекетди, эссизкунларим,*
*Умртугабборар, юракминг пора.*
*Неча- мингяшамаўлиммуқаррар,*
*Мол-дунёйингқолар, бўлмаовора.*
*Ё, Раб, мўминларниўзингёрлақа,*
*Яшасинқувониб, раҳматингаро.*

“Қутадғу билик” халқ оғзаки ижоди традициялари таъсирида вужудга келган ёзма адабиётнинг илк йирик ёдгорликларидан биридир.Достоннинг мазмуни ҳам, унинг тили ва бадиий хусусиятлари ҳам шундан далолат беради. “Қутадғу биликдаги айрим образлар кўпгина ҳалқ мақоллари ва таъбирлари, “Ўрхон-Енисей” ёдгорликларида, “Девону-луғотит турк”да кўрингани каби, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон туркий халқларининг кейинги асрларда вужудга келган оғзаки ижодида ҳам давом этади, ривожланиб боади.

Юсуф Хос Хожиб ўз даврининг мафкурачиси бўлиб, у ўз достонида замон ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ғоясини илгари суради. Лекин, шунга қарамай, унинг адолатли ҳукмдорлар образининг ҳам маълум даражада таъсири борлигини кўрамиз. Кунтуғди ва Ойтўлдиларлаги адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби хусусиятлар шу таъсирнинг ифодасидир.

Достон қаҳрамонларининг номи ҳам халқ оғзаки ижоди традициялари билан боғланган. Ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқларда “кун” ва “ой” сўзлари билан бирга ишлатиладиган номлар кенг тарқалган ва халқ эposидан ўрин олган.Бунга,жумладан, ўзбек халқ достонларидан “Ойсулув”даги Ойсулув ва унинг ўғли Кутботир, “Кунтуғмиш” достоннинг бош қаҳрамони Кунтуғмиш, “Юсуф ва Аҳмад” достонидаги Кунхон ва Ойхон, “Ойгул” эртагидаги Ойгул, қаҳрамонларнинг номига қўшиб айтиладиган “ ой” қўшимчаси, “ой десанг ой, кун десанг кун” каби образли сўзлар, “Ой бастина Ойбарча қиз, кун остида Кунакай қиз” каби мисраларни яратган қозоқ халқ оғзаки ижодидаги “Оймон-Шўлпон” достони, “Кунекей қиз” эртаги ва бошқа асарларнинг “Ой” ва “Кун” номлари билан аталиши.Ўзбекларда хотин-қизларнинг номига “ой” сўзини қўшиб айтиш ҳозир ҳам кенг қўлланилади. С.П.Толстовнинг фикрига кўра, “Кун” ва “Ой” билан боғлиқ номларнинг тарихий илдизи тотемларга бориб тақалади.

Шу билан бирга, Юсуф Хос Хожиб халқ оғзаки ижодида вужудга келиб, кейинчалик “Шоҳнома” каби асарлардан ўрин олган Афросиёб,Фаридун ва Нуширвон каби қаҳрамонларнинг номини ҳам тилга олиб, уларнинг сифатларини таъриф қилади ва ўз қаҳрамонларини улардан ўрнак олишга ундайди.

Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билик”да жуда кўп мақоллари ва ҳикматларини ишлатади ва “туркча масал”, “турклар сўзи” деб уларнинг халқ оғзаки ижодидан олинганини очиқ-ойдин таъкидлайди. У мақол ва ҳикматли сўзларни баъзан айнан ва баъзан шеърий мисраларнинг поэтик талабига қараб ўзгартириб қўллайди. Мақол ва ҳикматли сўзлар достоннинг ғоявий мазмунини бойитади, бадиий қимматини оширади.Улуғ шоиримизнинг асардан кўзлаган эзгу нияти ҳаммамизга ҳамроҳ, бўлсин. «Қутадғу билик»ни «Девону луғатит турк»даги шеърий парчалар билан солиштириб, X аср шеърияти бадиий баркамоллик жиҳатидан ғоят юксак савияда бўлган экан, деган хулосага келиш мумкин. Минг афсуски, шу пайтгача бу нодир дурдоналардан халқимиз бебаҳра бўлиб қоляпти, ҳалигача бу шоҳ асарлар чукур илмий тадқиқ этиб ўрганилгани йўқ.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Н.М.Маллаев: Ўзбек адабиёти тарихи. “Ўқитувчи” нашриёти, 1965.
2. Б.Тухлиев: Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. “Аср-Матбуот”.
3. Юсуф Хос Хожиб: Қутадгу билиг. -Тошкент, 2010.


# “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДАГИ САРОЙ АМАЛДОРЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ ИНДИВИДУАЛ ХОСЛИГИНИНГ ТАРЖИМАДАГИ ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА


***Садиқов Зоҳид Яқубжанович***

*Наманган давлат университети Инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент*



***Аннотация.*** *Мақолада илк туркий адабий достон бўлмиш “Қутадғу билиг” асаридаги сарой амалдорлари ва хизматчиларининг ички ва ташқи қиёфасига оид сифатларнинг ўзига хосликлари, уларнинг ҳозирги ўзбек тилида тушунилиши ҳамда немис ва инглиз тилларига таржима қилиниши масаласи қиёсий аснода ўрганилган. Бунда мазкур жиҳатларнинг таржимадан таржимага такомиллашиб бориши воситасида аслиятга нисбатан муқобиллик томон борилиш жараёни кузатилган.*



***Таянч сўз ва иборалар:*** *Қадимги туркий реалия, таржимада ғарбийлаштириш, умумлаштириш ва батафсиллаштириш, конретлаштириш, транскрипция ва транслитерация, изоҳлаш ва тавсифлаш, таржима ва талқин*



***Аннотация.*** *В статье проводится сравнительное исследование особенностей внутренних и внешних качеств дворцовых чиновников и слуг в первом турецком литературном эпосе «Кутадгу билиг», их понимание на современном узбекском языке, а также, перевод на немецкий и английский языки. В то же время исследуется процесс достижение эквивалентности посредством улучшения этих аспектов от перевода к переводу.*



***Опорные слова и выражения:*** *Древнетюркская реалия, вестернизация в переводе, обобщение и детализация, конкретизация, транскрипция и транслитерация, толкование и описание, перевод и толкование.*



***Abstract.*** *In this article analyzes a comparative study of the peculiarities of the internal and external qualities of palace officials and servants in the first Turkish literary epic „Kutadgu Bilig“, their understanding in modern Uzbek, as well as translation into German and English. At the same time, the process of achieving equivalence by improving these aspects from translation to translation is being investigated.*

***Keywords and expressions:****Ancient Turkic reality, westernization in translation, generalization and detailing, concretization, transcription and transliteration, interpretation and description, translation and interpretation.*

Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ асари [1]даги туркий ўзига хосликнинг ботиний ва зоҳирий хусусиятларини таржимада қайта гавдалантириш масаласини ойдинлаштиришда асардаги сарой мансабдорлари ва хизматчилари хусусиятларининг таржимадаги талқинларига тўхталиш лозим. Зеро Қорахонийлар саройида хизмат қилган мансабдорларга қўйиладиган талаблар ўша давр туркий ўзига хослигини ифодалашда муҳим рол ўйнайди.

Асарнинг “Улуғ Ҳожибликка қандай киши кераклигини айтади” деб номланувчи бобида Ўгдулмиш Кунтуғди элигга Улуғ Ҳожиб бўладиган киши учун зарур бўлган хислатларни бирма-бир кўрсатар экан, унда асосан: *көзи тоқ (кўзи тўқ), овутлуғ (уят-андишали), силиг (зариф), тетиг (зийрак), уқушлуғ (зеҳнли), юзи көрклук (юзи чиройли), йулуг (салобатли), эрсиг (мард), қылқы арығ ( феъли соф), серимлик (сабрли), қызыл йуз (ёруғ юзли)* кабиларни таъкидлайди.

Мазкур маълумотларнинг бугунги кун учун қанчалик аҳамияти борлиги ва асар яратилган даврдан бери тарих, адабиёт ва тил тараққиётида ўйнаган ролини аниқлаш бу алоҳида муаммо. Аммо илк туркий адабий обидани ҳозирги замон тилларига ўгириш, унинг асл моҳиятини мавлоно Юсуфнинг бугунги авлодлари томонидан қанчалик тўғри талқин этилаётганлигини, қолаверса, дунёнинг турли халқлари қандай тушунаётганлигини аниқлаш замонавий таржимашуносликнинг муҳим масалалари сирасига киради. Зеро “Қутадғу билиг”даги қадимий сўзлар таржимада не чоғли адекват (тўлақонли) ўгирилса, ўзга халқлар ҳам ушбу ўзига хосликлардан шунчалик тўғри воқиф бўладилар. Асарнинг уйғур ёзувидаги тўлиқ бўлмаган нусхаси асосида 1870 йилда илк бор немисча таржимасини яратган Ҳ.Вамбери нашрида Улуғ Ҳожиб хислатлари аслият тақазосига кўра акс этмаган. Аммо кейинчалик “Қутадғу билиг”нинг янги топилган Қоҳира нусхасини дастлабкиси билан ўзаро солиштирилган варианти асосида иккинчи, илк тўлиқ немисча нашрнингВилҳелм Радлов томонидан амалга оширилиши қадимги туркий обидани немисча талқинлари борасида батафсил тўхталиш имкониятини яратди. Бироқ ушбу нашрда “Қутадғу билиг” матнининг тўлиқ таржимаси мавжуд бўлса-да, ундаги қадимги сўзларнинг асл маъно-моҳиятлари талқини бир қадар мавҳумлаштирилганлиги маълум бўлди. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтилган бобнинг В.Радлов таржимасига эътибор берилса, қуйидаги манзарани кўриш мумкин:

Бутун чын (рост ва чин) – *ganz vollkommen und wahrhaft (етук ва ростгўй)*, силиг (зариф) – *rein (тоза, асл*), овутлуғ (уят-андишали) - *verschaemt (уятли),* тетиг (зийрак) – *scharfsinnig (хушёр),* ўқушлуғ (зеҳнли) – *Kluger (ақлли, доно),* йулуг (салобатли) – *der Diener (хизматкор),* эрсиг (мард) – *treffliche (аъло даражада),* серимлик (сабрли) – *die Ausdauer haben (қаноатга эга бўлган),* қылқы арығ (қилиғи тоза) – *reine Naturell (тоза феълли),* қызыл қылса юз (юзи ёруғ бўлса) – *Eifrig zewenden (ғайрат билан боқса)* [2. 218-220].

Энди таржималарни аслият билан қиёсий таҳлилига ўтайлик. “«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»”да *зариф – 1. Ақли теран, ғоят ақлли, идрокли. 2. Ғоят гўзал, нозик, нафис* [3. 301.]каби маънолари борлиги айтилади. “Древнетюркский словарь”да эса, *Silik* [4. 500.] – чистый, благородный, нежный, изящный (Яъни *тоза,олийжаноб, нозик, нафосатли*) тарзида тавсифланади. Тўғри, қадимги туркий *силиг* сўзининг *тоза, асл* маънолари ҳам бордир. Аслида қадимги туркий тилда *соф, тоза* маъноларида *арығ* [4. 51.] сўзи ишлатилади. Бироқ бу ўринда унинг *зариф* варианти келтирилганлиги мазкур контекстга жуда мос тушган. Бу албатта, ўзбек таржимони Қаюм Каримовнинг хизмати. В.Радлов *силиг* (зариф)ни – қандай бўлса шундайлигича *rein* тарзида ўгириб

*“тоза, асл”*лаштиришни маъқул кўради. Бизнингча буни немис тилидаги *elegant (зариф, нозик)* [1. 818.] билан берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари “Қутадғу билиг” муаллифи Улуғ Ҳожиб *ўқушлуғ* (зеҳнли), *йулуғ* (салобатли), *эрсиг* (мард) бўлиши кераклигини уқтирса, В.Радлов уни *ein Kluger* тарзида (ақлли, доно), *der Diener* (хизматкор), *treffliche* (аъло даражада) бўлишини хоҳлайди. Тасаввур қилиб кўрилса, В.Радлов айтган хислатлар билан ўша даврда Улуғ Ҳожиб ҳеч қачон ўз вазифасини уддалай олмаган бўларди. В.Радлов аслиятдаги *йулуғ* сўзи охиридаги жарангли *“ғ”*ни жарангсизлантириб *“к”* тарзида транскрипция қилади. Натижада қадимги туркий сўзнинг асл маъносини англай олмайди. Бизнингча, аслиятдаги *эрсиг (мард)*ни немис тилидаги *tapfer (мард*) сўзи билан таржима қилса тўғри бўлар эди.

Юсуф Хос Ҳожиб Ўгдулмиш тилидан Улуғ Ҳожибликка керак бўлган ботиний хислатларни санаб кўрсатгандан сўнг унинг зоҳирий фазилатлари таснифига ўтади. Муаллиф ана шундай инсонни кўрганлар қувонишини тасвирлаб, шундай дейди:

2429. Эди эдгу нәң бу киши көрки йүз
Бу йүз көркингә сув ичәр экки көз

Маъноси:

Кишининг кўрки (бўлган) юз жуда яхши нарса,
Бу юз кўркидан икки кўз сув ичади.

В.Радлов таржимаси:

“Eine schoene Sache ist die Schoenheit des menschlichen Antlitzes,
Fuer die Schoenheit des Antlitzes oeffnen beide Augen den Glanz”.
*(Инсон юзи жуда гўзал нарсадир,*
*Юзнинг гўзаллиги учун ҳар икки кўз порлаб туради.)* [2. 220]

Таржима бахсталаб. Аслиятда муаллиф Улуғ Ҳожиб юзининг гўзаллигидан уни кўрганлар қувонишини – *икки кўз сув ичиши*га ўхшатса, таржимон инсон юзи гўзаллигидан унинг *кўзлари порлаб туриши* аҳамияти тўғрисида гапиради. Бундан ташқари, Улуғ Ҳожиб барча ишларни бут қилиб, одамлар кўзига ёруғ юз билан боқишини асар муаллифи *”Улуғ Ҳажиб өтруқызыл қылса юз”* деб унинг *юзи ёруғ бўлса*, деб тасвирласа, немис таржимони Ҳожиб *“Eifrig zewenden”* [2. 251], яъни *шижоат* билан боқтиради. Натижа маълум. “Қутадғу билиг”даги Улуғ Ҳожибнинг сийрати ва сурати немисча таржимада мавҳум бир шахсга айлантириб қўйилган. Шу ўринда яна бир бор бўлса ҳам қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиз. “Қутадғу билиг”нинг В.Радлов таржимасидаги номувофиқликлар бизнинг номзодлик ишимизда ҳам кўрсатиб ўтилган. Аммо унда Радлов таржима нашрининг Ҳ.Вамбери мурожаат қилган, ҳозирда “Қутадғу билиг”нинг энг қисқа нусхаси сифатида эътироф этилаётган таржимаси билан солиштирилганлиги боис, асарнинг кейинги, тўлиқ нусхалари асосида бажарилган немисча нашри ҳали тўлиқ ўрганилмай қолган эди. Энди ана шу масала атрофлича ўрганилмоқда. В.Радлов транскрипциясидаги номувофиқликлар XX аср ўрталарига келиб, атоқли Туркия олими Р.Арат томонидан бир қадар бартараф этилди. Бу жиҳатни асарнинг лотин имлосига асосланган ҳозирги туркча транскрипциясидан ҳам билиш мумкин:

*Bűtűn, çin (2436), közi toķ (2441), uvutlug (2444), silig (2446), tetig (2447), ukuşlug (2453), γuzi körklug (2458), yűlűg (2458), ersig (2458), haşmeti (2468), saķinuķ(2462), ķilķi arig (2462), köngűllűg (2468), köngli alçaķ (2473), serimlig (2480), ķizil ķilsa yűz (2483).* [196]Ушбу матн асосида “Қутадғу билиг”нинг инглизча таржимасини амалга оширган америкалик туркшунос олим Роберт Денкофф немисча нашрга нисбатан аслиятга анчагина муқобил ўгиради. Биз қуйида буни Р.Арат тайёрлаган матн билан қиёслаган ҳолда келтирамиз: *Bűtűn, çin – truthful and sincere (ростгўй ва самимий), közi toķ – full-eyed (тўлиқ кўзли), uvutlug – modest and pure (камтар ва тоза), silig – worldly-wise (дунёвий билимдон), tetig – clever (ақлли), ukuşlug - intelligent (заковатли), γuzi körklug –*

*handsome of appearance (кўриниши чиройли), ersig - manly (мард), - yűlűg - well-kept (ўзига қараган), haşmetli – dignity (ғурурли), saķinuķ - devout(художўй), ķilķi arig - chaste and pure (иффатли ва тоза),ķizil ķilsa yűz - to keep a reddy face (юзининг қизиллигини сақласа.)*

Р.Денкофф таржимасида аслиятни бир қадар ғарбийлаштириш, умумлаштириш ва батафсиллаштириш тамойили ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Улуғ Ҳожибнинг *yuzi körklug (юзи кўркли)* дейилса, инглизча таржимада– *handsome of appearance (кўриниши чиройли*) деб унинг бутун бўй-басти, қомати ҳақида гапирилади. Шунингдек, аслиятда *bűtűn, çin* деб унинг ниҳоятда ростгўйлиги таъкидланса, таржимада унинг ёнига *sincere- самимийлигини* ҳам қўшиб қўйилади. Бундан ташқари Р.Денкофф Улуғ Ҳожибга хос айрим хислатлар таржимасида баъзи мавҳумлик ва чалкашликларга ҳам йўл қўяди. Масалан, *yűlűg* сўзини *well-kept (ўзига қараган),* деб ўгиради. Ваҳоланки буни инглиз тилидаги *firm ёки sound*[5. 301.] *(салобатли)* сўзлари орқали берса бўларди. *Haşameti (ҳашамати)*ни эса *dignity (иззати*) деб таржима қилади.

Умуман олганда, мазкур нашрда ютуқлар ҳам анчагина. Айниқса, муаллифнинг билимли киши номидан айтилган гўзал ташбеҳли байтни инглизчага ҳам шеърий йўл билан қайта яратилганлиги таҳсинга лойиқ:

2467: idi edguneng bu kişi körki yűz
bu yűz körkinge suv içer iki köz
*Кишининг кўрки (бўлган) юз жуда яхши нарса,*
*Бу юз кўркидан икки кўз сув ичади*

Р.Денкофф таржимаси:

2567. It is propitious when your eyes Upon fair beauty gaze.
The eyes revive as with cooling water,when they see a handsome face [6. 301.].
*Самимий гўзалликка кўзларинг диққат билан боқса, қандай ёқимли бўлади,*
*Кўзлар гўзал юзни кўрганда худди мусаффолашаётган сув каби жонланади.*

Аслият билан таржимани янада яқинроқ қиёслайлик:

- **киши кўрки бўлмиш юз жуда яхши нарса** – *самимий гўзалликка кўзларинг диққат билан боқса, қандай ёқимли;*
- **бу юз кўркидан** - *кўзлар гўзал юзни кўрганда*;
- **икки кўз сув ичади** - *кўзлар худди мусаффолашаётган сув каби жонланади.*

Аслиятдаги байтда 14 та сўз ишлатилган. Инглизча таржимада эса 21 та. Аслиятдаги шеър қофиясини таъминловчи *yűz (юз)* ҳамда *köz (кўз)* сўзлари инглизча *gaze (диққат билан боқиш), face (юз)* билан ўгирилиши билан гўзал оҳанг ҳам таъминланган. Эътибор берилса, таржимадаги кўпчилик сўзлар аслиятни айнан ўгирмаси эмас. Ҳатто, таржима матнига аслиятда бўлмаган *самимийлик, диққат билан боқиш, мусаффолашаётган сувнинг жонланиши* кабилар олиб кирилган. Аммо маъно аслига монанд. Худди аслидагидек жаранглайдиган образли манзара, гўзал ташбеҳ яратилган.

Хос сўзлар таржимасини асар матни контекстидан алоҳида ҳолда ёки асар матни контекстидан ажратмаган ва у яратилган тарихий-миллий жараён билан боғлиқ ҳолда таржима қилиш самарасини қуйидаги схема орқали тасвирлаш мумкин. Бундаги шартли қисқартмалар қуйидагилар:

- Аслиятдаги хос сўз - **А.Х.С., т**аржимадаги транскрипция ва изоҳ - **Т.Т.И**. ҳамда асар контекстидаги воқеълик - **А.К.В.**, – асар яратилган даврдаги тарихий-миллий жараён - **А .Т. М. Ж.**, аслиятдаги хос сўзнинг муқобил таржимаси - **А.Х.С.М.Т.**, аслиятга муқобил таржима. - **А.М.Т**

1. Асардаги хос сўзларни таржимада асар матни контекстидан алоҳида ҳолда таржима қилганда қуйидаги кўриниш юзага келади:

**А.Х.С.** → **Т.Т.И.** → **А.Х.С.М.Т.**

2.Асардаги хос сўзларни асл матн контекстидан ажратмаган ва у яратилган тарихий-миллий жараён билан боғлиқ ҳолда ўгириш натижасини қуйидаги схема орқали тасвирлаш мумкин.

**А .Т. М. Ж.→ А.К.В. →А.Х.С. → Т.Т.И. → А.М.Т**

Мазкур қисқартмалар воситасида келтирилган ўзига хос хулосаларни асосан "Қутадғу билиг"да акс этган туркий ўзига хосликни ҳозирги замон тилларига, жумладан Европа тилларига таржима қилишда ўзига хос бир тавсия ўрнида тушуниш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадгу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Қ. Каримовники. - Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.
2. Kutadku Bilik des Jusuf Chass Hadschib aus Balasagun. Text und Übersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo. Herausgegeben von Dr. W. Radloff. - St. Petersburg, 1910. - 560 S.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик- Москва: Рус тили, 1981. Т.1. - 631 б.
4. Древнетюркский словарь. - Ленинград: Наука, 1969. - 676 с.
5. Англо-русский словарь. Составитель В.К.Мюллер. Изд.14-ое. Москва: Энциклопедия, 1979. – 912 с.
6. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. - Chicago-London: University of Chicago Press, 1983. - 281 p.


## "ҚУТАДҒУ БИЛИГ"ДАГИ АЙРИМ ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР ТАРЖИМАСИГА ДОИР


***Тошпўлатова Дилдора Икромжон қизи***

*М.Ломоносов номидаги МДУ Тошкент шаҳри филиали катта ўқитувчиси*


Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони ўз замонасининг илғор ижтимоий-сиёсий ва аҳлоқий-таълимий қарашларини бадиий мужасамлаштирган асардир. Унда XI аср Қорахонийлар давридаги давлат ва ҳокимят, ҳукмдор ва унинг сарой аҳллари, уларнинг бурч ва вазифалари, турли ижтимоий табақалар, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва маънавий-аҳлоқий қиёфаси, ўша давр ҳаётидаги илм ва маърифатнинг ўрни, инсоний фазилатлар ҳақидаги муаллифнинг фикр ва мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Улар гўзал бадиияти билан ҳам эътиборни тортади.

1947 йилда турк олими Рашит Раҳмати Арат асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб нашр эттирди. Асар 1983 йилда Роберт Денкоф ва Сергей Ивановлар томонидан инглиз ва рус тилларига ўгирилди. Туркий халқлар адабиётининг илк намунаси бўлган мазкур асар мутаржимларнинг заҳматли меҳнати ва маҳорати боис жаҳон халқларининг маънавий хазинасига айланди.

Достонда фаол қўлланган санъатлардан бири ирсоли масалдир. "Ирсоли масал гапда ёки шеърда мақол, матал ва ҳикматли сўзларни муайян мақсадда тамсил йўли билан ишлатиш санъатидир" [Ё.Исҳоқов,2006:20]. Шоир ўз фикрларини, қарашларини халқ мақоллари далиллайди ва уларни келтиришдан олдин «Туркча масал», «турклар сўзи» деб мақолга ишора қилиб ўтади. Р.Данкофф «туркча масал», «турклар сўзи» ибораларини «Turkish proverb» дея ўринли таржима қилади.

Қуйида «Қутадғу билиг»да ишлатилган ирсоли масал санъати намуналарининг Р.Данкофф ва С.Иванов томонидан амалга оширилган таржималари хусусида фикр юритамиз.

Юсуф Хос Ҳожиб «Тилнинг фазилати, фойда-зарарлари»ҳақидаги бобда шундай мақол келтиради:

*Уқувга, билимга тилмоч-бу тил,*

*Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин[*Юсуф Хос Ҳожиб,1971:87*]*.Бу туркий мақол ҳозирги ўзбек тилидаги “Тил-ақл тарозуси” мақолига мос келади.

Р.Данкофф эса бу мақолни қуйидагича таржима қилади: “*The tongue is interpreter to intellect and to wisdom”[*DankaffRobert, 1983: 44*]*.

С.Ивановнинг русча таржимасида бу қуйидагича ифодаланган:

*Язык-переводчик науки и знанья,*

*Язык человеку дарует сиянья.[*Юсуф Баласагунский,1983: 63*]*.

Демак, иккала таржимон ҳам мақол мазмунини сақлаган ҳолда таржима қилган.

«Ойтўлди Кунтуғдининг хизматига кириши» бобида қуйидаги мақол учрайди.

*Билимнинг қадрини ҳам билимли билади,*

*Гавҳар қадрини ҳам гавҳар (шунос)гина билади[*Юсуф Хос Ҳожиб,1971:129*]*.

Юқоридаги мақолни ҳозирги кунда биз «Зар қадрини заргар билар» тарзида ишлатамиз.

Р.Данкофф таржимасида бу мақол қуйдагича таржима қилинади:

*The price of wisdom*

*Is known to the wise,*

*The jewel of wisdom*

*Only fools despise.[*Dankaff Robert, 1983: 55*]*.

Р.Данкофф «Қутадғу билиг»даги мақолларнинг кўпини назмий йўлда таржима қилади ва бу ўз йўлида баъзи бир қийинчиликларни юзага келтиради. Яъни, инглиз тилида асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда мос қофия топиш қийин. Р.Данкофф эса бу мураккаб вазифанинг уддасидан чиққан.

Рус таржимони С.Иванов таржимасида бу мақол қуйидаги тарзда ўз аксини топган:

*«Лишишь мудрый и ведает цену познаньям»*

*Почтенье к ученью даруется знаньем[*Юсуф Баласагунский,1983: 64*]*.

Таржимон таржимада билим қадрини донолargина билиши ҳақидаги фикрни бериш билан чекланган.

«Элиг Ойтўлдига адл сифатлари қандай эканлигини айтиши» бобида Элиг Ойтўлдига шундай дейди:

*Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,*

*Ўлим келиб тутмагунча ўз тарзини ўзгартирмайди.*

*Қоринда вужуд бўлган қилиқ, одат.*

*Қора ер қатида кетади, эй тетик [*Юсуф Хос Ҳожиб,1971:185*]*.

Бу мақол “Сут билан кирган жон билан чиқар”, “Букрини гўр тузатади” тарзида ишлатилади.

Р.Данкоффнингқанчаликмаҳоратбиланмақолнитаржимақилганлигияққолкўринибтурибди: “If good character enters a man with his mother’s milk, it does not depart until death takes hold» «A wrote born in the womb dies only in grave” *[*Dankaff Robert, 1983: 68*]*.

С.Ивановдаэсаюқоридагиҳолат қуйидагичаифодаланган:

*Кто доброе в детстве всосал с молоком,*

*До смерти он только к добру и влек ом.*

*Во черве назначен нам образ внемли,*

*И гибнет он только во чреве земли! [*Юсуф Баласагунский,1983: 94*].*

Р.Данкофф “Қора ер қати” сўзига “grave”(қабр) сўзини берган бўлса, С.Иванов “чрев земли” (ернинг тагида, қатида) сўзини беради. Бу ерда маъновий таржима ҳам, айнан таржима ҳам мақолнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

«Саройдаги сипоҳлар билан суҳбат сўзи» бобида Ўгдулмиш Ўзғурмишга шундай дейди:

*Душман биргина бўлса ҳам зарари минг-мингдир,*

*Минглаб дўстинг бўлса ҳам, озлиги бирга тенгдир. [*Юсуф Хос Ҳожиб,1971:87*].*

Мисралар қатига сингдирилган бу мақол бугунги кунда қуйидаги шаклда жаранглайди:

*Душманинг битта бўлса ҳам кўп,*

*Дўстинг мингта бўлса ҳам кам [* Ўзбек халқ мақоллари,1997: 60*].*

Р.Данкоффнинг таржимасида ирсоли масал намуналари кўпроқ назмий таржима қилинган:

*A thousand friends are no better than one;*

*One enemy causes a thousand woes.*

*However skillful a man may be*

*He can not get benefit from his foes[*Dankaff Robert, 1983: 176*].*

Р.Данкофф қофиядош сўзларни жуда ўринли танлаган. “Woe” (бахтсизлик, ғам) сўзи ҳам, “foe” (душман) сўзи ҳам шеърий услубга хос сўзлар бўлиб, улар мазмуннинг ёрқин очилиши ва мақол таржимасининг бадиий жилосини таъминлаган.

С.Иванов эса бу мақолни рус тилига қуйидагича ўгирган:

*И мало врагов, да велик от них вред,*

*И много друзей, а как будто их нет! [*Юсуф Баласагунский,1983: 319*].*Назаримизда, бу ўринда таржима аслиятдаги маъно сақланган ҳолда амалга оширилган.

Кўриниб турибдики, «Қутадғу билиг»даги ирсоли масал санъати намуналари бўлган мақоллар турли усуллар билан таржима қилинган бўлса-да, Р.Данкофф ҳам, С.Иванов ҳам аслиятни сақлаган ҳолда таржима қилишга, уларнинг мазмунини инглиз ва рус китобхонига етказишга ҳаракат қилганлар.

Таржимонларнинг асар бадииятини ҳам таржимада ёрқин акс эттиришга интилганликлари унинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири, деб эътироф этиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (С.И.Б) Транскрипция ва ҳоз. ўзбек тилига тавсиф. Нашр тайёр. Қ.Каримов. – Тошкент: Фан,1971.
2. Dankaff Robert Wisdom of Royal Glory. Translation of Kutadgu bilig. Chicago University, 1983.
3. Юсуф Баласагунский Благадатной знание. Перевод С.Иванова Москва: «Наука» 1983.
4. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Маънавият, 1997.

# “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДАТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ОҒЗАКИ ИЖОДИДАГИ ДИДАКТИК ҒОЯЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

***Раҳматова Говҳар Омоновна***
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси, таянч докторанти*

***Аннотация.*** *Туркий халқлар оғзаки ижодидаги одоб-ахлоқ, панд-насиҳат, комиллик фазилатларига даъват, яъни дидактик тамойил кейинги давр ёзма адабиётига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган. Буни Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида келтирилган панднома шеърларни қиёсий таҳлил қилиш орқали яққол кузатиш мумкин.*
***Таянч сўз ва иборалар:*** *тўртлик, халқ оғзаки ижоди, халқ шеърлари.*

***Аннотация.*** *В фольклоре тюркских народностей призыв к таким качествам как этика, нравоучение, совершенство, или же дидактические принципы оказало существенное влияние и на письменную литературу следующего периода. Это можно ясно заметить и при сопоставительном анализе произведений “Диван лугати-т-турк” Махмуда Кашгари и “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба.*
***Опорные слова и выражения:*** *четверостишие, фольклор, народные стихи.*

***Abstract.*** *Morals, admonition, call to perfect quality, so, didactic, trend influenced to its written literature in Turkey nations orally creative work. You can be seen distinctly by comparative analysis in admonition poets in Makhmud Koshgariy’s “Devonu lugati-t-turk” and Yusuf Khos Khojib’s “Kutadgu bilig” scientific work.*
***Keywords and expressions:*** *kwatat, folklore, folk poetry.*

Туркий адабиётда дидактик мазмундаги асарнинг яратилиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. X-XII юзйилликлар мобайнида бу мавзуга қизиқиш кучайиб борган бўлса-да, уларнинг илдизлари анча олдиндан бошланган. Бунинг ёрқин далили Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асаридаги шеърий узиндилардир. Ушбу парчалар кейинги давр туркий ёзма адабиётига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўткизган. Туркий адабиёт намоёндалари халқ оғзаки ижодидаги дидактик ғоялардан унимли фойдаланган. Шулардан бири XI асрнинг йирик адиби Юсуф Хос Ҳожибдир. Адиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида халқ оғзаки ижоди дидактик ғояларидан фойдаланибгина қолмай, уларни ривожлантирган.

“Девону луғати-т-турк”даги панднома шеърлар ва “Қутадғу билиг”даги дидактик ғоялар кишиларнинг юксак фазилатини таърифлаш, нуқсонларини қоралашга бағишланган. Ҳар иккала асарда саҳоват, қўли очиқлик, тавозе, вафоли ва шавқатли бўлиш, ҳалим табиатлилик, кечирувчанлик, камтарлик каби дидактик ғоялар тарғиб қилинади, бахил ва очкўзлик, молпарастлик, ғазабнок ва такаббурлик, риёкорлик, сабрсизлик, зулм ва зўравонлик қаттиқ қораланади. Илм олиш, катталар насиҳатларига қулоқ тутишга ҳар иккала асарда қайта-қайта таъкидланади.

Туркий шеъриятда илмли бўлиш, билим эгаллаш қадрият сифатида намоён бўлади. Бу иккала асардаги панднома шеърларнинг асосий қисми инсонни илм ўрганишга чорлайди. Масалан:

“Девону луғати-т-турк”да:

*Alğïl ögüt mendin, oğul, erdäm tilä,*
*Boyda uluğ* ***bilgä bolup, bilgiŋ ula***[1, 34].

Парчада илм олиш ва уни бошқаларга тарқатиб, амалда фойдаланиш тавсия қилинмоқда.

Юсуф Хос Ҳожибнинг маслаҳати ҳам шундай:

***Bilig, erdäm ögrän** ağïr tut anï,*
*Ağïr qïlğay ol erdäm senï.*
***Bilig bil**, uquš uq, yorïma yava,*
*Öδi kelsä berür ol küni*[3, 474].

Тўртликда билим ва ҳиммат инсонни доимо қадрли қилиши баён этилган. Тўртликнинг сўнги икки мисрасида билим ўрганиш насиҳат қилинмоқда, зеро пайти келганда ўша билим туфайли кишининг куни ёришади.

“Девону луғати-т-турк”да ҳам худди шу мазмундаги иккилик мавжуд:

*Oğlum ögit alğïl, biliksizlig ketär,*
*Talqan kimiŋ bolsa, aŋar bekmäs, qatar* [1, 175].

Яна бир иккиликда илм ва ҳикмат ўрганишда ҳавойилик ва такаббурлик қилиш қораланади. Ҳеч нарса ўрганмасдан ўзини билимдон кўрсатиб мақтанган кишининг имтиҳон вақтида уялиши айтиб ўтилади:

*Erdäm tilä ögränin bolma küwäz,*
*Erdämsizin ökünsä eŋmägüδä aŋar.*

Туркий халқлар орасида эса насиҳат қилиш, панд бериш катталарнинг вазифаси ҳисобланиб, ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар ёшларга насиҳат айтган. Юқорида “Девону луғати-т-турк”дан олинган узинди ҳамда “Қутадғу билиг”дан келтирилган тўртликда ёшларга беҳуда вақт ўтказмай, билим ва ҳунар олиш айтиб ўтилади.

“Девону луғати-т-турк” ва “Қутадғу билиг”даги пандномa шеърларни кузатар эканимиз, сабр ва қаноатли бўлиш туркий халқларда кишининг асосий хислатларидан ҳисоблaнганини кўрамиз. “Девону луғати-т-турк”да шундай парча бор:

*Kelsä qalï qatïğlïq,*
*Ertär teyü seriŋil.*
*Öδläk ïšïn bilip tur,*
*Anča aŋar tiräŋil* [1, 404].

Ҳудда шу мазмундаги тўртлик “Қутадғу билиг”да ҳам бор:

*Ey ne’mat iδisi šukur qïl, yegil,*
*Ey mehnat iδisi, sabur qïl, egil.*
*Sabur qïlsa mehnat bolur ne’matïŋ,*
*Šukur qïlsa ne’matqa artar tegil* [2, 12].

Юқоридаги пандона шеърлар мазмун жиҳатдан бир хил. Уларда сабрнинг фазилати ҳақида сўз кетади. Яъни киши бошига бу ҳаёт синовларидан ташвиш келадиган бўлса, унга сабр қалқон бўлиши уқтирилади.

Мол-мулк тўплаш ва унга кўнгил бериш иллатлари ҳамда билимга интилиш ва уни ихтиёр этишнинг фойдалари ҳақида туркий халқлар оғзаки шеъриятида мисоллар кўп. Хусусан, қуйидаги шеърларга эътибор қаратинг.

“Девону луғати-т-турк”да:

*Yağï erur yalïŋuqïŋ näŋï tawar,*
*Bilig eri yağïsïn nelig sewär?*[1, 454].

“Девону луғати-т-турк”да айтилишича, ақлли киши ҳеч қачон ўзи тўплаган бойликка кўнгил қўймайди. Чунки бойлик унинг учун душмандир. Душманни эса севиб бўлмайди. Бундаги асл мазмун шуки, дунё молини севиш ва унга кўнгил бериш ақлсизлик.

Бойликка меҳр берган кишиларнинг ахлоқи бузилиши таъкидланади:

*Erän qamuğ artadï näŋlär uδu,*
*Tawar körüp usunlayu eskä čoqar* [1, 213] .

“Қутадғу билиг”да эса бу қуйидагича ифодаланади:

*Quvanma qïvï qutqa qutluğ kiši,*

*Osanma özün qutqa atlïğ kiši* [3, 154].

Юсуф Хос Ҳожиб мол-у давлатни ойга қиёслайди. Бунда у туркий халқлароғзаки мақолларидан фойдаланади. Яъни, давлатга кўнгил бермагилки, у бир куни келиб тўлиб бўлади, емирилади. У барқарор эмас. Давлат қўлдан кетгувчи нарса. Илму ҳунар эса боқийдир. У инсон умри охирига қадар унинг хизматида бўлади.

“Девону луғати-т-турк”даги парчада ҳам молга камроқ кўнгил беришга насиҳат мавжуд. Чунки у қўлдан кетувчи нарсадир:

*Bolmïš näŋig sewärsän,*
*Aqrun aŋar sewingil.*
*Barmïš näŋig saqïnma,*
*Azraq aŋar öküngil* [1, 445].

Иккала асарда давлатга эга кишиларгина халқни бошқара олиши айтиб ўтилади.

“Девону луғати-т-турк”да:

*Tawar kimiŋ ökilsä,*
*Beglig aŋar kergäyür,*
*Tawarsïzïn qalïp beg,*
*Eränsizin emgäyür* [1, 146].

“Қутадғу билиг”да мол-дунё ақилли кишиларга берилса бахт сифатида қаралади:

*Biligsizgä davlat yarašsa kelib,*
*Biligligkä artuq yarašur tegib.*
*Biligsiz bilä tursa davlat qalï,*
*Biliglig bila turğa teŋ-tüš körip*[3, 296].

ЮсуфХосҲожибдавлатнингнодонгаберилишимумкинлигиниинкорэтмайди. Аммо у донога берилса, яна ҳам фазилатли ва мақсадли бўлишини таъкидлайди.

Туркий оғзаки шеъриятда хушмуомалалик, дилгирлик ва илиқ муносабатлар ниҳоятда қадрланади. Чунки бу хислатлар ахлоқнинг бир устунидир. Ахлоқийлик эса жамиятнинг асосини ташкил этади. Худди шундай мазмундаги шеърларни “Девону луғати-т-турк”да ҳам, “Қутадғу билиг”да ҳам учратамиз.

*Külsä kiši yüziŋä,*
*Körklüg yüzin körüngil.*
*Yawlaq köδäz tïlïŋnï,*
*Eδgü sawïğ tilängil* [1, 338].

Туркий халқларда очиқ чеҳралик ва мулойим табиатлилик (ҳилм)га алоҳида эътибор берилган. Чунки булар эзгулик нишоналаридир. Бир кишининг кўнглини олиш ва унинг ишига баҳо беришда ҳам хушмуомалалик ва очиқ кайфиятда бўлиш кераклиги айтилади:

*Tu etmäk yetürgil kišikä külä,*
*Yüzüŋni yaruq tut süčig söz bilä.*
*Kišig qul qïlïğlï bu ekki qïlïnč,*
*Adïn bulmadïm men, bulunsa tilä*[3, 632].

“Девону луғати-т-турк” ва “Қутадғу билиг” туркий халқлар панднома шеъриятининг нақадар бой ва сермаҳсул эканини бадиий йўсинда асослаб берувчи асарлардан ҳисобланади. Зеро, асарда келтирилган шеърий парчалар ғоявий ва бадиий томонлари билан, бугунги кундаги долзарб мавзуларни қамраб олиши билан ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, туркий халқлар оғзаки ижодидаги дидактик ғоялар кейинги давр панднома мавзулардаги асарларнинг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида туркий халқлар оғзаки ижоди дидактик ғояларидан унумли фойдаланган ва уларни бадиий ривожлантирган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017.
2. Тўхлиев Б, Сидиқов Қ, Иботов С. Қутадғу билиг. – Тошкент, 2010.
3. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Тошкент: Фан, 1971.

# ТУРКИЙ ВА ФОРС-ТОЖИК АДАБИЁТЛАРИДА ИЛМ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР
## (“Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул ҳақойиқ”ва “Қобуснома” асарлари мисолида)

***Зарипова Дилфуза Бахтиёровна***
*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил изланувчиси*

***Аннотация.*** *Мақолада Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома” асарларидаги илм ҳақидаги қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.Учала асардаги илм ҳақидаги қарашларни ғоявий-бадиий, қиёсий таҳлил қилиш натижасида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ” асарига таъсирини ёки туркий адабиёт ва форс-тожик адабиётининг алоқасини Кайковуснинг “Қобуснома” асари мисолида атрофлича тадқиқ қилдик. Юқоридаги учала ижодкордаги илм ҳақидаги қарашлар илмнинг буюклиги, у орқали орзу-тилакка эришиш ва илмли одамнинг юриш-туриши, сўзлаши ҳақида ҳар бир ижодкорда ўзига хосликда ифодаланган. Учала асардаги фикрлар илм, заковат хусусиятларини тўлақонли очиб бера олган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *дидактика, дидактик адабиёт, илм, эзгулик, маърифатли инсон, бадиий санъатлар, Қуръон, Ҳадис.*

***Аннотация.*** *Статья посвящена вопросам образования в учебно-дидактических трудах нашей классической литературы, таких «Кутадгу билиг» Юсуфа Хос Ходжиба, «Хибат уль хакойик» Ахмада Югнаки,а также «Кобуснома» Кайковуса. После анализа таких тем как этика обшение и образование, было выявлено влияние труда:”Кутадгу билиг” Юсуфа Хос Ходжиба на “Хибат ул хакойик” Ахмада Югнаки а также иследованы отношения тюрской и персидо-таджикской литературы на примере труда “Кобуснома” Кайковуса. Стоит добавить, что в этих произведениях очень искусно использованы пословицы. В пословицах как жанр устно-народного творчества изображаются актуалные на тот перевод проблемы народа. Взгляды этих трех авторов на образование доказывают важность просвещения для достижения счастья. Также в статье сравниваются манеры и этика речи образованных людей в данных произведениях.*

***Опорные слова и выражения:*** *дидактика, дидактическая литература, знание доброта, просвещенный человек, художественный стиль, Коран, Хадис.*

***Abstract.*** *The article is devoted to the issues of education in the teaching and didactic works of our classical literature, such as “Kutadgu bilig” by Yusuf Khos Khojib, “Hibat ul hakoyik” by Ahmad Yugnaki, as well as “Kobusnoma” by Kaikovus.After analyzing topics such as communication ethics and education, the influence of the work of “Kutadgu bilig” by*

*Yusuf Khos Khojib for “Hibat ul hakoik” by Ahmad Yugnaki was revealed, and the relations of Turkic and Persian-Tajik literature were studied using the example of ”Kobusnoma” by Kaikovus. Add that proverbs are very skillfully used in these works. In proverbs, as a genre of oral folklore, the problems of the people relevant for that period are depicted. The views of these three authors on education prove the importance of enlightenment for happiness. The article also compares the manners and ethics of speech of educated people in these works.*

***Keywords and expressions:****didactics, didactic literature, knowledge, kindness, enlightened person, artistic style, Quran, Hadith.*

***Özet.*** *Makale, Yusuf Hos Hocib'in "Kutadgu bilig", Ahmad Yugnakiy'nin "Hibat ul hakoyik" ve "Kobusnoma" Kaykovus gibi klasik edebiyatımızın eğitici ve didaktik eserlerindeki eğitim konularına ayrılmıştır. İletişim ve eğitim etiği gibi konular incelendikten sonra emeğin etkisi ortaya çıkarıldı: Yusuf Khos Hocib'in Ahmed Yugnaki'nin "Hibat ul hakoyik" üzerine yazdığı "Kutadgu bilig" ve ayrıca Kaikovus'un "Kobusnoma" adlı eserinden Türk ve Farsça-Tacik edebiyatının ilişkileri araştırıldı. Atasözlerinin bu eserlerde çok ustaca kullanıldığını da eklemeye değer. Atasözlerinde sözlü ve halk sanatının bir türü olarak, o dönemle ilgili olan insanların sorunları anlatılır. Bu üç yazarın eğitim hakkındaki görüşleri, eğitimin mutluluk için önemini kanıtlamaktadır. Makale aynı zamanda bu eserlerdeki eğitimli insanların konuşma tarzlarını ve ahlakını da karşılaştırıyor.*

***Anahtar kelimeler:*** *didaktik, didaktik edebiyat, nezaket bilgisi, aydınlanmış kişi, sanatsal üslup, Kur'an, Hadis*

Бадиий адабиётнинг марказида асосан инсон, унинг ақл-заковати, ахлоқ-одоби, бошқаларга муносабати, илм-фанга эътибори, инсонийлик моҳияти каби масалалар турган. Бадиий адабиёт илк Ўрта асрнинг фалсафий, дидактик, педагогик, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, тарихий меросини ўрганиш учун ниҳоятда муҳим манбалардан бири бўлиб, ўз даврининг маънавиятини, маданиятининг ютуқлари, даражасини ўзида ифодалаган.

XI-XII асрлардаги туркий халқлар ёзма адабиёти жаҳон маданияти тарихига ўзининг кучли ривожи билан кириб келди. У кўп жиҳатдан кейинги даврлар адабиётининг тараққиёт йўлларини белгилаб берди. Бу давр адабиётининг энг асосий тарихий маданий ҳамда адабий-эстетик аҳамияти ҳам мана шунда. Давр адабиётининг бу қадар юксак даражага кўтарилишида эса ўтмишдаги миллий, айниқса, сўз санъати соҳасидаги анъаналар белгиловчи, ҳал қилувчи ўрин тутади. XI асрда Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда юз берган кучли маданий ва илмий тараққиёт жаҳон халқлари тафаккури тарихида алоҳида ўрин тутади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ” асари ўша даврда вужудга келган дидактик асарлардан ҳисобланади. Бу иккала асарда араб-форс адабиётининг, ҳинд-тибет ҳудудида амал қилган ижтимоий мафкуранинг таъсири мавжуд. Аммо унинг ўзагини соф туркий анъаналар, қадим миллий маданиятига бевосита дахлдор бўлган қадриятлар ташкил этади. Кайковуснинг “Қобуснома” асари ҳам шу даврга хос бўлиб, фақат у форс-тожик адабиётида яратилган. Бу учала асар бир даврда яратилган, бир хил дидактик руҳ сингдирилган, аммо ҳар бирининг ўзига хос ифода йўсини, муаллифнинг баён қилиш услуби, асарларнинг ғоявий-бадиий хусусияти ўзига хос тарзда ифодаланган. Туркий адабиётнинг йирик асари Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ” асари, Кайковуснинг “Қобуснома” асаридаги илм ҳақидаги қарашларни қиёсий ўрганамиз:

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида илм ҳақида “***Инсоннинг қадри билим билан белгиланади” 6-26-бобларда,*** Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ”

асарининг ***1-боби*** “***Илм манфаати ва жаҳолат зарари”*** *ҳақида*, Кайковуснинг “Қобуснома” асарининг ***31-боби “Илм била баланд мартабали бўлмоқ ва қозигарлик зикрида”*** номли бобда фикр билдирилган. “Қутадғу билиг” ва “Ҳибат ул ҳақойиқ”да илм ҳақида махсус боб ажратилган бўлса, ”Қобуснома”да эса **31-боб**нинг маълум бир қисмида фикр юритилади.

**“Қутадғу билиг”да:**

(146)”Билиг бэрди йанлуқ бэдуди бу кун,
Уқуш бэрди отру йазылды тугун”[5, 84].

*(**Мазмуни**: Билим берди, шу туфайли инсон бу кун улуғликка эришди, уқув берди, сўнг тугунлар ёзилди).*Юсуф Хос Ҳожиб Ўгдулмиш, Ўзғурмиш образлари орқали шоир ўзининг илм-фан ҳақидаги қарашларини олдинга суради. Шоир билим инсонни улуғликка элтишини, билим туфайли буюк бўлишини уқтиради ва “***билим***”, “***уқув***” сўзлари **таносиб**, “***берди***” сўзининг такрори-**радд ус ҳашф илал ҳашф** санъатидан фойдаланади. Шуни таъкидлаш керакки, Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини ёзишда қайси асарлардан илҳомланган деган савол ўйлантиради? Албатта, ҳар қандай ижод маҳсулига нимадир таъсир қилиши янгилик эмас.

Масалан, Ибн Синонинг илм-фан, маърифат ҳақидаги фикрлари “Китоб аш-шифо” асарида ҳам ифодаланган. Унинг илм-маърифат ҳақидаги ғоялари дунё ва инсонни билиш ҳақидаги қарашлари билан боғлиқдир. Ақл-идрокли, билим-маърифатли, маданиятли инсон мавзуси унинг “Ат-тайр”, “Соломон ва Ибсол”, “Ҳайй ибн Яқзон” каби адабий-фалсафий қиссаларида давом этади. Худди шунга ўхшаш фикрларни Аҳмад Югнакийнинг “**Ҳибат ул ҳақойиқ”** асарида:

“Биликтин аюрман сўзумга ула,
Биликликка ё дўст ўзунгни ула.
Билик бирла билинур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини бу.” [2, 37]

(**Мазмуни**:Билимдан сўзлайман - сўзимни эшит:
Билимли кишига ўзни яқин тут.
Билимдан очилар саодат йўли,
Билим ол- саодат манзилига ет)

Адиб бу мисраларда Юсуф Хос Ҳожиб мисраларига ҳамоҳанг билим саодатга олиб боришини, саодат манзилига боришинг учун билимли кишига ўзингни яқин тут,- деб таъкидлайди. “**Ула**” сўзининг икки маънода келиши-**тажнис** санъатини,“**билик**” сўзининг такрори эса-**радд ус–садр ил ал ибтидо** санъатини юзага келтирган.

**Тажнис**-лафзий санъатлардан биридир. “**Тажнис”** сўзининг луғавий маъноси жинсини, шаклини бир хил қилиш, яъни жинсдошлашишдир.

Бадиъшуносликда тажнис ёки жинос деб нутқда икки ва ундан ортиқ лафздош сўздан фойдаланишга айтилади” [6, 26].

Г.Хўжанова бу санъатни “Аҳмад Югнакийнинг ўнлаб байтларида учратиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади” [4, 101].

Шуни таъкидлаш керакки, **қайтариш санъати**, яъни сўзларнинг такрор келиши иккала асар учун ҳам умумий ҳодиса саналади.

Кайковуснинг **“Қобуснома” асарида:** “Улуғларга барча илмни билмак лозимдур” [3, 122]. Кайковус Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакийдан фарқли ўлароқ, у асарни насрий усулда ёзган. Адиб номи улуғ киши ҳамма илмни билиши кераклигини уқтиради. Бу эса учала адибнинг билим ҳақидаги муштарак фикр айтганлигидан далолатдир.

**“Қутадғу билиг”да:**

(153) “Билигсиз киши барча **иглиг** болур,
**Игиг** эмлэмэсэ киши тэрк олур” [5, 84].

(**Мазмуни**: Билимсиз кишилар барчаси дардли бўлади, дардни даволамаса, киши бот ўлади).

Шоир билимсиз кишиларни дардли одамга ўхшатади-**ташбеҳ** санъати ва "**Иглиг"(дард**) сўзининг такрори эса **радд ул ҳашв улал ибтидо** санъатини пайдо қилган.

**"Ҳибат ул ҳақойиқ"да:**

"Баҳолик динар ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.
Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур,
Биликсиз тиши эр жоҳил эр тиши" [7, 244].

**Мазмуни:**

Билимли олтиндек ҳар ерда
Билимсиз мисоли қуриган ўтин.
Билимли, билимсиз қачон тенг бўлар?
Билимли хотин- эр, жоҳил эр- хотин.

Адиб билимли одамни "***олтинга***", билимли хотинни "***мард кишига***",билимсизни "***қуриган ўтин***" ва "***жоҳил киши***"га ўхшатади. Адибнинг бу ўхшатишлари **ташбеҳ**, "***билимли***" ва "***билимсиз***" сўзлари эса **тазод** санъатини юзага келтирган.

Н.С.Банарлининг таъкидлашича, адиб Аҳмаднинг билимли аёлни эркак билан тенг қўйиши янги ижтимоий нуқтайи назарнинг ифодаси бўлиб, "Бу нуқтайи назарга кўра, аёл исломиятнинг илк асрларидан бошлаб эски турк қавмлари муҳитида юксак мавқега кўтарилганлигидан далолат беради" [7, 244]

**"Қобуснома"да:**

"…..ҳар қанча уста бўлсанг ҳам, ул бобда серрайғон кишидек бўлурсан, яъни таажжубланиб турғайсан".(яъни билимсиз бўлсанг) [3, 122]

Кайковус билимсиз кишини анқайиб, таажжубланиб турадидан киши қиёфасини келтиради. Бу билимсиз кишининг портретидир. Кайковус адабиётшуносликда портрет тасвир воситасидан фойдаланиб асарининг бадиий қийматини кўрсата олди.(таъкид-Д.Зарипова)

**"Қутадғу билиг"да:**

(154)"Йуры, эй **билигсиз**, игинни ота,
**Билигсиз** отын сэн э билгэ **кута."** [5, 84]

(**Мазмуни:** Кел,ей билимсиз, дардингга даво қил, билимсиз бўлсанг-тубансан, доно бўлсанг-бахтлисан)

"Билигсиз киши бир емишсиз йиғач,
Емишсиз йиғачиғ неку қилсу ач"

(***Мазмуни:****Билимсиз киши бир мевасиз ёғоч, мевасиз ёғочни нима қилсин оч)*

Юсуф Хос Ҳожиб илм аҳлини жуда қадрлайди. Билимсиз кишиларни мевасиз дарахтга, тубан кишига ўхшатади. Уларга илмсиз кишиларни жоҳил ва йилқи қаторида санайди, уларга таҳқир билан қаралишини, беҳуда бўлишларини таъкидлайди. У барчани билим ва заковат эгаси бўлишга чақиради. Дунёдаги жами эзгу ишлар билим туфайли бўлади, билим орқали кўкка учиш учун ҳам йўл топилади.

Шоир мисраларда билимсиз кишини мевасиз дарахтга ўхшатиши–**ташбеҳ**, "***ей билигсиз***" сўзи-**нидо** санъатини, **"*билигсиз"*** сўзининг такрори-**радд ус ҳашв илал ибтидо, "*дард*"** ва **"*даво*"** сўзлариникелтиришидан **тазод** қўллаган.

**"Ҳибат ул ҳақойиқ"да:**

"Сўнгакка тек эранга билик,
Эран кўрки ақл сўнакнинг йилик.
Биликсиз йиликсиз сўнгак тек холи,
Йиликсиз сўнгакка сунулмас элик" [2, 41].

(**Мазмуни:** Суяк - илиг-у эр-билим билан бил,
Суяк кўрки - илик, эр кўрки - ақл.
Билимсиз, иликсиз суякдай бўм-бўш,
Иликсиз суякка узатилмас қўл.

Адиб бу мисраларда билимсиз кишини иликсиз суякка ўхшатади ва **ташбеҳ** ва **"*суяк*"** сўзининг такроридан **такрир**, "***йиликсиз сўнгак*"** **(**иликсиз суяк), "***йиликли сўнгак*"**(иликли суяк**)-тазод** санъатларини қўллайди.

"Билик бирла олим юқор йўқлади,
Биликсизлик эрни чўкарди қўди.
Билик бил,ўсанма бил ул ҳақ,
Билик кимда эрса сиз арқанг теди" [2, 42].

**Мазмуни:**

Олим юксалади билими билан,
Билимсиз кишилар бўлади тубан.
Билимли бўл, сира эринма, Расул
Ким билимли бўлса, улуғланг деган.

Адиб бу мисраларда кишининг билими бўлса, юксалиши акс ҳолда, тубан шахс бўлишини уқтиради ва "Расул" сўзини қўллаши **талмеҳ** санъатидан фойдаланган.

**"Қобуснома"да:** "Илмни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил" [3, 122].

Кайковус икки адибдан фарқли равишда, илмнинг кишига дўст бўлишини уқтиради ва қарама-қарши сўзлар-***("дўст-душман*"**) орқали панд-насиҳат таъсирчанлигини оширади.

Учала асарда қўлланилган **ташбеҳ ва тазод** санъати мисраларни безаб турибди. Ҳар бир адибнинг ўзига хос ўхшатиши панд-насиҳатлар руҳиятини бойита олган. Учала асарда ҳам **тазод** санъати фикр таъсирчанлигини оширган.

**"Қутадғу билиг"да:**

**(288)**"Тэру туз йурытты байуды будун,
Атын эдгу қылды ул эдгу одун" [5, 84].

*(**Мазмуни**:Хоқон адолатли сиёсат юритди, халқ бойиди, у эзгулик даврон билан ўз номини эзгу қилди)*

Юсуф Хос Ҳожиб бу мисраларда илмли шоҳгина адолатли сиёсат юрита олиши ва унинг номи эзгу бўлиб қолиши ҳақида таъкидлаб "***халқ, хоқон*; "*Езгулик, эзгу ном, адолатли сиёсат"***сўзларини қўллаб **таносиб** санъатини қўллайди. Билимсиз, фаросатсиз кишилар давлат бошлиғи бўлса, элга офат бўлади. Шу сабабли, билимли шоҳгина, адолат юрита олади. Адолатли шоҳдан эзгу ном қолишини адиб таъкидлаб ўтади.

Аҳмад Югнакий ҳам шунга ўхшаш ҳамоҳанг фикрни қуйидаги мисраларда келтиради. Ҳар бир киши тирик мурда бўлиб қолмаслиги, халқ орасида исми сақланиб абадийлашиши учун у элга узоқ вақт фойда берадиган, нафи тегадиган ишларни қилиши зарур. Ўзи ўлса ҳам яратган илми, ёзган китоби, айтган доно сўзлари келажак авлодларга қолиши керак. Бу дунёда исми номаълум бўлиб яшаб кетиш инсон учун гуноҳдир. Шу сабабдан инсон имкони борича илм яратиб, мерос қолдириши лозим, илмли кишиларнинг меҳнати эл ичида ардоқланиб, шон-шуҳрат қозонади деб шоир мисрадаги "***тирик***" ва ***ўлук***" сўзларини қўллаб **тазод** санъатидан моҳирона фойдаланади:

**"Ҳибат ул ҳақойиқ"да:**

"Билик билти эран белгулук,
Биликсиз тирикла йитук кўргулук.
Биликлик эр ўлти оти ўлмату,
Биликсиз эсон эркан оти ўлук" [2, 41].

**Мазмуни**:

Билимдан эр киши бўлди белгилик,
Билим сизга тирик ўлмоқ кўргулик.
Билимли ўлса-да, оти ўлмади,
Билимсиз ҳаёт-у оти-чи, ўлик.

**“Қобуснома”да:**“Оз сўзлағил ва узоқни ўйлағил. Чунки ҳар бир толиби илм агар бу сифатда бўлса, тез фурсатда замоннинг ягона кишиси бўлур” [3, 123]. Кайковус ҳам юқоридаги икки асардаги фикрга ўхшаш сатрларни ёзади, яъни илмли одам кам сўзлаб илмини оширса, ўз даврининг етук кишиси бўлиб, номи мангу қолишига ишора қилади.

Учала асардаги мисралар илм, заковат кишига абадий умр беришини, илмли, саводли бўлиши уларга эзгу ном келтирилиши уқтирилади.

**“Қутадғу билиг”да:**

**(307)”**Билиг байлық ул бир чығай **болғусиз,**
Тэгиб оғры тэвлиг аны алғусиз” [5, 106].

*(**Мазмуни:** Билим қашшоқ қилмоқчи бир бойликдир, ўғри, айёр қўл уриб уни ҳеч ола олмайди)*

Билим-бойлик. Аммо унинг бошқа бойликлардан фарқи бор. Ҳар қандай бойлик ўғрининг қўлига тушса тамом, ундан айрилиб қолиш мумкин. Бироқ билимни ҳеч бир ўғри ўғирлай олмайди. Аксинча, у қанча кўп ишлатилса, ишлатилса, шунча кўпайиб бораверадиган бойликдир. Шунга ўхшаш мисралар **“Ҳибат ул ҳақойиқ”да:**

“Биликлик сўзи панд-насиҳат адаб,
Биликликни ўгди **Ажам** ҳам **Араб.**
Таворсизға билги туганмас тавор,
Ҳисобсизға билги ёрилмас ҳисоб” [2, 46].

**(Мазмуни**: Билимли сўзи панд-насиҳат, адаб,
Билимлини мақтар Ажам-у Араб.
Билим фақир учун туганмас бойлик,
Ҳисобсизга билим ечилмас ҳисоб.

Кузатиш мумкин. Югнакий ҳам билимни туганмас бойликка қиёслайди. Шоир бу мисраларни китобхонга етказишда фикр таъсирчанлигига эришиш мақсадида ***“Ажам***”, ***“Араб”*** сўзлари орқали **талмеҳ**, “***панд-насиҳат***”, “***адаб”*** сўзларидан эса **таносиб** санъатини қўллайди. “***Биликлик”*** сўзининг такрори-**такрир** санъатини юзага келтирган.

**“Қобуснома”да**:”Ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас” [3, 37].

Кайковус ҳам иккала ижодкордек билимни бойликка қиёслайди. Бу учала ижодкор услубининг ўхшашлигидир. У билим ва ақлнинг аҳамиятини улуғлар экан, уни мол-дунёдан ҳам юқори қўяди.

Хулоса шуки, учала асарда ҳам билим бойликка қиёсланади. Албатта, билими, илми бўлган кишининг моддий аҳволи ҳам яхшиланади. Ўз билими туфайли ҳаётда тўқ яшаши мумкин. Бу мисралардаги ғоя бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Иккала адиб бу фикрни кенгроқ ёритишда **ташбеҳ-(**яъни билим-бойликка қиёсланадилади) санъатидан моҳирона фойдаланади. Учала ижодкор ҳар бир сўзида, ҳар бир мисрасида туркий ва эрон халқлари учун хос бўлган фикрлаш тарзи, мушоҳада усули кўзга ташланади. Уларнинг қиёсларида, ўхшатишларида, тасвирида туркий ва эрон халқларига хос бўлган анъаналар давом этмоқда.

**“Қутадғу билиг”да:**

(150)”Уқуш қайда болса улуғлуқ болур,
Билиг кимдэ болса бэдуглук алур” [5, 84]

***(Мазмуни:**Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлар, билим кимда бўлса, буюклик олади).*

(151)”Уқушлуғ уқар ул билиглиг билир,
Билиглиг уқуғлы тилэккэ тэгир”.

***(Мазмуни:** Заковатли уқади, билимли билади,билимли, заковатли тилакка етади)*

(152)”**Билиг** маьнисы бил нэку тэр **билиг,**
**Билиг** билсэ отру йырар эрдэ иг” [5, 84].

***(Мазмуни:**Билим маънисини билгин, билим нима дейди, билим билса, сўнг кишидан бало-офатлар йироқлашади)*

Шоир юқоридаги мисраларда укувни улуғликка қиёслаб, билимни буюкликка ўхшатади. Ҳар бир нарсани ўқиган улуғланади, билимли одам, албатта, буюклик олади. Ҳар бир буюклик, албатта, билим ва ақл-идрок билан юксалади. Заковатли, билимли одам ўз орзусига эришади. Ҳатто билимли кишидан бало-офатлар ҳам узоқлашади,-дейди шоир. Юсуф Хос Ҳожиб **таносиб-** ***(заковат, билим; улуғлик, буюклик);*** **такрир(*билиг*)** санъатларидан унумли фойдаланади.

**“Ҳибат ул ҳақойиқ”да:**

“Билик бирла биланур тўратган иди,
Биликсизлик ичра хайр йўқ теди” [2, 45].

**(*Мазмуни:***_Яратган тангри илм билан танилади, илмсизлик яхшилик келтирмайди,деган)_

Бу мисраларда Аҳмад Югнакий қайсики одам илмли бўлса, элга танилади. Илмсизлик ҳеч кимга яхшилик келтирмайди,-деб оллоҳ тилидан баён қилади. Адибнинг фикрини бундай баён қилиши дидактик асарларни баён қилинишининг ўзига хос услубидир. Бу фикрлар илдизи албатта, Қуръон ва ҳадисларга бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас.

**“Қобуснома”да:** ”Илмни яхши ўрганғил. Билғон илмингни яхши иборалар билан баён қилғил, то бемаъни даъво билан хижолатманд бўлмағайсан” [3, 125].

Кайковус асарида илмни чукур ўрганишни ва бирон ерда билмасликдан хижолат тортиб қолмасликни уқтиради. У фикр яхши иборалар, яъни мақоллар, ҳикматли сўзлар орқали баён этилса, у одамнинг илмли эканлиги сўзидан билиниб туришини таъкидлайди.

Юқоридаги учала ижодкордаги илм ҳақидаги қарашлар илмнинг буюклиги,у орқали орзу-тилакка эришиш ва илмли одамнинг юриш-туриши, сўзлаши ҳақида ҳар бир ижодкорда ўзига хосликда ифодаланган. Учала асардаги фикрлар илм, заковат хусусиятларини тўлақонли очиб бера олган. Бу бир даврда яратилган дидактик асарлардаги фикрлар анъанавийлиги ҳисобланади. Бу ҳодиса жаҳон адабиётида ҳам ўз аксини топиши “Қобуснома” асари исботлаб бера олган.

Хулоса шуки, учала адиб ҳам илм-маърифат мавзусини асосли ўхшатишлар орқали етарлича очиб бера олган. Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий шеърий усулда ўз фикрини баён этса, Кайковус насрда асарининг бадиий қувватини кўрсата олди. Учала ижодкор ҳам асарига ўз услуби билан панд-насиҳат руҳини сингдира олган. Дидактика қонуниятларига амал қилган ҳолда бу асарлар кейинги дидактик асарларга илдиз бўла олди. Хулоса қилиб айтганда, дидактик асарлар ҳеч қачон эскирмайди, инқирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга келмайди. Улар инсон йўлини ёритиб турувчи зангламайдиган олтин, эскирмайдиган тарих, ақчага сотилмайдиган ғурур ва миллат шаънидир. Унда илгари сурилган ғоялар асрлар ошса ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уларнинг барча фазилатларини шарҳламоқ, талқин этмоқ, замон тарбияси манфаатлари йўлида хизмат қилдирмоқ муҳим аҳамиятга эга.

Ўз даврининг етук мутафаккири сифатида илм ва маърифатнинг аҳамиятини тарғиб қилган Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Кайковус илм ва фаннинг барча

ютуқларини халқ манфаатига хизмат қилдиришни, кишиларнинг тинмай билим олишини, зулмат ва жаҳолат зим-зиёлигини маърифат-илм нури билан енгишни, илм аҳлларини парвариш қилиш, қадрига етишни тарғиб қилди. Улар илм ва маърифатнинг барча нарсадан устун эканлигини, дунё ишларининг ва ҳаётнинг бирдан бир порлоқ ва тўғри йўли илм-маърифат ҳомийси сифатида майдонга чиққан эдилар.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” нашриёти. -Т: 2017.

2. Аҳмад Югнакий. “Ҳибат ул ҳақойиқ”. (нашрга тайёрловчи Қозоқбой Маҳмудов) Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. -Т: 1971.

3. Кайковус. Қобуснома. “Ўқитувчи” нашриёти. -Т: 2011.

4.·Хўжанова Г. Ҳибат ул ҳақойиқ ҳақиқатлари. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т: 2001.

5. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов). “Фан” нашриёти. -Т: 1971.

6. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати.-Т:1979.

7. “Расмли турк адабиёти тарихи”.-1-жилд.

# “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ПОЭТИКАСИ, УНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ

## “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДА КЕЧГАН “НУТҚ” ВА “ЁЗМА АДАБИЙ ТИЛ”НИ АНГЛАТУВЧИ СЎЗЛАР СЕМАНТИКАСИ

***Содиқов Қосимжон***
*филология фанлари доктори, профессор*
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

***Аннотация.*** *«Тил» билан «нутқ», «оғзаки нутқ» билан «ёзма адабий тил» тушунчалари туркий тиллар тарихида илк ўрта асрлардаёқ фарқлана бошлаган эди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида бундай тушунчаларни англатувчи бутун бошли атамалар тизимини кузатиш мумкин. Асарда уларнинг ҳар бирига махсус истилоҳлар ишлатилган.*

*Асарда til, bitig, söz сингари сўзлар кенг маънода ҳам, ўрнига қараб, тилшунослик атамалари сифатида ҳам қўлланган. Буларнинг бари эски туркий тил луғат таркибининг бойлиги, унинг терминология соҳасида ҳам ифода имкониятлари жуда кенг бўлганини кўрсатади.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *тил, оғзаки тил, нутқ, ёзма адабий тил; сўз маънолари; тил билими, тилшуносликнинг илдизлари.*

***Аннотация.*** *В истории тюркских языков такие понятия, как «язык» и «речь», также «устная форма языка» и «письменно-литературный язык» отличались в раннем средневековье. В произведение «Кутадгу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба существует целая система терминов такого рода. В книге каждое лингвистическое понятие имеет своего термина.*

*Слова til, bitig, söz использованы в широком, также в узком значении, т.е. в качестве лингвистического термина. Это всё имеет доказательством богатства словарьного состава старотюкского языка, также большого проимушества его в области терминологии.*

***Опорные слова и выражения:*** *язык, устная форма языка, речь, письменно-литературный язык; семантика; языкознание, историческое языкознание.*

Фан соҳасининг тарихи тилда ўша соҳага тегишли атамалар тизимининг юзага келишидан бошланади. Тилда соҳа тушунчалари билан бир пайтда, унинг атамалари ҳам яратила бошлайди. Айни ўлчовларга таянадиган бўлсак, туркий тиллар тарихида тил билимининг, яъни тилшуносликнинг юзага келиши жуда эски замонлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Муҳими шундаки, илк ўрта асрларда яратилган ёзма ёдгорликларда тил билими билан боғлиқ тушунчаларни акс эттирувчи бутун бошли атамалар тизими мавжуд эди. Буларнинг бари ота-боболарнинг ёзма меросида тамғаланиб қолган.

Шарқ тилшунослиги «тил» билан «нутқ»нинг ўзаро фарқини, «ёзма адабий тил»ни ғарб илмига қараганда анча бурун англаб етди.

Ўтмишда яшаб ўтган улуғ ижодкорлар, олим ва мутафаккирлар ўз асарларида «тил» билан «нутқ»ни, «оғзаки нутқ» билан «ёзма адабий тил»ни бир-биридан

фарқлаганлар. Буни уларнинг асарларида ишлатилган махсус истилоҳларда кузатиш мумкин.

Улуғ шоир ва файласуф, эски туркий тилнинг билимдони Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида «ёзма адабий тил»ни *bitig söz tili* деб атаган эди. Мана унинг ёзгани:

*Balāγat bilä xaṭ teŋäššä qalï / Eδi eδgü til bu bitig söz tili.* – «Агар фасоҳат билан (чиройли) хат тенглашса, / Бу ёзма нутқ тили [яъни, ёзма адабий тил] жуда эзгу тил бўлади» (QBN.101a,8).

Шунингдек, тил тарихида «нутқ» тушунчасининг ҳам ўз атамалари бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб «нутқ; оғзаки сўз»ни *tilin söz, til söz* деб атаган. Мана матндан олинган ўрнаклар:

*Yoq ersä bitig bu kišilär ara, / Tilin sözkä kim bütgäy erdi kör-ä.* – «Бу кишилар орасида ёзув бўлмаганида / Оғзаки сўзга ким ҳам ишонган бўларди, кўргин-а» (QBN.101a,13).

*Kiši köŋli bilgü tanuq erdi til söz, / Köŋül til ala boldï, kimkä bütäyi.* – «Нутқ киши кўнглини билиш учун белги эди, / Кўнгил (билан) тил ола бўлди [яъни, бир-бирига тескари бўлди], кимга ишонайин» (QBQ.193a,16).

Адиб Аҳмад Югнакий ўзининг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарида «оғзаки тил», яъни «нутқ»қа нисбатан *ayïz til* атамасини ҳам қўллаган эди. Мана унинг айтганлари:

*Ayïz til bezägi köni söz turur, / Köni sözlä sözni, tiliŋni bezä.* – «Нутқнинг безаги тўғри сўз турур, / Сўзни тўғри сўзла, тилингни [яъни, нутқингни] беза» (Югнакий 2019,78- байт).

Келтирилган ўрнакда *ayïz til* – «нутқ» дегани, иккинчи сатрдаги *til* ҳам айни англамда. Бир сўзни қайтармаслик учун кейингисида бошқа истилоҳ ишлатилмоқда.

Кишилик ўтмишида лингвистик билимлар тарихи «тил»ни англашдан, у ҳақдаги тушунча-қарашларнинг юзага келишидан бошланган. Шунинг учун ҳам *til* сўзини лингвистик тушунчаларнинг биринчиси, лисоний қарашларнинг таянч нуқтаси деса бўлади.

Ўтмишда *til* атамаси кенг маънода ишлатилган. Бу атама «жамиятнинг мулоқот воситаси» маъноси билан бирга, «нутқ»ни ҳам англатган. «Кишининг нутқи» тўғрисида сўз борганда ҳам уни *til* дейилади. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам шундай; ишлатилиш ўрнига қараб уларнинг маъносини тушунаверамиз.

Бошлаб *til* атамаси, ҳарқалай, «жамиятдаги алоқа воситаси» маъносида ишлатилган, унинг «киши нутқи» маъноси эса кейинчалик шаклланган бўлуви керак.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида *til* сўзининг қуйидаги маъноларини кўрсатган:

*til* – «тил» (*lisān*). Мақолда (шундай келган): *Erdäm bašï – til*. Маъноси: «Энг яхши хулқнинг боши тилдир».

*til* – «тил» (*luγa*). Чунончи, *uyγur tili* – «уйғур тили», *xïtay tili* – «хитой тили» каби.

*til* – «сўз» (*kalām*); *ol begkä til tegürdi* – «у бекка сўз тегизди; ҳақоратомуз сўз сўзлади».

*til* – «жосус»; *yayïdan tïl tuttï* – «ёв жосусини тутиб олди» (ДЛТ,368; *яна чоғиштиринг:* 137–138).

«Қутадғу билиг»да *til* атамаси қуйидаги маъноларда келади:

(1) «тил; жамият тили; ижтимоий ҳодиса»ни англатади:

*Qamuγ til bilir ersä, ačsa tilig*. – «(Элчи) барча тилни [яъни, борган мамлакатидаги тилни] билса, тилини сўзга очса [яъни, ўша тилда сўзласа]» (QBN.99a,8).

(2) «нутқ; киши нутқи» маъносида келади:

*Birisi bitigči, xaṭï belgülüg, / Birisi yalawač, tili ülgülüg.* – «Бири хати белгили [яъни, равон, тушунарли] котиб, / Бири нутқи ўлчовли [яъни, фикрлаб, меёри билан сўзловчи] элчи» (QBN.102b,1).

(3) «сўз, гап; оғзаки сўз»ни билдиради:

*Sözüŋni tilin ay, tilini ešit.* – «Сўзингни тил билан айт [яъни, оғзаки айт], тилини [яъни, сўзини] эшит» (QBQ.155b,2).

Қизиғи, ушбу атама «сир» маъносида ҳам келади: *til* – «сир»; *til al-* деганда «сир олиш» англашилади.

Мана ўрнаги: *Qatïylanγu, ašnu til alγu keräk, / Bu tildin yaγï qïlqï bilgü keräk.* – «Мустаҳкамланиб, сўнг (сир билувчилар ёрдамида) тил олиш керак, / Бу тилдан [яъни, сирдан] ёв қилиғини билиш керак» (QBN.89b,4).

Яна анатомик англамли «тил» ҳам бор. «Қутадғу билиг»да бу сўз икки хил маънода ишлатилган:

(1) «кишининг тили, нутқ аъзоси»:

*Tilim, tïnma, öggil yaratïγlïnï.* – «Тилим, тинма, мақта яратувчини» (QBN.20b,9).

(2) «молнинг тили; шифобахш эт» сифатида:

*Öz inčlik tiläsä eräži uzun / «Til» atlïγ etig ye, tiril ey tüzün.* – «Вужуднинг фароғати узоқ осойишталигини истасанг, / «Тил» деб аталувчи гўштни еб тур, саришта» (QBN.168a,12).

Бошлаб «нутқ аъзоси» англамидаги «тил»нинг талаффузи «алоқа воситаси» ва «нутқ» англамидаги *til* дан фарқ қилган чоғи. Сабаби шундаки, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нусхасида تل сўзи «нутқ аъзоси» англамида келганида, унга тушум келишиги қўшимчасининг «йўғон» *γayn* ли варианти қўшилган (تليغ). Шунинг учун уни *tïlïγ* деб ўқилгани тўғри.

Мана ўша байт: *Tïlïγ keδ köδäzgil, köδäzildï baš, / Sözüŋni qïsurγïl, uzatïldï yaš.* – «Тилни жуда эҳтиёт қилгин, бош сақланади, / Сўзни қисқа қилгин, ёшинг узаяди» (QBN.13b,9).

Ёки яна:

*Biligsiz tïlï tutčï berklig keräk, / Biliglig kiši tïlqa erklig keräk.* – «Нодоннинг тили доим берк бўлиши керак, / Билимлининг тили сўзга эркин бўлиши керак» (QBN.41a,13);

*Biliglig bilig berdi tïlqa pïšïγ.* – «Билимли [яъни, Тангри] тилга пишиқ билим берди» (QBN.13b,1).

Келтирилган иккала мисолда *tïl* сўзига жўналиш келишиги қўшимчасининг йўғон варианти қўшилган: *tïlqa*.

Айрим ўринларда تيل сўзи «нутқ аъзоси» англамида келганида ҳам, унга тушум келишиги қўшимчасининг «ингичка» *kāf* ли варианти қўшилган (تيليک). Шунинг учун уни *tilig* деб ўқилади. Мана ўша байт: *Öküš sözläsä, yaŋšadï ter tilig, / Yana sözlämäsä, aγïn ter tilig.* – «Кўп сўзласа, тилни эзмаланди дейилади, / Сўзламасачи, тилни соқов дейилади» (QBN.13b,7).

Islomiy muhitda yozilgan ilk va eng hajmli turkiy asar bo‘lgan “Qutadg‘u Bilig”da xitob uchun qo‘llanilgan quyidagi turdagi morfologik birliklarni ko‘ramiz.

1) Ot, otlashgan so‘zlar, buyruq maylidagi fe’llarning oxiriga urg‘u (ø), /*-a*/ yuklamasi, /*-i*/ va /*-m*/ qo‘shimchalarini keltirish;

2) Ot, otlashgan so‘zlardan oldin *ey, ayo, yo* undovlari, keyin esa urg‘u (ø), /*-a*/ yuklamasi, /*-i*/ va /*-m*/ qo‘shimchalarini keltirish (Mert, 2002: 17).

I. urg‘u (ø)

Ko‘rsatkichsiz, urg‘u bilan qilingan xitoblar matnda keng uchraydi:

Yanut berdi Ögdülmiş aydï elig,
Tiläk keldi tuttï tegürdi elig. (QBN: 115a/7)

Ma’nosi: *O‘gdulmish javob berib aytdi: Ey elig, tilak kelib hammaga qo‘lini uzatdi (hamma o‘z orzusiga erishdi.)*

Uçuz tutma erdemni ögren oğul,

bu erdem yorïqï ürüŋ quş teg ol. (QBN: 112a/2)

Ma'nosi: *Ey o'g'il, fazilatni qadrsiz deb o'ylama, uni o'rgan. Bu fazilatning yo'rig'i, xulqi oq qush kabidir.*

II. *-m* egalik qo'shimchasi

Egalik qo'shimchalari ifodalangan narsaning qaysi shaxsga qarashli ekanini bildiruvchi, ismlarni egalik munosabatida bir-biriga bog'lovchi qo'shimchalardir. Turkiy tilda egalik qo'shimchalari belgili va belgisiz qaratqichli birikmalarda namoyon bo'ladi. Qaratqichli birikmalar an'anaviy ravishda qaratqich va qaralmish deb nomlangan ikki unsurdan iborat bo'ladi: *uyning tomi, daryo o'zani* kabi. Lekin uslubiy sabablardan yoki tildagi qisqalikka moyillik sababli bu ikki unsurdan biri tushib qolishi mumkin. Masalan o'zbek tilida *ahammiyati yo'q* deganimizda birikmaning qaratqich qismi tushganini payqash qiyin emas. To'lig'i *buning ahammiyati yo'q* bo'ladi. Bu yo'sinda qaratqichning tushishi qaralmishdagi egalik qo'shimchasining so'z bilan qoliplashuviga olib keladi. Masalan tilimizdagi *kechasi, kunduzi* kabi so'zlarda uchinchi shaxs egalik qo'shimchasining qoliplashib qolganini ko'ramiz.

Bunga o'xshash ixchamlashish hodisasini birinchi shaxs egalik qo'shimchasining xitob undovi tariqasida qo'llanilishida ko'rish mumkin. Misol uchun eski uyg'ur harfli moniy matnlarida uchraydigan *täŋrim* so'zi "oliy janob" ma'nosini ham bildiradi. Yoki o'zbek tilida o'z bolasi yoshidagi notanish kimsaga ham "o'g'lim", "qizim", "bolam" deb murojaat qilish egalik qo'shimchasining xitob undovi vazifasini bajara olishini ko'rsatadi.

Ayni ravishda Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig"ida *-m* egalik qo'shimchasining xitob undovi sifatida qo'llanilganini ko'ramiz:

Yana aydï Aytoldï <u>oğlum</u> eşit,

Özüŋ eδgü birle tamudïn küşit. (QBN: 53b/3)

Ma'nosi: *Oyto'ldi yana aytdi: "Ey o'g'lim, eshit! Yaxshiliklar bilan sen o'zingni do'zaxdan saqla."*

Bu barça asïğ sanï boldï <u>begim</u>,

Asïğ qïlğuçïğ eδgü tutğu <u>begim</u>. (QBN: 111b/8)

Ma'nosi: *Bularning barchasi foyda singaridir, ey begim. Foyda beruvchini yaxshi tutish kerak, ey begim.*

III. *-a/ä*

Avvalo *-a/ä* xitob yuklamasining turkologiyada grammatik jihatdan qanday o'rganilganligiga to'xtalib o'tsak. Dunyodagi ko'plab tillarda, jumladan ba'zi Hind-Yevropa tillarida murojaat qilingan kishining ismi yoki biror xususiyatiga qo'shilib keladigan alohida morfologik unsur bor. Bu morfologik unsur o'sha tillarda otlarning kelishik kategoriyalaridan biri hisoblanadi. G'arb turkologiyasida turkiy tildagi *-a/ä* xitob yuklamasiga *vokativ* deb nom beriladi, hatto Gabain kabi ba'zi tilshunoslar kelishik kategoriyasida ko'rsatadi. Xo'sh, turkiy tilda haqiqatan Hind-Yevropa tillarida bo'lganidek alohida xitob kelishik kategoriyasi bormi? Yoki *-a/ä* xitob yuklamasini kelishik kategoriyasi ichida ko'rsatish qanchalik to'g'ri? Aytish kerakki, turkiy tilda alohida xitob kelishik kategoriyasi deb ko'rilishi mumkin bo'lgan qo'shimcha yo'q. Ilk namunalari ko'kturk harfli bitiglarda uchraydigan *-a/ä* xitob yuklamasi na so'z yasovchi, na shakl yasovchi qo'shimcha bo'la oladi.

Turk olimlaridan Shinasi Tekin ham vokativ kelishik qo'shimchasi sifatida *-a* qo'shimchasini ko'rsatadi. Asosan eski uyg'ur harfli matnlarda ishlatilganini qayd etgan holda unli bilan tugagan so'zlarga kelganda *y* undoshi yordamida bog'lanishini yozadi (Tekin, 1992: 88). Shuningdek tadqiqotining "Undovlar" qismida ham *-(y)a* undovi haqida so'z yuritadi, bu undovning yo'g'on-ingichka so'zlarning hammasiga bir xil kelishini, morfologik jihatdan xitob qo'shimchasi sifatida qabul qilish mumkin ekanini bildiradi (Tekin, 1992: 95).

Qadimgi turkiy til grammatikasi bo'yicha tadqiqot olib borgan Marsel Erdal esa vokativ qo'shimchasini kelishiklar orasida ko'rsatmaydi. Unga ko'ra xitob, chaqiriq ifodalaridan

keyin keluvchi *-a/ä* bir undov bo‘lib, tuslangan fe’llarga ham qo‘shilib achinish, qayg‘urish kabi qo‘shimcha ma’nolarni yuklaydi. Shinasi Tekin singari bu undovning *a* va *e/ä* tovushlari uchun alohida harflarga ega bo‘lgan braxmi harfli matnlarda ingichka qatorli so‘zlarga ham yo‘g‘on variyanti kelishini ta’kidlaydi (Erdal, 2004: 351).

Tilimizning eng eski obidalaridan beri qo‘llanilayotgan *-a/ä* yuklamasi O‘rxun yodgorliklaridan faqat O‘ngin yodgorligida bir joyda ko‘riladi: *“Beglärim-ä!” ter ermiş.* Biroq asosiy qismi qabrtosh bo‘lgan Yenisey yodgorliklarining deyarli barchasida bu yuklamani uchratamiz. So‘z boyligi chegaralangan bo‘lishiga qaramay *esizim-ä, esiz-ä açïğ-a, qunçuyïm-a, buŋ-a, qadaşïm-a, qaŋïm-a, adïrïltïm-a, bökmädim-ä* kabi qoliplashgan ifodalar Yenisey yodgorliklarining har birida hatto bir necha martadan uchraydi. Yenisey yodgorliklari tilining o‘ziga xosliklaridan birini aynan shu undovlar tashkil qiladi. Buddaviylik va moniylik muhitida yaratilgan uyg‘ur harfli asarlarda ham asosan ot va ot xususiyatiga ega so‘zlarning so‘ngiga kelgan holda achinish, chaqirish, ta’kidlash kabi vazifalarda qo‘llanilgan.

“Qutadg‘u bilig” tilining o‘ziga xosliklaridan biri *-a/ä* yuklamasidan muallifning mohirona foydalanishida ko‘riladi. Bayt va to‘rtliklarning qofiyalarida Yusuf Xos Hojib *-a/ä* yuklamasini tez-tez ishlatib turadi. Bu holat asosan asar qahramonlarining o‘zaro muloqotlarida, ba’zan esa xalq maqollarida uchraydi. Mavzu e’tibori bilan to‘g‘ri davlatchilik asoslari, xalq-davlat-shaxs munosabatlari qanday bo‘lishini ko‘rsatishni qamrab olgan asarlar odatda o‘quvchining e’tiborini darhol jalb eta olmaydi. Chunki bunday asarlarning tili og‘ir, folklor unsurlari va turli badiiy san’atlardan xoli bo‘ladi. Lekin “Qutadg‘u bilig”ning tili esa xalq tili bilan hamohang. O‘sha hamohanglikni ta’minlab beruvchi jihatlardan biri xalq muloqotida tez-tez ishlatiladigan *-a/ä* yuklamasi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

“Qutadg‘u bilig”ning uch nusxasida *-a/ä* xitob yuklamasi umumiy hisobda 62 xil so‘z bilan 155 marta qo‘llanilgan bo‘lib, bularni quyidagi holatlarda ko‘ramiz.

3.1. ot/sifat + *-a/ä*

Asarda eng ko‘p xitob yuklamasi ot va sifat turkumidagi so‘zlarga kelgan (91 o‘rinda). Bular quyidagilar: *yer, tüz, teŋ, qut, tez, bir, kün, ton, tüp, köz, söz, neŋ, qaş, men, meŋ, baş, eş, miŋ, sen, men, yol, keŋ, eŋ, beg, ot, aş, tün, tïn, yaş, iş, er, emgäk.* Bulardan tashqari kishi ismlaridan keyin *-a/ä* yuklamasidan tez-tez foydalanilgan. Xususan matnda O‘gdulmish ismidan keyin 24 marta, O‘zg‘urmishga murojaat qilinganda esa 8 marta bu yuklamadan foydalanilgan.

Ayïttï qaδaşlarïn Oδğurmïş-a

Esän tep xabär berdi Ögdülmiş-ä (QBN: 122a/12)

Ma’nosi: *O‘zg‘urmish qarindoshlarini so‘radi, O‘gdulmish ular eson-omon deb xabar berdi.*

Küsämiş turup çïqtï andïn yana

Kelip aydï Aytoldï toğdı kün-ä (QBN: 25a/3)

Ma’nosi: *Kusamish u yerdan turib tashqari chiqdi. Kelib aytdi: Ey Oyto‘ldi, senga kun tug‘di.*

Bu kün tavba birlä yanayïn men-ä

İδimdin bu ‘uẕruġ qolayïn men-ä (QBN: 205a/15)

Ma’nosi: *Bugun tavba qilib unga qaytayin men-a, Egamdan bunga avf tilayin men-a.*

Ünün sïğtadï eştip Ögdülmiş-ä

Urundï toqïndï aqïttï yaş-a (QBH: 89b/34)

Ma’nosi: *Buni eshitib O‘gdulmish yig‘lab-siqtadi, urindi, koyindi, yoshini oqizdi.*

3.2. “ey” + ot + *-a/ä*

Ba’zi hollarda xitob yuklamasi birikmasi oldidan “ey” undovi ham keladi.

Elig aydï öglän ay Ögdülmiş-ä

Du‘ā birlä itgil aŋar sen iş-ä (QBQ: 187b/2)

Ma'nosi: *Hukmdor aytdi: ey O'gdulmish, o'zingni qo'lga ol. Duo bilan sen unga foydali ish qil.*

Eδiz boldï ornï ey qutluğ qut-a

Teŋisä quδï insä boldï yut-a (QBN: 61a/4)

Ma'nosi: *Ey qutlug' davlat egasi, uning joyi ko'klardadir. Uning yuksalishi qut, tuban tushsa falokat bo'ladi.*

3.3. buyruq maylidagi fe'l + *-a/ä*

Turkiy tilda har qanday fe'l negizi hech qanday qo'shimcha qabul qilmay buyruq-istak maylining II shaxs birlik ma'nosini ifodalay oladi. "Qutadg'u bilig"da *aç*-(4 marta), *qaç*- (3), *yïğ*- (2), *tur*- (3), *buz*- (1), *yaq*- (1), *kör*- (15), *sür*-(1), *eg*- (1), *yor*- (1), *seç*- (1), *uδ*- (1), *teg*- (1), *tuş*- (1), *kel*- (1), *keç*- (1), *ertür*- (1) fe'llarining negiziga *-a/ä* yuklamasi qo'shilib kelgan. Matnda jami 39 marta ko'riladigan bu o'rnaklarda *-a/ä* yuklamasi fe'ldagi buyruqni kuchaytirishga, uning so'zsiz bajaralishi kerak ekanini ta'kidlashga xizmat qiladi. Masalan:

Biliglig bilig berdi bilgä kör-ä,

Köni çïn kişi bolsa közkä sür-ä. (QBN: 67b/10)

Ma'nosi: *Bilimli dono kishi shunday o'git berdi, ko'rgin: To'g'ri, chin kishi uchrasa, uni ko'zga surgin.*

Yawuz qïlma köŋlüŋ tiliŋni yïğ-a,

Yazuqqa käfārät bolur ig tuğa. (QBN: 214b9/)

Ma'nosi: *Ko'nglingni yomon qilma, tilingni yig'. Dard va kasallik gunohlar uchun kaforat bo'ladi.*

Ba'zan buyruq maylidagi fe'ldan oldin "ey" undovi ham qo'shilib keladi.

Sen emdi qayu-sen maŋa ey aç-a,

İkidä biri bol üçidä qaç-a. (QBN: 16b/14)

Ma'nosi: *Sen endi qay birisan, menga ochib ayt. Bu ikkisidan biri bol, uchinchidan qoch.*

Fe'l negiziga *-ğïl/-gil* qo'shimchasining qo'shilishi bilan ifodalanadigan II shaxs birlik buyruq-istak maylining shakli bo'yicha turkologiyada ikki xil qarash bor. Ba'zi olimlar *-ğïl/-gil* qo'shimchasini II shaxs birlik buyruq-istak mayli qo'shimchasi deb qabul qilsa, ba'zilari II shaxs birlik buyruq-istak maylining alohida qo'shimchasi mavjud emasligini, *-ğïl/-gil* qo'shimchasi buyruqni kuchaytirish, ta'kidlashga xizmat qilishini ilgari suradi. "Qutadg'u bilig"da *-ğïl/-gil* qo'shimchasini olgan buyruq-istak maylidagi ikki fe'lga *-a/ä* yuklamasi qo'shilgan.

Ayur tur qaδaşïŋ gōrïn körgil-ä,

Ziyārät qïlïp sen yana yanğïl-a. (QBH: 89b/40)

Ma'nosi: *Dedi: Qarindoshing mozorini bir ko'rsang-chi, uni ziyorat qilib qaytsang-chi.*

3.4. shart maylidagi fe'l + *-a/ä*

Negizga *-sa/sä* qo'shimchasining kelishi bilan hosil qilinadigan shart maylidagi fe'lga bir o'rinda *-a/ä* yuklamasi kelgan. Mana o'sha bayt:

Yanut berdi Ögdülmiş aydï bu ma,

Keräklig turur ey qaδaş aysam-a. (QBN: 150b/13)

Ma'nosi: *O'gdulmish javob berib aytdi: Bu ham, ey qarindosh, senga aytsam, keraklidir.*

3.5. o'tgan zamondagi fe'l + *-a/ä*

O'tgan zamonning ikki xil shakliga "Qutadg'u bilig" asarida *-a/ä* yuklamasi kelganini ko'ramiz. Aniq o'tgan zamondagi *oldur*- fe'liga bir marta, noaniq o'tgan zamondagi *bil*- (2), *ög*-, *qal*-, *kel*-, *bul*- fe'llariga *-a/ä* undovi qo'shilib kelgan. Bu undov o'tgan zamondagi fe'lga kelgan barcha holatlarda fe'l III shaxs birlikda tuslangan.

Yuklamaning o'zi birgina unlidan iborat bo'lgani uchun unli bilan tugagan so'zga kelganda "*y*" yordamchi undoshi yordamida bog'lanadi. Bunday holat matnda bir marta ishlatilgan.

Yana turdï ança bu oldurdï-ya
Sarïğ taŋ ata keldi öŋdürdi-yä (QBN: 214b/1)
Ma’nosi: *Yana turib, ancha vaqt o‘tirdi. Sarig‘ tong ota boshladi, yoyini sozladi.*

Noaniq o‘tgan zamon shakli fe’l negiziga *-mïş/miş* qo‘shimchalarining qo‘shilishi bilan yasaladi. “Qutadg‘u bilig”da fe’lning bu zamon shaklini o‘tgan zamonning eshitganlik shakli deyish to‘g‘riroq bo‘ladi. Matnda 6 o‘rinda *-mïş/miş* qo‘shimchasini olgan o‘tgan zamondagi fe’lga *-a/ä* yuklamasi kelgan.

Ayur emgädiŋ sen ey Oδğurmïş-a,
Yaδağïn bu yerkä özüŋ kelmiş-ä. (QBN: 182a/10)
Ma’nosi: *Aytdi: Ey O‘zg‘urmish, sen mashaqqat chekding. Bu yerga yayov o‘zing kelibsan.*

Esirkär-men emdi ey Ögdülmiş-ä,
Bir-ök se ataŋdïn maŋa qalmïş-a. (QBN: 116a/11)
Ma’nosi: *Endi afsuslanaman, ey O‘gdulmish. Otangdan menga birgina sen qolibsan-a.*

3.6. *oq* + *-a/ä*

“Qutadg‘u bilig”da bir o‘rinda “darhol” ma’nosini bildiruvchi *oq* yuklamasidan keyin *-a/ä* yuklamasi ishlatilgan.

Atïn mindi bardï yana qarşïqa,
Tüşüp kirdi elig taparu oq-a. (QBN: 209a/14)
Ma’nosi: *Otini mindi, yana saroyga bordi. Tushib, darhol hukmdor huzuriga kirdi.*

IV. munu / unu

“Qutadg‘u bilig”da xitob undovi vazifasida qo‘llanilgan yana ikki so‘z bor: “mana” ma’nosida *munu* va “ana” ma’nosida *unu*. Qoraxoniylar davrda yozilgan yana bir asar “Hibatul-haqoyiq”da *munu* va *unu* so‘zlari uchramas ekan, “Devonu lug‘atit-turk”da *munu* so‘zi quyidagicha izohlangan:

*munu* “mana” ma’nosidagi so‘z. Bu so‘z qanï/qanu “qayerda” degan so‘zning javobidir (Sodiqov, 2017: 405). *Qanu kişi* “qaysi kishi” ma’nosini bildiradi (Ercilasun, Akkoyunlu, 2014: 449)

“Qutadg‘u bilig”da *munu* va *unu* so‘zlaridan qofiya tuzish maqsadida ham foydalanilgan bo‘lib, bular matnda uch o‘rinda ko‘riladi.

Sözin kesti Ögdülmiş aydï munu,
Bu yaŋlïğ bolur beg tapuğçï unu (QBN: 150b/1)
Ma’nosi: *O‘gdulmish so‘zini tugatdi, aytdi: Mana, begga xizmat qilish ana shunday bo‘ladi.*

Ayur emdi oğlum barïr-men munu,
Saŋa qaldï ornum barï neŋ unu. (QBN: 48b/9)
Ma’nosi: *Aytdi: o‘g‘lim, mana endi men (u dunyoga) ketyapman. Ana o‘rnim va barcha mulkim senga qoldi.*

*Munu* va *unu* so‘zlarining etimologiyasi haqida turkologlar turli fikr bildirgan. Klauson mashhur lug‘atida so‘zni *mu:nu*: shaklida ayirgan holda *bu* ko‘rsatish olmoshining tushum kelishigini olgan holati, *unu* so‘zining ziddi deb izohlaydi va “Qutadg‘u bilig”dan yuqoridagi baytni o‘rnak ko‘rsatadi (Klauson, 1972:767).

Gulsev Sev *munu* shaklidagi so‘z “qaysi” ma’nosini bildiruvchi *qanu* so‘zidan ta’sirlanish (ing: *contamination*) orqali yuzaga kelganini, *qa-nu* va *mu-nu* shaklida ajralishini qayd etadi. Har ikkala so‘zda ham o‘zakning olmosh bo‘lishi olimaning bu fikrga kelishini ta’minlagan (Sev, 2015: 37).

Turk olimi Kemal Eraslan esa uyg‘ur harfli matnlarda o‘tgan *muna, mïna* so‘zlarini *bu/mu* olmoshiga kelgan *-a* xitob qo‘shimchasi deb baholaydi. So‘zdagi *n* tovushi esa albatta olmoshlardan keyin keluvchi *n* yordamchi tovushidir (Eraslan, 2012: 277).

Qadimgi turkiy tilda olmoshlarni tadqiq qilgan nemis olimasi Gabain uyg‘ur harfli buddizm va moniylik matnlarida uchrovchi *muna*, *mïna* so‘zlarini “bu” ko‘rsatish olmoshiga kelgan vokativ kelishik qo‘shimchasi deb qayd etadi (Gabain, 2013: 135). Xitob uchun qo‘llanilgan *-a/ä* yuklamasini kelishik qo‘shimchasi sifatida qayd etish uning aynan “bu” ko‘rsatish olmoshiga qo‘shilishi natijasida kelib chiqqanini ko‘ramiz. Gabain singari g‘arb turkologlari *muna, mïna* so‘zlarining *bunda* (*munda*), *bunï* (*munï*) so‘zlarida bo‘lgani kabi unli bilan tugagan olmosh va kelishik qo‘shimchasi orasiga kelgan *n* yordamchi tovushi deb qismlarga ajratadi: *mu+n+a*.

“Qutadg‘u bilig”da *munu*, uyg‘ur harfli yodgorliklarda *muna*, *mïna* shaklidagi so‘z o‘zbek tilida *mana* bo‘lib, bevosita berishni ko‘rsatuvchi *ma* so‘zi o‘zagidan emas, ko‘rsatish olmoshidan yuzaga kelgan. Buni *ana* so‘zi ham isbotlab turibdi. *Mana* “bu” olmoshidan yuzaga kelgan bo‘lsa, *ana* “u” olmoshidan yuzaga kelgan. *Ul* olmoshining ko‘plik va kelishik qo‘shimchalarini olganda *an* negizi asosida qo‘shimchalarni qabul qilishi (*anlar, anïŋ, anï, anda, andïn* kabi) *ana* so‘zining *ul* olmoshiga taqalishiga shubha qoldirmaydi. *Mana* va *ana* so‘zlarida birinchi bo‘g‘in so‘zning o‘zagi hisoblanadi, *n* olmosh va qo‘shimchalar orasiga keluvchi yordamchi tovush, *a* esa xitob yuklamasining qoliplashgan holatidir. So‘zlar tarixiy takomili quyidagicha bo‘lib, qismlarga ajraladi: *ma+n+a* < *mu+n+a* < *bu+n+a*; *a+n+a*. Shu o‘rinda uyg‘ur harfli matnlarda “ana” ma’nosida “Qutadg‘u bilig”da o‘tganidek *unu* emas, balki *una* shakli uchrashi e’tiborli holat. *Muna* > *mana*ga o‘zgarganidek, *una* > *ana*ga o‘zgargan bo‘lish ehtimoli ham bor. Biroq *una* so‘zini qadimgi turkiy tildagi “*ul/ol*” olmoshiga bog‘lash ham grammatik jihatdan mushkil.

Shuningdek *munu* < *muna* < *mana* shaklida tarixiy takomilini ko‘rsatish to‘g‘ri bo‘lmaydi. Chunki so‘zning eng qadimgi matnlarda o‘tgan shakli *muna*dir. Urg‘u sababli *muna*dan *munu*ga o‘zgarmasligini, *mana*ga o‘zgarishini hisobga olsak, demak turkiy tilda *muna*ga parallel ravishda *munu, ana*ga parallel ravishda *unu* so‘zlari bo‘lganini ko‘ramiz. E’tiborlisi *munu* va *unu* faqat qoraxoniylar davridagi matnlarda ko‘riladi.

“Qutadg‘u bilig”da *munu* so‘ziga otdan sifat yasovchi, egalik bildiruvchi - *qï* qo‘shimchasi qo‘shilgan shakli ham tez-tez ishlatiladi. Matnshunoslar “Qutadg‘u bilig”dagi *munïqï* so‘zini *munu* bilan ayni shaklda “mana, mana bu” deb tarjima qilgan bo‘lsa-da, ko‘p o‘rinlarda sifat vazifasida “shunday, bunday” ma’nosiga ham yaqin turadi:

Kişi ölsä andïn qumaru qalïr,
<u>Munuqï</u> qumarum saŋa ey bilir. (QBN: 59a/6)

Ma’nosi: *Kishi o‘lsa undan meros qoladi. Ey bilimdon mening merosim senga mana bu(nday)dir* .

Atasïn yitürdüm <u>munuqï</u> oğul,
Ata ornï tuttï bulup eδgü yol. (QBN: 66a/14)

Ma’nosi: *Otasini yo‘qotdim. Lekin bu(nday) o‘g‘il ezgu yo‘lni bilib otasini o‘rnini bosdi.*

*Munuqï* so‘zining “Qutadg‘u bilig”dagi ma’nolaridan yo‘lga chiqqan holda *munuqï* > *munaqa/bunaqa* shakllari yuzaga kelganini, o‘zbek tilidagi *unaqa, qanaqa* so‘zlarining ham etimologiyasi ravshan bo‘lishini qayd etish zarur. Demak, *munuqï/munaqï* > *munaqa/bunaqa; unuqï/unaqï* > *unaqa; qanuqï* (“qaysi” ma’nosidagi *qanu* va *-qï* egalik bildiruvchi qo‘shimcha) > *qanaqa* shaklida etimologik tahlil qilish mumkin bo‘ladi.

Xulosa o‘rnida avvalo “Qutadg‘u bilig” turkologiyada uzoq yillardan beri o‘rganilayotgan bo‘lishiga qaramay ummonday asar bo‘lgani bois hali hanuzgacha ilg‘anmagan qirralari bor ekani namoyon bo‘lmoqda. Asarda xitob undov va yuklamalari mohirlik bilan foydalanilib, xalq tiliga uyg‘unlashtirilgan, xalqona uslub yuzaga keltirilgan. -*a/ä* xitob yuklamasi ko‘rsatish olmoshiga kelganda vokativ kelishik qo‘shimchasidek ko‘rinsa-da, fe’llar bilan qo‘llangan holatlari uni kelishik qo‘shimchasi bo‘lish ehtimolidan uzoqlashtiradi. Shu bilan birga braxmi harfli matnlarda faqat yo‘g‘on unli bilan yozilgani

uning so‘z yoki shakl yasovchi qo‘shimcha ham bo‘la olmasligini ko‘rsatadi. Demak turkiy tilda eng eski matnlardan beri qo‘llanila kelgan xitob bildiruvchi -*a/ä* unsurini yuklama yoki ba’zi tadqiqotlarda ko‘rsatilganidek undov sifatida qayd etish mumkin.

O‘zbek tilidagi *mana, ana, bunaqa, unaqa, qanaqa* so‘zlarining etimologiyasini asarda tez-tez qo‘llanilgan *munïqï* so‘zidan dalillashga harakat qilganimiz ham bejiz emas. Chunki “Qutadg‘u bilig”da uchrovchi har bir so‘z bizga hozirgi turkiy tillardagi so‘zlarning etimologiyasini topishda buyuk manba bo‘lib xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Eraslan, K. (2012). Eski Uygur Türkçesi Grameri, TDK Yayınları, Ankara.
2. Ercilasun, A.B., Akkoyunlu, Z. (2014). Dîvânü Lugâti’t-Türk, TDK Yayınları, Ankara.
3. Gabain, A., Akçalı, B. (2013). Eski Türkçede Zamirler. Türk Dili Araştırmaları Yıllığı - Belleten, 61 (1), s. 131-142.
4. Klauson, S.J. (1972). An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth Century Turkish, Oxford.
5. Mert, O. (2002). Kutadgu Bilig‘de hâl kategorisi (Basılmamış Doktora Tezi). Erzurum: Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü.
6. Sev, İ.G. (2015). Kutadgu Bilig‘de *Munu* Gösterme Edatı, TÜRÜK Uluslararası Dil, Edebiyat ve Halkbilimi Araştırmaları Dergisi Yıl:3, Sayı:5 Sayfa:24-36.
7. Tekin, Ş. (1992). Eski Türkçe. Türk Dünyası El Kitabı, C. II (Dil-Kültür-Sanat), Ankara: Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü Yayınları, 69-119.
8. Erdal, M. (2004). A Grammar of Old Turkic. Leiden: Brill.
9. QBN – “Qutadg‘u bilig” Namangan nusxasi: O‘zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti, 1809- ko‘rsatkichli qo‘lyozma; Kutadgu Bilig Fergana nüshası. Tıpkıbasım. II. Cilt. Ankara: Türk Dil Kurumu, 2018.
10. QBH – “Qutadg‘u bilig” Hirot (Vena) nusxasi: Kutadgu Bilig Viyana nüshası. Tıpkıbasım. I. Cilt. Ankara: Türk Dil Kurumu, 2018.
11. QBQ – “Qutadg‘u bilig” Qohira nusxasi. Kutadgu Bilig Viyana nüshası. Tıpkıbasım. III. Cilt. Ankara: Türk Dil Kurumu, 2018.
12. Sodiqov, Q. (2017). Mahmud Qoshg‘ariy. Devonu Lug‘ati-t-turk (Turkiy so‘zlar devoni). Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi.


## ЎҚУВЧИЛАРГА “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТИЛИНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ


***Абдураҳмонова Барнохон Муҳаммаджоновна***

*Қўқон давлат педагогика институти доценти*



***Аннотация.*** *Ушбу мақолада умумтаьлим мактабларида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги бадиий тасвир воситаларини ўргатиш билан боғлиқ масалаларга диққат қаратилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”, ташбеҳ, тазод, тажнис,таьдид, аллитерация,ўргатиш, ўрганиш.*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются вопросы, связанные с обучением художественным средствам в общеобразовательных школах в произведении Юсуфа Хас Хаджиба «Кутадгу билиг».*

***Опорные слова и выражения:****Юсуф Хас Хаджиб, Кутадгу билиг, тасбех, тазод, таджнис, таьдид, аллитерация, обучение, изучение.*

***Abstract.****This article focuses on issues related to the teaching of artistic means in secondary schools in the work of Yusuf Khass Hajib "Kutadgu bilig".*
***Keywords and expressions:****Yusuf Khass Hajib, "Qutadgu bilig", tasbeh, tazod, tajnis, tadid, alliteration, teaching, study.*

Маьлумки, мактаб адабиёт дарсликларида берилган асарларнинг асосий қисми мумтоз адабиёт намуналари ҳисобланади. Мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда бадиий саньатларни ўргатишга эътибор бермаслик ўқувчини матндан узоқлаштиради, ижодкорнинг бадиий ниятини англамасликка олиб келади. Бундай ишлар адабий таьлимнинг таянч босқичиданоқ узвийлик ва узлуксизлик асосида амалга оширилиб борилса, ўқувчиларнинг бадиий саньатлар ҳақидаги назарий тушунчалар билан боғлиқ маьлумотлар майдони кенгайиб боради.

Адабиёт дастури талабига кўра ўқувчилар бадиий саньатлар ҳақидаги илк маълумот билан умумтаълим мактабларининг 7-синфида танишадилар. Хусусан, ташбеҳ, таносуб, сифатлаш, муболаға тўғрисидаги маьлумотларни, 8-синфда эса ирсоли масал борасидаги назарий қоидаларни ўрганадилар [10, 26-60].

Юқори синфларда ўқитувчи ўқувчиларнинг қуйи синфларда олган адабий-назарий тушунчалар, хусусан, бадиий тасвир воситалари тўғрисидаги билимларига таянган ҳолда ўрганилаётган бадиий асарнинг таҳлилига ёндашуви ўқувчини асарга бўлган қизиқишини кучайтиради. Улар томонидан ижодкор ниятини англашларини осонлаштиради.

Ўқувчилар туркий халқлар адабиётида илк бор аруз вазнида ижод қилган адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари билан бошланғич синфданоқ [11] таниша бошлайдилар. Сўнгра эса мазкур асарни 11-синфда ўрганиш имкониятига эга бўладилар [3].

Ўқитувчи мазкур асарнинг матни устида ишлашга ўқувчиларни жалб қилар экан, албатта, дарсликда берилган парчани уйда мустақил ўқиб келишни тавсия қилгани маьқул. Чунки "Қутадғу билиг" достони мактаб дастури ва дарслиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса жуда катта матн. Унинг матни устида ишлаш ўқитувчидан ҳам ўқувчидан ҳам маьсулиятни талаб қилади.

Бадиий асар матни устида ишлашнинг талабларидан бири асарнинг услубий хусусиятлари ва тилини ўрганиш ҳамдир.

Асарда ёзувчининг асосий мақсади, муайян воқеа, ҳодиса ва кечинмаларни ҳаётда ёки ўз тасаввурида қандай бўлса, шундайлигича кўрсатиш ёки айтиб беришдан иборат эмас, балки уларни ўзига хос тарзда бошқаларга ўхшамаган равишда тасвирлаб беришдан иборатдир. Асарда тасвирнинг ниҳоятда хилма-хил усуллари намоён бўлади. Булар орасида қаҳрамонлик достонларига хос бўлган кўтаринкилик, эртак оҳангларига монанд сирлилик ва мавҳумлик, фалсафий ва маиший дидактик асарлардаги асос ва намуналарга таяниш, ҳодисалардаги ривожланиш жараёнларининг таҳлили, инсон руҳиятида содир бўладиган ўзгариш ва тебранишларнинг аниқ ифодаси, табиат тасвири ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Маъно ва мазмундаги бундай хилма-хиллик уларнинг услубий ранг-баранглиги билан зийнатланган. Шу ўринда бадиий тил феномени ҳақида гапириш ўринли бўлади.

«Қутадғу билиг»да туркий сўзлар энг кўп ва таъбир жоиз бўлса, энг табиий ҳолатда намоён бўлган. «Тил ва адабиёт таълими» журналида «Қадимги туркий тил луғати» эълон қилинди. У, асосан, «Қутадғу билиг» сўзларига таяниб тузилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда уларнинг умумий миқдори беш мингтадан

кўпроқ. Бу сўзларнинг араб ва форс тилларига дахлдорлари икки юзтача, холос[74]. Шу ҳолатнинг ўзиёқ асардаги туркий қатламнинг нечоғлик катта мавқе тутишини кўрсатиб турибди. Буни ўқувчиларга аниқ мисоллар воситасида кўрсатиш мумкин. Мисолларни танлашда уларнинг ҳозирги тилимизга нисбатан кўпроқ яқин келадиганларини биринчи навбатда, айрим изоҳлар талаб этадиганини кейинроқ келтириш мақсадга мувофиқ кўринади:

Ўзунг мангу эрмаз, атинг мангу ул,
Атинг мангу бўлса, ўзунг мангу ул.
Уқуш кўрки сўз-ул, бу тил кўрки – сўз,
Киши кўрки йуз-ул, бу йуз кўрки – кўз.

Келтирилган мисолларда ўзлашган сўзлар мавжуд эмас. Улар соф туркий сўзлардир, биргина мангу сўзи арабча сўз холос. Бундай ҳолатларни онгли равишда ўзлаштириш ўқувчиларга маърифий билим берибгина қолмасдан, уларнинг қалбига, онгига кучли тарбиявий таъсир кўрсатишини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади. Муҳими, бу мисоллар орқали туркий тилнинг имкониятлари, нафосати, куч-қудрати ёрқинроқ намоён бўлади. Ўқувчилар ана шу гўзалликни идрок этишга, ҳис этишга бевосита яқинлашади.

“Қутадғу билиг” асари матни билан ишлашда достонда қўлланилган бадиий тасвир воситалари тўғрисида маьлумот бериш адибнинг сўз қўллаш борасидаги маҳоратини ўрганишдаги муҳим омил ҳисобланади.

Ўқитувчи асарда ифода этилган бадиий тасвир воситалари билан боғлиқ ишга киришар экан ўқувчиларнинг ташбеҳ, таносуб, сифатлаш, муболаға, истиора ирсоли масал борасидаги қуйи синфларда олган билимларига таяниб иш бошлагани дуруст. Бунда ўқитувчи қуйидаги саволлардан фойдаланиши мумкин: Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида қайси бадиий тасвир воситаларини кўпроқ қўллаган? Улар қайси мақсадда қўлланган?

**Ўқувчи:** Юсуф Хос Ҳожибнинг бадиий услуби учун ташбеҳ - ўхшатиш, истиора, таъдид, жонлантириш, тазод сингари тасвир воситалари хосдир. У анафора,инверсия, аллитерация,риториксўроқ, риторик мурожаатлардан ҳам унумли фойдаланади.

**Ўқитувчи:**Ташбеҳ нима, унинг қандай қисмлари бор? Юсуф Хос Ҳожиб ташбеҳларининг ўзига хослиги нимада? Ўқувчилардан бири ташбеҳ ҳақида билганларини дарсликдан ўқиганларига таяниб, қуйидаги мисралар мисолида изоҳлашга ҳаракат қилиши мумкин:

Бўдум эрди ўқтег, кўнгул эрди я,
Кўнгул қилғу ўқтег, бўдум бўлди я.

Мазмуни: Қаддим ўқтег (тўғри) эди, кўнглим эса ёйдек эди. Кўнгил орзулари ҳануз ўқдек, қаддим эса ёй бўлди.

Шоир инсон қоматининг ёшлик чоғида тиклигини ўққа, қаригандан кейин эса қаднинг букчайиб қолганини ёйга қиёс қилади. Бу ерда ўхшатилаётган нарса бўй, ўхшаган нарса ёй ва ўқ бўлса, ўхшатиш воситаси “тег” яьни “дек” қўшимчаси ҳисобланади. Ўхшатиш асоси эса киши қаддининг ҳам тик, ҳам эгик ҳолдаги кўринишга эга эканлигидир,-деб жавоб бериши мумкин.

Ташбеҳ тасвир воситаларидан энг кенг тарқалганларидан бири. Унда сўзларда ифодаланган икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисалар, хусусиятлар ўртасида мавжуд бўлган ўхшашлик, сифат, белги ёки функциядаги умумийлик қиёсланади, ўзаро солиштирилади, тасвирланаётган нарса, ҳоди-санинг айрим хусусиятлари чуқурроқ очиб берилади. Шоир бу мисраларда ёшликни қад мисолида ўққа, кўнгилни эса ёйга ташбеҳ беради [3, 95]. Юсуф Хос Ҳожиб қадни ўқ ва ёйга қиёслаш орқали инсон

[74] Изоҳ: Профессор Б.Тўхлиев томонидан 1990-2000-йил давомида “ Тил ва адабиёт таьлими”журналида туркий тил луғати бериб борилган.

умрининг маьлум бир даврига ёшлик ва кексалик ҳақидаги қарашларини ташбеҳ орқали тасвирлайди.

Ўқитувчи проектор орқали “Қутадғу билиг” асаридаги бадиий тасвир воситаларига мисолларни тайёр ҳолда ўқувчиларга кўрсатади ҳамда улардан шеьрдаги поэтик оҳангдорлик тўғрисида фикр юритишларини, мисралардаги сўзларнинг туркий тилга оидлигини айтишларини талаб қилинади. Ҳар бир сўзнинг бошида келган биринчи товушни ажратиб кўрсатишларини, бу товушлар такрори қандай бадиий ҳодисани юзага келтираётганлигини ва уларни нима учун қўлланганини тушунтириб беришларини сўрайди. Масалан:

1. Тариғчи турур, кўр, тақи бир қуту,

Кераклиг кишилар турур, бу буту.

**Ўқувчи:** Келтирилган мисолда ўн битта сўз бўлиб, бу сўзларнинг олтитаси таркибида “т” товуши қатнашган. Шундан тўртта сўзнинг бошида “т” товуши ишлатилган. Товушларнинг бундай такрорига асосланган ҳодиса шеьриятда аллитерация ҳодисаси деб юритилади. Бир хил товушларнинг такрорига асосланган *тавзиъ* [6] санъати замонавий адабиётшуносликда аллитерация (ундошлар уйғунлиги) тарзида тушунтири-лади.

Аллитерация ҳодисаси сўзлардаги оҳангдорликни таьминлайди, асосан, ундош товушларнинг такрор ишлатилишидан пайдо бўлади. Айрим ҳолларда унли товушлар ҳам такрор келиши мумкин. Юсуф Хос Ҳожибнинг бу байтларида ундош товуш такрор келиб, аллитерацияга мисол бўлади, - деб жавоб беришини кузатиш мумкин.

Аллитерация [9, 27] (лотинча al-ёнида, litera-ҳарф)-шеьрий нутқда (насрда нисбатан кам) бир хил ундош товушларнинг такрорланишига асосланган ифодавийликни кучайтирувчи восита, такрорнинг фонетик сатҳдаги хусусий кўриниши эканлигини адабиётшунос олим Д.Қуронов ҳам таькидлаб ўтган.

Ўқувчининг жавобини эшитган ўқитувчи навбатдаги шеьрий мисрага ўқувчилар диққатини жалб қилади:

Тили ялған эрнинг жафа қилқи - ул,
Жафа кимда эрса ўшул йилқи - ул.
Киши ялғанинда тилама вафа,
Бу бир сўз синамиш ўкуш йилқи ул.

Тўртлик матни устидаги ишни ўқувчилар ўзлари учун нотаниш бўлган сўзлар луғатини тузишдан бошлаганлари маъқул. Бунда, аввал, ҳозирги тилимизга яқин келадиган, маъноларида айирма бўлмаган сўзлар аниқланади (Савол: қўшимча луғатларсиз тушунилиши мумкин бўлган қайси сўзларни ажрата оласиз?). Гап шундаки, мазкур тўртликдаги деярли барча сўзлар алоҳида-алоҳида олинадиган бўлса, ҳозирги тилимизда ҳам мавжуддир. Бу ерда биргина «ўкуш» сўзи тушунарсиз, холос. Иккинчи «йилқи» сўзининг ўзагини топиш сўралса, у ҳам осонлик билан «ҳазм бўлади». Демак, бу ерда «йилқи» шакли ҳозирги «йилги» сўзи билан бир хил эканлиги («ўкуш йилқи – кўп йилги») маълум бўлади.

Ўқувчи бу шеьрнинг иккинчи мисрасида келган “йилқи” сўзи билан тўртинчи мисрада келган “йилқи” сўзларини ўзаро омонимлик муносабатда бўлиб, шеьриятда кенг қўлланадиган жинсдошлик асосида яратиладиган тажнис саньатини илғаши ва уни изоҳлаши лозим бўлади.

Бундан кейин айрим сўз бирикмалари устида тўхташ жоиз кўринади. Жумладан, «тили ялған эр» ифодаси орқали ким назарда тутиляпти? деган саволга ўқувчиларнинг жавоб излашлари уларнинг мустақил фикрлашларига омил бўлади. Унинг ҳозирги тилимиздаги «ёлғончи киши» ифодасига мослигини топиш, айниқса, мустақил равишда топиш ўқувчининг ўзида асар матнига, жумладан, тўртликларига бўлган қизиқишларини орттиради. «Киши ялғанинда» бирикмасининг ҳозирги тилимиздаги

шаклини топишга ундаш ҳам юқоридагидек фаолликка ундайди. Унинг «ёлғончи кишидан» эканлиги аниқланса, қадимги туркий тил билан ҳозирги ўзбек тили орасидаги, аниқроғи, уларда мавжуд бўлган гап қурилишидаги сўзлар тартиби ўртасидаги тафовут ҳам эътиборга тушади. Шеър матни устида бундай ишлаш ундаги яна бир бадиий тасвир воситаси – истиорани "тили ялған" ибораси "ёлғон сўзловчи киши" ўрнида қўллангани ўқувчилар томонидан осон аниқлашига имкон беради.

Ўқтивчиларнинг истиора ҳақидаги тасаввур ва билимларини синаш учун айрим савол ва топшриқлардан фойдаланиш мумкин:

1. Юсуф Хос Ҳожиб асарида қандай истиоралар учрайди?

2. Элиг тилидан айтилган қуйидаги мисраларни ўқинг, ундаги истиораларни топиб, бажараётган вазифасини айтиб беринг.

Кўни сўз ириг ул ким аймиш, темиш,
Ангар тўрқу идтим, тикан чўғламиш.

Мазмуни: Ким айтаса, (деса ҳам) тўғри сўз дағалдир,(яьни аччиқ бўлади).Унга ипак газмол юбордим, у эса тикан тугиб юборибди. **Ўқувчи:** достонни ўқиш давомида элиг- Кунтуғдининг илтимоси билан Ўгдулмиш Ўзғурмишни саройга таклиф қилади, бироқ Ўзғурмиш бу таклифни рад қилади. Юсуф Хос Ҳожиб шу эпизоднинг тасвирини беришда таклиф маьносида- ипак иборасини, рад этиш жумласи ўрнида тикан сўзини қўллайди ва истиорадан усталик билан фойдаланади, деб жавоб бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Адабиётшунос олим Б.Тўхлиев ёзганидек: "... элиг Ўзғурмишни ўз ҳузурига чорлаган, Ўзғурмиш зоҳидлик йўлини тутганини пеш қилиб, бу таклифни рад қилган эди. Бу ердаги истиора мазкур ҳолатни ихчам ҳолда ифодалашнинг гўзал ва охорли йўлидир. Шоир бу ҳолатни ўта таьсирчан ифодалайди. Зеро, "таклифимни қабул қилмадинг" қабилидаги ибора китобхон ҳиссиётига таьсир кўрсата олмайди. "Ипак газмолни олиб, унинг ўрнига тикан жўнатиш" эса образлиликни юзага келтиради. Бу ердаги ипак газмол-таклиф, тикан-рад этишдир" [8, 264-270]. Албатта, бу Юсуф Хос Ҳожибнинг бадиий тасвирдаги маҳоратининг юксаклигини кўрсатади.

Берилган матн асосида шеърий санъатларни топиш ҳамда улар бажараётган бадиий-эстетик вазифаларн аниқлаш ҳам ўқувчиларнинг бу борадаги кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун муносиб омил бўлади.

1. Тазодни аниқланг:

Кўнилик узала кесар-мен ишинг,
Адирмас-ма бегсиг я қулсиғ кишинг.
Керак ўғлум эрса, йирақ я яғуқ,
Керак барқин эрса кечигил қўнуқ.

Ўқувчилар маьно жиҳатидан бири-бирига зид бўлган сўзларнинг тагига чизадилар ва уларнинг қандай маьно ифодалаётганлигини айтиб берадилар. Ушбу тўртликда шоир Кунтуғди элигни адолатли ҳукмдор сифатида тасвирлашда бег ва қул, йироқ ва яқин, бегона ҳамда қариндош сўзларини бири-бирига зид қўйиш орқали тазодни ҳосил қилган ҳамда элигни адолатли ҳукмдор эканлигидан китобхонни бохабар қилган.

2.Таьдидга келтирилган мисолни асослашга ҳаракат қилинг:

Янут берди Ўзғурмиш айди: Элиг,
Байат берсу барча тилакка алиг...
Менингдин нерак эмди ўт, сав, ириг,
Бу ўдлак ўти таб сенга, эй тириг.

Ушбу мисраларда Юсуф Хос Ҳожиб томонидан Ўзғурмишнинг Кунтуғдига қилган ўгитлари ўз ифодсини топган. Ўзғурмиш элигга: барча тилакларга Худо етказади. Мендан сенга ўгит, панд, насиҳат нимага керак. Бу дунёнинг панду насиҳатларининг ўзи сенга кифоя. Бир ўйлаб қарагин: сендан ҳам олдин ҳукмдорлар

ўтган. Улар қани? Қаерга кетдилар? Мулоҳоза қилгин, дейди. Шоир бу фикрларни келтиришда *ўгит, панд, насиҳат* жумлаларини бирма бир санаб беради. Шоир қуйидаги Ойтўлдининг ўғлига қилган пандларида таьдид тасвирий воситасидан янада самарали фойдаланган:

Тилингни кўдазгил, кўзингни кўдаз,
Бўғузни кўдазгил, ҳалал егил аз.

Шеьр мисраларида айтилмоқчи бўлган фикрни санаш орқали таьсирчан ифодалаш таьдиднинг асосий белгиларидан бири.

"Ҳар қандай бадиий тасвир воситалари сингари таьдид ҳам шоирнинг поэтик мақсади, асарнинг ғоявий-бадиий мазмуни билан боғлиқ"лиги юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибди. Юсуф Хос Ҳожиб буларни оддий саноқ сифатида эмас, тўртликдаги панд-насиҳатнинг таьсирчанлигини кучайтириш мақсадида қўллаганини кўришимиз мумкин [8, 274].

3. Қуйидаги байтни ўқинг, ундаги тажнисларни топинг:

Ўсал бўлма, сақлан қамуғ ишда сан,
Ўсаюқ арутти экагуда сан.

4. "Баҳор мадҳи" матнидан ёд олган парчаларингизни эсга олинг.

Мазкур матнларда қандай тасвир воситалари иштирок этяпти?

5. Инверсия (гапдаги сўзларнинг одатдаги тартибининг бузилиши) нинг шеърий матндаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб беринг. Асардан олинган аниқ бир байт мисолида унинг бажараётган вазифасини изоҳланг.

6. Баҳор мадҳи" парчасидан эпитет (ифодага образлилик ҳамда эмоцио-наллик берадиган аниқловчилар), аллитерация (шеърий нутқда сўзларнинг бошидаги товушларнинг такрорланиши), жонлантириш (жонсиз предметларни жонли предметлар сифатида тасвирлаш), ташбеҳ ва таъдидларга намуналар топинг. Уларнинг бадиий таъсирчанликни юзага келтиришдаги вазифаларини тушунтириб беринг.

Қуйидаги мисралардан ўхшатишни топинг:

Кўкиш турна кўкда унин янгқулар,
Тизилмиш тетиртег учар, елгурар.

7. Қадимги туркий тил луғатидан остига чизилган сўзнинг маъносини топинг (бу ҳам карточкага ёзилган ҳолда тавсия этилади).

Қуримиш <u>йиғачлар тўнанди</u> яшил,
Безанди <u>япун</u> ал, сариғ, кўк, қизил.

8. Қуйидаги парчалардан тегишли тасвир воситаларини топинг. Уларнинг нима мақсадда қўлланганини изоҳланг (нотаниш байтлардан намуналар тавсия этилади):

Туман ту чечаклар язилди кула,
Йипар тўлди кафур ажун йид била.

9. Тегишли тасвир воситаси мазкур парчадаги бадиият учун нега муҳим ҳисобланади? Изоҳлаб беринг.

10. Қуйидаги парчаларда адиб сўзлар такроридан фойдаланган. Унинг бажараётган вазифаси нималардан иборат деб ўйлайсиз?

Эсизим йигитлик, эсизим йигитлик,
Тута билмадим мен, сени тарк қачиттим.

11. Энди, тасвир воситаларининг роли ва аҳамиятини умумлаштиринг. Ўз хулосаларингизни айтинг.

Ўқувчилар бу топшириққа ҳам оғзаки, ҳам ёзма жавоб қайтаришлари мумкин. Энг муҳими, улар мисолларни тасодифан эмас, балки асарнинг мазмунига, моҳиятига алоқалантириб талқин қилишларига эришиш лозим.

Ўқувчиларнинг ёзма ишларидан айрим кўчирмалар:

“Юсуф Хос Ҳожиб тасвир воситаларини тасодифан қўлламайди. Уларда шоирнинг ғоявий-бадиий мақсадлари мужассамлашади. Шоир комил инсон қиёфасини тасвирлар экан, бундай инсоннинг оқил, билимдон, меҳнаткаш, тиришқоқ, андишали, босиқ бўлиши лозимлигини, ёмон нарсалардан тийилиши кераклигини уқтиради. Тасвир воситалари ҳам шу мақсадда қўлланган” (Гулчеҳра).

Юсуф Хос Ҳожиб адолатли давлат ва ундаги жамиятнинг осойишталигини давлат бошлиғига боғлиқ, дейди. У ўхшатиш асосида давлат бошлиғини қўйчига, халқни сурувга, халқни талайдиган жоҳилва очкўз амалдорларни бўрига ўхшатади.

“Юсуф Хос Ҳожиб – бадиий сўзнинг устаси. Шунинг учун ҳам у айрим одамларни, улардаги ижобий хислатларни ҳам, айрим нуқсон ва камчиликларни ҳам жуда тўғри, аниқ ва ишонарли қилиб тасвирлайди”. (Қудрат)

“Бадиий тасвир воситалари санъаткорнинг маҳорат даражасини кўрсатадиган омиллардан бири. Ҳақиқий ижодкор ҳар доим янги сўзни топади, баъзан, айрим тасвирлар шу ижодкордагина учрайди. Мана бу ифода адабиётимиз тарихида биринчи марта учрайди: какликнинг “қоши қоп-қара” ҳамда «қизил оғзи қондек». Саройдаги ёвуз кишиларни эса оч бўри дейиш, кишининг кўнглини нозик шишага ўхшатиш ҳам Юсуф Хос Ҳожибнинг кашфиётидир. (Санамхон)

Баҳор тасвирини эсга олинг. Унда қандай қуш ва ҳайвонлар ҳақида гап боради? Шоир нима учун айни шу жониворларни танлаб олган деб ўйлайсиз? Қуйидаги жадвалга қуш ва ҳайвон номларини жойлаштиринг. Улар қандай бадиий тасвир воситасини яратиш учун асос бўлишини изоҳлашга ҳаракат қилиб кўринг ҳамда дарсликдан мисол келтиришга уриниб кўринг.

| Жониворларнинг матндаги номи | Жониворларнинг номининг бугунги кундаги муқобили | Қисқача изоҳ |
|---|---|---|
| Қуғу | Оққуш | |
| Қаз | Ғоз | |
| Ўрдак | Ўрдак | |
| Турна | Турна | |
| Каклик | Каклик | |
| Қора чумчуқ | Қора зоғ | |
| Санвач | Булбул | |
| Илик кулмиз | Жайрон | |
| Сиғун муйғақ | Буғу | |

Қуйида асарда қўлланган тасвир воситаларини топиш, уларнинг бажараётган вазифаларини белгилаш учун ўқувчиларнинг ўзлари тўлдиришлари мумкин бўлган жадвал намунаси тавсия этилмоқда. Унга кўра ўқувчилар юқорида тўлдирган жадвалларидаги жониворларнинг “Қутадғу билиг” асарида қандай бадиий тасвир восита яратиш учун асос бўлганини жадвалнинг учинчи устунига ёзишлари топшириқ қилиб берилади. Бунга тасвир воситалари ҳақидаги маълумотларни қисқартириш ёки кенгайтириш ҳисобига эришиш мумкин бўлади.

| Бадиий-тасвир воситаси | Мисоллар | Қисқача изоҳ |
|---|---|---|
| Ташбеҳ (ўхшатиш) | Кўкис турна кўкда унун янгуқулар, Тизилмиш татиртаг учар, елгурар. | - |
| Истиора | - | - |
| Эпитет | - | - |
| Тазод | - | - |

| | | |
|---|---|---|
| Таъдид | - | - |
| Тажнис | - | - |
| Талмеҳ | - | - |
| Сўз такрори | - | - |
| Аллитерация (сўз бошидаги товушлар такрори) | - | - |

Дарсда фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади ва дарс якунланади.

Буларнинг барчаси адабиёт дарсларида ўқувчилар билан биргаликда асарни ўрганишнинг хилма-хил турлари кўп эканлигини кўрсатади. Агар ижод, ижодкорлик, ҳар бир ҳодисанинг янги ва яхши жиҳатларини излашга чин хоҳиш ва иштиёқ бўлар экан, дарс самарадорлигини таъмин этадиган муносиб шакл ва усуллар ҳам ўз-ўзича пайдо бўлаверади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Abdullayeva M. Djumaboyeva D. Jahon adabiyotini oʻqitishda interaktiv metodlardan foydalanish. – T.: 2019.
2. Is’hoqov Y.Soʻz sana’ti soʻzligi. – T.: Oʻzbekiston, 2014.
3. Toʻxliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot. Oʻrta ta’lim maktablarning 11-sinfi uchun darslik-majmua. Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi nashriyoti. – T.:2018.
4. Umurov H. Adabiyot qoidalari. Akademik litseylar uchun oʻquv qoʻllanma. – T.: Oʻqituvchi, 2010.
5. Каримов Қ. Илк бадиий достон. – Т.: Фан нашриёти,1971.
6. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг” айрим жанрлар такомили. – Т.: 2010.
7. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий. – Т.: Матбаа- тонги, М.Ч.Ж., 2001.
8. Тўхлиев Б. Адабиёт.Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2002.
9. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т.:-Akademnashr.-2010.
10. Адабиёт фани ўқув дастури.(5-9-синф). Ўзбекистон Республикаси ХТВРТМ. Т.:-2017.
11. Umarova M., X.Hamroqulova va boshqalar “Oʻqish ktobi” 3- sinf. -T., 2019.


## «ҚУТАДҒУ БИЛИГ»НИНГ БАДИИЙ ТИЛИ


***Мадалиев Я.Х.*** *старшийпреподаватель,* ***Халикова Н.С.*** *кандидат филологических наук,* ***Турсунбаева Г.К.*** *старший преподаватель,*
***Омаров Н.Қ.*** *кандидат филологических наук,* ***Тасполатов Б.Т.*** *кандидат филологических наук, Южно-Казахстанский университет им. М.Ауэзова*



***Аннотация.*** *В статье рассматривается художественный язык произведения «Кутадгу билик».*


*Общеизвестно, что «Кутадгу билиг» являющийся первым письменным памятником тюркоязычных народов, занимает достойное место в ряду ярких образцов мировой художественной мысли. Это произведение вот уже на протяжении 10 веков не теряет свою историко-художественную значимость, храня в себе самые*

*передовые и высокие идеи прогрессивных мыслителей XI века, которые и сыграли основную роль, и создали почву для ее появления именно в эту эпоху. Появление этой поэмы является не случайностью, а закономерным результатом развития древней литературы тюркоязычных народов.*

*«Кутадгу билиг» - сложное в жанровом и художественном отношении произведение. Говоря о литературном значении «Кутадгу билиг», следует отметить, что произведение заложило основу философской поэзии в тюркском мире. Литература и поэзия вместе с философией выполняли определенные мировоззренческо-ценностные функции.«Кутадгу билиг» представляется нам многолетним деревом, которое своими корнями уходит в глубокую древность, подпитываясь древнетюркской устной литературой и традициями.*

***Опорные слова и выражения:*** *художественный язык, жанр, традиция, литература, тюрский мир.*

***Abstract.*** *The article investigates the literary language of the work "Kutadgu bilik". It is well known that "Kutadgu bilig", which is the first written monument of the Turkic-speaking peoples, occupies a worthy place among the brightest examples of world literature. This work has not lost its historical literary significance for 10 centuries, keeping in itself the most innovative and bright ideas of progressive thinkers of the 11th century, who played the main role and formed the basis for its creation in this era. The creation of this poem is not an accident, but a natural result of the development of the ancient literature of the Turkic-speaking peoples.*

*"Kutadgu bilig" is a complex artwork. Speaking about the role of "Kutadgu bilig" in ancient Turkic literature, it should be noted that the work laid the foundation for philosophical poetry in the Turkic world. Literature and poetry, together with philosophy, performed certain ideological and value-expressive functions. "Kutadgu bilig" seems to us as a perennial tree, which has its roots in deep antiquity, fueled by ancient Turkic oral literature and traditions.*

***Keywords and expressions:*** *literary language, genre, tradition, literature, Turkic world.*

***Özet.*** *Makale "Kutadgu bilik" eserinin edebi dilini incelemektedir. Türk dili konuşan halkların ilk yazılı anıtı olan "Kutadgu bilig'in" dünya edebiyatının en parlak örnekleri arasında değerli bir yere sahip olduğu bilinmektedir. Bu eser, 10 asırdır tarihsel edebi önemini yitirmemiş, bu çağda asıl rolü oynayan ve yaratılışının temelini oluşturan 11. yüzyılın ilerici düşünürlerinin en yenilikçi ve parlak fikirlerini kendi içinde tutmuştur. Bu şiirin ortaya çıkışı tesadüf değil, Türk dili konuşan halkların eski edebiyatının gelişiminin doğal bir sonucu.*

*"Kutadgu bilig" karmaşık bir sanat eseri. Eski Türk edebiyatında "Kutadgu bilig'in" rolü hakkında konuşurken, eserin Türk dünyasında felsefi şiirin temelini attığına dikkat edilmelidir. Edebiyat ve şiir, felsefeyle birlikte belirli ideolojik ve değeri ifade edici işlevler yerine getirdi. "Kutadgu bilig" bize, kökleri çok eski çağlara dayanan, eski Türk sözlü edebiyatı ve geleneklerinden beslenen çok yıllık bir ağaç gibi görünüyor.*

***Anahtar kelimeler:*** *edebi dil, tür, gelenek, edebiyat, Türk dünyası.*

Юсуф Баласоғуний Еттисув ўлкасидаги Кузўрда (Баласоғун) шаҳрида 1016-1018 йиллар орасида дунёга келади. Бу даврда Еттисув ва Шарқий Туркистон ўлкалари туркий қарлуқ қабиласидан чиққан қорахонийлар сулоласи қўл остида эди. Бу сулола VI–IX асрларда ҳукм сурган Буюк Турк хоқонлигининг давомчилари бўлиб, IX аср ўрталаридан давлатни бошқариб келдилар. X аср бошларида Абдулкарим Сотуқ Буғрахон (924–955) ислом динини қабул қилди ва шу билан туркий элатлар ҳам узил-

кесил ислом минтақа маданиятига келиб қўшилдилар. X аср охирига келиб, Сомонийлар таназзулга юз тутгач, қорахонийлар Мовароуннаҳрни тугал эгалладилар. Баласоғун ушбу улкан мамлакатнинг шимолидаги пойтахти эди. Шоир ҳақида маълумотлар кўп эмас.

«Қутадғу билиг» асарини 50 ёшларда, ҳижрий 462 йили (1069/70) ёзиб тугатган Юсуф ўзи ҳақида асар муқаддимасида шундай маълумот беради: «Бу китобни тасниф қилиғли Баласағун мавлудлиғ парқиз идиси эр турур. Аммо бу китобни Қошғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхан ускинга кекурмиш, малик ани ағирлаб, улуғлаб ўз Хас Ҳожибликқи анга бермиш турур, анинг учун Йусуф Улуғ Хас Ҳожиб тэб атқ жавқ йазилмиш турур» (Бу китобни тартиб берувчи Баласоғунда туғилган, парқиз соҳиби (сабр-қаноатли) кишидир. Аммо бу китобни Қошғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон даргоҳига келтирибдир. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозимини) берибди. Шунинг учун Юсуф Улуғ Хос Ҳожиб деб машҳур номи тарқалибди). Китобда номи тилга олинган хоқон Насриддин Тавғач улуғ Буғро қорахон Абу Али Ҳасан Хорунхон бинни Арслонхон бўлиб, 1075–1103 йиллар давомида қорахонийлар давлатини бошқарган. «Қутадғу билиг» асари унга бағишланган пайтда у Кошғарда Арслон-тегин Тўғрул қорахоқон Маҳмудхон (1059–1075)нинг ўрток-қоғони сифатида ҳукм сурарди (қорахонийлар сулоласида шундай одат бўлиб, Баласоғун асосий хоқон ҳукмдор бўлганда қошғарда унинг ўрток-қоғони иш юритарди).

Асар мазмуни, тили ва услубидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юсуф Хос Ҳожиб араб ва форс тилларини мукаммал билган, бу тиллардаги диний, илмий, бадиий адабиёт билан чуқур таниш бўлган. Бундан ташқари шоир қадим турк ёзма адабиёти, туркий халклар оғзаки ижодини хам яхши билган, улар муҳитида тарбия олган. Шоир туркий элатларнинг қадимий қўшнилари хитой, мўғул, ҳинд, эроний халқлар маданияти, юнон фалсафаси ва бошқа ўша давр маънавий ҳаётининг турли томонлари ҳақида мукаммал маълумот эгаси бўлган. Юсуф катта истеъдод соҳибидир. Ўша давр анъанасига кўра, у араб, форс тилларида ҳам шеър ижод қилган бўлиши керак, туркий адабий тилда, балки девон ҳам тузгандир. Афсуски, бизгача шоирнинг ягона достонидан бошқа асари етиб келмаган. Аммо аниқ айтиш мумкинки, ҳеч қайси ижодкор илк ижодини 6,5 минг байтга яқин йирик достон ёзишдан бошламайди. Масалан, Амир Хисрав Деҳлавий биринчи йирик достонини бошлаганда икки девон тузган ва улар таркибида бир қатор кичик маснавийлари бор эди. Биз Юсуфнинг ижодий йўли ҳақида баъзи маълумотларни достонга таяниб олишимиз мумкин. Масалан, шоир кириш қисмида ёзади: Бу туғмиш элиндин чиқиб борғони, Китобни қўшубон тугал қилғони. (Тутилган юртидан чиқиб боргани, китобни жамлаб тугал қилгани). Иккинчи сатрдаги китобни жамлаб, тугал қилгани ҳақидаги маълумот, унинг баъзи қисмлари олдинроқ алоҳида асар сифатида ёзиб, машқ қилинган бўлиши мумкинлигидан 1/5 Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) дарак беради. Маснавий жанрида ёзилган асар таркибида вазн ва қофиялаш усулига кўра ундан фарқ қилувчи икки алоҳида қасида ва 200 дан ошиқ тўртлик мавжуд бўлиши ҳам беҳуда эмас. Биз бу асарнинг таркибий қурили-шидан келиб чиқиб, уни шоир бир неча марта таҳрирдан ўтказган бўлиши керак деб, ўйлаймиз. Олимлар ҳам бу ҳақда хилма-хил тахминлар қилиб келишади. Ҳозир бизнинг қўлимизга етиб келгани охирги тахрир ва хоқонга тақдим этилган нусхадир. Бу нусха таркиби қуйидагича: Уч босқич муқаддима: 1.Насрий муқаддима (38 сатр); 2. Шеърий муқаддима (77 байт); 3.Муқаддимавий боблар (II боб, 390 байт). Иккинчи ва учинчи босқич орасида боб сарлавҳалари рўйхати (фиҳристи абвоб) берилган. Асосий қисм – достон мавзуи 68 бобда ривожланади. Ундаги сарлавҳалар ҳисобига, агар иштирок этувчиларнинг савол-жавобларини ҳам киритсак – 174 сарлавҳа остида берилган. Умумий ҳажми – 5896 байт. Хотима қисми –

2 қасида ва маснавий бобдан иборат бўлиб, охирги маснавий боб мазмунигина маълум даражада достонга алоқадордир. Муқаддиманинг фақат учинчи босқичи (II бобдан иборат) бевосита достон таркибига уйғунлашган. Олдинги икки босқич эса қайта таҳрирда китоб ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун атайин наср ва назмда илова қилингандир. Шу сабабли улар боблар номланиши рўйхатидан ҳам илгари берилган. Асосий қисм охирида (6261–6286-байтлар) шоир китобнинг ёзилиш йили, нима мақсадда ёзилгани, ўқувчига мурожаат, Аллоҳга муножот, Пайғамбар ва чоҳорёрларга саломлар билан асарни хотималайди ва алоҳида хотима қисмга ҳожат қолдирмайди. Аммо бундан сўнг яна 2 қасида (Йигитликка ачиниб, қариликдан шикоят қилиш – 44 байт ва замон бузуқлиги, дўстлар жафосидан ёзғириш – 40 байт) қўшилиб, яна 1 маснавий бобда муаллиф ўзига ўзи насиҳат қилади (37 байт), асарнинг туркча ёзилганлиги, тугалланиш санаси, яна муножот ва саломлар қайтарилади. Шулардан билинадики, хотима қисмига ҳам 2 қасида қўшилиб, қайта таҳрир қилинган пайтда ёзилган. Асосий қисм мазмуни ва мундарижасига кўра «Қутадғу билиг» достони минтақа адабиётининг биринчи босқичида яратилган туркий тилдаги ислом маънавиятининг бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб бaралла таърифласак арзийди. Унингдек улуғ яхлит китоб ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» идан кейин араб ва форс тилларида ҳам яратилмаган эди. VIII–IX асрларда Абдулҳамид ал-Котиб, Ибн ал-Муқаффа (720–756), Адиб Аҳмад Югнакий, ал-Жоҳиз (775–868) каби йирик адиблар томонидан асос солинган адаб илми, Абу Наср ал-Форобийнинг ижтимоий-ахлоқий фалсафаси, «Шоҳнома» ва турк хоқонларининг ёдномалари, минтақа халқларининг бой маънавий мероси бу асар мағзига сингдирилган. Энг асосийси, бу китоб ислом минтақа маънавиятининг қомуси бўлди. Фирдавсий «Шоҳнома»си минтақа халқларининг ўтмиш тарихини бадиий акс эттирса, Юсуф Хос Ҳожиб асари унинг янги даврдаги ҳолатини бадиий тафаккур қонуниятлари асосида мужассам этди. Муаллиф ўз асарини «Шоҳномайи туркий» деб шуҳрат топганини айтади, бу қиёс шу маънода тўғрики, ўтмишда минтақа эроний ҳукмдорлар – Каёний ва Сосонийлар ҳукмида бўлган бўлса, Юсуф даврида Сосонийлар мулки туркий ҳукмдорлар қўлига ўтган эди. Баласоғундан Бағдодгача туркий сулолалар ҳукм сурар эдилар. Шу сабабли энди сулолалар тарихи эмас, давлат бошқариш одоби муҳим эди. Асарнинг яна бошқа шуҳрат топган номлари «Адаб ул-Мулук» («Ҳукмдорлар одоби») ва «Ойин ул-мамлакат» («Мамлакатни идора этиш қоидалари») худди шу жиҳатни акс эттирар эди. 2/5 Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) Достон мазмуни шоир тасаввуридаги шундай бир бадиий оламни акс эттирадики, унинг асосий қаҳрамонлари 4 тимсолдан ташкил топган. Биринчиси, Адолат – у бош ҳукмдор, унинг номи Кунтуғди, у қуёшдек барчага баробар нур таратади. Иккинчиси, Давлат – туркийда қут, у бош вазир, унинг исми Ойтўлди. Қут ёки Давлат ички мазмуний тушунча бўлиб, Бойлик, Барака, Омад, Бахт, қудрат маъноларини ўзида жамлаган, ҳукмдорнинг таянчи, унинг бе-лига қувват, қўзига нур, мулкига фаровонлик бахш этувчи бош мас-лаҳатчи ва нозир. Аммо Ойтўлдининг умри фоний, Давлат, Бахт, Омад деган нарсалар пойдор эмас, осмондаги Ой сингари гоҳ тўлиб балқийди, гоҳ Ҳилол сингари нозиклашиб, қувватдан кетади, орада кўринмай қолиши ҳам мумкин. Ойтўлди асар давомида хасталаниб вафот этади. Аммо унинг вориси, ўғли Ўгдулмиш унинг ўринбосари, ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади. Ўгдулмиш Ақл ва Билим рамзи. Агар Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи бўлса, киши қўлида доимий турмаса, Ақл ва Билим уларнинг ўрнини боса олади. Асли асарнинг бош қаҳрамони Ўгдулмиш, яъни Ақл ва Билимдир. Шу сабабли китобнинг асл номи ҳам «қутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билим»). Бахт, қут-барака, омад, қудрат манбаи бўлмиш билим билан боғлиқдир. Асардаги тўртинчи тимсол – қаноат. Агар инсонда, жамиятда қаноат бўлмаса, унинг барча хосияти бир пул, оқибати аянчлидир. қаноатнинг исми Ўзғурмиш бўлиб, у Ойтўлдининг, яъни Бахт ва

Давлатнинг, Ўгдулмишнинг, яъни Ақл ва Билимнинг қариндошидир. Аммо Ойтўлди қариндошини эсламайди. Бахт ва Омад қаноатни хотирга келтирмайди. Ҳукмдорга (Элиг деб атайди Юсуф хукмдорни) Узғурмиш қариндоши ҳақида Ўгдулмиш эслатади, яъни Адолат Ақл ёрдамида қаноатдан хабар топади ва унинг суҳбатини истайди. Асар охирида Ўзғурмиш ҳам хасталаниб вафот этади, қунтуғди ва Ўгдулмиш, яъни Адолат ва унинг бош маслаҳатчиси Ақл қоладилар. Булар ислом маънавиятининг бош тимсоллари эди. «қутадғу билиг»нинг айрича аҳамияти ана шунда. Аммо асар мавҳум тимсоллар ва рамзлардан иборат эмас. Асар қаҳрамонлари жонли шахслар – Элиг – Кунтуғди – адолатли, инсофли ҳукмдор, Ойтўлди – донишманд, тадбирли, таржибали аллома, мураккаб характерли шахс, юрт, жамиятга фойдаси тегишини ўйлаб пойтахтга келади ва мусофирпарвар Кўсалиш ёрдамида Элигнинг Хос Ҳожиби Эрсиг билан танишиб, у туфайли Кунтуғди саройига кириб боради. Элиг билан танишади. Элиг ва Ойтўлди орасида кўп суҳбатлар бўлиб ўтади. Улар бир-бирининг ботиний қиёфаси, феъл-атворларини яхши ўрганиб, аста-секин умумий тил топишади, орада баъзи гинахонликлар ҳам бўлиб ўтади. Ойтўлдининг хасталиги ва ўлими, унга Элиг ва Ўгдулмишнинг қайғуриши, ҳамдардлиги жуда табиий, ҳаётий кечинма-ларда тасвирланади. Ўгдулмиш Ақл тимсоли бўлгани билан, у аввал ўзини ёш йигитларга хос тутади. Элиг унга қанча панд-насиҳатлар беради, тарбиялайди. Кейинги Ўзғурмиш билан бўлган суҳбатлар таъсирида ҳам Ўгдулмишнинг онги ўзгариб, ривожланиб боради. У маълум вақт Ўзғурмиш таъсирида тавба-тазарруга берилиб, моддий дунё ташвишларидан ўзини олиб қочмоқчи бўлади, аммо Ўзғурмиш ва Кунтўлдилар яна уни бу ниятдан қайтарадилар, эл-юрт ташвиши билан яшашга ундайдилар. Шоир Ақл ва Билимни эл-юрт, халқ фаровонлиги йўлида хизмат эттириш энг асосий бурч деб ҳисоблайди. Ақл аввало Адолатга ҳимоячи ва маслаҳатгўй бўлмоғи талаб этилади. Ўзғурмиш шахси таркидунё этган, зоҳидлик ва тақвони яшаш тарзига айлантирган сўфийларни эслатади. Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғоялари, амалиётидан чуқур хабардор эканлигини ушбу қаҳрамони тавсифида аён этган. Тасаввуф, тақво, зоҳидлик ва фақир шоир наздида аввало қаноатнинг тимсоли, ёрқин намоёндасидир. 3/5 Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) қаноат Оқибатни ўйлаш билан бўлади, у инсонга Офият (руҳий осойишталик, қониқиш) келтиради. Адолат қаноатсиз бўлмайди. Ҳукмдор сўфийнинг, зоҳиднинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Сўфий ҳукмдорни қидириб келмайди, ҳукмдор уни ўзи қидириши, суҳбатига интиқ бўлиши керак. Кунтуғди, Угдулмишни Ўзғурмишга мактуб билан уч марта жўнатади. Шоир фикрича, агар ҳукмдор эътибор кўрсатса ва майл билдирса, сўфий ҳам суҳбатдан бош тортмаслиги керак. Албатта, зоҳид Ўзғурмиш сарой аёнига айланмайди, у маълум вакт Элиг билан фикр алмашиб, яна ўз кулбасига қайтиб кетади, ҳаёт тарзини ўзгартирмайди. Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғояларига, ҳақиқий тақво эгаларига юксак эҳтиром билан қарайди, аммо жамият, халқ бахти учун, Адолат тантанаси учун ўз умрини бағишлаш унинг бош йўналиши бўлиб қолади. Унинг суюкли қаҳрамони Ўгдулмиш – Ақл ва Билим эгаси, умрини Адолат хизматига бағишлаган шахсдир. «Қутадғу билиг» қаҳрамонлари фақат тўрт киши эмас, унинг асари бадиий умумлашмаларни ҳаётдан узиб акс эттирган деб бўлмайди. Достон ҳаёт ҳақиқатлари билан тўлуғдир. Унда ўша давр турмушининг барча қирралари, икир-чикири, зиддиятлари ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг юксак ўй-хаёлларини ажойиб тимсолларда ифодалар экан, ҳаётдан бир зум узилмайди, давр зиддиятларидан кўз юммайди, жамиятдаги барча табақа, тоифаларга хос фазилат, қусурлар, ижтимоий аҳволни аняқ идрок қилади. Уни баъзан феодал-сарой қарашларига тобе қилиб кўрсатишади. Аслида бундай янглиш тасаввур Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаётий зукколиги, ижтимоий ақли, тадбиркорлигини нотўғри талқин қилиш оқибатидир. «Қутадғу билиг» китоби авом халқ учун эмас, биринчи навбатда, хоқон ва беклар, яъни юртнинг ҳукмдорлари учун атаб ёзилгандир. Туркий сулолалар бугун

ислом минтақасида ҳукмфармо бўлиб келаётган бир пайтда, ижтимоий жиҳатдан «Шоҳнома»дан кўра «Қутадғу билиг», яъни «Ҳукмдорлар адабномаси» кўпроқ зарур ва бу китоб айнан туркий тилда ёзилмоғи керак эди. Юсуф Хос Ҳожиб ушбу ижтимоий заруратни вақтида англаб етди; унга юксак савияда жавоб бера олди. Унинг асарини туркий ҳукмдорлар қай даражада ўқиди ва ўзлаштирди, бу бошқа масала. Абу Али Ҳасан Хорунхон уни яхши қабул қилгани, шоирни муносиб тақдирлагани Кунтуғди ва Ойтўлди тимсоллари ҳаётий ҳақиқатга анча мувофиқ келганини кўрсатади. Ўша давр ижтимоий, ахлоқий воқелигининг жуда кўп, хилма-хил жиҳатлари асар мазмунига сингдирилган. Айниқса, қунтуғди ва Ўгдулмиш суҳбатларига бағишланган 15-25-боблар, Ўгдулмиш ва Ўзғурмиш суҳбатига оид 31-53-боблар даврнинг барча ижтимоий тоифалари (беклар, сипоҳийлар, сарой аёнлари – вазир, ҳожиб, хазиначи, лашкарбошилар, элчилар, котиблар, саййидлар, шоирлар, мунажжимлар, олимлар, табиблар, деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, камбағаллар – барча-барчасининг) аҳвол-руҳияти, жамиятдаги ўрни, феъл-атвори ҳақида муфассал тасаввур беради, уларга ҳукмдор ва давлат аёнларининг адолатли муносабати қандай бўлиши кераклигини тушунтиради. Юсуф Хос Ҳожиб жамиятни тубдан ўзгартиришни эмас, мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш, такомил бахш этишни мақсад қилиб қўяди.

Чунки XI аср ислом жамиятининг шаклланиб, юксалиб келаётган даври бўлиб, унда такомиллаштириш таклифлари ўринли эди. «Қутадғу билиг»нинг бадиийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир қирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир хаёли ўзаро ниҳоятда уйғун. Шоирнинг тасвирлари ёрқин, тили ниҳоятда ширали, мазмунга бой. Ислом минтақа шеъриятининг энг асосий услуби 4/5 Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) хусусияти – ҳар бир байтнинг мустақил тасвирий, тимсолий бирлик даражасига кўтарилиш талаби Юсуф томонидан тўла ҳис қилинган ва амалга тадбиқ этилган. Унинг жуда кўп байтлари ҳикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган. Ҳар бир байт тугал тасвир (яхлит образ) беради. Асар тавҳид ёки ягона Аллоҳ ҳамди билан бошланади. 32 байтли бу бобда исломнинг бош тушунчаси ҳар тарафлама тавсифлаб берилган. Хуллас, туркий тилда яратилган бу буюк асар минтақа адабиёти ривожининг биринчи босқичи учун маълум маънода якунловчи асар бўлди. Бу босқичнинг ўзига хос икки жиҳатини қайд этиб ўтмоқ керак. Биринчидан, бу даврда илм-фан ва ёзма бадиий адабиёт асосан турли ҳукмдорлар саройи қошида, улар ҳомийлигида ривож олиб, гуллаб-яшнади. Агар Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърият, Сомоний ва ғазнавийлар ҳузурида форс тилидаги адабиёт паноҳ топган бўлса, қорахонийлар даргоҳида туркий шеъриятнинг буюк намунаси дунёга кедди. Иккинчидан, бу адабиётнинг ўзига хос томони маърифатчилик эди. Нафақат адабиёт, балки бу даврнинг бутун маънавиятида етакчи руҳни ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, марғуб ахлоқни ақл, заковат кучи билан ўрнатишга ишонч ташкил қилар эди. Бу адабиёт биринчи навбатда ҳукмдор табақага, беклар, зодагонларга мўлжалланган ва ўшаларга тўғри йўлни кўрсатишни мақсад қилган эди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи.
2. Б.Тухлиев: Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба.
3. Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билик”.

# “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДА СЎЗ ВА ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

***Алимова Комила Декановна***
*Тошкент давлат стоматология институти*
*Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада қадимий ёзма манбалардан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонидаги тарихий сўз ва иборалар, жумладан халқ табобати ва тиббиётга оид терминлар (истилоҳ) ўрганилган. Уларга тарихий ва қиёсий жиҳатдан ёндошилиб мазкур терминларнинг луғавий ва этимологик жиҳатларига эътибор қаратилади.*

***Аннотация.*** *В статье исследуются исторические слова и выражения из поэмы «Кутадгу билиг»- одного из древних письменных источников Юсуфа Хос Хожиба, в частности, термины народного врачевательства и медицины. Был проведен исторический и сравнительный анализ терминов в лексическом и этимологическом аспектах.*

***Abstract.*** *The article investigates historical words and expressions from the poem "Kutadgu Bilig" - one of the ancient written sources of Yusuf Khos Khojib, in particular, the terms of folk healing and medicine. It was carried outa historical and comparative analysis of terms in lexical and etymological aspects.*

Ўзбек тилининг ҳалқаро нуфузи ва равнақи маънавиятимиз ривожининг асосий бир омили экан, бебаҳо тилимиз тарихи ва адабий меросимизни чуқур ўрганиш янада долзарб аҳамият касб этади. Мумтоз адабиётимиз ва туркий тилимизнинг нодир намуналаридан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонидир.

Юсуф Хос Ҳожиб (асл исми Юсуф) (тахм. 1020/21, Болосоғун – ?) – туркий шоир, мутафаккир, давлат арбоби. «Қутадғу билиг» достони муаллифи. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берувчи ягона манба ҳам «Қутадғу билиг» китобидир. Ушбу китобга кўра, у замонасининг барча асосий илмларини атрофлича ўрганган, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Маҳмуд Кошғарий ва Аҳмад Югнакий каби туркий тилнинг мавқеини ошириш, унинг маданий адабий ҳаётдан ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун курашган. Бу қутлуғ анъана кейинчалик туркигўй шоирлар, айниқса, буюк шоир ва мутафаккирлар Алишер Навоий ижоди ва серқирра фаолияти билан кенг миқёсда давом эттирилди. Хусусан, Навоийнинг “Хайратул-аброр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” достонларида Ю.Х.Ҳожиб ва А.Югнакийларнинг асарларидан ижодий таъсирланганлигини кўриш мумкин.

Юсуф Хос Ҳожиб яшаган даврда Баласоғундан Бағдодгача туркий сулолалар ҳукм сурар эдилар. Шу сабабли энди сулолалар тарихи эмас, давлат бошқариш одоби муҳим эди. Асарнинг яна бошқа шуҳрат топган номлари “Адаб ул Мулук” (“Ҳукмдорлар одоби”) ва “Ойинул мамлакат” (“Мамлакатни идора этиш қоидалари”) худди шу жиҳатни акс эттирар эди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим», 1069-70) асари исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам кўтарди ва кейинги ривожи учун ҳам илхомбахш бир манба бўйича у нафақат туркий халқлар адабиёти анъаналари, балки қардош халқлар, жумладан, форсий адабиёт тажрибаларини ҳам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган. «Шоҳнома» каби мутақориб вазнида ёзилган ва «Туркий Шоҳнома» номи билан шуҳрат қозонган (73 боб, 6520 байт ва тўртликлардан иборат).

«Қутадғу билиг» 11-аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган. Юсуф Хос Ҳожиб уни Болосоғунда бошлаб, Қашқарда ёзиб тугатган ва қорахоний ҳукмдор Тавғоч Буғрохонга тақдим этган. Буғрохон муаллифни тақдирлаб, унга «Хос Ҳожиб» («Эшик оғаси») унвонини берган. Шундан кейин шоир «Юсуф Хос Ҳожиб» номи билан машҳур бўлган. Лекин достоннинг охиридаги шикоят оҳангларига қараганда, шоир умрининг охири бу давлатнинг таназзули даврига тўғри келган, шу сабабли мувофиқ ҳаёти ҳам оғир кечган. Шоирнинг Қашқардаги мақбараси зиёратгоҳга айланган. Юсуф Хос Ҳожибнинг халқ орасида хикмат (афоризм)лар даражасида кенг тарқалган қуйидаги мисралари унинг юксак поэтик маҳоратидан гувоҳлик бериб турибди:

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,
Хулқи тўғри бўлган киши тўрга чиқади.

* * *

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди.

* * *

Билимни буюк, ўқувни улуғ бил,
Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди.
Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,
Билим кимда бўлса буюклик олади.

Туркий сулолалар бутун ислом минтақасида ҳукмронликни ўз қўлига олаётган бир пайтда, ижтимоий жиҳатдан “Шоҳнома”дан кўра “Қутадғу билиг”, яъни “Ҳукмдорлар Адабномаси” кўпроқ зарур ва бу китоб айнан туркий тилда ёзилиши керак эди. Юсуф Хос Ҳожиб ушбу ижтимоий –маънавий заруратни вақтида англаб етди, унга юксак савияда яратилган машҳур достони билан жавоб бера олди.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг етук бир шоир ва мутаффаккири сифатида жамиятни тубдан инқилобий ўзгартиришни эмас, балки уни мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш, такомил бахш этишни мақсад қилиб қўяди. Чунки XI аср ислом жамиятининг шаклланиб, юксалиб келаётган даври бўлиб, унда такомиллаштириш таклиф ва ҳаракатлари мақсадга мувофиқ эди. Туркий тилда яратилган бу буюк асар минтақа адабиёти ривожининг биринчи босқичи учун маълум маънода якунловчи асар бўлди. Бу босқичнинг ўзига хос икки жиҳатини қайд этиб ўтмоқ керак.

Биринчидан, бу даврда илм-фан ва ёзма бадиий адабиёт, асосан, турли ҳукмдорлар саройи қошида, улар ҳомийлигида ривож топиб, гуллаб-яшнади. Агар Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърият, Сомоний ва Ғазнавийлар ҳузурида форс тилидаги адабиёт паноҳ топган бўлса, Қорахонийлар даргоҳида туркий шеъриятнинг буюк намунаси дунёга келди.

Иккинчидан, бу адабиётнинг ўзига хос томони дидактик ва маърифатчилик эди. Нафақат адабиёт, балки бу даврнинг бутун маънавиятида етакчи руҳ ва ғоя ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, марғуб ахлоқни ақл, заковат кучи билан ўрнатишга ишонч ташкил қилар эди. Бу адабиёт биринчи навбатда ҳукмдор табақага, беклар, зодагонларга мўлжалланган ва ўшаларга тўғри йўлни кўрсатишни мақсад қилган эди. Шоир айтганидек,

Кимнинг хулқ-атвори, феъли яхши бўлса,
У тилагини топади, ою кун унга кулиб боқади.

Асарда акс эттирилгандек, Ҳасан Хорунхон уни яхши қабул қилгани, шоирни муносиб тақдирлагани Кунтуғди ва Ойтўлди тимсоллари ҳаётий ҳақиқатга анча

мувофиқ келганини кўрсатади. “Қутадғу билиг” нинг ғоявий бадиийлиги жуда юксак. Ундаги ҳар бир маънавий қирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоирнинг фалсафий-бадиий мушоҳада хаёли ўзаро ниҳоятда уйғун тарзда ифодаланган. Шоирнинг тасвирлари ёрқин, туркий тили ниҳоятда халқчил, таъсирчан ва ширали, мазмунга бой. Ислом минтақа шеъриятининг энг асосий услуби хусусияти – ҳар бир байтнинг мустақил тасвирий, тимсолий бирлик даражасига кўтарилиш талаби Юсуф томонидан тўла ҳис қилинган ва амалга татбиқ этилган. Унинг жуда кўп байтлари хикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган. Ҳар бир байт тугал тасвир (яхлит образ) беради. Асар тавҳид ёки ягона Аллоҳ ҳамди билан бошланади. 32 байтли бу бобда исломнинг бош тушунчаси ҳар тарафлама тавсифлаб берилган.

Асар мазмуни, тили ва услубидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юсуф Хос Ҳожиб араб ва форс тилларини мукаммал билган, бу тиллардаги диний, илмий, бадиий адабиёт билан чуқур таниш бўлган. Бундан ташқари шоир қадим турк ёзма адабиёти, туркий халклар оғзаки ижодини хам яхши билган, улар муҳитида тарбия олган. Шоир туркий элатларнинг қадимий қўшнилари хитой, мўғул, ҳинд, эроний халқлар маданияти, юнон фалсафаси ва бошқа ўша давр маънавий ҳаётининг турли томонлари ҳақида мукаммал маълумот эгаси бўлган.

Маълумки, жаҳон тилшунослигида тил тарихи, унинг тараққиёт босқичлари, қадимги ёзма ёдгорликлардаги қарашларнинг ижтимоий ва маънавий қийматини ўрганиш, буюк аждодларимиз тафаккури маҳсули бўлган манбаларни чуқур таҳлил қилиш муҳим илмий йўналишни ташкил этади.

Проф. Н.Маллаев, Ҳ.Дадабоев, Б.Тўхлиев каби таниқли олимларимиз панднома достоннинг асосий ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳамда матнидан ўрин олган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий терминлар тизими, бадиий актуаллашган воситалар, синфий- табақавий терминлар борасида илмий изланишлар олиб бордилар,асарнинг илмий-танқидий матнини нашр қилишда фаол иштирок этдилар.

**«Қутадғу билиг»** иккинчи боб олти параграфни ўз ичига олган бўлиб, унда асар лексикасининг 32та семантик гуруҳидан қуйидагилар таҳлил қилинган: ижтимоий-сиёсий термин - истилоҳ: мансаб ва лавозимни ифодаловчи терминлар *(ayiči, bitigči),*дипломатия терминлари *(elči, yumušči)*; ҳарбий терминлар *(yatγaq, pusuγ)*; савдо-сотиқ терминлари *(satiγ, ayiči)*; тиббий терминлар *(mitridus, čurni)*; антропонимлар *(Afrasiyab, Faridun*); озиқ-овқат ва ичимлик номлари *(lewaš, etmak)*. Ҳар бир семантик гуруҳ ўз ичида кичик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинди. Масалан, «Қутадғу билиг»да қўлланган антропонимлар пайғамбарлар номлари: *Muhammad (s.a.v.), Muso, Sulaymon, Iso, Nuh;* халифалар номлари: *Atiq, Faruq, Usman, Ali (Haydar);* ҳукмдорлар номлари: *Afrasiyab, Zahhok;* асар қаҳрамонлари номлари: *Kuntuγdi, Aytoldi, Ogdulmiš,Odγurmiš;* авлиёлар номи: *Luqman* кабиларга ажратилди.

«Қутадғу билиг» матнида келтирилган *tamγa* термини эски туркий тил манбаларида фаол қўлланган: *Bilig birla yaqγil bayat tapγinga, bilig tamγa bolur tamuγ qapγinga* – Худонинг тоат-ибодатига билим билан (яқинлашишга) ўрган, жаҳаннамнинг эшигига билим тамға бўлади. Асар табдилида байтнинг иккинчи мисраси «ҳамманинг эшигига билим тамға бўлади» деб келтирилган. Биз асарнинг атоқли аллома фитрат томонидан топилган Наманган нусхаси факсимилесига кўра (119b7) байтнинг иккинчи мисрасини «жаҳаннамнинг эшигига билим тамға бўлади» тарзида изоҳладик. *Tamγa* «беркитувчи», «тўсувчи» маъноларини ифодалаган. Маҳмуд Кошғарий луғатида икки хил маънодаги, яъни омонимик муносабатдаги *tamγa* сўзи келтирилган:

Юсуф Хос Ҳожибнинг қомусий билимлар соҳиби эканлиги тиббий тушунча ва истилоҳ изоҳида ҳам кўзга ташланади. Асар матнида тиббиёт билан машғул шахс отлари ўз аксини топган. Чунончи, *otači* «табиб, даволовчи» маъносини билдирган: *Ularda birisi otači turur, qamuγ ig toγaqa bu emči erur* – Улардан бири табиб(лар)дир,

ҳамма касаллик, руҳ оғирлигига улар эмчилар яъни даволовчидир. Ушбу дериват соф туркий бўлиб, *ota=* «даволамоқ» феълига *-či* шахс оти ясовчи қўшимча қўшиш орқали ясалган.

«Девону луғотит турк»да ҳам *otači* «даволовчи, табиб» маъносида қайд

этилган. *Otači ot* «дори» асосидан ясалган. *Otači* «табиб»нинг фаолияти қадимда беморни кўпроқ доривор ўт, гиёҳ билан даволашга асосланган. «Қутадғу билиг» матнида қўлланган *uraγun* термини «аччиқ таъмга эга бўлган дори, заҳар» маъносини билдиради: *Beдug bir bičäkig eligda tutar, solindin uraγun oŋïndïn šakar* –Қўлида улкан бир пичоқ тутган, сўл томонида – урағун (бир хил дори), ўнгида эса шакар (шарбат). «Древнетюркский словарь»да *uraγun* «ҳинд дориларидан бирининг номи,қайноқ шарбат» тарзида изоҳланган. Р.Арат бу дорини*Hindistandan gelen bir ilâč* (Ҳиндистондан келтирилган бир дори) дебизоҳлайди1. Маҳмуд Кошғарий луғатида «касалларга қўлланадиган ҳиндчабир дори» сифатида таърифланган. Байтда келтирилганидек,зўрлик ва зулм кўрган инсон ҳукмдорнинг даргоҳидан адолат топса,шакардан, ширинликдан баҳра олади. Зўравон ва золим, тўғриликдан мосувокишилар урағун, яъни заҳар ичишга маҳкумдир. Ҳукмдорнинг адолатлисиёсатидан золимлар урағун ичгандек азият чекади. Юқоридаги байтда*uraγun* мажозий маънода қўлланиб, Кунтуғди элигнинг адолат ҳақидагификрларини асослашга, ёмонларнинг жазоланиши муқаррар эканлигинитаъкидлашга хизмат қилган.

«Қутадғу билиг»да *otrum* «сурги дори», *šalisa* «ҳар жиҳатдан манфаатли дори», *taryaq* «заҳарларга қарши мураккаб таркибли дори», *mitridus* «яратувчисининг номи билан аталган мураккаб таркибли дори», *ogit* «заъфаронга бир неча хил ашёлар қўшиб тайёрланадиган дори», *ma'ǯun (маъжун)* – «опиум дорилар аралашмасидан иборат паста» каби дори номлари ҳам келтирилган.

Пандномa лексикаси мавзу талабига кўра турли ижтимоий соҳага доир маъно ва тушунчаларни ифодаловчи тизимни воқелантирган бўли, бу ҳам шубҳасиз, муаллиф маҳоратининг самарасидир. Асар лексикасининг асосини ижтимоий-сиёсий, савдо-сотиқ, ҳарбий, тиббий терминлар, антропонимлар, озиқ-овқат ва ичимлик номлари ташкил этади. Давлатлар ўртасидаги дастлабки дипломатик муносабатларни ифодаловчи муҳим тушунчалар ҳам айнан «Қутадғу билиг»да берилган. Асар тилида акс этган ҳарбий лексика ўша даврдаги ҳарбий тизимга алоқадор шахс отлари, курол-яроғ, аслаҳа ва тактик амалиёт номларини ўз ичига олади. Асар матнидаги тиббий терминлар туркий халқлар табобати тизимига хос тушунча ва маъноларни ифода этган. Тиббий терминлар шахс отлари, дори-дармон номлари, инсон табиати,органик мавжудот сифатидаги моҳиятини акс эттирган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. –Т., 1998; шу муаллиф. «Қутадғу билиг» танқидий матнини тайёрлаш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2006. –№4.–Б. 26–28.

2. Каримов К. Категория падежа в языке «Кутадгу билиг». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1962; шумуаллиф. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф).–Т., 1972.

3. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент.Т. 1976. Б. 664.

4. Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1991; шу муаллиф.Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменныхпамятниках XI – XIV вв. – Т.: Ёзувчи, 1991. –С.186.

5. Дадабоев Ҳ. «Қутадғу билиг» матнида бадиий актуаллашган лексик воситалар хусусида // Стилистика вапрагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60

йиллигига бағишланган илмий-назарий конференцияматериаллари. –Самарқанд, 2010. –Б. 48-52.

6. Абдужаббарова Ф. «Қутадғу билиг»даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол. фан. номз...дисс.–Т., 2011.–Б.162.

7. YusufXosHojib. Qutadg'ubilig. I jild. –T., 2010. –B.15-16.

8. Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Сўз боши муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Mumtozso'z, 2008. –Б.3.

9. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т. Янги фан адабиёти. 2006. Б. 182.

## "ҚУТАДҒУ БИЛИГ" ДОСТОНИДА НАБОТОТ ОЛАМИ ТАСВИРИ

***Мирзоҳидова Лайло Бахтиёровна***

*Самарқанд вилояти Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази Тилларни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Қутадғу билиг» асарларида наботот олами орқали ифодалаганган мажозий тасвирлар тадқиқ қилинган». Бунда табиатда содир бўладиган воқеа-ходисалар, ўсимликлар, фасллар, денгиз, денгиз ости жисмлари орқали ифодаланган мажозий тасвирлар таҳлил қилинган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *наботот, мажоз, мажози мурсал, тимсол, таҳлил, тасвир, рамзий сифатлаш, рамзий ўхшатиш.*

***Аннотация.****В статье рассматриваются метафорические изображения образов растительного мира в произведениях «Девани лугатит турк», «Хибатул хакайик» и «Кутадгу билиг». Проанализированы изменения в мире растений, описан символический смысл природных явлений, наблюдаемых в разное время года, а также представлены тропы, связанные с природными стихиями.*

***Опорные слова и выражения***: *мир растений, символ, метонимия, образ, анализ, иносказание, эпитет, метафора.*

***Abstract.*** *The given article discusses metaphoric images which are expressed comparatively through world of plants in works "Devonu lugatit turk", "Hibatul haqoiq", "Qutadgu biling". The metaphoric images of natural events, plants, seasons, sea, undersea bodies are analyzed.*

***Keywords and expressions:*** *the world of plants, symbol, metonymy, character, analyze, image, epithet, metaphor.*

Қадим даврлардан бошлаб то ҳозирги кунга қадар атроф-муҳитни ўраб турган табиат, унда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар одамзотни фикрлаш, ўрганиш, мулоҳаза юритиш, онг ва тафаккурини кенгайтиришнинг бирламчи омилларидан бўлиб келмоқда. Одамзот пайдо бўлгандан бошлаб, табиатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ечимини топишга уринган. Бунинг натижасида ҳар бир соҳада ўзига яраша қараш ва илмий-фалсафий тушунча, тафаккур шаклланган. Бу қарашлар ибтидоси мифларда кўринади. Аста-секинлик билан «миф сюжетлари янги ижтимоий-иқтисодий тузумга хос ахлоқий қарашлар ва бадиий эстетик анъаналар

асосида ўзгаришга учраб, афсона бадиий шаклини қабул қилган. Миф оламни содда англаш ифодаси сифатида инкор этилгач, унинг мазмуни муайян ўзгаришларга учраган ҳолда афсона жанрига кўчади. Бу ўзгаришлар воқейликка муносабат (дунёни мифологик англашдан бадиий идрок этишга ўтиш), миф функциясининг кенгайиши (воқейликни тушунтириш, изоҳлаш мақсадида яратилган ва баён қилинган ҳикояларда ахлоқий-эстетик қарашларнинг акс эта бошлаши), миф моҳиятининг янгиланиши, мифологик қаҳрамонларнинг бадиий образларга айланиши, мифологик матнларнинг ритуал маросимлар билан алоқаларининг узила бошлаши ва воқеълик тасвирининг рамзий тасвирларга асосланишига»[75] замин яратди. Демак, оламни англашдаги тушунча ва тасаввурларнинг аста-секинлик билан ривожлантирилиб, аниқлаштирилиб бориши натижасида воқейликни тушуниш, тушунтириш бадиий талқинга айланиб бориб, олам ва унда содир бўлаётган воқелик рамзий тасвирларда ифодаланишига туртки бўлган. Табиат билан боғлиқ масалалар кўпроқ биология, география, физика, кимё каби бир қатор аниқ фанлар доирасида илмий жиҳатдан ўрганилиб, назариялар, қарашлар яратилса, бадиий адабиётда эса табиат ва унда рўй бераётган воқеа-ходисалар орқали олам, одам, ҳаёт тўғрисидаги бадиий-фалсафий фикрлар англашилади. Бадиий адабиётда табиат воқеа-ходисаларидан рамзийлик тамойиллари асосида ўзига хос тарзда илмий, фалсафий, ижтимоий, ахлоқий қарашлар ифодаланади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, рамзий аҳамият касб этган образларнинг (қуёш, ой, юлдузлар, шамол, довул, қуюн, момоқалдироқ, чақмоқ, булут ва бошқ.) кўпчилик қисми миф ва афсоналарга бориб тақалади. «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг» асаларида ҳам мифологик қарашлар асосидаги кўпгина мажозий образлар (*чақмоқ, булут, момоқалдироқ, кун чиқиши, кун ботиши*) тизимини учратамиз.

«Девону луғотит турк»да кўп ўринларда чечак образи орқали мажозий фикр англашилган тўртликларга дуч келамиз. Бунда чечак гоҳида баҳорнинг, гоҳида эса инсоннинг рамзий ифодасини яратишга хизмат қилганлигини кўрамиз:

| | |
|---|---|
| Турли чэчак тызылды, | Туман чечак тизилди, |
| Бўкундан ал йазылды. | Ғунчалари ёзилди. |
| ўгуш йатыб узалди, | Узоқ ётиб эзилди, |
| йэрда қоба азрашур. (ДЛТ.I.237) | Энди ердан ажрашур. |

Бу ерда чечак – тутқун одамнинг мажозий образи. Чечакнинг ер остида узоқ ётиб эзилиши уларнинг душманга асир бўлишининг рамзидир. Ердан бош кўтаришлари эса – улар асирликдан қутулиб, ёруғ кун кўра бошлашидир. Қуйидаги тўртликда ҳам чечакнинг очилиши, гулдор гиламнинг ёзилиши - ҳам баҳор келганлигининг, ҳам инсонларнинг яхши ҳаёт кечира бошлаганлигининг рамзий ифодасидир:

| | |
|---|---|
| Турлуг чэчак йарылды, | Турли чечак очилди, |
| Барчын йазым кэилды. | Гулдор гилам ёзилди. |
| Учмақ йэри кўрулди, | Олам жаннатдек бўлди, |
| Тумлуғ йана кэлгусуз. (ДЛТ.I.141) | Сира қайтмас совуқлар. |

Тўртликлардаги мажозий тасвирлар мажози мурсал «чечак», «совуқ», рамзий ўхшатиш «жаннатдек», рамзий сифатлаш «гулдор гилам» каби тасвирий воситалар асосида ифодаланган.

«Девону луғотит турк»да <u>Сел, шамол, чақмоқ, бўрон, қора булут</u> образлари орқали қуйидаги ўзига хос мажозий фикр поэтиклашганлигини кўрамиз:

| | |
|---|---|
| *Кэлди эсин эснайу, қазқа тугал уснайу.* | Келди шамол ҳувиллаб, бўрон бўлиб гувиллаб. |
| *Кирди будун куснайу, қара булыт кўкрашур.* (ДЛТ.II.259-260) | Халқ титрашур увиллаб, қорабулут гулдурар. |

---

[75] Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филология фанлар док…. дис. автореф – Тошкент: 1996. 16б.

| | |
|---|---|
| *Ўрди булыт инрашу,* | Булут юрди гуруллаб, |
| *Ақты ақин мунрашу,* | Селлар ёғди шариллаб, |
| *Қалды будун танлашу,* | Одам ҳайрон дайдираб, |
| *Кўкрар тақы манрашур.* (ДЛТ.III.407) | Булут чақмоғ мағрашур. |

Ҳар иккала тўртликдаги тасвир тўғри маънода тушуниладиган бўлса, булутли кун, ёмғирли фасл манзараси акс этган. Лекин шу билан бирга унда рамзий образ даражасига етадиган белгилар мавжуд. Рамзийликни ҳосил қилувчи белги бу одамда булутларнинг гулдирашидан қалбига қўрқув тушишидир. Шунинг учун ҳам биринчи тўртликда шамолнинг ҳувиллаб, бўрон бўлиб гувиллаб келиши халқ бошига ёғилаётган офатнинг хабарчисидир. Ана шу хабардан воқиф бўлган халқ титраб-қақшаб турган бир пайтда қора булут – ёвуз куч ўз тазйиғини ўтказа бошлайди. Тўртликда булутнинг шум ниятли, халқ тақдирига зарар етказувчи ёвуз куч эканлигига урғу бериш мақсадида қора сифатлаш билан кўрсатилган. Ёки иккинчи тўртликдаги селнинг шариллаб қуйиб, одамларни ҳайронлик гирдобига тортиши Булут ва Чақмоқ жангининг асорати натижасидир. Мажози мурсал ва рамзий сифатлаш тасвирий воситаларидан фойдаланилган.

«Девону луғотит турк»да дарахт – *одамнинг* «Кўб сукутга қуш қонар, Кўрклук кишига сўз кэлир» (ДЛТ.I.309), «Шохи кўпга қуш қўнар, Кўрклик кишига сўз келар» рамзий тимсоли сифатида (мажози мурсал), ифодаланган бўлса, «Ҳибатул ҳақойиқ»да эса рамзий ўхшатиш орқали мевасиз дарахт – меҳр-шафқатсиз инсоннинг мажозий образи сифатида поэтиклашган. Карамсиз, шафқатсиз киши мевасиз дарахт кабидир, Мевасиз дарахтни кесиб ёндиргин. (ҲҲ.74). Мевасиз дарахтнинг фойдаси мевали дарахтникидан оз бўлади. У фақат ўт ёқишга ишлатилади. Мевали дарахт эса ҳар йили ҳосил солади инсонларга озуқа бўлади. Шунинг учун у парвариш қилинади. Ҳаётда ҳам меҳр-мурувватли, шафқатли инсонлар қадрланади, меҳрсиз, шафқатсиз одамлар эса таҳқирланади. Демак, меҳр кўрастиш – ҳосил солиш, мевали дарахт мажозида ифодаланиб, меҳрсиз киши – мевасиз дарахт мажозида ифодаланган. Мевасиз дарахтни кесиб ташлаш эса меҳр-мурувватсиз одамлардан юз ўгириш, улар билан муомала қилмаслик керак деган фикрнинг рамзий ишорасидир. «Ҳибатул ҳақойиқ»да бундан ташқари, яна жаҳл, ақл, яхши, тўғри сўз, ёлғон сўз, яхшилик ва ёмонликни ифодаловчи бир неча мажозий тасвирларни кўрамиз. Масалан, ғазаб ўти – жаҳлнинг, шафқат, марҳамат, ҳақиқат суви – ақл, фахм – фаросатнинг мажозий ифодаси, рамзий сифатлаш (ҲҲ.76), тикан – ёвузлик, узум – яхшиликнинг (мажози мурсал) рамзий ифодасида, асал – тўғри сўз, саримсоқпиёз – ёлғон сўз. «Тўғри сўз асал кабидир, ёлғон сўз саримсоқпиёздир, Саримсоқ пиёз еб оғзингни ачитма» (ҲҲ.51). Биринчи мисрада рамзий ўхшатиш, иккинчи мисрада эса мажози мурсалдан фойдаланилган.

«Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида табиат тасвири мажози келтирилган тўртликлардагидек, «Қутадғу билиг» достонида ҳам табиат тасвири орқали жуда хилма хил мажозий тасвирлар ифодаланлигини кўрамиз. Бунда, айниқса, Буғрохоннинг тахтга ўтириши муносабати билан унинг мадҳида келтирилган қасидадаги табиатнинг рамзий тасвири алоҳида аҳамият касб этади. Шоир биргина баҳор келишининг рамзий тасвири орқали ўз орзусидаги адолатли шоҳнинг рамзий тасвирини Буғрохон орқали яратишга ҳаракат қилади:

| | |
|---|---|
| *Туғардын эсә кэлди өңдүн йэли*<br>*Ажун этгүкә асты уштмаҳ йолы* | Шарқдан аввал баҳор насими эсиб келди, |
| *Йағыз йэр йыпар толды кафур кэтиб* | Оламни безаш учун жаннат йўлини очди. |
| *Бэзәнмәк тиләр дунйа көркин этиб.* | Кофур кетиб, бўз ерга ипор тўлди, |
| *Эринчиг қышығ сүрди йазқи эсин* | Олам чиройли қилиб безанмоқ |

*Йаруқ йаз йана қурды давлат йасын.* (ҚБ.72)

истайди.

Зерикарли қишни баҳор насими ҳайдади,

Мусаффо баҳор яна давлат ёйини қурди.

Ел, насим, шамол, сабо каби образлар туркий адабиётда хабарчи рамзлар[76] сифатида кенг қўлланилиб келади. Шарқдан баҳор насимининг эсиб келиши баҳор келиши, шу билан бирга адиб орзу қилган (адолатли шоҳ) Буғрохоннинг тахтга ўтирганлигидан хабар берилишидир. Кофур кетиб, бўз ерларга ипор тўлиши қорлар эриб, ерда турли хил ўт ўланларнинг кўкаришидир. Яъни қорли совуқ кунлар, зерикарли қиш Буғрохондан аввалги шафқатсиз, қабиҳ инсоннинг рамзи. Баҳор насими, мусаффо баҳор – адолатли шоҳ Буғрохоннинг рамзидир. Яъни шоир Буғрохон тахтга келиши билан давлатни тинчлик, омонлик, осойишталик, адолат билан бошқариладиган халқ бошлиғи келганлигини назарда тутади. Парчада жонлантириш ва рамзий сифатлаш каби тасвирий воситасидан фойдаланилган.

Дарахтларнинг яшил кийиниши, мевали дарахтларнинг турли рангларда гуллаши *«Қурымыш йығачлар тонанды йашыл, Бэзэнди йапун ал сарығ кѳк қызыл»,* бўз ернинг юзига яшил парда тортиши, «*Йағыз йэр йашыл борқу йүзкэ бады»,* Буғрохоннинг хитой карвонини тарқатиши *«Хытай арқышы йадты тавғач иди»*, тоғлар, текисликлар, ер, чуқурликлар кўк ва ол кийиб безаниши, турли чечаклар очилиши, оламнинг ипор ва кофур рангларга тўлиши «*Йазы тағ йэр обры тѳшэнди йадыб, Этинди қолы қашы кѳк ал кэдиб. Түмэн тү чэчэклэр йазылды күлэ, Йыпар толды кафур ажун йыд билэ.Саба йэли қопты қаранфул йыдын, Ажун барча бүтрү йыпар буды кин»* (ҚБ.72), инсон ҳатти ҳаракатларининг кўчирилиши билан жонлантирилиб, тасвир портрет даражасига кўтарилган. Буғрохоннинг хитой карвонини тарқатиши (рамзий ўхшатиш, рамзий муболаға) сабабли тоғлар, текисликлар, ер, чуқурликлар (мажози мурсал), кўк ва ол кийиб безаниши, бўз ернинг юзига яшил парда тортиши (рамзий сифатлаш) бег ҳиммати, адолатининг рамзий ишорасидир. Шу билан бирга *тоғ, ер, текислик, чуқурликлар*ҳар хил табақадаги инсонларнинг рамзи бўлиб, бу рамзийлик «кўл, қоши безанди» (синекдоха) бирикмаси орқали англашилади. Турли туман чечаклар (мажози мурсал) ҳам инсонларнинг, олам ипор ва кофур ҳиди (рамзий сифатлаш) билан тўлиши ана шундай яхши инсонларнинг ижобий хислатлари, яхши ҳаёт ҳукм сура бошлаганлигининг рамзий ифодасидир. Чинигул ҳиди – Буғрохон, сабо ели – хабарчи, кин ипор ҳиди – (рамзий сифатлаш) тахтга адолатли шоҳнинг келганлиги. Демак, ушбу рамзий белгилар орқали адолатли шоҳ Буғрохоннинг таърифи бутун дунёга хабар қилинган.

Қуйидаги байтларда эса Буғрохоннинг тахтга келишидан норози бўлган одамлар, унинг қандай хислатга эга эканликларини ифодаловчи рамзий тасвирлар келтирилган:

*Қалық қашы түгди кѳзи йаш сачар*
*Чэчэк йазды йүз кѳр күлэр қатғурар.*
*Тлэтү мэњэ ачты дунйа сѳзин*
*Айур кѳрмадињ-му бу ҳақан йүзин.*
*Удыр эрдыњ эрсэ тур ач эмди кѳз*
*Эшитмэдињ эрсэ эшит энэ сѳз.*
(ҚБ.74)

Осмон қовоғини солди, кўзидан ёш сочмоқда,
Гуллар юз очди, боқ, кулмоқда, қаҳқаҳламоқда.
Таъна қилиб дунё менга сўз очди,
Айтди: Бу ҳоқон юзини ҳали кўрмадингми?
Ухлаётган бўлсанг, тур энди кўзингни оч,
Эшитмаган бўлсанг, сўзни мендан

[76] Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 47-б.

эшит.

Бу ерда *жонлантиришнинг интоқ* туридан фойдаланилган. Осмон қовоғини солиб, кўз ёш тўкиши – Буғрохон тахтга ўтиришидан норози бўлган ёвуз ниятли кишилар, юз очган, қаҳ-қаҳлаган гуллар – Буғрохоннинг тахтга ўтирганига хурсанд бўлган инсонларнинг мажози бўлиб, бунда рамзийлик «кулмоқ», «қовоғини солмоқ», «кўзидан ёш сочмоқ» каби сўз бирикмалари орқали англашилади.

Ушбу байтларда эса Буғрохонинг давлат бошқаруви, душманлардан ҳимоя қила олиш кучи қуйидаги рамзий ишоралар билан ифодаланган:

| | |
|---|---|
| *Булыт уθурәди урды навбат туғы* | Булут гумбурлади, навбат довули чалинди, |
| *Йашын йашнады тартты хақан тығы.* | Яшин яроқлади, ҳоқон тиғини тортди. |
| *Бири қында чықты сунуб эл тутар* | Бири қинидан чиқти, чўзилиб, элларни олаётир, |
| *Бири кұси жавы ажунқа йэтәр.* (ҚБ.74) | Бири довулининг овозаси оламга етмоқда. |

Булут гумбурлаши – навбат довулига, яшин яроқлаши – ҳоқон тиғини тортишига рамзий ўхшатиш орқали ифодаланган. Бунда навбат довули, унинг овозаси оламга етиши, хоқон тиғи, унинг элларни олиши - ҳоқон давлатининг, ҳарбий кучларининг қудратини англатиб келган мажозий тасвирлардир.

Биз юқорида достонда Буғрохон мадҳига келтирилган қасидасида ўз ифодасини топган рамзий тасвирларни таҳлилдан ўтказдик. Бундан ташқари достонда муаллиф турли ахлоқий, фалсафий, ижтимоий характерга эга бўлган жуда кўп мажозий фикр ва мулоҳазаларни ифодаланган. Бунда фасллар, ўсимликлар, сув, ўт, инжу, экинзор ва бошқалар орқали жуда кўп турли хил рамзий тасвирлар яратилган. Қуйида биз шу тасвирларни таҳлилдан ўтказамиз:

«Девону луғотит турк»да бўрон, шамол, ёмғир – душман мажозида келган бўлса, достонда бу образларга яна янгича кўчма маъно оттенкалари юклатилади. Дунё – бойликнинг, бойликнинг беқарорлиги эса бўрон, ел, ёмғирга қиёсланган (рамзий ўхшатиш):

| | |
|---|---|
| *Тўби йэл турур дунйа йағмур саны* | Дунё бўрон, елдир, ёмғир кабидир, |
| *Кэлир чоғлайур тэрк θчәр үны.* (ҚБ.784) | Келади, тез шатирлайди, тез овози сўнади. |

Қуйидаги байтда эса ёшликнинг ўтиши кезувчи булутга, тириклик-ҳаётнинг тез ўтиши бўрон, елга (рамзий ўхшатиш) қиёсланган.

| | |
|---|---|
| *Йурығлы булыт-тэг йигитлигни ыдтым* | Кезувчи **булутдек** йигитликни кетказдим, |
| *Тўби йэл кэчәр-тэг тириглик түгәттим.* (ҚБ.934) | Ўткинчи **бўрон, елдек** тирикликни тугатдим. |

Ушбу байтда эса бўрон ва шамол ҳар қадай дағал, ноўрин, киши кўнглини оғритадиган сўзнинг (рамзий ўхшатиш) мажозида келган:

| | |
|---|---|
| *Туби йэл турур сθз кθңүл ағрытур* | Сўз **бўрон, шамолдир,** кўнгилни оғритади, |
| *Кθңүл ағрыса эр сэни йаврытур.* (ҚБ.644) | Кўнгил оғриса, киши сени танг аҳволга солади. |

Бўрон ва қаттиқ шамол бўлганда йўлидаги нарсаларни аёвсиз учиради, йиқитади, одамларга азоб-уқубат, фалокат олиб келади. Сўзнинг ҳам шиддаткорлиги ана шу хусусиятларга қиёс қилинган.

Туман ҳам, тўзон ҳам, совуқҳаво ҳам инсонга зарар етказувчи табиат ходасаларидир. Ана шу хусусиятлари орқали туман, тўзон, совуқҳаво меҳр-шафқатсиз, зулмли, азобли ҳаётнинг (истиора) рамзий ифодасидир. Кунтуғди элигнинг адолатли

бошқаруви ва ўгдулмишнинг билимга суянган ҳолда давлатни бошқаришлари асосида барча ёвузликлар, азоб-уқубатлар бартараф этилди. Натижада олам тинч, ҳаёт фаровон бўлди. Инсонлар бахтли, фаровонли ҳаёт кечира бошладилар. Ушбу байтда адиб ана шу фикрни рамзий ифодалаган:

*Туман тоз арыды ачылды тоњуқ*
*Түзүлди сүзүлди қамуғ булғануқ.* (ҚБ.870)

**Туман тўзон ариди, совуқлик кўтарилди,**
Ҳамма ифлосликлар тузалди, тозаланди.

Бундан ташқари достонда оғу-заҳарҳам ёмонликнинг мажози сифатида поэтиклашган:

*Эсизлик ағу-ул йэмә бу ағу*
*Ағу йэгли болмас тиригликйэгу.* (ҚБ.774)

Ёмонлик **оғудир, бу оғуни ема**,
Оғу еган тирикликдан баҳраманд бўлмайди.

Эзгу уруғ – яхши амалларнинг, ёмон уруғ – ёмон амалларнинг мажози сифатида поэтиклашган.

Достонда полиз экини бўлмиш, қовун орқали ҳам маълум мажозий маъно поэтиклашганини кўрамиз:

*Нэчә көрклүг эрсә қағун таш йүзи*
*Йыды йа бэдизи йа ээњзи түзи*
*Ичиндә татығ болмаса ул қағун*
*Аны таштын атғу болур эй сиғун.* (ҚБ.758)

Қовуннинг ташқи кўриниши қанчалик чиройли бўлса ҳам,
Ҳиди, ёки сурати ёки бутун шакли манзур бўлса ҳам.
У қовуннинг ичида мазаси бўлмаса,
Уни четга ирқитиш керак бўлади, эй буғу.

Қовун инсоннинг ташқи кўринишиниг мажози. Қовун кўринишидан чиройли, ҳиди анқиган бўлади. Лекин унинг мазаси ичидадир. Шу сабабли ҳам инсоннинг ташқи қиёфасига эмас ички дунёсига назар солиш керак. Агарда унинг ички дунёси ташқи қиёфасидек ижобий аҳамият касб этмаса, яхшиси ундан четроқда юриш керак. Демак, **мазасиз қовун** – ташқи қиёфаси чиройли, аммо ақл-фаросатсиз, нодон кишининг рамзи.

Инсон умрининг икки даври ёшлик ва қарилик, ранг тасвири (оқ, қора), қушлар тасвири мажози бўлимида қушларга (яъни уларин рангига нисбатан) қиёсланганлигини кўриб ўтган эдик. Инсон умрини ифодаловчи кўчимлар баъзан бир-бирига зид қўйилувчи фасллар орқали ҳам ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Маълумки, шарқ адабиётида инсон умри тўрт фаслга қиёсланган. Буни кейинги давр мумтоз адабиётимиз даҳоси бўлмиш Алишер Навоий ижодида ҳам яққол кўрамиз(«Хазойин-ул-маоний»). Достонда инсоннинг ёшлиги баҳорга: «*Йигит эрсә йашыњ йаз эрсә йвлвњ,* Йигит ёшида бўлсанг, **фаслинг баҳор** бўлса (ҚБ.690)», қирқ ёшдан кейинги даври кузга: «*Йашын қырқта кэчсә күн ай эрсә күз,* Ёшинг қирқдан ошса, **куз ой-кунлари** бўлса (ҚБ.690)», кексалик қишга «*Йашын эрсә алтмыш өдүњ эрсә қыш* (ҚБ.690), Ёшинг олтмиш бўлса, **мавсуминг қиш бўлса**» қиёс қилинади.

Достонда инсоннинг руҳий азобланиши, сиқилиши мажозий тарзда тутаб куйишга қиёслаган. ўгдулмиш отасининг касалга чалинганидан, унинг ўлим фурсати етганлигига қайғуриб, қаттиқ изтироб чекиши тутаб куйиш рамзи билан ифодаланган. Табиатан олов икки хил кўринишда ёнади. **Гурриллаб** ва **тутаб**. Тутаб ёниш ўт ёқувчида ҳам қийинчилик ва азоб туғдиради. ўт тутаб ёнганда аччиқ тутун чиқиб, атрофида ўтирганларнинг ҳам кўзида ёш келтиради, тутун ҳиди кўнгилни безовта қилади. Шу сабабли тутаб ёниш – инсоннинг қийноқ-азобга тушишининг рамзи бўлади.

*Йанут бэрди өгдүлмиш айды ата*
*Сэнињ қадғуны йэб күйәр-мә*

Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Ота,
Мен сенинг қайғунгни еб **тутаб**

*түтә*. (ҚБ.234) **куяётирман**.

Достонда фаровон ҳаётнинг азоб-уқубатли ҳаётга айланишини – куни туғмоқ (мажози мурсал) (ҚБ.816), ёруғ куни қоронғулашмайди (рамзий сифатлаш), (ҚБ.454) - яхши ҳаётнинг, куннинг тунга айланиши (мажози мурсал), (ҚБ.636) - сўз бирикмалари орқали рамзий тарзда ифодаланган.

Хуллас, ҳаёт давом этаркан, атроф-муҳит, яъни, бизни қуршаб турган табиат ҳам ҳаракатда, янги-янги қирраларини намоён қилиб боришда давом этади. Фалсафий жиҳатдан мушоҳада этадиган бўлсак, инсон табиат воқеа-ходисаларини қанчалик ўрганиб боргани сари, ўзини, ҳаётдаги ўрни, вазифасини ҳам янада юқори даражада англаб боради. Ана шу жиҳати билан табиат инсоннинг ижтимоий ҳаётидаги ўрнини, бурчини белгилаб бериш воситасидир.

«Девону луғотит турк»да «Қиш ва ёз» мунозараси асосида келтирилган тўртликларда яхши ва ёмон инсонларнинг рамзий тасвири ифодаланган. Бунга қиш ва ёздаги хусусиятлар яхши ва ёмон одам хусусиятларига қиёс қилинган ҳолда эришилган. «Қутадғу билиг»да эса қиш ва ёз фасллари орқали инсон умрининг ёшлик, ўрта ёшлик, кексалик даврлари ифодаланган. Бундан ташқари бўрон, ел, момоқалдироқ, сел, қора булут ёмғири каби сўз ва сўз бирикмалари (уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда) – душманинг рамзий тавирини яратишга восита бўлиб хизмат қилган.

«Қутадғу билиг» достонида наботот олами орқали ижтимоий ҳаётдаги яхши, ёмон одамлар, яхшилик ва ёмонлик, дунё ўткинчилиги, ёшлик ва кексалик, билимли ва билимсиз инсонлар, ақл-билим, тириклик, ўлим, ёвузлик тасвирлари рамзий ўхшатиш, рамзий сифатлаш, рамзий киноя, мажози мурсал каби тасвирий воситалар асосида ифодаланган ва муаллиф илгари сураётган ғояни англашни ва таъсирдорлик доирасини кенгайтирган.

Рамзий тасвир яратишда ҳар иккала асарларда ҳам бир образдан ҳам ижобий ҳам салбий аҳамиятга эга бўлган рамзий образ, рамзий тасвир яратиш кузатилади. Буни булут, шамол, ёмғир, дунё (бойлик), адолат суви, шўр сув, мевали ва мевасиз дарахт кабиларда кўрамиз. Бу эса рамзийлик янги-янги маъно қирраларини ифодалашнинг понтенциали эканлигини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар**:

1. Мутталибов С. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. III томлик. – Тошкент: ЎзФА, 1961-I-том, 1962-II-том,1963-III-том.

2. Каримов К. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: Фан, 1972.

3. Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ» асари ҳақида». – Тошкент: Ғ.Ғулом. 1972.

4. Жўраев Маматқул. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: фил.фан.док. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореф. – Тошкент, 1996.

5. Ҳайитметова Н. Ҳалима Худойбердиева шеърларида тупроқ тимсоли. «Ўзбек тили ва адабиёти». – 2004. №3. 58б.

6. Йўлдошев Н. Чўлон поэзиясида куз образи. «Ўзбек тили ва адабиёти». – 1993. №4. 58б.

# “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДАГИ МЕТАФОРАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

***Ибрагимов Жасурбек Тулкинжон ўғли***
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*
*“Ғарб тиллари” кафедраси инглиз тили ўқитувчиси*

***Аннотация.*** *Илк туркий қўлёзма ҳисобланган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонини ўрганиш учун сўнгги бир аср ичида жуда катта амалий ишлар бажарилди. Шундай бўлса ҳам унинг туб моҳиятини етказиб беришда жузъий камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар, асосан, хорижий тилларда амалга оширилган таржималарда кўришимиз мумкин. Мазкур мақолада “Қутадғу билиг”даги истиораларини хорижий тиллардаги таржималари асосида қиёслаб таҳлил қилинган. Илмий мақола устида ишлашда оригинал ҳамда учта версиядаги таржималари таҳлил қилинди ва ўрганилди. Натижада ҳар бир таржимада баъзи бир фарқли томонлари кўзга ташланди.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *метафора, бадиий тасвир воситалари, ўхшатиш, таржимон, муаллиф, йетакчи ғоя, асл мазмун, фарқ, юксак тайёргарлик, давлат, елиг, бадиий адабиёт, таҳлил*

***Аннотация.*** *В прошлом веке была проделана большая практическая работа по изучению эпоса «Кутадгу билиг» Юсуфа Хос Ходжиба, первого турецкого манускрипта. Однако в доставке его сути есть недостатки. Эти недостатки проявляются в основном в переводах на иностранные языки. В данной статье представлен сравнительный анализ метафор в Qutadgu Bilig на основе их переводов на иностранные языки. При работе над научной статьей были проанализированы и изучены переводы оригинала и трех версий. В результате в каждом переводе есть некоторые отличия.*

***Опорные слова и выражения:*** *метафора, средства художественного описания, аналогия, переводчик, автор, ведущая идея, исходное содержание, отличие, высокая готовность, состояние, правомочность, художественная литература, анализ.*

***Abstract.*** *A great deal of practical work has been done in the last century to study the epic "Kutadgu bilig" by Yusuf Hos Hojib, the first Turkish manuscript. However, there are some shortcomings in the delivery of its essence. These shortcomings can be seen mainly in translations in foreign languages. This article provides a comparative analysis of the metaphors in Qutadgu Bilig based on their translations into foreign languages. While working on the scientific article, the translations of the original and three versions were analyzed and studied. As a result, there are some differences in each translation.*

***Keywords and expressions:*** *metaphor, means of artistic description, analogy, translator, author, leading idea, original content, difference, high readiness, state, elite, fiction, analysis.*

Таниқли олим Қаюм Каримов “Қутадғу билиг” ҳозирча бизгача етиб келган туркий бадиий адабиёт намуналарининг енг кўҳнаси дея фикр билидирганда ҳеч ҳам адашмаган эди [1, 7]. Чунки, асар XI асрда Қорахонийлар даврида яратилган бўлса хам ҳанузгача, нафақат туркий дунё олимларининг, балки ғарб олимларининг ҳам диққат марказидаги асар ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимизда “Қутадғи билиг” асари устида бир неча салмоқли таржималар ва илмий ишлар амалга оширилган. Таржима борасида филология фанлари

номзоди Қаюм Каримов ва филология фанлари доктори Боқижон Тўхлиевнинг қилган ишлари таҳсинга сазовор. Таржимашунослик, адабиётшунослик, методика каби соҳаларда амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари асарни ҳар томонлама тушунарли билишига ҳисса қўшган. Уларнинг ичида Қ.Содиқов, Б.Тўхлиев, З.Содиқов, Қ.Сидиқов ва бошқа бир неча олимларни илмий ишларини санаб ўтиш ўринли.

Ғарбда "Қутадғу билиг" таржимаси юзасидан қилинган ишлар, бу асарни ғарб ҳамжамиятида ўрганишга бўлган эьтибор юқори даражадалигидан далолат беради. Ғарбда "Қутадғу билиг" устида илк тадқиқотларни олмон тадқиқотчи ва таржимонлари Ҳерман Вамбери ва Вилҳельм Радловлар амалга оширилган. 1870 йилда Ҳ.Вамбери асарнинг лотин ёзувидаги транскрипсия ва унинг олмонча таржимасини чоп эттирди. 1890 йилларда эса олмонча иккинчи таржима В.Радлов томонидан амалга оширилган

Инглизча таржималар иккита бўлиб улар икки хил, яьни шерий ва насрий усулда таржима қилинган. 1983йилда асарнинг Роберт Денкофф томонидан амалга оширилган инглизча насрий таржимаси яратилди. Кейинчалик, Волтер Мей томонидан амалга оширилган таржимаси китобхонлар ихтиёрига топширилди.

Асар хажм жиҳатдан катталигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу мақоланинг обекти сифатида кирилча транскрипсия ҳамда Қаюм Каримов томонидан амалга оширилган ўзбекча ва икки инглизча таржима танлаб олинган. Икки тилда амалга оширилган таржималардан танлаб олинган мисралардаги ғарбда метафора шарқда истиора номи билан юритилиб келинаётган бадиий тасвир воситасини қиёсий таҳлили бажарилиши керак бўлган муҳим бир ишлардан бирилигича қолмоқда.

Метафора ўзининг сержилолиги ва қадимийлиги билан қолган бадиий тасвир воситаларидан ажралиб туради. Қуйида берилган мисраларда метафорани икки тилда берилган таржимаси орқали қиёсланади:

**Кирилча транскрипсия ва Қ. Каримов таржимаси:**

*Элин этти тузди байуды будун*
*Бўри қой била сувлады ул ўдун (439)*
*Elida tartib oʻrnatdi, uni tuzdi, xalq boyidi,*
*U davrda boʻri qoʻy bilan suv ichdi. [1, 124-125]*

**Р. Денкофф таржимасида:**

*He put his kingdom in good order and the people grew rich.*
*The wolf drank together with the sheep in that time. [2, 54]*

**Мазмуни:**

*У қиролликда тартиб ўрнатди ва халқ бой бўлди,*
*Бу даврда бўри қўй билан биргаликда сув ичарди.*

Бўри атамаси асарда турли образларни гавдалантиради: лашкарбоши, сарой амалдори, ўлим ва ҳоказо. Қўй атамаси эса кўп ҳолларда халқ маъносида келтирилади. Юсуф Хос Ҳожиб Табғоч Қорахонни тахтга келиб, адолат ўрнатгани, сарой амалдорлари-ю, оддий халқ – ҳаммаси биргаликда фаровон ҳаёт кечира бошлаганини ушбу байт орқали ифода етган. "Бўри", "қўй" ва "сувлады" сўзлари кўчма маьнода қўлланилган. Денкофф ҳам таржимада шоир талқинини қолдирган. "Wolf", "sheep" ва "drank" сўзлари худди шу маънода қўлланилган.

**В.Мей таржимасида:**

*All prospered, and friendship and care was the rule,*
*And lion and lamb jointly lapped at the pool! [3, 85]*

**Мазмуни:**

*Ҳамма нарса яхшиланди, дўстлик ва ғамхўрлик ҳукмрон бўлди,*
*Шер ва қўзи биргаликда бир ҳовуздан сув ичарди.*

Мей "Бўри", "қой", "сувлады" атамаларини "lion", "lamb" ва "lapped" деб беради. Ҳар иккала таржимон ҳам бу мисралардаги метафора санъатини сақлашган.

Таржимадаги икки хил ҳолатга эътиборимизни қаратсак, яна бир савол туғилиши табиий: Нега Мейнинг талқинида бошқа образлар қўлланилган? “Бўри” ўрнида “lion” – шер ва “қўй” ўрнида “lamb” – қўзичоқларнинг ишлатилиши натижасида Мей байтнинг тасвирийлигини янада оширган. Негаки, биз шер деганда олдида қирол сўзини ҳам тасаввур қиламиз, яъни қирол шер каби. Мисра орқали қироликка мансуб шахслар оддий халқ билан бирга фаровон ҳаёт кечираётгани англашилган.

Кўришимиз мумкинки, икки таржимон оригинал версиядаги метафорани сақлашга ҳаракат қилган. Лекин инглиз тилидаги икки таржимада турлича сўзлар кўчма маъно бериш учун хизмат қилган.

**Кирилча транскрипсия ва Қ.Каримов таржимаси:**

*Булар-ул суруг қойқа эркач саны*

*Қойуғ башласа сурса йолча кўни.*(4249)

Булар қўй суруки орасидаги така кабидирлар,

(Токи) қўйни бошласа, тўғри йўл бўйлаб олиб борса. [1, 650-651]

**Р.Денкофф таржимасида:**

*They are like the ram which leads the flock of sheep onto the straight path. [2, 128]*

**Мазмуни:**

*Булар қўйлар подасини тўғрига бошлаб борадиган қўчқорга ўхшайдилар.*

Юсуф Хос Ҳожиб олимларни, яъни илм ва заковатни қадрлайди, у илмни тубанликдан олиб чиқиб, тўғри йўлга солувчи куч деб изоҳлайди. Юқоридаги мисраларда у олимларни сурук қўй (суруг қой), яъни халқни тўғри йўлга бошловчи серкага (саны) менгзайди. Шоир бу байтда ҳам истиорани қўллаган. Денкофф эчки атамасига тўхталмаган, у подани “қўчқор” (the ram) бошқаради деб айтади. “суруг қой” бирикмаси ўрнида эса “the flock of sheep” бирикмасини қўллайди.

**В.Мей таржимасида:**

*For they’re like sane goats, in a flock of lost sheep;*

*The goats show the way, and to that path they keep. [3, 324]*

**Мазмуни:**

*Улар адашган қўйлар подасидаги ақлли эчкилардир,*

*Эчкилар уларга ўз йўлларини кўрсатадилар.*

Мей “суруг қой” ни “a flock of lost sheep”, яъни “адашиб қолган қўйлар подаси” деб таржима қилади ва серка атамаси ўрнида “сане гоат”- ақлли эчки бирикмасини қўллайди. Бу билан биз бир тилда икки хил ёндашилганини кўришимиз мумкин. Денкофф сингари Мей ҳам байтда ўхшатиш воситаси “like” дан фойдаланган. Шунинг учун, метафора бадиий воситаси таржимада ташбеҳга айланиб кетган.

**Кирилча транскрипсия ва Қ. Каримов таржимаси:**

*Уқуш бирла эслур киши артақы*

*Билиг бирла сузлур будун булғақы (218)*

*Kishi(lar) buzuqligi zakovat bilan tozalanadi,*

*Xalq bulg‘onig‘i bilim bilan suziladi. [1, 94-95]*

**Р.Денкофф таржимасида:**

*The criminal is banged by force of intellect, and civil turmoil is suppressed by means of wisdom. [2, 45]*

**Мазмуни:**

*Қинғир ишлар салоҳият кучи билан тартибга солинади, фуқаро тартибсизликлари донолик билан йўқотилади.*

Билим ва заковатга бағишланган ушбу мисралардаги метафоралар “*артақы*” ва “*булғақы”* сўзлари одамлар орасидаги ярамасликлар, ифлосликлар ва бузуқликлар ўрнида, “эслур” сўзи эса яхшилаш, тозалаш маъносида ишлатилган. Денкофф бу сўзлар ўрнида “*criminal*” – жиноий ишлар, “*force of intellect*” – салоҳият кучи, “*civil turmoil*” –

фуқаро тартибсизликлари ва “*means of wisdom*” – донолик воситаси бирикмаларини ишлатади. У халқни фуқаролар деб беради.

**В.Мей таржимасида:**

*For learning drives out all ill-doing and vice,*
*While knowledge solves people's alarms in a trice.[3, 30]*

**Мазмуни:**

*Ҳамма зўравонлик ва қинғир ишларни заковат тозалайди,*
*Билим одамларнинг ваҳимасини дарҳол изга солади.*

Юқоридаги ҳолат билан қиёслайдиган бўлсак, Мей “*ill-doing*” – қинғир ишлар, “*vice*” – зўравонлик, “*people's alarms*” – одамларнинг ваҳимаси, саросимаси деб табдил етади. Денкофф ва Мей таржималари орқали байтдан англашиладиган маънони очиб беришган.

Хулоса ўрнида таржимада ҳар доим ҳам метафорани сақлаб қолиш қийин вазифа, шунинг учун ҳам метафорани инглиз тилидаги таржималарида ўхшатишга алмашиб қолганини учратамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. Transkripsiya va hozirgi o‘zbek tiliga tavsif. Q.Karimovniki. – Toshkent: Fan, 1971.
2. Yusuf Has Hajib. “Wisdom of Royal Glory” Translation with an Introduction and Notes by Robert Denkoff. The University of Chicago Press, - Chicago: 1983
3. Yusuf Balasaguni. Beneficent Knowledge // Translated into English by Walter May. – Moscow-Bishkek: 1998.

## “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДА СИНТАКТИК ПАРАЛЛЕЛИЗМЛАР

***Нигмонов Абдулазизхон Сафиюлло ўғли***
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси*

***Аннотация.*** *Туркий халқлар адабиёти тарихини ўрганиш, ота-боболаримизнинг бой бадиий тафаккури маҳсули бўлган асарларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. XI аср ёзма адабиётининг йирик намуналаридан бўлмиш Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги синтактик параллелизмларни таҳлил қилиш орқали асарнинг бадиий қиймати, адибнинг поэтик маҳоратини баҳолаш мумкин. Асарнинг ғоявий томонлари нақадар муҳим бўлса, адабиёт аҳли учун унинг шаклий томони ҳам шу қадар муҳимдир. Зеро, асардаги синтактик параллелизмлар тахлили ўша давр адабий муҳити, аждодларимизнинг лисоний ва бадиий тафаккури ҳақида қимматли маълумотлар беради.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *параллелизм, синтактик параллелизм, тематик параллелизм, ритм, ритмик бўлак, ритмик-синтактик параллелизм, такрор, аруз, ҳижо, шакл ва мазмун.*

***Аннотация.*** *Важно изучать историю литературы тюркских народов, изучать произведения, являющиеся продуктом богатого художественного мышления наших предков. Можно оценить художественную ценность произведения, поэтическое мастерство писателя, проанализировав синтаксические параллели в произведении Юсуфа Хоса Ходжиба «Кутадгу билиг», одном из крупнейших образцов письменной*

*литературы XI века. Как важны идеологические аспекты произведения, так и его формальный аспект важен для литературного сообщества. Действительно, анализ синтаксических параллелей в работе дает ценную информацию о литературной среде того периода, лингвистическом и художественном мышлении наших предков.*

***Опорные слова и выражения:*** *параллелизм, синтаксический параллелизм, тематический параллелизм, ритм, ритмический фрагмент, ритмико-синтаксический параллелизм, повтор, аруз, слог, форма и содержание.*

***Abstract.*** *It is important to study the history of literature of Turkic peoples, to study works that are the product of the rich artistic thinking of our ancestors. You can appreciate the artistic value of the work, the poetry of the writer by analyzing the syntactic parallels in the work of Yusuf Khos Khojib "Kutadg'u Bilig", one of the largest examples of written literature of the XI century. As the ideological aspects of a work are important, its formal aspect is important for the literary community. Indeed, the analysis of syntactic parallels in the work provides valuable information about the literary environment of that period, the linguistic and artistic thinking of our ancestors.*

***Keywords and expressions:*** *parallelism, syntactic parallelism, thematic parallelism, rhythm, rhythmic fragment, rhythmic-syntactic parallelism, repetition, aruz, syllable, form and content.*

Ўзбек адабиёти тарихига назар солганда, шубҳасиз, унинг бой адабий меросга эга эканлиги кўзга ташланади. Бу адабиётнинг илдизи узоқ даврларга бориб тақалади. Унинг шаклланиши ва тараққиёти бевосита қадимги туркий адабиёт билан мустаҳкам боғлиқ. Чунки ўзбек адабиёти қадимги туркий адабиёт негизида ривож топган. “Қадимги турк давридаги адабий анъана изсиз йўқ бўлиб кетмади, балки ўзида мураккаб эстетик-адабий тизимни гавдалантирадиган мумтоз туркий шеъриятга кириб келди”[77]. Қадимги туркий адабиёт намуналари: ўрхун ёдномалари, “Қутадғу билиг”, “Девону луғати-т-турк”да сақланиб қолган бадиий ижод намуналарининг шаклий-поэтик хусусиятлари илк классик даврдаги туркий адабиётда давом этгани туркий адабиётнинг узлуксиз равишда тараққий этганини кўрсатади.

Турли тилларда, ҳатто бир тилнинг ўзида гапда сўзларнинг бирикиш усуллари, гаплар ва муракккаб синтактик бутунликларнинг шаклланиши турли даврларда ўзаро фарқланади. Улар шу тилда сўзлашувчи халқнинг тарихи, ўсиб, такомиллашиб бораётган ўзаро мулоқотга бўлган меъёрий талаблар натижасида ўзгариб, сайқалланиб боради[78]. Шундай экан, тилдаги бирор-бир ҳодисани энг қадимги давр намуналаридан бошлаб ўрганиш тилнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилишга имкон яратади.

Ёдгорликларда бадиий фикрлашнинг маҳсули бўлган воситалардан бири бу шеърий асарлар учун ҳам, прозаик асарлар учун ҳам умумий бўлган параллелизмлардир. Параллелизм бадиий ифода усулларининг алоҳида тури бўлиб, адабиёт ва фольклорда кенг қўлланади. Бу ҳодиса поэтик синтаксиснинг тадқиқот объекти сифатида бадииятда кенг тарқалганлиги билан аҳамиятли[79].

Синтактик параллелизмнинг юзага келиши учун унинг таркибидаги параллел бирликлар уч талабга жавоб бериши керак: бир хил миқдордаги бирликлар, бир хил грамматик қурилиш, сўзларнинг айни тартиби.

---

[77] Стеблева И. В. Семантика газелей Бобура. – М.: Наука. 1982. – С. 5.

[78] Шукуров Р. М. Параллел синтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 2004. – Б. 13.

[79] Nig'monov Mr, A. (2020). Rhythmic-syntactic parallelisms in old turkic poetry (by example of extract from “Devon Lugati-t-Turk”). The Light of Islam, 2020(1), P. 187.

Синтактик параллелизм фольклор жанрларида, шеърий нутқнинг турли кўринишларида, айниқса, тўртликларда яхлитликни таъминловчи асосий ва кучли восита сифатида намоён бўлади. Параллелизмлар шаклланишида ва ўзига хос оҳангдорлик касб этишида такрорларнинг алоҳида ўрни бор.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф хос Ҳожиб қаламига мансуб "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асари ўз даврининг тарихий, адабий, маънавий-дидактик ва сиёсий-ижтимоий ҳаётига доир қимматли маълумотларни жамлаганлиги билан дунё олимлари эътиборидан тушмай келмоқда.

Тавғач Буғрахонга тортиқ қилинган, ўн уч минг мисрадан ортиқроқ ушбу асар ўзида давлат бошқаруви, тузуми, жамиятдаги ижтимоий табақалар, адолат ғоялари, киши эгаллаши лозим бўлган фазилатларни баён этган. Айни дамда асар тузилиши, тил хусусиятлари, бадиияти, баён услубининг аҳамияти унда илгари сурилган ғоялардан асло кам эмас. Бугунги кунда "Қутадғу билиг"нинг уч нусҳаси фанга маълум: бири уйғур, иккиси араб хатида битилган. Биз асардаги параллелизмларни таҳлил қилар эканмиз, унинг уйғур ёзувидаги Ҳирот нусхасига таянамиз[80].

Тилшуносликда параллелизм тил ёки нутқ бирликларининг такрорланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи ҳодиса сифатида қаралиб, унинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик параллелизм каби турлари қайд қилинади.

Асарнинг кириш қисмидаёқ синтактик параллелизмни учратамиз. Муаллиф асардаги асосий тўрт қахрамон ва уларнинг лавозимлари ҳақида баҳс юритар экан, синтактик параллелизмдан унумли фойдаланган. Бунда икки ёки ундан ортиқ мотив тенг ва ўхшаш синтактик бирликлар орқали ифодаланади:

*'Adilqa Küntuğdï elig at berip, padšah özingä tegmiš turur. Davlatqa Aytoldï at berip, vazir ornïnğa ornatmïš turur. 'Aqilqa Ögdülmiš at berip, vazirnïŋ oğlï yerindä tutmïš turur. Qana'atqa Odğurmïš at berip, vazirnïŋ qarïndašï tep aymïš turur* (ҚБ,30).

«Адлга Кунтуғди элиг от бериб, подшоҳ лавозимида тутибди. Давлатга Ойтўлди от бериб, вазир ўрнига қўйибди, Ақлга Ўгдулмиш от бериб, вазирнинг ўғли ўрнида тутибди. Қаноатга Ўзғурмиш от бериб, вазирнинг қаридоши деб айтибди».

Юқорида келтирилган мисолда, тўрт параллел қатор мавжуд бўлиб, Улардаги синткатик тузилишнинг ўхшашлиги ва айрим бирикмаларнинг такрори параллел қаторларни бир-бирига боғлаб турувчи унсур вазифасини ўтаган. Биринчи параллел қисм қуйидагича тузилган: тўлдирувчи+изоҳловчи+кесим. Тўртала қатордаги биринчи параллел қисмларнинг синтактик жиҳатдан бир хил тузилиши хамда *at berip* феълининг ҳар бир қисм сўнгида такрорланиб келиши синтактик параллелликка ўзига хос ритмлилик бахш этган ва унинг эмоционаллигини ҳамда ёдда қолиш имкониятини кўтарган.

Ҳар бир қатордаги иккинчи параллел бирликларнинг синтактик жиҳатдан тузилиши ҳам ўхшаш: аниқловчи+ҳол+кесим. Синтактик қаторлар сўнгида ритмлиликни таъминлаган от-кесимнинг ҳар бир қаторда бир хил, яъни *ҳаракат номи* + *turur* боғламаси тарзида қўлланганi, параллел қаторларни ўзаро боғлаш ва эмоционал кўтаринкиликни таъминлаш вазифасини бажарган.

Асарнинг назмий қисмида ҳам синтактик параллелликнинг гўзал намуналарини учратишимиз мумкин. Гарчи "Қутадғу билиг"нинг назмий қисми аруз вазнида ёзилган бўлса-да, бу ҳолат асардаги параллелизмларни арузнинг натижаси дейишга асос бўла олмайди. Сабаби шундаки, аруз қаторларнинг вазндаги тенглигига асосланади ва унда синтактик қурилишнинг аҳамияти йўқ, параллелизм эса икки ёки ундан ортиқ

[80] Содиқов Қ. "Қутадғу билиг"нинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхаси. – Т.:ТДШИ, 2010. – 132 б. Кейинги ўринларда "ҚБ" шаклидаги қисқартма тарзида берилади. Ундан кейин келаётган рақам эса мисол олинган бетни англатади.

мисраларнинг синтактик жиҳатдан тенг ёки ўхшаш тузилиши ҳисобига юзага чиқади. Масалан:

*Bular erdi din ham šari'at köki,*
*Alar yüdti kafir, munafiq yüki* (ҚБ,44).
«Булар дин ҳам шариатнинг ўзаги эрди,
Улар кофир, мунофиқларнинг машаққатини тортди».

Келтирилган мисол, тўрт саҳобанинг фазилатига бағишланган учинчи бобдан олинган бўлиб, ритмик-синтактик жиҳатдан параллел қурилгани билан ажралиб туради. Синтактик жиҳатдан биринчи қатор эга+боғлама+ аниқловчи + боғловчи восита+аниқловчи + от-кесим тарзида тузилган бўлса, иккинчи қатор эса эга+кесим+ аниқловчи+боғловчи восита+аниқловчи + тўлдирувчи тарзида тузилган. Ушбу параллел қаторларнинг синтактик жиҳатдан тузилиши тенг, яъни айнан бир хил бўлмаса-да ўхшаш, биргина элемент билан фарқ қилади, холос.

Бундан ташқари, муаллиф вазн талабидан келиб чиққан ҳолда биринчи қаторда *ham* боғловчисини қўллаган бўлса, иккинчи қатордаги уюшиқ бўлакларни боғловчи восита сифатида оҳангни танлаган. Синтаксисдан маълумки, ҳар иккиси ҳам сўзларни ўзаро боғловчи восита экан, муаллиф қай бирини танлаши унинг ихтиёридадир. Бу эса шаклланган параллелликка путур етказмайди.

Синтактик жиҳатдан параллел шаклланган қаторлар орасида мазмуний боғлиқлик мавжуд. *Din* ва *šari'at* ҳамда *kafir* ва *munafiq* сўзлари қарама-қарши қўйилиши натижасида ушбу параллел қаторлар орасида ритмик-синтактик параллеллик вужудга келган. Синтактик жиҳатдан бир хил параллеллик тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлса, ундаги мотивларнинг ўхшашлиги, қарама-қарши қўйилиши, қиёсланиши параллелликни адабиётшуносликнинг ўрганиш объектига айлантиради. Натижада икки параллел қаторда ҳам лисоний, ҳам бадиий тафаккур жамланади. Масалан:

*Qayusï qopar, kör, qayusï qonar,*
*Qayusï čapar, kör, qayu suw ičär* (ҚБ, 46).
«Қай бири кўтарилар, кўр, қай бири қўнар,
Қай бири чопар, кўр, қаюси сув ичар».

Баҳор фаслининг мадҳига бағишланган бобдан олинган ушбу параллел қаторлар ўзида ҳам синтактик, ҳам ритмик хусусиятни жамлаган. Синтактик жиҳатдан ҳар бир қатор учта гапдан иборат ва қуйидагича тузилишга эга: эга+кесим, кесим, эга+кесим. Бу ерда вазн талаби нуқтаъи назаридан амалга оширилган ўзгаришни ҳам кўришимиз мумкин. *Qayusï* сўзи сўнгги параллел қисмга келиб *qayu* кўринишида ифодаланган. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: мазмун *suw* сўзини ишлатишни талаб қилган жойда вазнни таъминлаш учун ижодкор *qayusï* ни *qayu* тарзида беришни маъқул кўрган. Ҳар бир қаторда 11 тадан ҳижо мавжуд бўлиб, агар сўнгги параллел қисмдаги *qayu* ни аввалгилари каби *qayusï* тарзида берганида иккинчи қатордаги ҳижолар сони 12 тага етишига ва бу вазндаги ўзгаришга олиб келган бўлар эди. Параллеллик жиҳатидан ҳар икки ҳолатда келганда ҳам параллелизм бузилмайди. Бу ҳолатни муаллифнинг туркий шеър анъаналарини арузга мослаштиришга уриниши дея баҳолаш мумкин.

Ўхшаш синтактик бирликлар билан ифодаланган мазмун санаш оҳанги ва қарама-қаршилик асосига қурилган. *Qayusï* сўзининг ҳар бир параллел қисм бошида такрорланиб келиши фақатгина параллел қисмларни эмас, балки қаторларни боғлашга ҳам хизмат қилиш билан бир қаторда, санаш оҳангини вужудга келтирган ва ритмлиликни таъминлаган.

Шакл билан мазмун ўзаро боғланиб, бири иккинчисига қарама-карши қўйилади. Бири *qopar* – “кўтарилади”, иккинчиси *qonar* –“қўнади”; бири *čapar* – “чопади”, иккинчиси *suw ičär* – “сув ичади”, яъни “тин олади”. Ушбу мисранинг шаклий тугаллиги, қарама-қаршилик асосида мазмун боғланиши натижасида бадиий

таъсирчанлик ошган, маъно кучайтирилган ва тасвир объекти билан боғлиқ маълумотлар яхлит кўринишга келган. Натижада, парча ўқувчига эстетик завқ, эмоционал кўтаринкилик бериш билан бирга, ёдда осон сақланиб қолади.

“Қутадғу билиг”даги синтактик параллелизмларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, синтактик жиҳатдан тенг ёки ўхшаш эканлигига қараб асарда қўлланган параллелликни тугал ёки тугал бўлмаган турларга ажратиш мумкин.

Тугал синтактик параллелизмларда параллел қаторлар синтактик жиҳатдан тенг, яъни бир хил шаклланган бўлади. Маслан:

*Bulut kökrädi, urdï navbat tuğï,*
*Yašïn yašnadï, tarattï xaqan tuğï* (ҚБ,47).
«Булут гумбурлади, (гуё) навбат довулини чалди,
Яшин яшнади, (гўё) хоқон туғини тортгандай бўлди».

Ҳар бири икки ритмик бўлакдан иборат бўлган параллел қаторлар синтактик жиҳатдан параллел жойлашган. Биринчи ритмик бўлаклар эга+кесим тарзида, иккинчи ритмик бўлаклар кесим+аниқловчи+эга тарзида шаклланган. Бундан ташқари, *tuğï* сўзининг мисралар сўнгида такрор келиши қофия вазифасини бажарибгина қолмай, синтактик қаторларни бир-бирига боғлаш вазифасини бажарган.

Ушбу ритмик-синтактик параллелизмда табиат ҳодисаси жамият ҳодисаси билан қиёсланиши орқали тематик параллеллик ҳам вужудга келган. Булутнинг кўкраши (наъра тортиши), яъни момақалдироқ довулдан дарак бўлса, яшиннинг яшнаши, яъни чақмоқ чақиши хоқоннинг туғидан дарак. Англашиладики, довул катта тезликда кенг ҳудудни қамраб олгани каби, хоқоннинг (Тавғач улуғ Буғрахон назарда тутилмоқда) туғи (байроғи) ҳам яшин тезлигида, довулдай шиддат билан катта бир худуд (оламни)ни қўлга олгани таъкидланмоқда. Табиат ва жамият ҳаётидаги ана шундай мазмуний қиёс ва унинг синтактик жиҳатдан тенг қурилиши ритмик-синтактик параллелликни вужудга келтириб, парчага эмоционал бўёқ беради. Натижада, ушбу мотив ўқувчи онгида тез ва осон қолади ҳамда унга эстетик завқ беради.

Тугал бўлмаган синтактик параллелизмда параллел қаторлар тенг эмас, балки ўхшаш синтактик тузилишга эга бўлади, яъни уларда бирида синтактик тузилиш бироз ўзгача кўриниш касб этади. Масалан:

*Ey dunya jamalï, uluğluqqa körk,*
*Ey mulkatqa nurï, tapïğ qurtğa örk* (ҚБ,47).
«Эй, дунё жамоли, улуғликқа кўрк,
Эй подшоҳликқа нур, ножўя ишлар учун тизгин».

Келтирилган мисолдаги қаторлар ёйиқ ундалмалардан тузилган бўлиб, тўрт ритмик бўлакдан ташкил топган, дастлабки икки параллел ритмик бўлак айни тузилишга эга, бироқ кейинги параллел ритмик бўлакнинг иккинчисида синтактик тузилиш бироз бошқача: биринчиси тўлдирувчи + от-кесим тарзида бўлса, иккинчиси аниқловчи + тўлдирувчи + от-кесим тарзида шаклланган. Айнан шу ўзгачалик, яъни бирор бўлакнинг ортиши ёки тушиб қолиши сабабли параллел қаторлар тугал бўлмаган кўриниш олади. Бироқ бу ҳол улардаги бадиий қийматни камайтирмайди, сабаби мазмун талаби ўлароқ вужудга келган бу ўзгариш, шаклга таъсир кўрсатса-да, мазмунга хизмат қилган, зеро, шакл ва мазмун бирлигида доим мазмун устун туради. Бу эса туркий назмнинг энг муҳим хусусиятларидандир.

Таҳлиллар натижасида шуни таъкидлаш керакки, “Қутадғу билиг” туркий халқлар адабий тафаккурининг бой ва сермаҳсул эканини бадиий йўсинда асослаб берувчи асардир. Зеро, асар ғоявий томонлари билан ҳам, бадиий томонлари билан ҳам ўзгача. Асардаги параллелизмлар кейинги даврларда ўзининг такомилига эришган ва гўзал бадиий ижод намуналарининг яратилишига туртки бўлган.

Параллелизм асосига қуриладиган синтактик бирликлардаги такрор ифодалиликни шакллантиришга хизмат қилади ва шаклий яхлитликни таъминлайди. Турли такрорлар ўзаро алоқанинг муҳим элементи сифатида синтактик бирликларни яхлит бутунлик сифатида шакллантиради.

“Қутадғу билиг”даги синтактик параллелизмлар шаклий хусусиятларига кўра тугал ва тугал бўлмаган кўринишларга бўлинади. Аксарият тугал бўлмаган параллелизмлар қўлланган ўринлар таҳлили шуни кўрсатадики, бундай ҳолатларда ижодкор ё мазмун ёки вазн талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгаришларга йўл қўяди. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам амалга оширилган ўзгаришлар параллел қаторлардаги ритмлиликка ва эмоционал кўтаринкиликка асло путур етказмайди.

Хулоса шуки, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асари қадимги туркий халқларнинг юксакликка эришган ёзма адабиётини, юксак бадиий ҳамда лисоний тафаккурини ўзида мужассам этган қимматли манбадир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Adilov, M. (1974). *Azərbaycan dilində sintaktik təkrarlar*. Bakı.
2. Abdullaev, K. M. (1976). *Sintaksicheskiy parallelizm (na materiale oguzskogo pamyatnika «Kniga moego deda Korkuta»)*: Diss... kand. filol. nauk. Moskva.
3. Abdullaeva, N. D. (1978). *Sintaksicheskaya sinonimiya v sovremennom azerbaydjanskom yazike (na osnove glagolnix oborotov i pridatochnix predlojeniy)*: Avtoref. dokt. diss... filol. nauk. Baku.
4. Adilov, M. (1974). *Sintaksicheskie povtori v azerbaydjanskom yazike*. Baku.
5. Artemenko, E. B. (1976). *Voprosi sintaksicheskogo stroya russkoy narodnoy liricheskoy pesni*. Voronej.
6. Astafeva, I. M. (1964). *Vidi sintaksicheskix povtorov, ix priroda i stilisticheskoe ispolzovanie*: Avtoref. kand. diss. filol. nauk. Moskva.
7. Bəyzadə, Q. (2000). *«Kitabi-Dədə Qorqud dastanları»nda fraza fovqi vahidlərin antisinasiyası.* Bakı.
8. Homidiy, H. va b. (1970). *Adabiyotshunoslik terminlari lug‘ati*. Toshkent.
9. Hotamov, N., Sarimsoqov, B. (1979). *Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati*. I nashri. Toshkent.
10. Kashgari, Mahmud. (2017). *Devonu lug‘ati-t-turk (Turkiy so‘zlar devoni)*. Toshkent.
11. Mamajonov, A. (1991). *O‘zbek tili qo‘shma gaplarining stilistik xususiyatlari*: Filol. fan. dokt. ... diss. Toshkent.
12. Nig'monov Mr, A. (2020). Rhythmic-syntactic parallelisms in old turkic poetry (by example of extract from “Devon Lugati-t-Turk”). The Light of Islam, 2020(1), 185-191.
13. Novruzova, N. S. (2013). Sintaksicheskiy parallelizm v drevnetyurkskix tekstax // *Vestnik MGLU*. Vol. 2013: Iss. 683, Article 23.
14. O‘raeva, D. S. (1993). *O‘zbek xalq lirik qo‘shiqlarida parallelizmlarning xarakteri va badiiy-kompozitsion vazifalari*: Filol. fan. nomz. ... diss. Toshkent.
15. Rahmonov, N. A. (1989). Kultegin yodnomasining poetikasi // *O‘lmas obidalar*. Toshkent.
16. Sarimsoqov, B. (1978). *O‘zbek adabiyotida saj.* Toshkent.
17. Shukurov, R. M. (2004). *Parallel sintaktik butunliklar*: Filol. fan. nomz. ... diss. Farg‘ona.
18. Sodiqov, Q.P. (2009). *Turkiy til tarixi.* Toshkent.
19. Sodiqov, Q.P. (2010). *“Qutadg’u bilig”ning uyg’ur yozuvli Hirot nusxasi.* Toshkent.
20. Stebleva, I. V. (1965). *Poeziya tyurkov VI-VIII vekov*. Moskva.

21. Stebleva, I. V. (1971). *Razvitie tyurkskix poeticheskix form v XI.* Moskva.
22. Tuxliyev, B. (2004). *Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig"i va ayrim janrlar takomili: masnaviy, to'rtlik, qasida.* Toshkent.
23. Yakobson, R. O. (1987) *Raboti po poetike*. Moskva.

## "QUTADG'U BILIG"DA SINONIMLARNING QO'LLANILISH XUSUSIYATLARI

***Sultonova Madinaxon Lutfullo qizi***
*Farg'ona davlat universiteti tadqiqotchisi*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada "Qutadg'u bilig" dagi sinonimlarning leksik-semantik xusuiyati yoritib berilgan.*
***Tayanch so'z va iboralar:*** *sinonimiya, ko'p ma'nolilik, sinonimik qator, misra.*

***Abstract.****In this article the, lexical-semantic features of synonym used in "Qutadg'u bilig" are illisturated.*
***Keywords and expressions:*** *synonymy, a lot of sense, synonymic series, misra.*

***Аннотация.*** *В это статье освещены лексико-семантические особенности синонимов в произвединии «Кутадгу билик».*
***Опорные слова и выражения:*** *синонимия, полисемия, синонимический ряд, мисра.*

Tilimizda sinonim so'zlardan foydalanish takrordan qochish vazifasi bilan birga, til boyligini va nutqning jozibadorligi, ta'sirchanlikni oshirishga va kuchaytirishga xizmat qiladi. Sinonimlar bir xil ma'noli, bir-biriga yaqin so'zlardir.

Sinonimlar – tilning boy ekanini, taraqqiyot darajasini ko'rsatib turuvchi hodisalardan biri. Sinonimlar yordamida nozik ma'no qirralari anglatiladi, voqelika turlicha baho, munosabat ifodalanadi. Sinonimlardan birini tanlab ishlatish bilan voqelikning ma'lum bir qirrasi bo'rttirib anglatiladi, ifodalanadi. O'z fikrini anglatishda, voqelikka o'z munosabatini ifodalashda yagona o'rinli leksemani sinonimlari orasida tanlab ola bilish kerak [1. 78-bet].

"Qutadg'u bilig" da qo'llangan sinonimlar obrazlilik, emotsionlallik, ta'kidni ta'minlashda keng qo'llangan. Misol uchun asarda Yusuf Xos Hojib kitobni bayon qilish barobarida to'rt tabarruk narsani izohlab o'tadi:

Birisi ma adl-ul konilik uza
Ekinchi bu **davlat qut iqbal** tuza
(Biri- to'g'rilik asosidagi adolatdir,
Ikkinchisi-**davlat,** butunlay **qut**, **iqboldir**) [2. 58-59-betlar].

Ushbu misralarda **davlat, qut, iqbol** so'zlari sinoninimik qatorni yuzaga keltirgan. Bir umumiy (birlashtiruvchi) ma'nosi bilan o'zaro bog'lanuvchi so'zlar guruhi sinonimik qator deyiladi. Sinonimik qator ikki yoki undan ortiq so'zdan tashkil topishi mumkin [3. 114-bet].

Sinonimik qatorni tashkil etgan so'zlar qaysidir ma'no qirralari bilan bir-biridan farqlanadi va o'z navbatida ma'no nozikligini ta'minlaydi. Sinonimiya ko'p ma'nolilik hodisasi bilan uzviy bog'langan, chunki sinonimik munosabat leksemalarda leksik ma'nolar bo'yicha voqea bo'ladi. To'g'ridan to'g'ri leksema bilan leksema sinonim bo'lishi uchun ular bir leksik ma'noli bo'lishi lozim. Ko'p ma'noli leksemalarda har bir sema boshqa bir leksema

bilan (agar u bir ma'noli bo'lsa) yoki semema bilan (agar ko'p ma'noli bo'lsa) sinonimik munosabatga kirishadi [4. 77-bet].

Quyidagi misralarda "qut "leksemasi bir sememasida "davlat' leksemasi bilan, ikkinchi sememasida "iqbol" leksemasi bilan sinonimik munosabat hosil qiladi. Davlat-arabcha "boylik, mol-dunyo, mol-mulk" ma'nosini (O'TIL.537-bet), qut esa sof turkiy so'z bo'lib, "boylik", "baxt", "baraka" (O'TIL) ma'nosini bildiradi. Bu yerda "qut"ga nisbatan "davlat" leksemasining ishlatilish doirasi kengroq. Qut baxt ma'nosini anglatilishi bilan iqbol – arabcha "baxt, omad" so'zi bilan sinonimik munosabat hosil qilgan.

"Qutadg'u bilig" matnida berilgan sinonimik qatorlardan biri payg'ambar(s.a.v) xususiyatlarini berishda qo'llangan sinonimlardir:

Ali erdi mundane basaqi talu
**Qur ersig yuraklik** manasi tolu
(Bundan boshqa sarasi Ali edi,
**Qo'rqmas, botir, yurakli**, aqli to'la edi.)

Baytda sinonimlar orqali payg'ambar (s.a.v) fazilatlari, sifatlari yanada yorqin ifodalangan. Misralardagi qur – ersig-yuraglig payg'ambar(s.a.v)ning"qo'rqmas", "botir", "yurakli" kabi fazilatlarini aks ettirishga xizmat qilgan. Bunda sifat so'z turkumiga kiruvchi qur (qo'rqmas) – qo'rqishni bilmaydigan; dovyurak. (O'TIL,415-bet), ersig (mardlik xususiyatlarini mujassam etgan shax, botir) - mo'g'ulcha baatar – qo'rqmas; jasur, bahodir. (O'TIL,329-bet), yuraklig (ko'chma ma'noda "yurakka ega" sifatida, yurakli)- yuragida o'ti bor; qo'rqmas, jasur (O'TIL,91-bet). Ushbu so'zlarni qo'llashda ifoda aniq, yorqin chiqqan.

Konul berdi ham ma yiritti tilig
Ovut berdi qiliq ham qilinchi silig
(Unga ko'ngil [ya'ni aql] berdi, tilini yo'riq (ravon) qildi,
Andisha, **xulq** hamda go'zal **fe'l** ato qildi.)

O'zaro ma'nodoshlik hosil qilgan xulq, "fe'l-atvor, tabiat; kayfiyat, g'azab(O'TIL.423-bet), va fe'l leksemasi "shaxsning atrof muhiti va o'z-o'ziga munosabatida namoyon bo'ladigan, o'zigagina xos xususiyati; xarakteri"(O'TIL.341-bet) kabi ma'nolarni bildiradi. Xulq, fe'l ma'nodosh so'zlarida xulq leksemasi dominant so'z hisoblanib, o'z atrofiga quyidagi ma'nodosh so'zlarni birlashtiradi:

Bunda xulq, axloq, fe'l-atvor so'zlari arab tidan o'zlashgan, xarakter esa yunonchadan olingan. Hozirda bu so'zlar tilimizda keng qo'llaniladi.

Asarda bir o'rinda qo'llanilgan sinonim so'zlar takrordan qochish vazifasini bajarish bilan birga, ta'sirchanlikni oshirishga va ma'noni kuchaytirishga xizmat qiladi.

Basutchi kerak erka yarichiliq
**Uqushlug' biliglig bogu** elchilar
(Er kishiga ko'makchi va yordamchilar kerak,
**Zakovatli, bilimli, dono** el(boshlov)chilar (lozim).

Zakovatli – arabcha "sezgir, aqlli,farosatli"(O'TIL.1250bet) ma'nosini, bilimli – "bilimlarni mukammal egallagan; katta ilmga, ma'lumotga ega bo'lgan; bilag'on, o'qimishli"(O'TIL.260-bet) ma'nosini, dono – forscha "biluvchi, bilimdon; aqlli-zakovatli, donishmand, oqil" (O'TIL.645-bet) ma'nosini bildiradi.



Ma’nodosh so‘zlarning ushbu holatda kelishi ta’sirchanlikni oshirib, takrorning oldini olishga xizmat qilgan. Sinonimlar nutqda qaytariqlarga yo‘l qo‘ymaslik, nutqni ravon tuzish imkoniyatini beradi. Sinonimlar badiiy matnlarda badiiy ruhni obrazli va aniq ifodalab, nutqiy rangbaranglikni ta’minlovchi birlik.

Kular yuz isig soz ula mol tavar
Bosh azad kishilar bu uchka avar
(Iliq so‘z, ochiq yuz (bo‘l), mol va tovar ulash,
Erkin, ozod kishilar bu uch(narsa atrofi)ga to‘planadi.)

Mazku baytda mol bilan tovar, erkin va ozod so‘zlari ma’nodosh so‘z sifatida kelgan. Mol – arabcha “boylik,mulk,pul jamg‘armasini (O‘TIL.610-bet), tovar esa “talab,ehtiyojni ta‘minlovchi oldi-sotdi, bozor munosabatlarining obyekti”(O‘TIL.610-bet) ma’nosini bildiradi. Bunda “tovar”ga nisbatan “mol” so‘zi kengroq qo‘llaniladi.Bu sinonimlarni qo‘llash orqali vaznda ohangdorlik yuzaga kelgan. Adib barcha tillarning so‘z boyligidan mohirona foydalana olgan. Erkin “har qanday to‘siq, g‘ov, monelik va sh.k.dan holi bo‘lgan, erk-ixtiyori o‘zida bo‘lgan” (O‘TIL.49-bet) ma’nosini, ozod – forscha “erkin, hur” ma’nolarini bildiradi. Mazkur bandda qo‘llangan erkin va ozod sinonim so‘zlari barcha uslublarda keng qo‘llaniladi. Ushbu so‘zlar matn tarkibida kelib, fikrni ta’kidlashga, ma’noni kuchaytirishga xizmat qilmoqda.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, “Qutadg‘u biligda” qo‘llangan sinonimlar asarning badiiy ifodasini yoritishga, fikrni aniq ifodalashga, adibning so‘z qo‘llashdagi mahoratini yoritishga xizmat qilgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.Sh.Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. Toshkent: “Universitet”. 2006.
2. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. Toshkent.
3.Shoabdurahmonov Sh. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili.Toshkent:1980.
4. Shoabdurahmonov Sh. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili.Toshkent:1980.
5. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Toshkent (A. Madvaliyev tahriri ostida).

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| **Сўз боши** ......................................................................................................... | | 3 |
| **Уюштирувчи қўмитанинг конференция қатнашчиларига қутлови** ................... | | 4 |
| **Предисловие**................................................................................................. | | 12 |
| **Foreword**.................................................................................................... | | 20 |
| **Önsöz**........................................................................................................ | | 28 |


### "ҚУТАДҒУ БИЛИГ" АСАРИНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТИ ҲАМДА АСАРНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ШАРҚШУНОСЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР


| | | |
|---|---|---|
| **Тўхлиев Б.** | Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг маънавий камолоти ҳақида ........................................................................ | 36 |
| **Elçin İbrahimov** | Türk dünyasında dil politikalarının oluşmasında eserlerin rolü: *Kutadgu bilig'in* araştırılma tarihi ........... | 42 |
| **Аврутина А.С.** | Творческое наследие Сергея Николаевича Иванова – переводчика Юсуфа Баласагуни на русский язык... | 49 |
| **Шафигуллина Л.Ш.** | Письменное наследие тюркского мыслителя Юсуфа Баласагуни ................................................................... | 52 |
| **Atıf Akgün** | Türkiye ve Azerbaycan'da "Kutadgu bilig" araştırmaları hakkında genel değerlendirme ................... | 54 |
| **Rzayeva B.** | Karim Ululu the popular poet, the outstanding representative of Nakhchivan's ashyg scene .................. | 60 |
| **Isaeva Sh.M.** | Peculiarities of translating non-equivalent vocabulary ... | 66 |
| **Хошимов Ш.Г.** | "Ҳукмдорлар адабномаси-Қутағду-билиг"нинг ҳозирги кун жаҳон давлатчилигида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этишда қўлланишининг муҳим йўналишлари ҳақида ............ | 72 |


### "ҚУТАДҒУ БИЛИГ" ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ


| | | |
|---|---|---|
| **Temur Xo'ja o'gli** | Abdurauf Fitratning turkologiyada e'tibordan chetda qolgan "Qutadg'u bilig" matn nashri (1928) ................. | 79 |
| **Gülden Sağol Yüksekkaya** | R.R.Aratning "Qutadg'u bilig" nashrida mukammallikni izlash ................................................... | 89 |
| **Тлеубердиев Б.М., Митбекова З.У.** | Особенности вербализацииструктуры концепта в тексте эпоса«Кутадгу билиг» ...................................... | 99 |
| **Хабибуллина Э.К.** | «Кутадгу билиг» – из истории изучения памятника мировой культуры татарскими исследователями ...... | 104 |
| **Бердалиев А.** | О рукописьных списках «Кутадгу билиг» и о первых их исследователях .......................................... | 107 |
| **Омонов Қ., Махмудов Э.** | "Қутадғу билиг" асарининг эски туркий ёзувли Ҳирот қўлёзмаси ва илк муаллиф нусхаси масаласи.. | 112 |
| **Ҳамидов Х.Х. Жўраева Н.Г.** | "Қутадғу билиг" нинг Ўзбекистон ва Туркияда ўрганилишига доир ..................................................... | 115 |
| **Sabırbek B.T.** | Yeni uygur türkçesi ile yazılmış "Kutadgu bilig" eseri üzerine ........................................................................ | 120 |
| **Арипов М.** | "Қутадғу билиг"даги лингвомаданий бирликлар ...... | 123 |
| **Murodova G.S.** | "Qutadg'u bilig" va "Devonu lug'otit turk" asarlarining vazn jihatidan qiyosi ..................................................... | 129 |

## ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ МЕРОСИ ҲАМДА ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАСИ


| | | |
|---|---|---|
| **Benedek Péri** | Two central asian turkic texts and their relationship to the persian literary tradition. Yūsuf Ḫāṣ Ḥājib's Qutadġu bilig and Ḥaydar Ḫvārizmī's Gulšan al-asrār.... | 132 |
| **Козубаев О.** | Онтология этического учения Юсуфа Баласагуни: опыт философской реконструкции ............................ | 137 |
| **Дадабоев Ҳ.**<br>**Исломова Б.** | "Қутадғу билиг" – қорахонийлар давлатининг ҳарбий низомномаси .................................................. | 142 |
| **Ибирайим А.,**<br>**Жамирова У.** | Ю.Баласоғунийнинг "Қутадғу билиг" китобидаги адолат, бахт, ақл, қаноат тушунчалари ...................... | 146 |
| **Зоҳидий А.** | Юсуф Хос Ҳожиб давлатчилик фалсафий таълимотининг негизлари .......................................... | 150 |
| **Малабаев С.К.** | Дидактико-философские мысли Юсуфа Баласагуни через призму государственного управления новейшей истории Кыргызстана ................................ | 158 |
| **Баратов Д.А.** | К философии первоэлементов (anâsir-i erbaa) и учению о влагах (ahlât-i erbaa), отраженных в «Кутадгу билиг» ........................................................ | 162 |
| **Қўчқорова М.Х.** | Юсуф Хос Хожиб ижодида аҳлоқий маданият масалаларининг ёритилиши ....................................... | 170 |
| **Норбошева М.О.** | Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" достони ахлоқий-тарбиявий асар сифатида ............................. | 175 |


## ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ОЗИҚЛАНГАН ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ВА ШАРҚ АДАБИЁТИДА АДИБ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ


| | | |
|---|---|---|
| **İsmet Çetin** | Kutadgu bilig as a source of values education ................ | 180 |
| **Ramiz Asker** | Kutadgu bilig bibliyografyalari.<br>Библиографии по «Кутадгу билиг» ........................... | 184 |
| **Кожамжарова Д.** | «Кутадгу билик» Юсуфа Баласагунского .................. | 189 |
| **Алимбеков А.К.** | Маънавиятнинг икки дарғаси .................................... | 191 |
| **Ayşe Yücel Çetin** | Ideal people and their characteristics in Kutadgu bilig ... | 194 |
| **Сидиқов Қ.А.** | Юсуф Хос Ҳожиб афоризмлари ва уларни таржимада қайта яратиш муаммолари ....................... | 199 |
| **Ыбырайым А.О.,**<br>**Мадалиев Я.Х.,**<br>**Халикова Н.С.,**<br>**Турсунбаева Г.К.** | «Қутадғу билик» ва халқ оғзаки ижоди ..................... | 203 |
| **Садиқов З.Я.** | "Қутадғу билиг"даги сарой амалдорлари ва хизматчилари индивидуал хослигининг таржимадаги талқини хусусида ................................. | 206 |
| **Тошпўлатова Д.И.** | "Қутадғу билиг"даги айрим шеърий санъатлар таржимасига доир ...................................................... | 210 |
| **Раҳматова Г.О.** | Туркий халқлар оғзаки ижодидаги дидактик ғояларнинг "Қутадғу билиг"да акс этиши ................. | 213 |
| **Зарипова Д.Б.** | XI аср туркий адабиёт ва форс-тожик адабиёти асарларида илм ҳақидаги қарашларнинг қиёсий таҳлили (Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул ҳақойиқ"ва Кайковуснинг "Қобуснома" асарлари мисолида) ...... | 216 |

## “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ПОЭТИКАСИ, УНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ


| | | |
|---|---|---|
| **Содиқов Қ.** | “Қутадғу билиг”дакечган “нутқ” ва “ёзма адабий тил”ни англатувчи сўзлар семантикаси ...................... | 224 |
| **Aynur Öz Özcan** | Kutadgu bilig‘de eş anlamli fiiller ................................. | 232 |
| **Shahid Tasleem** | Yusuf Xos Hojib “Qutadg‘u bilig” dostonining leksik-semantik o‘ziga xosliklari ............................................. | 238 |
| **Boltabayev S.** | “Qutadg‘u bilig”da xitob yuklama va undovlari asosida o‘zbek tilidagi ba’zi so‘zlarning etimologiyasi .............. | 241 |
| **Абдураҳмонова Б.М.** | Ўқувчиларга Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг услубий хусусиятлари ва тилини ўргатиш усуллари ..................................................... | 247 |
| **Мадалиев Я.Х., Халикова Н.С., Турсунбаева Г.К., Омаров Н.Қ., Тасполатов Б.Т.** | «Қутадғу билик»нинг бадиий тили ............................ | 254 |
| **Алимова К.Д.** | Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида сўз ва терминларнинг қўлланиши .............................. | 260 |
| **Мирзоҳидова Л.Б.** | “Қутадғу билиг” достонида наботот олами тасвири.. | 264 |
| **Ибрагимов Ж.Т.** | “Қутадғу билиг”ни инглиз тили таржималаридаги метафораларнинг қиёсий таҳлили .............................. | 271 |
| **Ниғмонов А.С.** | “Қутадғу билиг”да синтактик параллелизмлар .......... | 274 |
| **Sultonova M.L.** | “Qutadg‘u bilig”da sinonimlarning qo‘llanilish xususiyatlari .................................................................. | 280 |

# ҚАЙДЛАР УЧУН

# ЖАҲОН ТУРКОЛОГИЯСИНИНГ БУЮК ОБИДАСИ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ТЎПЛАМИ**

Босишга рухсат этилди: 28.11.2020
Бичими 60х84 1/16 Шартли 17.75 б.т.
100 нусхада босилди. Буюртма №
Тошкент давлат шарқшунослик
университетининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2020 йил